

**ВИЛЬЯМ ШЕКСПИР**

**Танланган асарлар**

# ВИЛЬЯМ ШЕКСПИР

---



РОМЕО ВА ЖУЛЬЕТТА  
ОТЕЛЛО  
УН ИККИНЧИ КЕЧА ЕКИ  
ТУРФА ҲАНГОМАЛАР

# ВИЛЬЯМ ШЕКСПИР

---

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

Беш жилдлик

*Биринчи жилд*

Тошкент  
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти  
1981

**И (Англ)**  
**Ш 42**

**Таҳрир ҳайъати:**

**САРВАР АЗИМОВ, КОМИЛ ЯШИН, ВОҲИД ЗОҲИДОВ,  
УИҒУН, ҲАМИД ҒУЛОМ, АСҚАД МУХТОР, ТУРОВ ТУЛА**

**Тўпловчи ЖАМОЛ ҚАМОЛ**  
**Сузбоши муаллифи ВОҲИД ЗОҲИДОВ**  
**Рассом И. ҚИРНАҚИДИ**

**70404—153**  
**Ш М 352(04)—81 13—81 4703000000**



## БАДИИЙ ДАҲО МУЖАССАМИ

Гениал Гёте ўз асарларидан бирида гениал Шекспир ва унинг ҳаққонийлиги ҳақида сўзлаб, коинот кенглиги ва уммон теранлигидаги маъно, ҳайрат, ҳаяжон ва баланд овоз ила айтган эди:

Табиат, табиат!..

Шу бир оламга тенг мазмунли сўзларда чиндан-да, буюк даҳо мавжуддир, ифодалангандир, унинг беқиёс зеҳни, закоси, ижодининг барча вазминлиги ва гўзаллиги негизи мавжуддир.

Вильям Шекспир барча асарларни ўз ичига олган жаҳон бадиий маданиятининг энг нодир ва гениал ижодкорларидан биридир. У, 1564 йилда Англиянинг унчалик катта бўлмаган Страдфорд шаҳрида дунёга келади. Унинг отаси шу шаҳарнинг йирик савдогарларидан ва айни замонда, кўзга кўринган сиёсий арбобларидан эди. Бир неча вақт шу шаҳарнинг бошлиғи бўлиб ишлаган ҳам. Вильям мактабни тамомлагач, Лондонга келади, бу ердаги театрда дастёр бўлиб хизмат қила бошлайди. Сўнгра Англияда яқинларда ташкил этилган, янги «Глобус» номли халқ театрида 1612 йилга қадар актёрлик қилади ва репертуар-адабиёт масалалари билан шуғулланади, кўп ўтмай ўз пьесалари билан катта шуҳрат қозонади. Ҳаёти жуда мураккаб ва қийин шароитларда, янгилик билан эскилик орасидаги кескин олишувлар жараёнида ўтади. Чиркин феодализм зулми ва реакцияси, пайдо бўлиб разилликни кучайтираётган буржуазия зулми ва реакцияси, тескарчи монархия, амалдорлар зулми ва реакцияси, уларнинг илғор гуманистик ғоя ва ҳиссиётларга қарши шафқатсиз курашлари ғоят шиддатли тус олган жуда оғир ва машаққатли даврда ўтади. Вафотига тўрт йил қолганда Лондонни ташлаб ўз она юртига кетади.

Уйғониш (Ренессанс) даври ҳақида улуғ Энгельснинг машҳур таъбири ва чўнг ҳаяжонли сўзлари ҳам-мамизга маълум. Бу давр чиндан-да, Ғарб ва Шарқ

тарихида, айниқса маънавий ҳаёти, фани, адабиёти, санъати тарихида алоҳида ўрин эгаллаган, алоҳида аҳамиятга молик бўлган жуда катта воқеалардан биридир. У, узундан-узун замонлар мобайнида давом этган машъум ўрта асрчилик зулмати билан қопланган қолоқ жамиятни нурли ижодкорликка, ҳар томонлама тараққиётга олиб чиқа бошлади, таҳқирланиб келган ақл озодлиги байроғини, инсон эмансипацияси шиорини, гуманизм ғояларини баланд кўтариб чиқди. Умуман, дунёнинг бир қанча қисмини қатор жиҳатлардан маълум даражада янги йўлга — тараққиёт йўлига солиб юборди.

Шекспир ижоди Фарбдаги ана шу уйғониш даври адабиётининг чўққиси ҳисобланади. Бу ижод гениал драматик асарлардан ва машҳур сонетлардан ташкил топгандир.

Бу ижод илмий коммунизм асосчилари бўлган Маркс ва Энгельс томонидан жуда юксак баҳоланган эди. Улуғ рус революцион демократлари ҳам унинг ижодини ниҳоят даражада қимматли деб ҳисоблаган эдилар. Буюк инглиз драматургидаги ҳайратомуз бадийлик ва танқидий реализм, конфликтларнинг кескинлиги, активлиги, динамиклиги, образларнинг жуда ёрқинлиги ва баркамоллиги, хилма-хиллиги ва ранг-баранглиги, эркпарварлик, инсонни ва халқни, Ватан ва ҳақиқатни севиши уларни ўзига тортди. Улар Шекспирни унинг реакция монархия ва истибодда қарши, ўз умрини яшаб ўта бошлаган реакция феодализмга ва ривожлана бошлаган мудҳиш капитализмга қарши олиб борган кураши, кураш пафоси ва романтикаси учун, социал маънадорлик ва сиёсий ўткирлик учун жуда катта ҳурмат қилдилар, чоризм ва қолоқлик билан, ҳаётдаги ва одамлардаги феодализм ҳамда капитализм иллатлари билан олишувларида уни актив замондош ва кўмакдош деб билдилар.

Масалан, В. Г. Белинский Шекспир «Ҳамлет»ига ва Ҳамлет ролини ижро этган Мочаловга бағишланган махсус асарида жуда тўлқинланиб ва ҳаяжон ила ёзган эди:

«Ҳамлет!...» бу сўзнинг маъносини тушунасиими ахир? У ғоят улкан ва терандир: унда инсон ҳаёти бор, инсон бор, у — ҳаммамиз, у — мен, у — ҳар биримиз, бир даражада юксак ёки кулгили, аммо ҳамиша аянчли ва мудҳиш маънода... Сўнгра «Ҳамлет» — бутун баъшарият томонидан драматург шоирлар шоҳи деб эълон

қилинган — кўтарилган ва ҳам ўзидан олдин, ҳам ўзидан кейин тенги бўлмаган пурзиё шоҳ тожидаги ниҳоят даражада ёрқин олмосдир...

Бутун инсониятга мансуб бўлган, дунёга шуҳрати кетган номлардан бири ҳисобланган Шекспирни ҳеч бўлмаса эшитиб билмаганлар бормикин?..

Драматург сифатида у билан ҳали ҳам ҳеч ким тенглаша олмади, унинг номи ёнига фақат унинг ўзининггина номини ёзиш-мумкин. У олий даражада ижод қилиш истеъдодига эгадир, унга бутун оламни қамраб оладиган ақл насиб этгандир; айна замонда, у шундай объективлик даҳосига эгадирки, бундай даҳо уни энг баркамол драматург қилди, предметлар аслида қандай бўлса, уларни шундай тушуниш, уларнинг ҳар бирининг ич-ичига кириш ва уларнинг ҳаёти билан яшаш қобилиятига эга қилди... Яна денг, бу объективлик эҳтироссизликдан, лоқайдликдан бутунлай холидир: эҳтироссизлик, лоқайдлик поэзияни барбод қилади, Шекспир эса буюк шоирдир...<sup>1</sup>

Мана, машъум монархия, крепостной тутқунлик ва мудҳиш капиталистик муносабатлар ҳоким бўлган жамиятда «шиддатли Виссарйон» деб ном олган гигант Белинский қандай қараган эди Шекспирга! Мана, унинг ижодида, айниқса «Ҳамлет»да нималарга ургу берган эди улуг революцион демократ танқидчи ва оташин курашчи!

Шекспирнинг илк йирик драматик асари машҳур «Ромео ва Жульетта»дир. Воқеалар Италияда бўлади. Феодализм жамиятидаги энг ярамас ҳисобланган, инсоннинг эзгу истакларига, юксак муҳаббат ҳиссиётига, умуман социал тараққиётга зид бўлган қабилавий душманлик, принципсиз низолар икки, бир-бирини беҳад севган ва жуда катта бахтга ҳақли бўлган ёшларнинг бахти йўлини кесади, севгисини бўғади ва уларни ўлимга олиб келади.

Бу фожиа қуйидагича ва қуйидаги сабабларга кўра юз беради.

Икки хил, бунинг устига бир-бирига душман икки қабила: шуларга мансуб бўлган икки оила — Монтекки ва Капулетти оилалари; уларнинг бир-бирларига теска-

<sup>1</sup> В. Г. Белинский. Собрание сочинений в трех томах. т. 1. ОГИЗ. Государственное изд-во художественной литературы. Москва, 1948. стр. 301—303.

риликлари; бунинг устига ва шу боисдан бу икки она ва икки оталарнинг рози эмасликлари! Мана шу икки қабиллага, икки оилага мансуб бўлган икки ёшнинг мана шу сабабларга кўра, бир-бирларини севишлари ва ҳаёт қуришлари, бахтли бўлишлари мумкин эмас, бунга уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари йўқ, ўлишлари мумкин, аммо бунга, бу сабабларга қарши чиқишлари асло мумкин эмас.

Пьесадаги бош фожиа—ундаги севишган нотавон Ромео ва Жульетталар фожиаси мана шудир, мана шундандир, мана шундайдир! Автор буни гениал тарзда акс эттириб—ифодалаб, фожиа сабабларини чуқур таҳлил қилади, қатъий рад этади, инсон эрки ва севи озодлигини куйлайди, инсон қадр-қимматини кўкларга кўтаради. Асарда инсон, унинг эзгу интилишлари, юрак ва виждон озодлиги, севгиси, қадр-қиммати ҳар нарсадан юқори туради, ҳар қандай қабилачилик ва бойликдан юқори туради. Адибнинг фикрича, инсон даҳоси, қадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқи, тақдири унинг қайси табақа, қабил ва мансабда эканлиги ва қанча давлатга эгаллиги билан эмас, инсоний моҳияти, инсоний фазилатлари билан ўлчанади, белгиланади.

Шундай қараш ва шунга содиқ қолиш, шунга риоя қилиш ҳатто ҳаётдан воз кечишга олиб келадиган улурворликдир, инсонийликка вафодорлик ифодасидир, шу даражада юксак, қудратли ва муқаддас ҳиссиётдир!

Масалаларни буюк гуманист Шекспир мана шундай қўяди, ҳикоя қилади ва ўзининг ғоят сеvimли икки ёш қаҳрамонининг ҳалокатини алам оловида ўртанган ҳолда кўрсатади, феодализм ва антиинсонийлик устидан жуда қаттиқ айбнома чиқаради, шундай асарни инсониятга беради.

Қарангки, шундай қилиб икки буткул бегуноҳ ёшнинг севгиси дунёга сиғмади, дунё эса уларни ўзига сиғдирмади.

Мана диалектика!

Уша замон уларни енгди, аммо севгисини енга олмади, уларнинг севгиси у замонни енгди.

Мана яна бир диалектика!

Умуман, икки бир-бирига қарама-қарши турган социал қутблар, ҳиссиётлар ва кураш диалектикаси, фожиа фалсафаси билан суғорилгандир бу асар...

Ҳа, «Ромео ва Жульетта» аввало даврга сиғмаган сеvги достони бўлиб, шу сеvги қудрати ва фожиасига

бағишлангандир, бу фожиа бонскорлари — феодал жамиятидаги ҳоким антиинсоний шароит ва урф-одатларни фош қилиш ҳамда қоралашга қаратилгандир. Унда севги, вафодорлик, озодлик актив куйланади. Айниқса муҳаббат буюк санъаткор томонидан ниҳоят даражада ҳайратланарли маҳорат билан жуда нозик, самимий, таъсирчан лирик тарзда ифодаланади, эъзозланади. Энг муҳими яна шундан иборатки, авторнинг жуда катта усталик билан кўрсатишича, одамлар севги ва адолат, ҳақиқат ва озодлик учун курашлар жараёнида ривожланадилар, чиниқадилар, ҳатто баъзи иллатлардан тозаланадилар, ўз идеалларига изчил содиқ, фидокор ва муросасиз муборизга айланадилар, ҳар қандай заифликлардан халос бўлиб, улкан баҳодирлик намуналарини намоиш қиладиган бўладилар. Буни драматург, айниқса, Ромео ва Жульетта фаолиятида жуда яхши кўрсатади. Дарҳақиқат, мана, асар яратилганига бир неча юз йиллар бўлган бўлса-да, ҳамон ташвиш тўла дунёда севишганларнинг мадҳи ва муҳофазакори, ёрдамчиси ва курашчиси сифатида актив хизмат қилиб келмоқда. Бу асар аввало миллион-миллион оддий одамлар дилида ўз муаллифининг абадулабад яшашини таъмин этган энг буюк ва халқчил драмалардан биридир.

Шекспирнинг баъзи жиҳатлардан мазкур асарига яқин бўлган бошқа пьесаси машҳур «Отелло»дир. Бу ҳам разил жамият ва муҳит томонидан топталган, қабиллар макри, тубанлиги бўғиб ташлаган соф севги ва одамийлик фожиасига, бир-бирини беҳад севганлар ҳалокатига бағишлангандир. Бу асарда автор ҳар жиҳатдан ниҳоят даражада ифбатли ва назокатли, чексиз севган ва чексиз севилган, юксак одобли ва назокатли маҳбуба — Дездемона образини яратади; мамлакат ва одамийлик учун олишувларда ҳайратланарли баҳодирликлар кўргазган, ўз маҳбубасига буткул ва фидокорона вафодор бўлган, ор-номусни ҳар нарсадан, бутун дунёдан, ҳаётдан, ҳатто маҳбубасидан, маҳбубасига бўлган беҳад муҳаббатидан афзал кўрган ва ғоят маккор, хиёнаткор Ягонинг мудҳиш ният ҳамда ҳаракатлари олдида, бўҳтон ва ифтиролари олдида, улар билан олишувларда ниҳоят заифлик кўргазиб, соддалик ва нодонликка йўл қўйиб, ҳам севгисини, ҳам севгилисини, ҳам ўзини ҳалокат гирдобига ташлаган машҳур мавр Отелло образини яратади. Шундай чексиз юксак ҳиссиёт ва улкан маҳорат ила шу образларни ижод этиб ва

уларнинг чўнг аччиқ фожиасини ғоят қайғули ва чуқур очиб, буларни ҳалокатга олиб келган қабих социал муҳит ва типларга жуда кучли нафрат уйғотади гениал гуманист. Шу билан бирга у, соф севгининг нақадар муқаддас ҳиссиёт ва буюк қудрат эканлигини қатъий қайд қилишга, ниҳоят даражада жиддий, чигал ва алангали ситуациялар яратишга эришади.

Баъзи олимлар, Отеллони рашкчи, дейдилар ва унинг ҳаракатларини, фожиасини, Дездемонани ҳалок қилишининг сабабини шунда кўрадилар. Бундай эмас аслида, бундай фикр ғоят катта масалага, жуда чуқур маъноли муаммога бир томонлама, тор ва юзаки қарашдир. Ўз вақтида Александр Сергеевич Пушкин айтган эдики, Отелло рашкчи эмас, рашкдан Дездемонани ўлдирмади. Отелло ғоят баланд истеъдодли, ҳар томонлама билимдон, жуда олижаноб, ҳақгўй ва ҳақиқатпараст, ажойиб шахсдир. Одамларга адолатли ва инсофли муносабатда бўлиш руҳида ўсган баҳодир лашкарбошидир. У шу қадар юксак одобли ва ҳақиқий одамки, унингча, инсон деган буюк ва муқаддас зот ёлгон гапириши мумкин эмас, гўё шу жумладан Яго ҳам Дездемонадек ғоят тоза ва муқаддас аёлни бекорга энг катта хиёнат у жиноятда ёлгондан айблаши мумкин эмас, бунинг аксини Отелло тасаввурига сиғдиролмайди, бундан Яго жуда усталик билан фойдаланади, икки буюк шахснинг юксак инсонийлигига ва ишончига сунқасд қилади, шу инсонийликка, шу икки шахсдаги барча ажойиб фазилатларга нафрат ҳамда душманлик билан қараб... Оқибатда шундай бўладики, Отеллони ниҳоят даҳшатли фожиага олиб келган нарса Яго макрига қурилган рўмолча воқеаси ва таҳқирланган номус азоби бўлиб чиқади, Дездемонадек энг мусаффо ва муқаддас деб ҳисобланган (Отелло томонидан) маҳбубанинг шундай тубан бевафоликдек чексиз катта хиёнат у жиноятга йўл қўя олишлиги (бўхтонга ишонган Отелло фикрича) даҳшати, алами бўлиб чиқади, алда ниш азоби бўлиб чиқади.

Асосий гап булардагина эмас. Гарчи аввало уннб келаётган разил манфаатпараст буржуазиянинг эгонистик, айёрлик, қотиллик психологиясини, характерини ўзида мужассамлаштирган ва сарой одати ҳамда чиркинликлари руҳида тарбияланган Яго маълум маънода ўзининг мудҳиш мақсадига эришган бўлса-да, лекин унинг бу ғалабаси бир томонлама ва вақтинча бўлди. Ахир, кейин сир очилади, бўхтон маълум бўлади, юксак

одамийликка, одамсеварликка қарши қаратилган макр фош этилади ва Отелло — ҳақиқат Яго — макр устидан ғалаба қилади, ўз айби устидан, яъни Ягонинг бўҳтонларига берилганлиги ва унинг натижасида бегуноҳ малакни асоссиз таҳқирлангани ва ҳалок қилгани устидан жуда жиддий ҳукм чиқаради, ўзини ўлдиради. Бу акт, мана, неча-неча асрлардирки, одамларнинг оптимистик хулосага олиб келмоқда. Яъни Шекспир ва унинг ҳалок бўлган Дездемонаси, Отеллоси, ҳамон ўқувчиларни, томошабинларни хиёнат у жинойтларга, Яго ва унингдек бошқа разилларга, уларнинг ёвузликларига қарши актив курашга ундаб келмоқда. Демак, охириги ва абадий ғалаба инсонпарварлик томонида бўлиб келмоқда.

Шекспирнинг «Қирол Лир» пьесаси ҳам ўзининг чуқур драматизми билан ажралиб туради. Бунинг устига, унда буюк драматургнинг кенг халқ оммаси ҳаёти ҳамда ўта оғир қисматига жуда яқиндан назар ташлаши ғоят сезиларлидир, ҳоким эксплуататор синфлар, уларнинг ўта очкўзликлари, шафқатсизликлари, бойликлари билан бечора, маҳкум, қашшоқ халқ орасидаги тўқнашув, зиддият, контраст анчагина кўрсатилган. Қирол Лир, бир томондан, қатор ижобий ҳиссиётларга эга бўлган шахсдир, аммо иккинчи томондан, асрлар мобайнидаги мустабид ҳокимлар оламида қаттиқ ўрнашиб, анъанага айланиб қолган ўзбошимчалик ва манманликка берилган, ўзини энг буюк ва энг қудратли деб билган, ҳеч ким ва ҳеч нарса билан ҳисоблашмайдиган, ўзини кўр-кўрона тарзда ҳаммадан юқори қўйган, ҳаммадан ақлли деб санаган ҳукмдордир. Ким унга оқилона насиҳат ё маслаҳат берса, ўша одамга душманлик кўзи билан қарайдиган бадбахтдир. Шунинг учун ҳам кўп вақтлар ва ўта чигал, мураккаб, оғир шароитлар ҳамда хавфли ситуацияларда яшайди, унга ким дўст, ким ганим эканлигини пайқай олмайди, ҳатто ўзининг уч қизидан биттаси унинг содиқ, ақлли, самимий ва меҳрибон фарзанд эканлигини, қолган иккиси эса, ғоят зўр макрли, ёвуз ниятли ва ашаддий душман эканликларини, отани ҳалокатга учратиб, ўзлари ҳокимиятга эга бўлишни энг асосий мақсад қилиб олиб иш кўраётганликларини, уларнинг шундай қўпоровчиликка қаратилган алдамчи «ширин» сўз ва лаганбардорликларининг яширин моҳиятини тушунмайди, тушунишни хоҳламайди ҳам. Меҳрибон қизини эса тўғрисўзлилиги ва хушомадгўйликни билмаслиги учун, бошқалар тайёрлаётган фожиани олдини олишга ва

отани ҳалокатдан сақлаб қолишга қаттиқ уринаётганлиги учун қирол Лир қувғинга солади.

Шу тарзда ёмонлик ортидан ёмонлик, фалокат ортидан фалокат келаверади, янги персонажлар қўшилаверади, конфликт ва тўқнашувлар кенгайиб, зўрайиб бораверади, ҳалокат динамик ҳолда яқинлашаверади. Охирда Лир тож-тахтдан, ҳар нарсадан маҳрум этилади, қувғинга, дарбадарликка тушади, қора булут, даҳшатли чақмоқ, момақалди роқ ва бўрон ила тунда қашшоқ одам ҳолида ташландиқ жойда қолади, ҳалокатга мутлоқ маҳкум этилган шахс вазиятига тушади. Ана шунда у ўз хатоларини тушунади, садоқатли қизига кўрғазган зулмидан ёқа чок қилади, бечора халқ аҳволини кўради, қироллик вақтида унга меҳрибонлик ва раҳмхўрлик қилмаганлигидан афеусланади, ачинади, зулм, адолатсизлик, макр, истибдод оламида яшаганлигини, шу оламга ҳоким бўлиб келганлигини англайди. Оқибатда унда инсонпарварлик ҳиссиёти уйғонади, аммо ҳар нарса қўлдан берилган, вақт ўтган, халоскорлик йўли бекилган. Шу ҳолатда қирол қувғин, иложсизлик ва надоматда ҳалок бўлади...

Пьесадан мақсад: манманлик, макр, зулм албатта ҳалокатга олиб келади манманларни, макр ва зулм билан машғул бўлувчиларни. Бинобарин тўғрилиқдан, халқчиллик, инсофлилик ва инсонийликдан яхши нарса йўқ! Мана шуни бадийий восита ва йўл ила кўрсатиш, исбот қилишдан иборатдир асар вазифаси!

Шекспирнинг ҳар жиҳатдан жуда зўр яна бир драмаси «Макбет» деб аталади. Бу асарда ёзувчи яхши ва буюк шахснинг ёмон ниятларга берилиб, ёвуз одамга айланиб кетишини, мамлакат ва раиятга бало тошларини ёғдиришини кўрғазади. Бош қаҳрамон Макбет шундайдир. Бунини шундай қилган омил эса, унинг ғоят чиркин социал муҳитидир. У ҳокимиятни қўлга олиш мақсадида ўзининг ўзи каби қабиҳ хотини ила ҳаракат қилиб, ҳеч қандай разилликдан қайтмайди, ашаддий қотилга айланади, қатор-қатор жуда мудҳиш ишларни амалга оширади, йўлида тўсиқ бўлиб турган ё тўсиқ бўлиб кўринган, сирларини очиб қўйиши мумкин бўлган мухолифларининг ёстиғини энг қақшатқич йўллар ила қуритиш ҳаракатида бўлади. Ҳар қандай алдашлар ҳам унинг хизматида бўлади...

Аммо ёвузлик қанчалик катта, шафқатсиз бўлмасин ва ёвуз нақадар ақлли ва айёр бўлмасин, уларни албатта ҳалокат кутади ва ютади.



Буни Шекспир бутун асар бўйича ниҳоят даражада катта мантиқ, маҳорат ва ҳаяжон ила мураккаб ва даҳшатли шароит ҳамда курашларда, тўқнашувларда тайёрлаб келади ва мақсадига эришади: барча эзгу ниятлилар ўшал ярамасларга қарши ёпирилиб ташланади ва адолат ҳамда ҳаёт ёвузлик ва ўлим устидан ғалаба қилади...

Гарчи Шекспирнинг бир қанча драматик асарларининг бири баланд, бошқаси пастроқ, заиф деб бўлмаса-да, ҳар ҳолда баъзи жиҳатлардан «Ҳамлет» унинг ижодининг чўққиси дейиш мумкин.

Аввало шуни айтиш керакки, пьеса асосида қачондир биров томонидан ёзилган ва шаҳзода Ҳамлетга бағишланган асар ётади. Аммо Шекспир ўша асар асосида бутунлай оригинал ва гениал драма яратади. Бу асар айниқса, ўзининг чуқур фалсафий характери ва жуда кенг социал мазмундорлиги билан ажралиб туради, ниҳоят даражада мураккаб ҳисобланади.

Асар зулм, адолатсизлик, макр, хунрезлик жуда кучайиб кетган даврда ниҳоят даражада оғир ва танг аҳволда қолган гуманизм фожиясининг умумлаштирилган ифодасидир.

Бош қаҳрамон — шаҳзода Ҳамлет. У, жуда ақлли, инсофли, чуқур фикр ҳамда мулоҳазали, ҳақиқат йўлида ҳеч кимдан ва ҳеч нарсадан қўрқмайдиган ажойиб шахсдир. Уни юксак одамийлик ва инсонпарварлик бе-заб туради.

Асарда асосий гап шундан бошланади: Ҳамлетнинг отасини амакиси ўлдирган ва тож-тахтини эгаллаган бўлади. Бу ғоят ваҳшиёна жиноятда унинг онасининг ҳам маълум даражада билвосита иштироки бўлади. Вақтлар ўтади ва жиноят секин-аста ошкор бўла бошлайди. Айниқса ушбу жиноят оқибатида Ҳамлет газабга тўлган ҳолда қирол ва унинг атрофидагилар билан, бутун ҳокимият билан, мамлакатда кенг қанот ёйган қабохату қабиҳлар билан шиддатли тўқнашувларга киришиб кетади. Кураш борган сари оғирлашади. Албатта, бу курашда Ҳамлетнинг диққат марказида қотил амаки — қиролдан ўч олиш мақсадигина турмайди. Ҳамлет масалани борган сари кенг олади. Қотиллик йўли ила тахтни эгаллаган, ҳокимият бошида турган, саройдаги ва мамлакатдаги разилларнинг бошида туриб бош ҳомий сифатида иш кўраётган амакига қарши унинг кураши, ўз онаси тубанлигига нафрати, умуман ҳақиқат ва адолат учун олиб бориладиган катта ва

кенг қўламли, жиддий ва кескин, чуқур маъноли курашув нафратга айланиб кетади.

Шу ерда, аввало, бир нарсани қайд қилиш керак: бир неча Ғарб олимларининг айтишича, мазкур олишув муқаддаротини ҳал қиладиган айрим пайтларда, яъни ҳаёт-мамонт муаммоси кўндаланг бўлиб ва тезда кескин чора кўриш зарур бўлиб қолган баъзи ерларда Ҳамлет гўё журъатсизлик, заифлик кўрсатади. Бу фикр аслида жудаям тўғри эмас. Ҳамлет ниҳоят даражада мураккаб, масъулиятли шароитларда ўзини орқага ташламайди, аксинча, ўйлаб қолади. Ҳа, заифлик, қўрқоқлик кўргазмайди, балки ўйлаб қолади, у гўё бу мураккаб масаланинг узил-кесил аниқ, бўлган-бўлмагани устида, муаммонинг моҳияти, маншан устида, уни энг тўғри ва муваффақиятли ҳал қилиш йўллари устида ўйлаб қолади, у ёки бу воқеа тўғрисида чуқур ўйлаб, жуда қаттиқ ҳаяжонга ё ғазабга келиб, жуда кенг маъноли, умумлаштирилган фалсафий хулосалар чиқариш билан машғул бўлади, бу хулосалар эса, кейин унинг қатъий ва актив иш кўришига ёрдам беради. Мана, масалан, унинг олдига энг катта жиноят, энг аччиқ хиёнат қилган, энг разил, энг шафқатсиз икки шахс — қирол ва унинг хотини (Ҳамлетнинг онаси!) келиб, Ҳамлет билан сўзлашадилар: алам ва азобли шубҳалар алангасида ёнаётган Ҳамлет учун ниҳоят даражада оғир, таҳқирли маслаҳат берадилар, насиҳат қилгандай бўладилар, ўлган (ўлдирилган!!!) отангни эсингдан чиқар, кўнгил очадиган ишлар, ўйин-кулгилар билан машғул бўл, дейдилар...

Шунда Ҳамлет қотил қирол ва қабиҳ қироличага қаттиқ тегмай, кинояли сўзлар айтиб жўнатади.

Шундан кейин эса Ҳамлетнинг танишлари унинг отасининг арвоҳи кўринганини ва бугунги тунда ҳам келиши мумкинлигини хабар берганларида, Ҳамлет айтади:

— Жаҳаннам алангалари оғзимни юмишга мажбур қилсалар ҳам, барибир гаплашмай қўймайман...

Ҳақиқатан ҳам, шу тунда Ҳамлет отасининг арвоҳи кўринади ва ўглини бўлган воқеалардан хабардор этади, ўч олишни илтижо қилади.

Шундан кейин Ҳамлет ҳар нарса аён бўлгач, юқоридаги руҳий драматик фалсафий кайфиятидан чиқиб, актив кураш йўлига кириб кетади.

Ҳамлет содда, ишонадиган ва палапартиш иш кўрадиган одам эмас, балки ҳар нарсани чуқур таҳлил

қиладиган, танқидий кўз билан қарайдиган ва хулосаларда, хулоса чиқаришларда беҳуда шошилмайдиган зўр яродали шахсдир.

Яна: Ҳамлет реалистик образдир, жонли одамдир, ўз Ватанидаги конкрет шароитлар заминида майдонга келгандир, Ватани эса, унинг ўзининг айтишича, ҳам турмадир: Ҳамлет ўз даврининг маҳсулидир, давр эса, ниҳоят даражада, ғаддор, ёвуз, чиркин ва шафқатсиздир. Буларнинг ҳаммаси ёлғизликда қолган, ёлғиз ҳолда бутун давр билан, шу давр истехкоми — сарой билан олишган, самимий гуманист бўлган Ҳамлетда, албатта, гоҳ шу бениҳоя даҳшатли, катта ва чўнг кучли бўлиб кўринган давр билан олишувда беҳуда ҳалокатга йўлиқишни хоҳламаган одамни чуқур ўйлашга, жуда эҳтиёткор бўлишга мажбур этади, қақшатади ҳам. гоҳ унда иккиланишга ўхшаш шубҳа билан қараш кайфиятини ёки саросималик вазиятини яратади, гоҳ эса белгилаш ва изоҳлаш жуда маҳол бўлган муаммоли из қолдиради... Аммо буларнинг барчаси орқага кетишлик ва идеалдан воз кечишлик деган нарса эмас эди.

Ҳа, ниҳоят даражада даҳшатли, ваҳшатли, жуда зўр бўлган ва шундай бўлиб кўринган разил ижтимоий воқелик, қон ва қабоҳат билан тўлиб-тошган жамият, сарой баъзан Ҳамлетни ўйлатиб қўяди, хатто бир оз саросима кайфиятини ҳам яратгандай бўлади. Аммо кўрқитмайди, қатъиятини вақтинча бир оз бўшаштиради, аммо фаолияти активлигини, ҳужумкорлигини йўқотмайди, курашида амалий жиҳатдан халқдан ажралганлиги унинг бу руҳий драмасининг асосида ётади. Аммо кўп он ўтмай дарҳол ўзига келади ва ўзини саросима учун, сал бўлса-да, кечиккан шубҳалар ва ноаниқликлар учун жуда кескин койийди-да, яна қатъий ва шиддатли курашни давом эттираверади.

Юраги, мақсад ва интилишлари, дунёқараши ва орзу-умидлари бутунлай тоза ва юксак бўлган, лекин давр ва ҳокимлар томонидан ҳар қадамда рад этилган, азобга дучор қилинган Ҳамлет учун бу табиий эди, муросасизлик унинг учун олий қонун эди. У ҳатто беҳад севган Офелиядан ҳам воз кечиб юборади, қизнинг бўшлик, гумроҳлик қилиб ўз отаси Полонийнинг бир иғволи топшириғини (Офелия Ҳамлет билан сўзлашсинда, бошқалар яшириниб туриб унинг сўзларини эшитсин) бажарганлиги, яъни севимли Ҳамлетнинг ёмон

ниятли душманларига хизмат қилган одам бўлиб қолганлиги учун.

Ҳа, Ҳамлет довиюрак шахс бўлиб, зўр иродали, чуқур идрокли, кенг мулоҳазали, гуманистик ғояли актив мубориз бўлиб, худди шу нарса унинг ижоди учун характерли фазилатдир. Унинг бундай фаолияти натижа-сида ниҳоят даражада катта ва оғир жиноят-хиёнатлар очилади, разил қирол ва бошқа ашаддий мухолифлари, яъни яхшилик ва адолат душманлари ҳалок бўладилар, унинг ўзи ҳам ҳалок бўлади. Лекин у қотилларнинг ва ҳамтовоқларнинг ҳалокати адолат ва ҳаёт ғалабаси эди. Ҳамлетнинг ҳалокати эса, моҳият-эътибори билан ҳақсизлик устидан адолатнинг тантанаси, одамларни адолат ва юксак идеал учун, ёрқин ҳаёт учун олишув-ларга ундайдиган фожиадир.

Шуни албатта диққат марказида тутмоқ лозимки, Ҳамлетнинг ўлимигина фожа эмас, балки давр унинг бутун онгли ҳаётини фожиалар билан тўлдирди. Ахир, ҳамиша чиркин сарой ва тубан давр билан олишди, рад этди, чидаб бўлмас даражада азоб чекди, гоҳ ҳайқирди, гоҳ ингради, руҳи тушган сониялар ҳам бўлди, лекин ҳеч қачон ва ҳеч ким олдида бўйсунмади, даҳшатли душманга ва дун даврга қарши тик ташланди, гоҳ атрофни ўраб олган адолатсизликдан нафрат ва ғазаби ифрот даражада ошиб кетиб, шубҳаларини аниқлолмай, ўзи жуда оғир, танг руҳий ҳолатда қолган пайтлар бўлди, шу ғазаб ва шубҳалари тазйиқида бўғилиб, кўзларига бутун дунё турма ва ҳасратхона, бемаъни ва чиркин бўлиб кўринди, ўзи шу дунёга сизмай кетди, сизишни ҳам ҳоҳламади, жиноят деб билди, чиркин дунё уни рад этганлиги, у ҳам шу дунёни рад этганлиги ҳиссиётлари, шиддатли курашлари, бу кураш пафоси уни бутун чулғаб олди, ноҳақликларнинг андуҳлари ва аламининг бутун бениҳоя оғирликлари, исканжасида қолгандай бўлди, дод дейиш даражасига етди, лекин юқорида айтганимиздек, тезда ўзини тутиб олди, жангга ё отланди, ё киришиб кетди...

Шундай пайтларда айтилган ва ҳар бирдан ўт чақнаган сўзлар Ҳамлетнинг ҳам ўз халқини, инсонни севганлигидан эди, ҳам улуғворлиги, ҳам ғалабаси, ҳам фожиаси эди, фожиасининг асоси эди.

Умуман, Шекспирнинг кўп жиҳатлардан шоҳ асари «Ҳамлет» чиндан-да, жуда мураккаб ва серқирра трагедиядир, ҳаяжон тўла хазинадир: қотил қирол ҳақиқат фош бўлишидан мустабидлик ила қўлга киритган тахт-

дан ажралиши хавфидан ва интиқом даҳшатларидан титрайди. Ҳамлетга қарши, йўлида турган ҳамма нарсага қарши курашда ҳар қандай қотиллик ва қабиҳликдан қайтмайди: Ҳамлетнинг отасининг саргардон арвоқи қатъий интиқом талаби ва хуружиди: Ҳамлет борган сари зўрайиб алангаланаётган алам ва ҳаяжонда, юраги тўхтовсиз тирналишда: актёрлар ўйини ва қирол ҳамда қиролича сирларининг очилиши, қиролича — онанинг заҳарланиши, ҳалок бўлиши; Полонийнинг ўлими; ойдай Офелия севгиси ва шу билан алоқадор бўлган орзуларининг барбод бўлиши, унинг ақлдан озиши ва ҳалок бўлиши: Розенкранц ва Гильденстернларнинг қирол топшириғи ила Ҳамлетга қарши ашаддий душманлик ҳаракатлари; Ҳамлетни ўлдириш мақсадида мамлакатдан ҳайдаш билан боғлиқ бўлган даҳшатлар: қиличбозлик ва Лаэртнинг заҳар суртилган қиличидан Ҳамлетнинг қаттиқ яраланиши, қиролни ўлдириши, ўзининг ҳам разиллар заҳари ва мунофиқлигидан ҳалок бўлиши ва ҳоказо, ва бошқалар... Чиркин жамият ва у билан курашиш қонуниятини, катта мантиқни яхши билган Шекспирнинг воқеаларни, персонажлар тақдирини бундай фожиаларга олиб келиб тамомлаши табиий эди, худди шу реализм асарнинг эмоционал таъсир кучини ошириб юборган эди.

Ҳа, юқорида айтганимиздек, асарнинг марказий персонажи Ҳамлет даврнинг мукамал ва ёрқин сиймоси бўлиб, санъатни, барча гўзаллик ва нафосатни эъзозлайди, ҳақгўй ва адолатпарвар бўлиб, халқни яхши кўради, теран фикрли файласуф, гуманист бўлиб, инсонни севади, ардоқлайди, кўкларга кўтарди, коинот тожи деб атади, бутун мавжудотнинг асосий мазмуни ва туб маъноси деб тушунади. Мана шунинг учун ҳам буткул табиийки ва мантиқий тарзда асосланганки, бутун сарой ва сарой аъёнлари, разил қирол ва унинг ёнидаги барча малъун ва машъум гуруҳлар, ҳоқим ва ғайринисоний социал система ва тартиб-қоидалар унга қарши ташланади: хиёнат ортидан хиёнат келаверади, жиноят ёнига жиноят қўшилиб ҳалокат, фалокат ва ўлим бир-бирига уланиб кетаверади, туман қуюқлашади ва тарқалади, конфликт ва кураш кескинлашаверади, воқеалар мухталифлашиб, ситуациялар мураккаблашаверади, бир-бирига қарама-қарши турган кучларнинг бир-бирига бўлган душманлик ҳиссиёти ва ҳаракатлари, ғазаб ва нафратлари борган сари зўраяверади, алангаланавера-

ди ва ниҳоят табиий тарзда умумий ёнғин, даҳшатли портлаш рӯй беради...

Ҳа, ёвузлик, ваҳшиёна бўхтон ва мунофиқлик, мудҳиш макр-ҳийлалар, қонли қилич ва хунрезлик, заҳар ва ажал гоҳ алоҳида-алоҳида, гоҳ ҳаммаси бир бўлиб, ғам ва алам, фалокат ва ҳалокат лашкаридек саф тортиб иш кўради, бутун саройни, барча саҳналарни эгаллаб олиб, ўз гирдобига, ўз домига тортади, барча эзгулик ва гўзалликларни топталайди, бўғади, парчалайди ва ёппасига даҳшат содир бўлади...

Бу, ҳам асарнинг ниҳоят даражада зўр бадийлигидан далолат беради, ҳам гениал драматургнинг ўз мудҳиш даври устидан чиқарган ғазаб ва интиқом тўла айбномаси, ҳукми ва шу ҳукм ижроси эди!..

Тасодифий эмаски, бу гениал асар ҳамон адолат ва инсоният хизматида!

Шекспир бир неча жуда антиқа, шўх сюжетли, доно ҳазил-мутойибали, ёрқин юмор ва ўткир сатирали комедиялар ҳам яратди. «Ез тунидаги уйқу», «Ун иккинчи кеча» шулар жумласидандир. Унинг комедиялари ҳам жаҳон драматургиясида ўзига хос бир даврни ташкил этади.

Вильям Шекспир ижодий даҳосининг яна бир ғоят муҳим қирраси унинг сонетларидир. Ҳар бир сонет уч рубоий ва бир байтдан иборат ўн тўрт мисрали шеърӣ форма бўлиб, уйғониш даври поэзиясида жуда кенг тарқалган, ғоят мураккаб санъат ҳисобланади. Шекспир бу соҳада ҳам ҳар жиҳатдан чўнг баландликда турди. Буюк шоирнинг бу лирик шеърларида соф, реал севги ҳиссиётлари, юксак муҳаббат тароналари янгради. Шу билан бирга, уларда, умуман, ажойиб дўстлик куйланади, бахтли ҳаёт ва гўзаллик, санъат ва ижодкорлик ҳақида эзгу фикрлар ифодаланади. Чунончи, Шекспир 66-инчи сонетда жамиятдаги адолатсизлик ва сохтачиликларни кескин танқидий тарзда тилга олади. Унинг хулосавий икки мисраси қуйидагича бўлгани ҳам асло тасодифий эмас:

Тубанликдир ҳар ерда не кўрса кўзим...

Лекин ҳеч унутолмасман сени, дўстим!

Ташвиш ва курашлар билан, катта ҳақиқат ахтариш ва адолат учун олишувлар билан тўла ҳаёти ҳамда ижодий фаолиятининг охириги даври Шекспирни «~~...~~» номли пьесани яратишга олиб келди. Унда

узун ва мураккаб кураш, ҳаёт ҳамда ижод тажрибаларига эга бўлган, жуда кучли ва мудҳиш жамият ва унинг корчалонлари, муҳофизакорлари билан шиддатли тўқнашувларда амалий жиҳатдан нажот тополмаган ва муваффақият қозонолмаган Шекспир мазкур асарида хаёл, орзу олами юксакликларига кўтарилади ва шу оламда ўзининг гуманистик ғояларига нажот топади: пьесанинг бош қаҳрамони герцог Просперо ўзи ҳоким бўлган вилоятдан ҳайдалади, одамлар бўлмаган бир оролга боради ва у ерда сеҳрли китоблар, руҳлар воситаси ила ўзининг мўъжизали ҳаракатлари ёрдамида адолат тантанасини таъмин этишга муваффақ бўлади...

Бу, Шекспирнинг ақл ва адолат ғалабаси ҳақидаги ажойиб орзуси эди, шу билан бирга, ақл ва адолат келажаги, албатта, ғалабадир, дегани эди, инсоният келажаги ёрқинлигига ишончининг ифодаси эди. Бу, гениал зотнинг асрлар оша келажак авлодларга, яхши замонларга мансуб эканлигининг, мансуб бўлишлигининг ҳам асоси эди. Буюк Гёте ҳам бу мумтоз санъаткор ижодига алоҳида ҳурмат билан қараган, унга энг юксак баҳо бериб, шундай деган эди:

«Шекспирнинг буюк руҳига жон баҳш этган нарса реал оламнинг ўзидадир, ўзидир. Унинг асарлари асосини ҳақиқат ва ҳаётнинг ўзи ташкил этади, шунинг учун барча асарлари жуда ҳаққоний ва кучлидир... Унинг фазилати худди ўз даврининг акс эттирганидир, унинг ижодидати ҳамма нарса унинг ўзиникидир, ўзи яратгандир, яъни буткул оригиналликдан иборатдир».<sup>1</sup>

Гёте ўз қайдларининг бирида яна айтадики, Шекспир асарларини ҳар ўқиганда у учун янги-янги қирралар очилади, буюк, янги-янги фазилатлар кўринаверади, Шекспирнинг ўзи асло қўл етмайдиган баландликда қолаверади.

Ҳа, бундай эътироф доҳийларга хос, доҳийлар қудрати ифодасидир, доҳийлар ўғити ҳамдир!

Бу, аynи замонда, Шекспирнинг ҳам нақадар буюклигидан далолатдир. Бинобарин, у яратган беқиёс бой ва гўзал бадиият оламига эга бўлиш ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир, ҳам улкан саодатдир. Шу

<sup>1</sup> И. В. Гёте. Об искусстве. Москва, «Искусство», 1975. стр. 413—414.

боисдан, Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг шу зот асарларидан беш жилдни ўзбек тилида чиқара бошлаши халқимиз ва унинг маданияти ҳаётида чўнг муҳим воқеадир, ҳар қандай мақтовга арзийдигандир, келажак авлодлар ҳам миннатдорчилик билдирадигандир...

ВОҲИД ЗОҲИДОВ,  
ЎзССР ФА академиги.





# РОМЕО ВА ЖУЛЬЕТТА

---

МАҚСУД ШАЙХЗОДА  
таржимаси



## ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР

Эскал — Верона беги.

Парис — Еш дворян, бекнинг қариндоши.

Монтекки } — Бар-бирига душман икки оиланинг  
Капулетти } бошлиқлари.

Чол — Капулеттининг қариндоши.

Ромео — Монтеккининг ўғли.

Меркуцио — Бекнинг қариндоши ва Ромеонинг дўсти.

Бенволио — Монтеккининг жияни ва Ромеонинг дўсти.

Тибальт — Капулетти хонимнинг жияни.

Роҳиб Лаврентий } — Францискан роҳиблари.  
Роҳиб Иоанн }

Балтазар — Ромеонинг хизматкори.

Самсон

Григорий — Капулеттининг хизматкорлари.

Петр — Жульетта энагасининг хизматкори.

Абрам — Монтеккилар хизматкори.

Дорифуруш

Уч созанда

Париснинг маҳрами.

2- маҳрам.

Миршаб.

Монтекки хоним — Монтеккининг хотини.

Капулетти хоним — Капулеттининг хотини.

Жульетта — Капулеттининг қизи.

Жульеттанинг энагаси.

Верона фуқароси; ҳар иккала хонадоннинг қариндошларидан бўлган бир неча эркак ва хотинлар; ниқобли кишилар, посбонлар, қоровуллар, бекнинг аёнлари ва хор. Воқеа: Верона ҳам Мантуяда ўтади.

## ПРОЛОГ

## ХОР КИРАДИ

х о р

Бизнинг Веронада икки хонадон  
Аслу насаблари эрур баробар,  
Улар низоларга киришиб ҳар он —  
Шу шаҳар аҳлига етказди зарар.

Ва леқин бу душман онлалардан  
Туғилган фарзандлар севишиб қолди.  
Бу икки бахтсизнинг ўлими билан  
Адоват ўзи ҳам гўрда йўқолди.

Шу бахтсиз ёшларнинг муҳаббатини,  
Ужар хонадонлар адоватини,  
Аламли севгининг мусибатини  
Кўрсатиб берамиз сизга шу куни.  
Сизлар кечиринглар нуқсонимизни,  
Ўйнаймиз аямай биз жонимизни!

## I ПАРДА

## БИРИНЧИ САХНА

Верона, Майдон.

Капулеттининг Самсон ҳам Григорий деган  
хизматкорлари қилич ва қалқонлар билан қуролланган ҳолда  
кириб келадилар.

Самсон

Григорий, қасам ичаманки, бизларни қоралашла-  
рига сира ҳам чидамайман.

Григорий

Сира ҳам! Бўлмаса бизлар кўмирчи бўлган бўлар  
эдик<sup>1</sup>.

Самсон

Яъни, демоқчиманки, агар қаҳрланиб юзларимиз  
қорайиб кетса, албатта ёқалашамиз.

Григорий

Хўш, ҳозирча тирик экансан, бўйнингни қора сирт-  
моқдан чиқариб қўй.

Самсон

Менга сал-пал тегишиб кўрсинлар-чи, калтаклаб  
ташлайман.

---

<sup>1</sup> Бу ерда кўмирчи дейишдан мақсад: ҳар ким ҳам маска-  
ра қилиб туришга сазовор бўлинган паст ҳунар эгалари.

Григорий

Тўғри-ю, аммо сени калтакбоз қиламан деб жаҳлингги чиқариш ҳам унча жўн бўлмаса керак.

Самсон

Монтекки ҳовлисининг ҳар бир кучуги менга тегишиб ўтади.

Григорий

Сенга тегилган бўлса, сен ҳам қимир этишинг керак-ки! Мард бардош бериши шарт! Аммо-лекин, сенинг қимир этганинг — аллақачон қочиб кетганинг!

Самсон

Йўқ, шу ҳовлининг бирон кучуги менга тегиб қўйса, бардош бериб қаттиқ тураман. Мен ўзим ёлғиз бошимга ўз арк деворимизни Монтеккиларнинг ҳар қанақа эркагидан ҳам, қизидан ҳам сақлаб олурман, ҳа ўзим!

Григорий

Шунинг ўзи кўрсатадики, сен ожиз банда: ахир, ожизлар деворга орқасини суяб туради-да!

Самсон

Гапинг тўғри; шу сабабли аёлларни, мўрт идиш деб доимо девордаги токчаларга тиқиб қўядилар-да! Мана мен ҳам Монтеккилар ҳовлисининг ҳар қайси бўз боласини девордан ошириб ташлаб, қизларини бўлса деворга суялтираман-да!

Григорий

Эҳ.. бизга нима? Хўжайинларимиз ўзаро бўғишаверсин! Биз фақат уларнинг қароли — бандаси, холос!

## Самсон

Барибир! Мен чинакам шаддод бўлмоқчиман: эр-какларни калтаклаб адабларини бериб бўлганимдан кейин, мен қизларга ҳам шафқат қилмоқчи эмасман, мен уларнинг каллаларини олиб ташлайман.

Григорий

Қизларнинг каллаларини-я?

Самсон

Каллалариними? Бошқа жойлариними? Ишқилиб, ўзинг билганингча тушунавер!

Григорий

Ўхў: сенинг бу шаддодлигингни кўрганларгина тушунади, дейман!

Самсон

Мен қанчалик бардош беришимни улар яхши тушуниб қолишар: ахир ҳаммага машҳур ва маълумки, менинг этларим жуда ҳам, жуда ҳам қаттиқ!

Григорий

Хайриятки, сен бошлиқ эмас! Бўлмаса, сендан ўтакетган бадҳазм қоқ балиқ чиққан бўлар эди! Ҳай, шашпарингни ол, Монтеккиларникидан икки киши бу ёққа келяпти!..

Абрам ва Балтазар кириб келадилар.

Самсон

Шашпарим шай! Сен жанжални бошлайвер, мен сенинг орқангда турибман!

Григорий

Ҳай, тагин орқангни орқамга ўгириб чап бера кўрма!

С а м с о н

Мендан хавотирланма!

Г р и г о р и й

Йўқ, худо урсин, мен сен учун хавотирман!

С а м с о н

Менга қара, қонун бизни ёқласин учун, жим турайлик — жанжални улар бошласин.

Г р и г о р и й

Мен уларнинг ёнидан қовоғимни солиб ўтай; улар буни қандай хоҳласалар шундай тушунаверсинлар.

С а м с о н

Хоҳласалар эмас, ботинсалар дегин! Мен уларга себарга кўрсатай. Улар бунга чидай олсалар, демак, биз уларни ҳақоратлаган бўламиз.

А б р а м

Тақсир, сиз бизга себарга кўрсатяпсизми?

С а м с о н

Ҳа, тақсир, мен кўрсатяпман.

А б р а м

Тақсир, сиз ҳали бизларга себарга кўрсатяпмиз, денг?!

С а м с о н

*(Григорийнинг қулоғига)*

Мен, «Ҳа!» десам қонунга тўғри келадими?



Григорий

Йўқ!

Самсон

Йўқ, тақсир, мен сизларга себарга кўрсатаётганим  
йўқ, мен умуман себарга кўрсатяпман.

Григорий

Сиз, тақсир, жанжал чиқармоқчимисиз?

Абрам

Жанжал дейсизми, тақсир? Йўғ-е, тақсир!

Самсон

Агар сизлар жанжал чиқаришни хоҳласақаринг,  
мен тайёр! Менинг хўжайиним сизникидан кам эмас.

Абрам

Зиёд ҳам эмас!

Самсон

Майли, тақсир!

Бенволио кириб келади

Григорий

*(Самсонга астагина)*

Зиёддир дегин! Хўжайинимизнинг қариндошлари-  
дан бири бу ёққа келаётибди.

Самсон

Зиёддир, тақсир!

Абрам

Елғон!

## Самсон

Агар эркак бўлсаларинг, қани, уришинглар! Григорий, ўша мақтаган зарбангни кўрсатиб қўй-чи. (Уришадилар.)

## Бенволио

(Уларнинг орасига тушиб ажратади)

Тентаклар!

Қилични ол! Бемаъни жанжални қара-ю! (Тибальт киради).

## Тибальт

Уришасан сен ҳам қўрқоқ қароллар аро?  
Бенволио, менга қара, ажалингга боқ!

## Бенволио

Яраштирмоқ истар эдим. Қайтар қиличинг.  
Ёки уни ишга солки, ярашсин булар!

## Тибальт

Жанжал пайти, яраш сўзи? Бу сўз кўп мурдор,  
Худди дўзах, худди сендай, монтежкилардай  
Қани номард, воқиф бўл!

Уришадилар. Ҳар иккала хонадоннинг намояндалари,  
булар кетидан шаҳар фуқароси ва таёқ тутган  
миршаблар кириб келадилар.

## Фуқаро

Ҳой одамлар! Чўқмор, найза олиб чиқ илдам!  
Уринг Капулеттини ҳам! Монтекинни ҳам!

Халат кийган чол Капулетти ва Капулетти  
хоним кирадилар.

## Капуллети

Бу қанақа шовқин? Беринг узун тигимни!

## Капулетти хоним

Сизга қўлтиқтаёқ керак! Қилич нимага?

## Капулетти

Буюрдимки, қилич бер, деб! Боқ, чол Монтекки —  
Менга қараб келмоқдадир қилич ўнатиб!

Чол Монтекки ва Монтекки хоним кириб  
келадилар.

## Монтекки

Эҳ, сен олчоқ Капулетти! (Хотинига).

Қўй, хоним, хотин!

## Монтекки хоним

Йўқ, балого йўлиқарсан, ёвни ахтариб!

Эскалбек ўз аъёнлари билан кириб келади.

## Бек

Осойишнинг асов, бетинч душманларисиз,  
Қариндошлар қони билан пўлатлар доғли,

Сизлар йиртқич одамларсиз, эшитмайсизми?  
Томирлардан оққан алвон булоқлар ила  
Сўндирасиз адоватнинг қаҳрин, оловин, —  
Мен жазолаш хавфи билан дейман сизларга:  
Қуроолларни ерга ташланг қонли қўллардан!  
Эшитинглар қаҳрланган бекнинг ҳукмини:  
Уч мартаба кўп беҳуда ўзаро низо  
Чиқардинглар сен Монтекки, сен Капулетти,  
Осойишта кўчаларда қизди жанжаллар,  
Уч мартаба бу фуқаро хоҳлар хоҳламас  
Ҳашаматли сарупо-ю, либосни ечиб  
Мажбур бўлди ушламоққа қадим қуроолни  
Ва ёқлади бу низода бирон тарафни.  
Бундан буён, ё сен, ё сен бузсанг тартибни —

Тиячлик бузган гуноҳкор деб қатл этиласиз.  
 Аммо бу гал, ҳаммаларинг, тарқаб кетинглар!  
 Мен билан сиз бирга юринг, чол Капулетти.  
 Сиз ҳам бугун маҳкамага боринг, Монтекки,  
 Ҳукм: Вилла-Франкуда чиқарилади,  
 Эшитарсиз у девонда фармонимизни,—  
 Қолганларинг, уй-уйларга йўқолиб кетинг!

Монтекки, Монтекки хоним ва Бенволиодан бўлак ҳамма  
 чиқиб кетади.

### Монтекки

Яна кимлар бошлади-я эски низони,  
 Йўқмидингиз, бошланганда бу жанжал, жиян?

### Бенволио

Мен келганда жанжал қизиб, ёқалашганди  
 Икки уйнинг қароллари бу ерда қаттиқ  
 Мен уларни ажратмоқчи бўлдим, шу онда —  
 Тибальт қизиб кириб қолди, тиф яланғочлаб,  
 Уйнатарди бош устида дўқ қилиб менга,  
 Чийилларди ҳаволарни ёриб қиличи.  
 Қизиб кетди сўз ва қилич муҳорабаси.  
 Оломон ҳам етиб келди, бўлди жанг-жадал;  
 Ҳаммалари тинчиди бек келгандагина.

### Монтекки хоним

Оҳ, Ромео қайда экан? Қандай шодманки —  
 Бу балодан омон қолди кўринмай қолиб!

### Бенволио

Хоним, ҳали, шарқнинг олтин деразасидан  
 Тонг чоғининг шуълалари липилламасдан —  
 Мен ҳасратим босилсин деб кезгани чиқдим!  
 Шаҳримизнинг қалъасидан кунботар томон —  
 Усиб чиққан анжирларнинг соясида мен  
 Уғлингизни кўриб қолдим, бироқ у дарҳол

Яширинди, кириб кетди қалин ўрмонга.  
 Мен ҳам бундай туйғуларга ошноман-ку:—  
 Қачон ўзинг ўз дилингга зил бўлиб кетсанг,—  
 Сен бешбадтар ўзгалардан ҳазар қиласан.  
 Таъқиб этмай қайтиб келдим, зотан шод эдим —  
 Мендан қочган бир кимсадан қочганимга мен.

#### Монтекки

Қўп кўрганлар саҳарларда уни ўрмонда;  
 Қўшар экан шабнамларга кўз ёши намин,  
 Булутларга қўшар экан ноладан булут;  
 Лекин, қуёш кун чиқарнинг қирғоқларида —  
 Тонг париси ётоғидан қора пардани  
 Бир ирғитиб ташлар экан, ўша соатда —  
 Ғамгин ўғлим нурдан қочиб келаркан уйга,  
 Бекинаркан хонасида ҳамма оламдан;  
 Епар экан офтобдан деразасини,  
 Ясар экан ўзи учун сунъий бир кеча!  
 Қора, ўсал бир ранг бордир унинг дилида,  
 Эзгу панду — ўғитгина нажотдир унга.

#### Бенволио

Биласизми бунинг важҳин, азиз амаки?

#### Монтекки

Билолмайман, билмоқлик ҳам қўлимдан келмас!

#### Бенволио

Қаттиқ туриб қайта-қайта сўрадингизми?

#### Монтекки

Сўраганман, сўрадилар дўстлари ҳатто:  
 Аммо фақат қулоқ солар туйғу пандига,—  
 Насиҳатчи туйғу бўлса, билмайман қалай?  
 У нчидан пишган, писмиқ ҳамда камсухан,  
 Юрак сириш очмоқликка йўқдир тоқати.

Ич-ичини қуртлар еган куртак бўлади,  
 На баргларин кўкартишга мажол топади,  
 На қуёшга бера билур ўз жамолини,—  
 Мана шундай гулламасдан сўлмоқда ўғлим.  
 Зора билсак қайдан келган шу дарду алам,  
 Биз давосин топиб унга берурмиз барҳам!

Ромео киради.

Бенволио

Мана келди. Четга туринг, шу илтимосим!  
 Бу сирларнинг ҳаммасини билмоқлик лозим!

Монтекки

Барака топ, ниятингга етгайсан, болам,  
 Ростин билгин! Қани энди кетдик бизлар ҳам!

Монтекки ва хотини кетадилар.

Бенволио

Хайрли кун!

Ромео

Шунча барвақт?

Бенволио

Соат тўққиз-ку!

Ромео

Ғам-ғуссали соатларнинг умри ҳам узун,  
 Ҳозир бундан кетган киши отам эмасми?

Бенволио

Худди ўзи! Нима чўзар соатингизни?

Ромео

Соатларни тезлаштирган биров йўқлиги!

Бенволио

Муҳаббатми?

Ромео

У йўқ бўлса...

Бенволио

Нима, севгими?

Ромео

Сен севсангу севилмасанг, мана фожиа!

Бенволио

Афсусларки, кўринишда ширин бўлган ишқ-а,  
Амалда-чи, шунча аччиқ, шунча жафокор!

Ромео

Афсус, севги кўр бўлса ҳам, бўлса ҳам кўзсиз,  
Қайга деса бизни судрар сўроқсиз — сўзсиз!—  
Қўй шуларни, қани, қайда овқатланамиз?  
Ҳайҳот, ҳали бунда катта тўполон бўлган.  
Гапирма, қўй! Мен ҳаммасини эшитиб билдим!  
Нафрат, — мудҳиш; аммо севги ундан мудҳишроқ!  
Э гаразли ишқу савдо, э нозанин ёв!  
Э борлиқлар, э ҳечликлар, э нур ва зулмат!  
Осонлик ё машаққатлик, тезлик ва савлат,  
Кўринишда гўзал, асли паришон суврат:  
Кўрғошин пат, равшан тутун, совуқ аланга.  
Соғлом касал ё уйқуда ухлаган бедор...  
Севилмасдан бир севгига бўлдим гирифтор.  
Гапларимга кулмайсанми?

Бенволио

Йўқ, йиғлаяпман.

Ромео

Хўш, нимага, яхши йигит?

Бенволио

Дардингга дилбанд.

Ромео

Бу балога йўлиққанлар бари дардиманд.  
 Бусиз ҳам кўп оғир эди дилимда алам,—  
 Аламингдан ўз алашим ортди яна ҳам.  
 Модомики мени шунча яхши кўрасан,  
 Шу севгидан хасталигим кўпайди, билсанг!  
 Муҳаббат, бу — фарёдлардан ёйилган тутун,  
 Назаримда аммо ўтдай кўринар бутун;  
 Е кўз ёшдан жамғарилган мотам денгизи..  
 Бу доно бир жинниликми? Нимадир бу ҳол?  
 Бизни қарахт қилган музлик ёки ширин бол?  
 Хайр энди, биродарим!

Бенволио

Йўқ, мен ҳам бирга.

Бу балода қўяманми мен сизни якка?

Ромео

Шу... Узимни йўқотибман, бўлибман хароб!  
 Ромео йўқ, қайдадир, хўш... Ким бергай жавоб?

Бенволио

Айтиб қўя қолинг, дўстим, севганингиз ким?

Ромео

Хузуримда фигон тортиб ингра, дейсанми?

Бенволио

Йўқ, асло йўқ! Фақат исмин сўйласангиз, бас.



## Ромео

Бу — касалга; васият қил, деган билан тенг.  
Ишон дўстим, бу кўп оғир жафокор буйруқ!  
Севганим ким? Билмоқчисая? Битта хотин-да!..

## Бенволио

Ишқ деганда, мен хотинни олдим ҳадафга.

## Ромео

Бўлмаса сен зўр мергансан: севганим — жонон!

## Бенволио

Демак, уни кўзлаб отмоқ шунчалик осон!

## Ромео

Янглишибсан: унга қараб севги илоҳи  
Беҳудага мўлжал олиб узганди ўқни;  
У Диана — ой тангриси, ғоят зеҳли.  
Беғуноҳ қиз совутидан ўқлар ўтолмас!  
Ўқни унга тегдиrolмас севги илоҳи!..  
Уни сўзга қамал қилсанг пинагин бузмас,  
Ўраб олган қаролларга ғоят жиддийдир,  
Олтинларнинг жозибаси унга дахлсиз,  
Гўзаликка бой бўлса ҳам, афсуски ажал —  
Самарасиз гўзаллигин қамрар бир маҳал.

## Бенволио

У умрбод қиз қолишга қасам ичганми?

## Ромео

Ҳа, хасислик, саҳродаги чечак сингари,  
Илтифотсиз гўзалликни сарғайтиради,  
У зурриёт чечагидан қолур бебаҳра.  
У оқила, у ҳусидор, гўзал бағоят,

Мен ишқида дардлар топдим, у эса — жаннат;  
У севгидан воз кечишга онг ичди, ҳайҳот,  
Сўзи қатъий, мен хоҳ ўлай, хоҳ қолай ҳаёт!

Бенволио

Сизга менинг маслаҳатим: ўйламанг уни!

Ромео

Ўргатгин, оҳ, қандай қилиб унутай уни!

Бенволио

Кўзингизга эрк берингу, ҳар ёққа қаранг,  
Кўринг тўйиб бўлак сўлим гўзалларни ҳам!

Ромео

Шу усулни гар қўлласам, кўражакмани,  
Бошқаларнинг ҳаммасидан удир афзалроқ!  
Хонимларнинг пешонасин ўпувчи ниқоб  
Ўзи совуқ, аммо гўзал юзни яширар...  
Ҳа, кўр бўлиб қолган оира унута олмас —  
Кўзинг нури нақадарлик азиз хазина!  
Менга шундай бир гўзални кўрсатиб берки:  
Бир хотира дафтаридай ўқий шу сўзни:  
«Ҳар гўзалдан яна ўзга бир гўзал аъло!»  
Унутмоқлик ҳунарини ким ўргатар? Хайр!

Бенволио

Мен ўргатай ёки куйсин менинг виждоним!

Чиқиб кетадилар.

## I. ИККИНЧИ САҲНА

Куча.

Капулетти, Парис ва хизматкор кириб  
келадилар.

## Капулетти

Монтекки ҳам мен сингари жазоланмишдир,  
Бу жазомиз жаримадан иборат бўлди,  
Икки чолга мушкул эмас сулҳни бузмаслик!

## Парис

Сиз ҳам, у ҳам кўп муҳтарам киши экансиз —  
Таассуфки, хусуматда яшайсиз мудом,—  
Хўш, ҳалиги сўроғимга жавоб не бўлди?

## Капулетти

Илгариги жавобимнинг худ ўзгинаси.  
Қизим ҳали киборларнинг оламин билмас:—  
У ҳаммаси бўлиб энди ўн тўртга кирди.  
Яна гуллаб ўтиб кетсин икки ёз фасли —  
Ушанда қиз никоҳ учун етилиб қолар!..

## Парис

Ундан ҳам ёш оналар бор масъуд, бахтиёр!

## Капулетти

Шунинг учун, зотан, улар эрта сўлади,  
Ерга кўмдим мен ўзимнинг ҳамма боламни:  
Фақат бу қиз умидгоҳдир менга дунёда!  
Қиз кўнглини топинг, Парис, бахтга эришинг!  
Рози бўлса, мен қиттак ҳам йўқ демагайман,  
Йигитлардан сизнигина у танлаб олса  
Мен ҳам берай овозимни сиз учун роса!..  
Эски удум: бизникида бугун знефат,  
Меҳмонларни кечқурунга қилганман даъват;  
Лекин, фақат менга маъқул меҳмонлар бўлар,  
Бу қаторда ҳаммадан ҳам бизга сиз азиз.  
Биз фақирнинг хонасига ташриф буюринг,—  
Жононларни кўрсатаман юлдуздан порлоқ,  
Сиз кўрарсиз соғлом ёшлик келтирган шавқни,

Шундай шавқки, худди ўшар чўлоқ қишдан  
сўнг —

Келиб қолган зебо баҳор севинчларига;  
Сиз тотирсиз раъно қизлар ширинлигини,  
Ҳаммасини кўриб, тинглаб яхшисин танланг.  
Мана шулар орасида бизнинг қиз ҳам бор,  
Аmmo голиб бўлишлиги мен учун гумон...  
Қани, тўрам, бирга юринг, бу ёққа, қани!

*(Хизматкорга қоғоз бериб).*

Сен-чи, бориб жар чақиргин Верона бўйлаб,  
Рўйхатдаги меҳмонларни, азиз дўстларни,  
Таклиф қилгин, бугун кечга бизнинг қўрага!

Капулетти ва Парис кетадилар.

### Хизматкор

Рўйхатдагиларнинг ҳаммасига жар қил эмиш! Қай-  
дам! Эҳтимол, бу қоғозга: этикдўз — газчўпни, машина-  
чи — бигизни, балиқчи — қаламни, бўёқчи — тўрни қўл-  
ласин — деб ёзилгандир, қайдам? Бунга ёзилганларни  
топгайсан деб буюрдилар; мен бўлсам бу ерга ёзган  
киши нима ёзганини асти тушунолмайман!!! Доно-ю,  
донишмандлардан сўраб кўрай-чи! Ана ўзлари ҳам ке-  
либ қолдилар!

Бенволио ва Ромео кириб келадилар.

### Бенволио

Ишон менга, ўтнинг бири бўлагин босар,  
Янги оғриқ даволайди эски оғриқни,  
Янги алам камайтирар бўлак аламни,  
Ва бошқача эсанкираб айланар бошинг!  
Майли, кирса кўзимизга янги дард машъум,  
Уша соат йўқолгуси олдинги заққум!

Ромео

Ҳозир менга мос келарди отқулоқ барги.

Бенволио

Нима? Нега?

Ромео

Менинг сиңган оёғим учун.

Бенволио

Эсу ҳушинг жойидами, ўзи нима гап?

Ромео

Жойида-ю, телбалардай кишанланганман,  
Мен зиндонда, бир бандимаъ бетаом, бекуч,  
Жафокашман... Ҳа, йигитча, ҳа, хайрли кун?!

Хизматкор

Хайрли кун! Биласизми хат ўқишни сиз?

Ромео

Ҳа, ўқийман, қайғулардан ўз қисматимни!

Хизматкор

Бунисини сиз бекитиб машқ қилган бўлсангиз керак. Сўраганим шу ваяданки, шу кўриб турганингизни ўқиб бероласизми?

Ромео

Ҳа, тил ва алифбени билсам, албатта.

Хизматкор

Сиз ҳалол жавоб берар экансиз! Дард кўрманг!

## Ромео

Тўхта, йигит, сенга ўқиб берай (*ўқийди*): «Синьор Мартино ўз хотини ва қизлари билан, граф Ансельм ва унинг ойжамол сингиллари; аламзада бева Витрузио хоним; Плаченцио афанди ва унинг нозанин жиянлари, Меркуцио ва унинг биродари Валентин; амаким Капулетти, унинг хотини ва қизлари боҳам; менинг жонон жияним Розалина; Лидия, Валендио жаноблари ва унинг амакиваччаси Тибальт, Лючио ва унинг шўх Еленаси...» Нур аълонур бир жамият-ку; қаёққа таклиф қилишади?

Хизматкор

Тепага.

Ромео

Тепаси қаерда?

Хизматкор

Бизникига, кечки овқатга!

Ромео

Қимнинг уйига?

Хизматкор

Хўжайинимникига-да!

Ромео

Буни мен боя сўрашим керак эди.

Хизматкор

Энди ҳеч қандай сўроқсиз сизга айтиб берай: менинг хўжайиним донг чиқарган боёнлардан Капулеттидир. Агар, сизлар Монтекилардан бўлмасаларинг,

бир қадаҳ шаробни уриб шимиргали бизникига марҳамат қилгайсизлар! Яхши қолинг! (Кетади).

### Бенволио

Капулетти уйидаги бу зиёфатда  
Соҳибжамол бизнинг машҳур дилбарлараро  
Сенинг азиз Розалиннинг бўлгуси албат!  
Бор у ерга, шошилмайин оғир кўз ташла,  
Таққослаб чиқ бу қизларни севганинг ила —  
Зордан қора кўрингуси сенинг оққушинг!

### Ромео

Менинг кўзим ўз ишқимга сўзласа ёлғон,  
Кўз ёшларим алангага айланса, қошки!  
Шаффоф кофир бўлган кўзлар учун ўлимдир  
Ёлғон айтиб ўртанмоқлик, тошдай куймаслик.  
Севганимдан гўзалроқми? Йўқ баробари —  
Жононимнинг, дунё пайдо бўлгандан бери!

### Бенволио

Сиз кўргансиз доим уни якка-ягона,  
Ёнида ҳеч бўлмагандир бирон дугона,  
Таққослай деб кўздан ясанг гўё тарози,  
Бир кафида бошқа бир қиз, бирида ўзи,  
Кўрарсизки ундан ҳам бор келишган жовон,  
Унутарсиз бу биринчи ёрни ўша он.

### Ромео

Бораману лекин бўлак ёрни деб эмас,  
У олдинги нигоримнинг дарди менга бас.

(Кетадилар.)

## УЧИНЧИ САҲНА

Капулетти уйида бир хона. Капулетти хоним билан энага кириб келадилар.

Капулетти хоним

Қани менинг, қизим, қани? Дарҳол чақиргин!

Энага

Онт ичаман, маъсум қизлик иффати ҳақи,

Уни боя, чақиргандим: Қўзичоқ! Қумрим!  
Қани, қизча? Вой ўлай э — қани Жульетта?

Жульетта кириб келади.

Жульетта

Ҳозир мени ким чақирди?

Энага

Сизнинг онангиз.

Жульетта

Мен бу ерда. Нима керак, азиз онажон?

Капулетти хоним

Биласанми... Бизни бирпас қўйгин, энага,  
Гаплашгани гапимиз бор,— йўқ, сен ҳам қолгин:  
Ўйлайманки: сен ҳам буни эшитсанг бўлар,  
Қизим бўйга етганини ўзинг биласан!

Энага

Хоҳласангиз ёшларини соатлаб айтай!

Капулетти хоним

У ўн тўртта тўлган эмас!..

Энага

Йўқ, йўқ албатта.

Тўлган эмас, онт ичаман тишларимгаки,  
Гарчи, бор-йўғи тўртта тишгинам қолган.  
Неча кун бор авлиёмиз Пётр ҳайитига?



## Капулетти хоним

Ҳали икки ҳафтадан сал ошиқроқ қолган.

## Энага

Икки ҳафта ё ошиқми, шуни биламан:  
 Ўн тўрт ёшга у тўлғуси Пётр кечаси.  
 Унга тенгқур бўлар эди, қизча Сусанна.  
 Аммо худо уни олди. Раҳматлик бўлсин!  
 Пешонамга ёзгани шу. Қисмат шу экан!  
 Демокчиман, Пётр куни ўн тўртга тўлар!  
 Дарвоқе бунақадир. Яхши эсимда —  
 Зилзиладек ўтиб кетди расо ўн бир йил.  
 Уша куни мен кўкракдан ажратдим уни.  
 Мен у кунни ҳеч эсимдан чиқаролмайман,  
 Кўкрагимга аччиғ кўкат суркаб, ўлтирдим  
 Қаптархона ёнидаги офтобрў жойга. —  
 Бой сиз билан Мантуяда меҳмон эдилар —  
 Йўғ-е, эссиз! Эсни қара, ҳа-ҳа, шундайди.  
 Аччиғ кўкат сўриб олгач, болагинамиз  
 Оғизлари куйиб кетди, тентак қизчанинг,  
 У аразлаб кўкракни ҳам итариб қўйди.  
 Шунда бирдан каптархона қарсиллаб кетди —  
 Мен жойимдан туриб қочдим безовта бўлиб.  
 Уша кундан энди ўн бир йил ўтиб кетди;  
 Эндигина қиз оёққа босган эди, — йўқ,  
 У пилдираб югурарди, қасам ичаман!  
 Бир кун олдин пешонаси ёрилган эди.  
 Эсимдадир менинг эрим — худо раҳматлик,  
 Хушчақчақ бир киши эди, — қизни кўтариб:  
 «Бу қандай гап? Йиқиласан, деди, юз билан?  
 Чалқанчага йиқилгайсан ақлга киргач,  
 Тез фурсатда шундай бўлар, шундайми, болам?»  
 Тушмагур қиз дами ўчиб бирдан деди: «Ҳа!»  
 Уша ҳазил чиқаётир энди рўёбга,  
 Худо ҳақи, умр кўрсам неча юз йиллаб —

Унутмайман, эрим девди: «Шувдайми, болам?»  
Тентак қизча йиғисини босиб деди: «Ҳа!»

Капулетти хоним

Бўлди, энди, гапинг қурсин, сайрашни бас қил!

Энага

Хўп, хўп! Аммо кулгим қистар эсимга олсам,  
Бирдан босиб йиғисини «ҳа» деганини!  
Чаккасидан чиққан гурра, ишонтираман,  
Нақ тухумдай келар, десам асло лоф эмас.  
Ваҳимали эди бу шиш, у хўнграр эди.  
Эрим деди: «Йиқиласан нега юз билан  
Бўйга етгач йиқилгайсан чалқанчасига.  
Шунақами?»  
Қизча босиб йиғисини бирдан деди: «Ҳа!»

Жульетта

Қўй, энага, бўлди энди, илтимосим шу!

Энага

Аллақачон жим турибман, худо асрагур,  
Ҳеч кимни ҳам сенча яхши боққан эмасман.—  
Тўйингни ҳам кўрсам қолмас эдим армонда.

Капулетти хоним

Худди тўйдан гаплашгани сен билан, қизим,  
Мен бу ерга келдим. Қани айтинг, Жульетта,  
Эрга тегиш ниятингиз борми, айтингиз!

Жульетта

Бў шарафни хаёлга ҳам келтирмагангизм.

Энага

Мен-ку, сенинг энагангман, яхши биламан:  
Сутим билан эмиб олдинг ақлу фаросат!

## Капулетти хоним

Ана шуни ўйлаб кўринг, ҳозирда, қизим,  
 Веронада сиздан ёшроқ хонимлар борки,  
 Бирмунчаси она бўлди! Ҳатто мен ўзим —  
 Сизни туққан чоғларимда сиздан ёш эдим.  
 Мана гапнинг хулласини айтиб қўяйин:  
 Сизга совчи юбормишдир муҳтарам Парис.

## Энага

Эркак десанг арзугудай, — оҳ, оҳ, хоним қиз,  
 Худди мумдан ясалгандай, ҳаммадан яхши!

## Капулетти хоним

Веронада ёз гуллари унга етолмас...

## Энага

Ҳа, у гулдир, у чинакам гули раънодир!..

## Капулетти хоним

Нима дейсиз, ёқадими сизга у йигит?  
 Зиёфатда учратарсиз уни бу оқшом.  
 Чеҳрасининг китобида ўқирсиз албат  
 Гўзалликнинг қалами-ла ёзилган лаззат.  
 Чеҳрасининг бичимига эътибор қилинг.  
 Қаранг, қандай келишгандир юз тузилиши.  
 У китобда чиқиб қолса бирон муаммо,  
 Кўзларидан ўқинг, кўзлар англатар бунни.  
 Қимматбаҳо бу китобга, бу ишқномага  
 Бирон нафис муқава ҳам керак-ку, ахир!  
 Балиққа шарт бўлганидай сув чайқалиши,  
 Яширин ҳар ҳуснга ҳам ялтираш даркор!  
 Кўзлар учун бу китобнинг ортар шуҳрати  
 Унинг олтин зарварақи, зари туфайли.

Ҳуснингиздан бўлур ҳусни яна ҳам гўзал,  
Лекин сизга бу еткимас ҳеч қандай халал.

Э на га

Халал қайда?! Эрга тегсак семирамиз-ку!

Капулетти хоним

Энди сизга ёқармикин Париснинг ишқи?

Жульетта

Бир қарайман, агар ёқса, ўша соатда —  
Кўзларимга эрк берарман истаганимча,  
Лекин «бўлди» деб қўйсангиз ерга қарайман.

Хизматкор киради.

Хизматкор

Хоним, меҳмонлар келишди, дастурхон ёзилган,  
сизга мунтазирлар. Еш бекани изляаптилар, омборда  
энагага лаънат ўқияптилар, ҳамма безовта! Мен меҳ-  
монларга хизмат қилиб туришим керак. Қани, қадам  
ранжида қилиб, ташриф буюрасизлар! (*Хизматкор ке-  
тади.*)

Капулетти хоним

Ҳозир, ҳозир, Граф сизни кутар, Жульетта!

Э на га

Яхши боргин: кун ортидан ширин тун келур!

Кетадилар.

## ТҮРТИНЧИ САҲНА

Куча.

Ромео, Меркуцио ва Бенволио беш-олти  
ниқобдор киши билан бирга кириб келадилар;  
хизматкорлар қўлида машъаллар.

## Ромео

Бирон нарса айтаминми кириш олдида,  
Ё саломсиз, тўппа-тўғри кираверамиз?

## Бенволио

Серсуханлик, кўп гапириш ҳозир расм эмас,  
Ахир, бизнинг ёнимизда кўр Купидон<sup>1</sup> йўқ;  
Қўлга тутиб татарларнинг рангли ёйини,  
Бўжи бўлиб ҳуркитмаймиз хонимларни биз.  
Пичирлаган суфлёрлардан сўзлар ўрганиб —  
Кириш пайти кўрқиб-кўрқиб айтмоқ не даркор?  
Бизни ким деб санасалар — ихтиёрлари:  
Биз бир қадар рақсга тушиб чиқиб кетамиз.

## Ромео

Сен машъални менга бергин! Ўйин билмайман;  
Кўп бадқовоқ бўлсам ҳамки нурни элтаман.

## Меркуцио

Ўйин тушмоқ сизга даркор, азиз Ромео!

## Ромео

Сизлар кийган этикларнинг пошнаси енгил,  
Менинг қалбим бўлса худди оғир қўргошин,  
Бу оғирлик мени ерга қоқиб қўйгандир.

## Меркуцио

Сиз-ку ошиқ; дунё узра парвоз қилай деб —  
Қира қилинг қанотларни ишқ тангрисидан!..

<sup>1</sup> Уша даврнинг инглиз театрларида кўзи боғлиқ Амур ёки Купидон (ишқ тангриси) образи одатий ва шартли фигура-лардан бўлиб «ниқоб» да чиқар эди.

## Ромео

Мен бу енгил пар қанотда уча олмайман,  
 Жуда оғир ярадорман ишқнинг ўқидан.  
 Узим шунча тутқунманки, ғамни тутолмай,  
 Ишқ юкини кўтаролмай йиқилмоқдаман.

## Меркуцио

Шу юк билан қулаб қолсанг ишқни эзарсан;  
 Нозик буюм; у юкларга тоқат қилолмас.

## Ромео

Ишқ нозикми? Йўқ, у дағал, у кўп ёвуздир,  
 У ноинсоф, санчиб турар худди тикандек.

## Меркуцио

Шундай экан, кўпол ишққа сиз ҳам кўрс бўлинг;  
 Чақишига сиз ҳам чақинг, қадагг тупроққа!

(*Ниқобни кияди.*)

Юзимни мен яширайин, ғилофни беринг,  
 Ниқоб узра ниқоб кияй: Менга нима бор,  
 Мени майли хунук десин талабчан кўзлар!  
 Бу уятга қўй, қизарсин сохта пешона.

## Бенволио

Қани юринг, эшикларни қоқиб кирайлик,  
 Аммо олдин оёқларни тартибга солинг!

## Ромео

Йўқ, менга бер машъални сен! Қўй, дадил ёшлик —  
 Товон босиб топтай берсин бўйра! полларни.

<sup>1</sup> Уша замонларда Англияда гилам ҳали расм бўлган эмас эди. Энг яхши уйлар, ҳатто саройларда полларга қамиш-бўйралар ёзилар эди.

Мен бўлсам-чи, бизнинг эски мақол бўйинча:  
 Узгаларга нур элтаман, қараб тураман,  
 Уйин яхши, мен ортиқча, ғойиб бўламан!

Меркуцио

Ғойиб эмас, ҳаммамизни безор қилдинг сен!  
 Ғойиб бўлсанг, ниҳон бўлсанг, биз сени яна —  
 У шуҳратли муҳаббатдан олиб чиқамиз,  
 Йўқ десанг ҳам қулоғингдан ушлаб элтамиз.  
 Беҳудага ўт ёнмасин! Қани юринглар!

Ромео

Янглишасан!

Меркуцио

Хаёл қилиб турмоқлик бекор!  
 Ўт ёнмоқда кун ўртаси чирор сингари.  
 Менинг сўзим, сўзларимни баҳолаб турган —  
 Беш калладан беш мартаба донороқ, ишон!

Ромео

Бу базмга келишимиз ҳақида қарор —  
 Емон эмас, аммо бунда ҳеч бир маъно йўқ!

Меркуцио

Хўш, бу гапни кимлар айтди?

Ромео

Бугун туш кўрдим.

Меркуцио

Мен ҳам кўрдим!

Ромео

Нималарни кўрдингиз тушда?

## М е р к у ц и о

Тушда менга айтишдики, ҳамма туш ёлгон...

## Р о м е о

Етоғида ухловчининг туши гоҳо рост...

## М е р к у ц и о

Малика Меб<sup>1</sup> сизникига қўнган шекилли.  
 У арвоҳлар ўртасида доя бўлса-да,  
 Олдерменнинг<sup>2</sup> узуғида ақиқдай холос.  
 Одам қаттиқ ухлаганда бурни устида  
 Атомларни миниб чопар шу Меб тушмагур!  
 Ўргимчакнинг оёқлари — чарх кегайлари  
 Соябони — сузанаkning қанотларидан.  
 Тизгинлари — ўргимчакнинг нозик тўридан,  
 Бўйинчалар ойнинг инжиқ нурларидандир,  
 Чигиртканинг пўстларидан ясалган дурра,  
 Аравасин ҳайдаётир ушоқ бир чибин;  
 Шунча кичик бир чибинки, ялқов қизларнинг  
 Билагида ўрмаловчи қуртдан ҳам кичик;<sup>3</sup>  
 Араваси пуч бир ёнғоқ, уни олмахон  
 Еки қари бир чувалчанг бошлаб ясаган.  
 Париларнинг улар эски аравасози...  
 Ҳашамат-ла шундай чопар тунлар бўйи Меб,  
 Ошиқларнинг миясидан ўтса у ногоҳ —  
 Ошиқларнинг тушларига севги киради;  
 Йўли тушса шоҳ маҳрами тиззаларидан —  
 Тушга кирар таъзим билан қўл қовуштирмоқ;

<sup>1</sup> М е б — фольклордан чиққан номаълум образ.

<sup>2</sup> Шаҳар кенгашининг аъзоси. У даврда инглиз амалдорлари бармоғига тақиб юрган узуқларнинг кўзига муҳр ёки киши суратини ўйдириб қўйиш расм бўлган эди.

<sup>3</sup> Афсоналарга кўра, ялқов қизларнинг суякларидан қуртлар пайдо бўлармиш.



Ё судьянинг қўлларига тегиб ўтса Меб —  
 Албатта у судья кўрар тушда порани;  
 Хонимларнинг лабларини бир ялаб кечса —  
 Демак, улар тушда кўргай ширин бўгани;  
 Уша лаблар ширинликка ўч бўлганидан —  
 Меб уларни ҳуснбузар билан қоплайди.  
 Агар тўра бурнига Меб бир тегиб ўтса —  
 У тушида кўргисидир илтифот — инъом.  
 Гоҳо чўчка қили билан қитиқлаб ўтар  
 Ухлаб ётган очкўз попнинг тумшугини ҳам,  
 Шунда кўпроқ назру эҳсон кўрар тушда поп.  
 Бориб қолиб, елиб ўтса солдат бўйнидан,  
 Шунда солдат ўз тушида қирғин — жанглари,  
 Қамаллари, Испания шамширларини  
 Ва ўн қарич чуқур барваст қадаҳни кўрар.  
 Ногоранинг гумбурлашини эшитиши у,  
 Сесканиб тез уйғонади, дуо ўқийди,  
 Сўнгра бир оз ором топиб ухлаб кетади.  
 Яна ўша Мебнинг ўзи саҳарга довура —  
 Қир кокиллар тўқиб турар отлар ёлидан;  
 Қокилларни ечсанг демак — бало бўлгуси.  
 У жодугар, чалқанча ётган қизларни —  
 Устларидан босиб турар, токи қизчалар —  
 Кўниксинлар юк-пукларга чидаб туришга;  
 Ва ҳалитдан бўлолсинлар кўниккан аёл —  
 У...

### Ромео

Этади, Меркуцио, худо ҳақи, бас!  
 Ҳамма гапинг эзмачилик.

### Меркуцио

Балли, бу тушлар,

Одамзоднинг бекор зеҳни туққан фарзандлар.  
 Бўш хаёллар ва хулёлар буларга ота;

Энг тиниқ бир ҳаво каби енгилдир улар,  
Улар шимол тупроғининг музли кўксини —  
Силаб ўтган шамоллардан ҳам беқарордир.  
Бирок, улар қаҳрланса жанубга учар,  
Ҳўл шабнамлар қоплаб турган жануб ерига.

Бенволио

Бизни биздан жудо қилур сенинг шамолинг.  
Унда овқат тамом бўлди. Кечга қоламиз!

Ромео

Йўқ-е, эрта эмасмикан? Кўнгил сезади —  
Юлдузларда ҳал бўлгандир менинг толеим!  
Тақдиримнинг аччиқ, шўрлик бошланғичи, эҳ —  
Шу тундаги базм бўлур; буни биламан.  
Ундан кейин менинг умрим кўп чўзилмас ҳам.  
Ҳалок этар гаддор, мудҳиш ва бевақт ажал.  
Энди майли! Қани менинг кемам дарғаси,  
Елканларни тўғрилаб оч. Е таваккал! Юр!

Бенволио

Ноғорани ур-ҳа, уринг! (Уйда кирадилар.)

## БЕШИНЧИ САҲНА

Капулетти уйда бир зал.  
Музикачилар кутмоқда. Хизматкорлар қўллариди  
сочиқ билан кириб келадилар.

1-хизматкор

Қани у хумпар Потпен?.. Уйни тузатишга мадад  
бермайдими, ёрдамлашмайдими ахир?! Лаганларни  
алиштириш, қозон-товоқларни тозалаб қўйиш унинг  
иши-ку, ахир!

## 2-хизматкор

Қачонки уйнинг юмушлари панжалари ювуқсиз  
икки кишига қолар экан, ишнинг мазаси кетди, дегин!

## 1-хизматкор

Курсиларни тезроқ олиб чиқинг! Жавонларни су-  
риб қўйинг! Кумуш асбоб-идишларга кўз-қулоқ бўлиб  
туринг!— Ҳой, сен менга тўқачлардан олиб қўй, чина-  
кам ошнам бўлсанг эшикдаги қоровулга, Сусанна  
Грайндстонни, тағни Неллини ичкарига киргиз, деб  
тайинлаб қўй! Антон! Поптен!

## 2-хизматкор

Хўп, биродар, тўғрилаймиз.

## 1-хизматкор

Сизларни катта залда излаб, сўраб, истаб, бақи-  
риб-чақириб юрибдилар.

## 2-хизматкор

Бирданига унда ҳам мунда ҳам ишлаш мумкинми,  
ахир? Қани, йигитлар, чаққон бўлинглар! Эпчилроқ!  
Бировлардан ошириб умр кўрганлар ҳамма нарсани  
боплаб эгаллаб оладилар. *(Кетадилар.)*

Капулетти ўз қизи Жульетта ва бўлак хона  
аҳллари билан кириб келади; улар меҳмонларни ва  
ниқобли кишиларни кутиб оладилар.

## Капулетти

Хуш келдингиз, афандилар, қани марҳамат!  
Сўгаллари йўқ хонимлар даврага тушсин.  
Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа, дўндиқчалар! Қани, қайсингиз,  
Шу ўйинга тушмоқликдан бош тортар, қани?  
Азбаройи худо дейман, қайси бирларинг

Ана-мана деб тушмаса бугун ўйинга,  
Демак, унинг оёғида катта сўгал бор!

*(Ромео ва унинг шерикларига.)*

Афандилар, қани уйга! Кунлар бор эди —  
Мен ҳам ниқоб кийиб юриб базму тўйларда  
Хонимларга ёққан сўзни шивирлар эдим.  
Ўтиб кетди, ўтиб кетди, ўша чоқлар, оҳ!  
Қани, уйга!.. Чалинг жадал, ҳой созандалар!..  
Шу орани очиб қўйинг! Ёшлар ўйинга!

Музыка чалинади, меҳмонлар ўйинга тушадилар.

Чирогларни кўпроқ ёқинг! Ҳой, хизматкорлар.  
Курсиларни олиб чиқинг, ўтни ўчиринг,  
Уй жуда ҳам исиб кетди, ўчиринг жадал!  
Кутилмаган шодлик менга хўп ёқиб тушди... —

*(Ўз кекса қариндошига.)*

Ўтир, ўтир, Капулетти, ўтир азизим!  
Ўтиб кетди сен билан биз ўйнаган кунлар!  
Сўнги марта зиёфатда қачон бўлгандик,  
Эсингдами, эслаб кўр-чи!

Кекса

Ўттиз йил бурун.

Капулетти

Э, қўйсанг-чи! Шунчага ҳам етмаса керак.  
Люченицио тўй қилганди шекилли, у кун.  
Арвоҳларнинг кунларини шунча қистаманг!<sup>1</sup>  
Ўша тўйдан ўтса керак йигирма беш йил.

Кекса

Иўқ-э, тақсир, кўпроқ бўлди, ўғли ўзи ҳам  
Энди тўлиб қолди роса ўттиз ёшларга.

<sup>1</sup> Мақол.

## Капулетти

Бу қандай гап? Бултурғия, шу деганингиз  
Кичкина бир гўдак эди, азбаройи ҳақ!

Ромео

(хизматкорга)

Қара, анов йигит билан айланиб турган,  
Хусни кўзни қамаштирган дилдор хоним ким?

Хизматкор

Билмайман, тақсир.

Ромео

Жамолидан машъаллар ҳам бўлдилар хира!  
Тун қўйнида олмос янглиғ барқ урар хусни.  
Гўё занжи қулоғида порлоқ зиракдай;  
Бу дунёга нисбатан у кўп қимматбаҳо!  
Гўё оплоқ кабутардир зоғлар ичида.  
Унинг хусни, бўлақларнинг хуснин ўчирар.  
Улар рақсин тугалишин пойлаб турайн:  
Қўлларига тегиш ўзи ғанимат — савоб!  
Илгари ҳам севармидим? Тонинг кўзларим!  
Шу кечгача гўзалликни билмас эканман.

Тибальт

Эшитаман Монтеккининг беҳаё товшин.—  
Ҳой йигитча, қилични бер! Кўрасанларми, —  
Базмимизни масхаралаб кулги қилгани —

Ниқоб кийиб нега келган, анов қулбачча?  
Онт ичаман насибимнинг шарафигаки,  
Назаримда гуноҳ эмас уни ўлдирмоқ!

Капулетти

Нега шундай шовқин-сурон кўтардинг, жиян?

## Т и б а л ь т

Амакижон, душманимиз Монтекки шунда;  
У беҳаё, у ярамас бир муттаҳамки —  
Оиламиз базмларидан кулгани келган.

## К а п у л е т т и

Ким экан, ёш Ромеоми?

## Т и б а л ь т

Аблаҳ Ромео?

## К а п у л е т т и

Қўй, азизим, у билан ҳеч ишинг бўлмасин;  
Унинг хулқи олижаноб меҳмондай, ҳалос.  
Тўғрисини айта қолсам, Верона ичра —  
У одобли, гоят ростгўй, ҳалол бир йигит,  
Бу шаҳарнинг баҳосини берсанг ҳам менга —  
Ўз уйимда хўрламайман ўз меҳмонимни.  
Сабр қилгин, сен бу ишни юракка олма;  
Хоҳишим шу! Буйруғимга риоя қилгин!  
Меҳрибон бўл, илтифот қил, қовоғинг солма.  
Зиёфатда қовоқ солиш одобдан эмас.

## Т и б а л ь т

Нима қилай, уйга кирса анов муттаҳам!  
Йўқ, мен сира чидолмайман!

## К а п у л е т т и

Мажбур эгаман!

Жим, адабсиз, жинни бола. Айтдим, қиламан!  
Хўжайин ким? Сизми, менми? Йўқолинг, кетинг!  
Гапни қаранг, «чидолмайман!» эмиш; ё оллоҳ!  
Меҳмонларим ўртасида жанжал қилмоқчи,  
Удағайлаб, безорилик қилиб кўр-чи! Хўш!

## Т и б а л ь т

Бу биз учун шармандалик, амаки!

## Капулетти

## Иўқол!

Сиз уятсиз бир безори — ҳаммага маълум.  
 Бу ҳазиллар бошингизни егуси охир!  
 Сиз жиғимга тегяпсиз! Бас энди, бўлди! —  
 Шу сўзим хўб беш кетди-я; безори йўқол!<sup>1</sup>  
 Жим ўтиринг! Ҳа айтгандай... чироғ бер! — Уят!  
 Адабингни хўб берурман — шод бўлинг,  
 дўстлар! —

## Т и б а л ь т

Туйғуларнинг галаёни титратар мени,  
 Босилсам ҳам, ғазабимни сўндиролмайман!  
 Мен кетаман. Қиришларинг ҳозир шириндир,  
 Аммо какра ва заҳардай аччиғдир кети. *(Кетади.)*

## Ромео

*(Жульеттага)*

Шу гуноҳкор қўлим билан тегдим қўлингга,—  
 Гуноҳимдан тавба учун менга ҳақ бергин!  
 Шу лабларим зиёратчи: ўз гуноҳини —  
 Ювмоқ учун бирон нозик бўса кифоя.

## Жульетта

Зиёратгоҳ бўлса лаблар, демак сиз ҳожи,  
 Лекин нега қўлингизга шунча бешафқат;  
 Фикримизча, қилган ниши гуноҳ эмасдир,  
 Қўлларнинг шу тегишуви бизча табаррук,  
 Бу ҳожининг кўп ихлосманд ўпишидай соф!

<sup>1</sup> Бу ерда ва бундан кейинги мисраларда Капулеттининг гаплари гоҳо жиянига ва гоҳо меҳмонларга қаратилган.

Ромео

Ҳожиларнинг, эгуларнинг лаблари йўқми?

Жульетта

Бор, афандим, лекин дуо зикр этмоқ учун!

Ромео

Эгу хоним, қўлларимга берилган бахтни  
Лабларимга ҳам очсангиз! Йўқса, шаккокман!

Жульетта

Розиликни билдирмоққа қимирлаш шартми?

Ромео

Қимирламай турмоқ маъқул — мен бахтни топдим.

(*Упади.*)

Лабларингиз учирдилар лабим гуноҳин.

Жульетта

Демак, юқди лабларингиз гуноҳи менга?

Ромео

Лабларимнинг гуноҳими? Бу сўз жафодир,  
Аммо ширин бир жафодир. Қайтар бўлмаса —  
Мендан сенга юққан ўша гуноҳларимни!

Жульетта

Ҳақ — ҳисобнинг тўғрилигин ёқтираман мен.

(*Узи уни ўпади.*)

Энага

(*Жульеттага*)

Онангизнинг икки оғиз гапи бор экан!



Ромео

Онаси ким?

Энага

Онг ичаман, сизга, эй йигит,  
 Оналари бека бўлур бу хонадонга,  
 Илтифоткор, кўп оқила бир бонудир у.  
 Мен уларнинг қизларига энагадирман.  
 Қизларин-чи? Сиз гаплашган дундиқнинг ўзи.  
 Айтиб қўяй: уни олган — хазина топар.

Ромео

Капулетти қизими шу? Ажойиб ҳисоби!  
 Шу ҳисобда умрим кетди душманларга қарз.

Бенволио

Қани кетдик, ҳазилимиз ҳам жуда боп тушди.

Ромео

Иўқ, ҳазиллар адо бўлди шу дамдан бошлаб.

Капулетти

Афандилар, шошмоқ нега, кетманглар ҳали,  
 Ҳозир бирга биз тамадди қилиб оламиз,<sup>1</sup>  
 Вақт бўлдими? Қолмайсизлар? Кетмоқчиларми?  
 Хўп бўлмаса, раҳмат сизга! Хайрли кеча!—  
 Машғалларни тутинглар, ҳой! Биз-чи ётоққа!  
 Дарҳақиқат, вақт ҳам анча кеч бўлиб қолди.  
 Келиб етди дам олишнинг айни фурсати!

Жульетта ва энагадан бошқа ҳамма чиқиб кетади.

Жульетта

(энагага)

Бу ёққа кел. Қани айт-чи, ким у афанди?

<sup>1</sup> Кечки овқатдан сал кейин мевалар, ширинликлар ва шароблар берилар эди.

Э на га

Тиберис чолнинг ўғли ҳам ворисидир.

Ж у л ь е т т а

Эшиклардан чиқаётган анов йигит-чи?

Э на га

Янглишмасам, назаримда ёш Петруччо.

Ж у л ь е т т а

Уйнамасдан тургани-чи! Ана униси?

Э на га

Қайдам:

Ж у л ь е т т а

Мутлақ билиб олгин унинг исмини!  
У уйланган бўлса, демак ортиқ мен учун:  
Никаҳ тўйи, ётоқ жойим — совуқ гўр бўлур.

Э на га

Унинг исми Ромеодир, Монтеккилардан;  
Сизнинг улуғ ғанимингиз унинг отаси.

Ж у л ь е т т а

Севги куртак очар, ҳайҳот, ёвуз нафратдан!  
Ҳеч бўлмаса кўрмоқ! Сўнгра кечикиб билмоқ!  
Бу бир бахтсиз эҳтироснинг бошланғичидир:  
Юрагимни ўғирлади ашаддий душман!

Э на га

Бу нимаси? Бу нима гап?

## Жульетта

Зиёфат чоғи —

Бир йигитдан эшитгандим шу байтларни.

Энага

Сиз эшитиб бўлсиз! Бўлди. Меҳмонлар кетди —  
Ухлашнинг ҳам пайти келди. Қани ётоққа.

Кетадилар.

## II ПАРДА

### ПРОЛОГ

Х о р кириб келади.

Х о р

Улим ётоғида кексайган севги;  
 Аммо ёш муҳаббат эшикдан кирар,  
 Йигит илк севганин унутган балки,  
 Жульетта бор жойда у эмас дилбар.  
 Ромео севади, севилади ул.  
 Жульетта кўзлари қилибдир жоду.  
 Аммо қиз уйига йигит номаъқул,  
 Жульетта қалбида севги ҳам қўрқув.  
 У эски ҳусумат йўлларда тўсиқ,  
 Ошиқлар бир бирга қовуша олмас,  
 Жульетта меҳрига қўйилган тақиқ,  
 Ўз ёрин кўрмоққа муяссар бўлмас.  
 Баҳарҳол ўртадан гов йўқолгуси,  
 Шум қисмат ишқ билан ширин бўлгуси.

Кетади.

### БИРИНЧИ САҲНА

Кўча муюлиши. Капулетти боғи олдида девор.  
 Ромео кириб келади.

Ромео

Шунда қолса қалбим, кета оламанми мен?  
 Тентак дунё! Топиб олгин ўз марказингни!

(Девор ошиб кўздан ғойиб бўлади.)

Бенволио ва Меркуцио кириб келадилар.

Бенволио

Ҳой Ромео! Жон биродар!

Меркуцио

Эси жойида.

Худо урсин, ҳозир бориб ётгани кетди.

Бенволио

У, бу ёққа чопиб келди, девордан ошди!  
Чақир уни Меркуцио!

Меркуцио

Энди аврайман!

Ҳой Ромео, девона ёр, савдойн айёр!  
Бир «оҳ» бўлиб кўзга кўрин, ё бир байт ўқи;  
Фақат бир байт, мен шунда ҳам бўлурман

хурсанд.

«Ҳайҳот!» дегин, қофия қил: «жон ва жонон» де,  
Ишқ тангриси Венерага бир оғиз гап оч,  
Еки унинг қийшиқ ўғлин гашини келтир,  
Чунки унинг ўғли Амур бир отишдаёқ —  
Битта шоҳни ошиқ қилди гадой хотинга.<sup>1</sup>  
Йўқ, у асло қимирламас ва жавоб бермас.  
Маймун худди қотиб қолган. Аврашим бекор!  
Розалина кўзи билан жоду қиламан.  
Лаъли лаблар, юзи билан жоду қиламан,  
Нозик оёқ, ҳамда ларзон бўксаси билан,  
Шу бўксага яқин турган неъматлар билан

<sup>1</sup> Шоҳ Қофетуанинг Амурдан ўқ еб Зенелефон деган бир гадой хотинга ошиқ бўлганлиги тўғрисида қадимги афсона.

Жоду қилиб сени яна тоза аврайман;  
Важоҳатинг ила ҳозир пайдо бўл, ҳозир.

Бенволио

Сўзларингни эшитади, хафа бўлади.

Меркуцио

Ундай эмас. Агарда мен Розалинининг  
Ишқ-муҳаббат хонасига ўзга арвоҳни  
Чақирсайдим, Розалина хоҳлар-хоҳламас  
Ромеони ҳайдасайди, халал берма деб.  
Ҳақли эди хафа бўлса унда Ромео.  
Менинг ҳамма жаврашларим тўғри ва ҳалол:  
Севган ёри ҳурматига келсин деяпман?

Бенволио

Юринг, ҳозир, у дарахтлар аро зим кетди,  
Ушанда зах қоронғилик, бу — унга ёқар.  
Севги кўрдир, қоронғилик унга мос тушар!

Меркуцио

Севги — кўрдир; у мўлжалга тегмаги мушкул.  
Чангалзорда ўтиргандир ҳозир Ромео.  
Хилватзорда хаёл сурмоқ унга кўп осон,  
Орзу қилар у бир қизни, очиқ мевани,  
(Очиқ мева нималигин қизлар билади.)  
Биласанми, Ромео, сен, у очиқ бўлса,  
(Нимасининг очиқлиги ўзингга маълум)  
У ҳолда сен нок бўлурдинг, Ромео, ўзинг!..  
Мен ётгани кетяпман, хайр, Ромео:  
Сенга ўхшаб, ерда ётиб шамоллаб қолмай.  
Хўш, бўлмаса кетамизми?

Бенволио

Кетамиз, йўқса

Биздан қочган бир кишини изламоқ бекор!

Кетадилар.

## ИККИНЧИ САҲНА

Капулетти боғи.

Ромео кириб келади.

Ромео

Ҳеч ярадор бўлмаганлар ярадан кулар.

Юқорида — деразада Жульетта кўринади.

Деразада липиллаган ўша нур нима?  
 У ердадир олтинранг қиз, Жульетта — қуёш!  
 Эй офтоб, рашк қилувчи ойни ўлдиргин,  
 Ой, рашкдан сўлиб қолган, ўзи хастақол,  
 Чунки, унинг канизаги ундан ҳам гўзал.  
 Сенинг беканг кундош экан бўйсунма унга:  
 Ташлаб қўйгин бокира қиз яшил либосин:  
 Қизиқчилар фақат кияр яшил кийимни,  
 Оҳ маликам, оҳ соҳибам, ишқу савдом сен!  
 Билармикан у ўзининг шу мавқеини?  
 Гапирди-я. Йўқ индамас. Майли, бўлмаса!  
 Кўзлари-ку гапирмоқда — жавоб берайин!  
 Мен сурбетман. Сўйлашмайди ҳеч ким мен билан.  
 Осмондан икки нафис юлдуз, иш билан  
 Кета туриб, у кўзларга ёлвордиларки —  
 Кошки бўлсам шу маҳалда, қўлқоп ўрнида.  
 Еки шундай: юлдузларга алмашса кўзлар!  
 Қандай бўлур? Юзи хира қилур юлдузни,  
 Кундуз нури чароғларни сўндирганидай.  
 Қушлар бўлса тунни кун деб сайрар эдилар.  
 Кўк ёришиб кетар эди кўзлар туфайли.  
 У қўлига чаккасини суяб турибди.  
 Кошки бўлсам шу маҳалда қўлқоп ўрнида,  
 Чаккасига тегар эдим!

Жульетта

Вой, ўла қолай!

## Ромео

Гапга кирди! Гапиравер, нуроний малак!  
 Бошим узра гўё тиниқ, ёрқин бир фалак —  
 Сен фалакда учар меҳмон сингари гўзал,  
 У шунақа, ялқов булут ичра кезади,  
 Еки ҳаво тўлқинларин ёриб юзади,  
 Бошин қайраб, инсон кўзин олайтиради.  
 Мафтун бўлиб ҳайрон-ҳайрон унга қарайди.

## Жульетта

Оҳ, Ромео. Нега ахир сен Ромеосан?  
 Ўз исмингдан, оилангдан воз кеч, эй йигит!  
 Агар буни хоҳламасанг ишқимиз учун —  
 Қасамёд қил, Капулетти бўлмайман мен ҳам.

Ромео  
(ўз-ўзига)

Яна сўзи бормикан, ё, берайин жавоб?

## Жульетта

Ўзинг эмас, сенинг исминг ғанимдир менга.  
 Сен бошқасан. Сен Монтекки эмассан асло.  
 Одамзоднинг қўли, юзи, оёғи ёки —  
 Бўлак қисми Монтеккидан бўлиши шартми?  
 Сен ўзингга бошқа ном топ! Ном деган нима?  
 Гулнинг номи ўзга бўлса нима бўлурди:  
 Ўзга номда хушбўйлиги ўзгарармиди?  
 Ромеонинг номи агар ўзгача бўлса—  
 Ҳеч нарса кам бўлмас эди камолотидан!  
 Ташла номинг, ном-ку сенинг бир ҳиссанг эмас,  
 Тану жоним сенинг бўлур бугун, Ромео.

## Ромео

Сўзларингни унутмагин, тонмагин, эй қиз!  
 Мени ёр де, мен ўзимга бошқа ном қўяй,  
 Ва бундан сўнг бўлмагайман асло Ромео.



## Жульетта

Кимсан ўзинг? Тун пардаси остида, бутун—  
Сирларимга ошно бўлдинг?

## Ромео

Қайси ном билан

Мен ўзимни атай сенга— билолмай қолдим.  
Менинг исмим энди бўлди менга кўп жирканч:  
Чунки сенга у душмандир, азизим, жоним.  
Номим бўлган васиқани йиртсам розиман.

## Жульетта

Мен оғзингдан юзта сўз ҳам эшитганим йўқ—  
Товушингдан таниб олдим, лекин, ўзингни.  
Сен Ромео? Сен Монтеки? Шундай эмасми?

## Ромео

Йўқ-э, йўқ, йўқ; ҳар икки ном сен учун манфур!

## Жульетта

Бу ерга сен қандай кирдинг? Нимага кирдинг?  
Бу ҳовлида девор баланд, ошмоқ ноқулай;  
Сен учун бу хатарлидир: бирон қариндош—  
Кўриб қолса бошгинангга тушади ўлим!

## Ромео

Мени, севги қанотида келтириб қўйди:  
Севги учун ҳаттоки тош бўлолмайди ғов.  
Ҳар нарсага севги дахл қила олади,  
Менга тўсиқ бўлолмайди қариндошларинг!

## Жульетта

Кўзга тушсанг, бўлди, дарҳол қилурлар ҳалок!

## Ромео

Эвоҳ, эвоҳ, йигирмата қиличбозингдан—  
 Менга кўпроқ у кўзларинг хатарлироқдир.  
 Сен меҳр ила бир қарасанг, мен учун шу бас,  
 Бу билан мен сақланаман ёвлар қаҳридан.

## Жульетта

Кошки сени кўрмасалар!

## Ромео

Шу тун бошпанам,  
 Агар мени севгинг билан исита олсанг...  
 Аммо мени ёмон кўрсанг— кўрсинлар улар;  
 Сенинг ишқинг даргоҳидан бенасиб ҳаёт—  
 Ёв қаҳридан ўлмакдан ҳам бешбадтар ёмон!

## Жульетта

Ахир айт-чи, сени бунга ким олиб келди?

## Ромео

Севгим мени бошлаб келди ёр даргоҳига,  
 Севги менга кенгаш берди, мен унга— кўзлар.  
 Мен денгизчи сайёҳ эмас, аммо ишонки,  
 Агар олис денгизлардан нари бўлсанг ҳам—  
 Шундай қиммат гавҳар учун юзиб борардим.

## Жульетта

Тун ниқоби ёпиб олган менинг бетимни,  
 Бўлмаса сен пайқар эдинг қизарганимни,  
 Чунки менинг сўзларимни писиб тинглабсан.  
 Сўзларимдан хижолатман, кўп уятдаман,  
 Ҳозир жон деб кечар эдим айтганларимдан.  
 Энди ортиқ хайр дейман ясама гапга!  
 Қани, мени севасанми? Дарров «ҳа» дейсан;  
 Бу сўзингга ишонаман, аммо онт ичанг—  
 Ёлғонсираб кетмаклигинг кўпроқ эҳтимол.

Ишқий қасам тепасидан тангрилар кулар,<sup>1</sup>  
 Тўғрисин айт, севасанми, азиз Ромео?  
 Мени, бу қиз унай қолди, деб ўйламагин,  
 Бўлмаса мен, қовоқ читиб, «йўқ!» дейман, ҳозир.  
 Сени қалбдан севиб қолдим, азиз Монтеки!  
 Мени балки енгилтак деб ўйлаб қоларсан.  
 Лекин, ишон, пинагини гўё бузмасдан —  
 Бепарводай юрганлардан мен вафодорман.  
 Мен ҳам балки бепарводай кўринар эдим —  
 Башарти сен менинг ишқу ҳавасларимни —  
 Эшитмаган бўлсанг эди бугун ногаҳон.  
 Қоронғу тун сирларимни очган бўлса ҳам,  
 Мени дарҳол тан берди деб ўйлама, кечир!

Ромео

Дарахтларни кумушларга белаб турувчи —  
 У муборак ой ҳурмати, қасам ичаман...

Жульетта

Йўқ, бевафо ой номига қасам ичмагин,  
 У-ку ҳар ой ўзгартирмоқда ўз рухсорини,  
 Бизнинг севги ҳеч бўлмасин ундай бевафо.

Ромео

Оҳ, нимага қасам ичай?

Жульетта

Кераги ҳам йўқ,  
 Жуда керак бўлиб қолса ўз жамолингга,  
 Ўзлигингга, яъни менинг худом ҳурмати  
 Қасам ичгин, ишонаман.

Ромео

Агар дил меҳри...

<sup>1</sup> Тўғрисини — «Юпитер кулар» — чунки у ўз маъшуқаларини тез-тез алмаштириб турар эмиш.

## Жульетта

Йўқ, онд ичма! Келишинга хурсанд бўлсам ҳам,  
 Тун маҳали аҳдномага рози эмасман:  
 Бу жуда тез, ногаҳоний, нохосдан бўлур,  
 Бизлар ҳали: «Ана чақмоқ!» деб улгурмасдан —  
 Учиб кетган чақмоқларга ўхшайди бу аҳд!  
 Хайрли тун! Ёзнинг майин нафаси тонгга,  
 Ишқ куртагин гўзал гулга айлантиролсин!  
 Хайрли тун! Қалбимдаги осойишталик —  
 Азиз дўстим, юрагинга ором сололсин!

## Ромео

Бирон тухфа бағишламай, ҳайдаяпсанми?

## Жульетта

Қандай тухфа истар эдинг, шу тун маҳали?

## Ромео

Мен, онтимнинг баравари, онт ич, сўрайман!

## Жульетта

Сўровингдан илгариеқ онт ичган эдим,  
 Жон деб қайта такрор қилай севги онтимни.

## Ромео

Сен аввалги қасамингни бузмоқчимисан?

## Жульетта

Янги совға бермоқчиман саховатимдан.  
 Ихтиёримда бор нарсанинг эгасидурман.  
 Денгизлардай бепоёндир менда саховат,  
 Денгизлардай менда чуқур севги-муҳаббат.  
 Қанча беҳад тортиқ қилсам муҳаббатимни,  
 Шунча чексиз — бепоён бил саховатимни.

*(Эшик орқасидан энага чақиради.)*

Уйдан товуш келаяпти. Хайр, севганим!—  
 Ҳозир!— Менга вафодор бўл, азиз Монтекки.  
 Жиндак тўхта, ҳозир тагин қайтиб чиқаман.

Кетади.

Ромео

Оҳ муборак, шафқатли тун! Кўп қўрқаманки —  
 Кўрганларим ўнг эмасу бошдан-оёқ туш,  
 Чунки шунча ширин нарса ўнгда бўлмайди.

Яна юқорида Жульетта кўринади.

Жульетта

Икки оғиз гап: ундан сўнг, хайр Ромео.  
 Дилдан бўлса сенинг ишқинг, ҳамда хоҳласанг  
 Менга бир кун уйланмоқни — эрта эрталаб,  
 Мен юборган одамимга чин гапни айтгин:  
 Қачон, қайда сен никоҳни ўқитмоқчисан,—  
 Ундан сўнгра, оёғингга поёндоз бўлай —  
 Эгамсан,— деб борай сен-ла қаерга десанг.

Энага

(эшик орқасидан)

Хоним!

Жульетта

Ҳозир!— Аммо ишқинг ҳалол бўлмаса  
 Ялинаман...

Энага

(эшик орқасидан)

Хоним! Хоним!

Жульетта

Ҳозир, ҳозир! Бораман ҳозир!  
 Ялинаман, мени қўйгин ўз ғамим билан.  
 Эрта билан юбораман!

Ромео

Саодатимга...

Жульетта

Сенга юз-юз саломларим!

Кетади.

Ромео

Тонгни кутиш интизори юз марта мушкул!  
Дарслигидан ажралганда суюнар шогирд,  
Аммо ёрдан ажралмоқлик дўзахдир роса.

*(Секин дарвозага юради.)*

Жульетта

*(яна юқорида пайдо бўлади)*

Оҳ Ромео, лочинларни ундаб олгали —  
Лочинбозлар менга нега овоз бермади!  
Канизакнинг бўғиқ товши шунча ожиздир, —  
Бўлмаса мен горлардаги Эхо санамин —  
Акси садо санамини титратар эдим,  
Хирилларди ҳаволарнинг зўр садоси ҳам —  
Шу исми такрор қилса: Ромео — Ромео!

Ромео

Менинг жоним чақирмоқда. Ошиқлар товши —  
Тун қўйнида кумуш каби ширин жаранглар,  
Худди нозик музиканинг куйлари каби!

Жульетта

Ромео!

Ромео

Севиқлим!

Жульетта

Эрта соат нечаларда киши юборай?

Ромео

Тўққизларда.

Жульетта

Оҳ, эртага йигирма йил бор!  
Сени нега чақирувдим, эсимдан чиқди.

Ромео

Кутиб турай, балки тағин эслаб қоларсан!

Жульетта

Бунда туриб қолгайсан, деб эсламайман ҳам,  
Фақат бирга бўлсак яхши — эсимдаги шу!

Ромео

Кутиб турай, токи сен ҳам худди мен каби —  
Унутгайсан жаҳондаги бўлак ўйларни.

Жульетта

Ана саҳар. Истайманки энди жўнасанг,  
Оёғига ип илинган бир қуш сингари;  
Шўх қизчалар шундай қушни гоҳо учирай —  
Лекин худди занжирланган бир банди каби  
Сўнгра, дарҳол яна ипни тортиб оларлар,  
Гўё гўзал қуш эркига рашклари келар.

Ромео

Истар эдим сенинг қушинг бўлмоқни мен ҳам!

Жульетта

Ҳа, азизим. Шундай қушни сийлардим дилдан.  
Хайр энди, хайрлашув кўп ширин ўйин!  
Эртагача хайрлашиб турсам хурсандман.

## Ромео /

Мен бу кеча уйқу, ором тилайман сенга!—  
 Истар эдим тушинг бўлай, ороминг бўлай!  
 Менга мадад керак ҳозир, ҳаловат учун —  
 Шу дам роҳиб кулбасига тўғри бораман.

Кетадилар.

## УЧИНЧИ САҲНА

Роҳиб Лаврентийнинг кулбаси. Роҳиб Лаврентий сават  
 кўтариб келади.

## Лаврентий

Қовоқ солган шу кечага қарайди кундуз,  
 Нур — шуълалар сояларни ҳайдагай ҳануз,  
 Қир зулматлар худди бир маст сингари ҳозир  
 Четлаб қочар офтобнинг ўтли йўлидан.  
 Токи боқмай куйдирувчан кундузнинг кўзи,  
 Шабнам шимиб, табрикламай бизларни ўзи,—  
 Саватимни тўлдирибман ҳар хил доруга,  
 Кўп шифобахш гиёларга, ҳар хил оғуга.  
 Тупроқ ҳам, гўр ҳам қориндир; оламга — она;  
 Гуноҳларга, савобларга у ўзи хона.  
 Биз тупроқнинг ич қорнидан чиққан авлодни  
 Ахтарамиз. Эмизади тупроқ уларни.  
 Табиатнинг авлодлари тўлмиш неъматга.  
 Аммо улар, бош қўшмайди ҳеч ҳусуматга.  
 Бу тошларда, майсаларда не-не хосият,  
 Қанча қудрат, қанча мадор ва нозу неъмат!  
 Тупроқ қўйни олий ё паст ашёга тўлиқ.  
 Ерга бирон нарса берар ҳатто паст махлуқ.  
 Аммо яхши нарсани сен қўллай олмасанг,  
 Нохуш, бебурд самаралар келтирур улар,—  
 Шу аҳволда айланади яхши ёмонга;  
 Еки нуқсон айланади мусбат томонга.  
 Мана чечак! Бу гунчада заҳар ҳам бордир,



Аммо шифо беришга ҳам шу чечак қодир.  
 Унинг атри танимизни қилади хушҳол,  
 Аммо бир оз татиб кўр-чи, ўлдирар дарҳол,  
 Гиёҳларда мудом яшар икки душман шоҳ;  
 Кишиларнинг дилларида савоб ва гуноҳ.  
 Қачон чиқса яхшиликдан ёмонлик устун —  
 Ўсимликни ёмон мараз еб қўяр бутун.

Ромео кириб келади.

Ромео

Салом сенга, ё отахон!

Лаврентий

Ҳақ мададкоринг!

Тонг отарда бу меҳрибон салом кимдандир?  
 Ётоғингдан шундай барвақт турибсан, ўғлим,  
 Бирон ташвиш авзойингни бузган шекилли?  
 Ухламоққа сира қўймас чолларни қайғу.  
 Кексаликнинг гуссасини алдамас уйқу;  
 Аммо қайга бош қўймасин беғам навжувон,  
 Олтин тушлар ҳоким бўлар у ерда шу он.  
 Сенинг бевақт келишингнинг маъноси шуким,  
 Юрагингга оғир ташвиш бўлмишдир ҳоким.  
 Ё бўлмаса, мен фолимда қилдимми хато?  
 Демак, бу тун сен мижжа ҳам қоқмабсан ҳатто.

Ромео

Йўқ, шу тунда роҳатланиб хўп ҳузур қилдим.

Лаврентий

Тавба қилдим, Розалина биланми боҳам?

Ромео

Розалина билан, менми? Йўқ, менинг, пирим,  
 Жисмини ҳам, йсмини ҳам буткул унутдим.

## Л а в р е н т и й

Хўш, бўлмаса, қайда эдинг, бу кеча, бедор?

## Р о м е о

Сен сўрама: ўзим ҳозир бўлайин иқроп.  
 Ёвлар билан ҳамбазм эдим тунда, отахон.  
 Ёв, ногаҳон, юрагимга ханжарин солди,  
 Аммо мендан у ўзи ҳам жароҳат олди.  
 Икки душман фарзандига, ота, бир чора!  
 Ота, нафрат қилмоқликка йўқ менда мажол,  
 Мадад, ота, ёвимга ҳам, менга ҳам дарҳол!

## Л а в р е н т и й

Уғлим, менга очиқ айтгин, қанақа гуноҳ:  
 Сирли гуноҳ кечирмаклик, мушкулдир, эвоҳ!

## Р о м е о

Очиқ айтай: билиб қўйки, мана севгим шу:  
 Капулетти қони оқар ёрим қонида.  
 У ҳам мени яхши кўрар, масаламиз ҳал:  
 Бирлаштирар никоҳ бизни албат беҳаял.  
 Мен у билан қачон, қайда танишиб олдим,  
 Қандай қасам ичиб қўйдим, қандай унашдим,  
 Айтиб берай, аммо фақат сендан илтимос,  
 Ваъда қилгин, бугун никоҳ ўқишга, халос.

## Л а в р е н т и й

Ё, пирим-э! Бу қанақа ўзгариш бирдан?  
 Розалина унутилди, шунчалик тездан.  
 Рост айтарлар: йигитларнинг дилида эмас,  
 Кўзларида ёнар экан муҳаббат, ҳавас.  
 Шу йигитнинг чаккасидан сўлгун, асабий  
 Қанча аччиқ ёшлар оқди, ё ҳақ, ё раббий!  
 У ишқ учун сен шунчалик қон ёш тўкканда,  
 Ҳаммаси ҳам вақтинча гап! Бекор экан-да.

Ҳали офтоб учирмабди оҳ додларингни.  
 Эштаман, ҳозирда ҳам фарёдларингни.  
 Мана турар ҳозирда ҳам чаккагда бир доғ,  
 Илгариги кўз ёшларга энг жонли гувоҳ.  
 Ўзганики эмас эди ўша кўз ёшлар,  
 Розалина учун эди тилак-хоҳлашлар.  
 Ўзгардингни? Иқрор бўлгин. Қани, ўғлим! Хўш.  
 Хотинларда гуноҳ борми, эрлар бўлса бўш?

Ромео

Мени-ку сен койир эдинг севганим учун.

Лаврентий

Севги учун эмас, ўғлим, жиннилик учун.

Ромео

Деган эдинг: «Ишқингни кўм!»

Лаврентий

Аммо, азизим.

Янгисини гўрдан кавла, демовдим, сенга.

Ромео

Сен койима! Менинг ҳозир севганим жонон,  
 Севгим учун севги тўлар, сен шунга инон.  
 Бу — олдинги муҳаббатга сира ўхшамас.

Лаврентий

Чунки жуда аён эди, илк дилбарингга —  
 Уқимасдан ёдлаганинг ишқ китобини,  
 Шунинг учун ишонмасди сенинг гапингга!  
 Утган ишга саловат де! Юргин қаландар,  
 Сенга ёрдам бермоқ керак, имкон бор қадар.  
 Хонадонлар ўртасида ғазаб-хусумат  
 Шу никоҳнинг туфайлидан тугагай шояд!

Ромео

Тез юрайлик! Кутолмайман, етар интизор!

Лаврентий

Ҳовлиқмайлик: шошилганинг оёғи тояр.

Кетадилар.

### ТҮРТИНЧИ САҲНА

Кўча.

Бенволио ҳам Меркуцио кириб келадилар.

Меркуцио

Қайси гўрга кетиб қолди ахир Ромео?  
У уйда тунаганми?

Бенволио

Йўқ дейишади.

Меркуцио

Оҳ золим қиз, Розалина, ҳамма айб унда,  
Ахир, уни қийнаб-қийнаб жинни қилгуси.

Бенволио

Тибальт деган, Капулетти жияни бугун  
Уйга нома юборибди Ромеога деб.

Меркуцио

Онт ичаман, бу — дуэлга таклифномадир.

Бенволио

Хат, жавобсиз қолмайди-ку.

Меркуцио

Хат-саводи бўлган ҳар ким ҳам хатга жавоб бера  
олади.

## Бенволио

Йўқ, мен хатга хат билан жавоб беради, демоқчи эмасман. Дуэлга чақириққа — чақириқ билан жавоб қайтаради дейман.

## Меркуцио

Ҳайҳот, бечора Ромео! Уни энди ўлди, деб бил! У, оқ юзлик қизнинг қора кўзларидан яраланди; унинг қулоғига муҳаббат қўшигининг ўқи тегди; унинг юраги худди ўртасидан кўр бир гўдакнинг ўқига дуч бўлди. У энди Тибальтга қарши қандай қилиб туради.

## Бенволио

Тибальтинг ким? Унинг нимаси бор?

## Меркуцио

Сизни ишонтираманки, у мушуклар шоҳидан ҳам хатарли! У балойи азим! У боадаб қилиқларнинг жасур дарғаси! У қилични худди ногага қараб чалгандай чалади; қиличбозликда вақт, масофа ва кўламни жуда ҳам бажо келтиради. Қисқагина танаффус билан шундай ҳужум қилади-ки: бир-икки-уч деганингизча — сийнангиз чок-чок бўлиб кетади. У шоҳи тугмаларнинг чинакам жаллоди! Дуэлбоз, дуэлбоз, у бошдан-оёқ аслзода! Дуэль учун керак бўлган биринчи ва иккинчи баҳоналарни топишга жуда уста. Оҳ, ўлмас таъбир: Passadol! Puhto, raversol! hai! Ушланг!

Ташланг! Бошланг!

## Бенволио

Нима, нима?

## Меркуцио

Вабога йўлиққур шу айёр тақлидчилар, дудуқланиб сўзловчи масхарабозлар тилини янги мақомларга созла-

моқчилар. Гапни қара: «Исога онт ичаман, бу шамшир ғоят соз шамшир! Бу ғоят хушқомат эркак! Бағоят танноз сатанг!» Бу чет эл пашшалари, бу модага кириб кетган матофурушлар, бу «Pardon-ami»<sup>1</sup> деган иборалар бизни қийнаб тургани алам қилмайдими? Бу одамлар янги либосларни шунча иззат қиладики, эски курсиларга бемалол ўтиришга ҳам ожизлик кўрсатадилар. Бу одамларнинг французчалаб «bones, bones»<sup>2</sup> дейишларини демайсизми!

Ромео кириб келади.

Бенволио

Ана Ромео келяпти, ана Ромео!

Меркуцио

У ёрсиз қолса, безлари қуриб кетган балиққа ўхшайди. Эй гўшт, эй гўшт, шунча бевақт балиқлашиб кетдинг! Ҳозир у шоир Петраркага ўхшаб яйраб кетади. Петрарканинг маъшуқаси Лаура бунинг жононига нисбатан — ошпаз хотин, холос. (Гарчи Лауранинг маҳбуби ўз маъшуқасини бу дўстимиздан кўра тузукроқ мақтаган бўлса ҳам.) Машҳур дилбар Дидона буникига нисбатан шилта, Клеопатра — лўли, Елена ва Гера фоҳиша ва шилқим, Фисба гарчи шахло кўз бўлса-да, бунинг жонони олдида сариқ чақага арзимади. Жаноб Ромео, бонжур! Мана сизнинг хашаки француз иштонингизга французча салом! Сиз кеча бизни тоза қўлга туширдингиз лекин...

Ромео

Иккалангизга ҳам хайрли эрта! Қандай қилиб сизни қўлга туширибман?

<sup>1</sup> Мени афв этгайсиз! (Французча ва итальянча аралаш таъбир).

<sup>2</sup> Французчадаги воп, воп (яхши, яхши) сўзидан бузиб олинган.

## Меркуцио

Чап бериб сирғалиб кетдингиз, тақсир, чап бериб, гапга тушунмайсизми?

## Ромео

Мени кечирасиз, қимматли Меркуцио, жуда зарур ишим бор эди; шунақа ишлар чиқиб қолганда одоб қоидаларини бузиш жойиз-ку!

## Меркуцио

Агар сиз, бундай пайтларда, киши тиз чўкиб узр сўраши лозим деганингизда эди, бу ҳам жойиз бўлар эди.

## Ромео

Яъни одоб билан узр сўраш керак, демоқчисиз!

## Меркуцио

Гапимга батамом тушуниб олибсан.

## Ромео

Гапни назокат билан тушунтирса, шундай бўлади-да!

## Меркуцио

Ахир менинг одоб ва назокатнинг асл чинни гули деса бўлади-ку!

## Ромео

Чинни гул, дейсизми?

## Меркуцио

Албатта.

## Ромео

Ундай бўлса, менинг этикларим ҳаммадан ахлоқли, чунки улар чинни гул билан безатилган.

## Меркуцио

Яхши гапирдинг! Шу ҳазилда менга эргашиб юр, этикларинг тўзигунча. Қачонки этикларингнинг ягона пошнаси тўзиб кетса, сенинг ягона ҳазилинг ҳам яккаю ёлғиз қолади.

## Ромео

Оҳ, ёлғизликда ягона, ягоналикда якка ва ёлғиз ҳазил!..

## Меркуцио

Гап қўшсанг-чи, меҳрибон Бенволио; аскиябозлигим ўтмай қолди!

## Ромео

Аскиябозлик, отингнинг биқинига уриб чопавер, бўлмаса сендан ўзиб кетдим деб жар соламан.

Йўқ, агар сен билан мен ёввойи гозлар<sup>1</sup> кетидан қувсак, ишонаманки, сендан ўзиб кетарман, чунки менинг бешала сезгимдан кўра, сенинг битта сезгингда ёввойилик кўпроқдир. Еки сиз мени гоз деб ўйладингизми?

## Ромео

Доимо шундай деб юрибман-ку. Бўлмаса «шу гоз — жуда соз!» дейишга арзимайсизми?

## Меркуцио

Бу ҳазилинг учун қулоғингдан тишлаб оламан<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ёввойи гозни овлаш ҳамма говлардан сакраб чавандозлик қилишдан иборат эди.

<sup>2</sup> Уша даврда кенг тарқалган ҳазилкашлик расми.



Ромео

Йўқ, меҳрибон ғозим, чимчиламай қўя қол!

Меркуцио

Сенинг ҳазилинг аччиқ-чучукдир; бунинг қайласи жуда қуюқ чиқса керак.

Ромео

Ширин ғоз гўштига бундай қайла яхши зиравор бўлиб тушмайдими?

Меркуцио

Сенинг ҳазилинг эчкининг терисига ўхшаб қолапти! Илгари сен икки эллик ҳазилни ҳам бизлардан аяр эдинг, ҳозир бўлса бемалол, эркингина чўзиб-тортиб қулочдан ҳам оширяпсан-а!

Ромео

Мен ҳазилимни «эркин» сўзига қараб тортаман, сен бўлса буни «ғоз» сўзига келтириб қўшгин-чи, нима чиқаркин? «Тили эркин ғоз» бўлиб чиқмайдими-а?

Меркуцио

Муҳаббат фарёдидан кўра буниси яхши эмасми? Энди сен билан гапиришса бўлади. Сен энди Ромеонинг ўзи. Аслингга қайтибсан. Сенинг думбул ишқинг эса, таёғини тешикка бекитиш учун сарсон бўлиб довдираган аҳмоқи — дарознинг ишига ўхшайди.

Бенволио

Бас, бас, бўлди!

Меркуцио

«Бас, бас»нинг билан сен менинг қиссамни тескарига бураяпсан.

Бенволио

Бўлмаса, гап-сўз ичда ботиб фарқ бўлмагайсан деб  
қўрқаман!

Меркуцио

Ана янглишдинг! Мен қиссамнинг айна мағзини эн-  
ди чақмоқчи бўлиб гапни калта қилмоқчи эдим...

Э на га билан Петр кириб келадилар.

Ана, зебу зийнатни қаранг!

Меркуцио

Елкан, азбаройи худо, елкан!

Бенволио

Қўйлаги бир бўлса, иштони билан икки елкан.

Э на га

Петр!

Петр

Лаббай!

Э на га

Менинг елпиғичимни бер, Петр!

Меркуцио

Марҳаматли Петр, бу кишининг башараларини ел-  
пиғич билан ёпиб қўй! Елпиғичлари юзларидан зебо-  
роқ!

Э на га

Хайрли эрта, афандилар.

Меркуцио

Хайрли кеч, дўндиқча хоним!

Энага

И-я, кеч бўлиб қолдимми?

Меркуцио

Шубҳасиз, чунки соатдаги далла-миланинг учи пешинни кўрсатапти.

Энага

Иўқолинг-э! Қанақа одамсиз ўзингиз?

Ромео

Бу одам, хоним, шундай махлуқдирки, худо, уни ўзи яратиб, ўзига зарар етказган, холос!

Энага

Худо урсин, бу гапингиз, беш кетди: «ўзи яратиб, ўзига зарар етказган!» Ҳа? Жаноблар, қайсингиз айтиб берасиз, ёш Ромеони қайдан топсам бўлар экан?

Ромео

Мен айтиб бераман; аммо сиз Ромеони топиб олгунингизча унинг ёшлиги ҳам адо бўлади. Энди, гапининг тўғриси, Ромео деб аталган кишилар ўртасида мабодо энг ёмони бўлмасам, у ҳолда энг ёшроғи мендурман.

Энага

Сиз, яхши гапирар экансиз?

Меркуцио

Ёмон қандай қилиб яхши гапиради-а? Ана ақлу, ана фаросат! Бай-бай, бай!

Э на га

Агар у киши сиз бўлсангиз, тақсир, сизга яширин айтадиган гапим бор.

Бенволио

Бу хотин, Ромеони қандайдир бир кечки овқатга тақлиф қилмоқчи!

Меркуцио

Дала, дала, дала, олқиш, олқиш, ол уни!

Ромео

Сен кимни «олқиш» қиляпсан?

Меркуцио

Олқишлаётганим қуён эмас, тақсирим, башарти қуён бўлганда ҳам у фақат парҳез овқатлар учун ярайди, чунки у ҳануз қоврилмасдан бурун тамомила қуриб сасиган (Куйлайди.)

«Рўзада — парҳезда,  
Парҳез келган кезде,  
Қуённинг думини —  
Ямлардим бирпасда.  
Жўн эмас, бу овқат,  
Ўтмайди дум, фақат!..  
Рўзага етмаёқ;  
Қуён ҳам бўлди қоқ».

Ромео, уйга борасизми? Бизлар овқатга сизникига кетаётибмиз.

Ромео

Мен ҳам тездан бораман.

Меркуцио

Яхши қолинг, Даққионусдан қолган бону, яхши қолинг! «Ҳой бону, ҳой бону, ҳой бону!»

Меркуцио билан Бенволло кетадилар.

### Э на га

Яхши боринглар! Гўрга э!.. Ғирт аҳмоқ бу сўзфуруш ким ўзи, тақсир!— Уни шу гаплари учун оссангиз ҳам кам.

### Ромео

Энагажон, бу жаноб фақат ўз сўзига ўзи қулоқ солишни яхши кўради. У шунча кўп гапирадики, бир нафасда гапирган гапларини биров унга айтиб берса, бир ой чидаб ўтириши керак бўлар эди.

### Э на га

Агарда у менга қарши бирон гап айтиб қўйса, уни қанча бақувват бўлмасин, ерга улоқтириб ташлайман! Мен шунга ўхшаган йигирмата хумпарнинг уддасидан чиқоламан... Башарти ўз мажолим етмаса, зарур одамларни топиб оламан! Ҳу, сен қўтир муттаҳамни қаранг-а! Мен унга ўйнаш бўлмасам, тақсир! Мен унга қариндош бўлмасам! (Петрга) Сени қара-я! Бу ерда туриб, аллақандай муттаҳамлар мени эрмак қилишига индамайсан-а!

### Петр

Мен ҳеч қачон бирон эрмак сизни эрмак қилганини кўрганим йўқ! Агар шундай нияти борлигини пайқганимда, сизни ишонтираманки, дарҳол қуролни суғурган бўлар эдим. Мен яхши жанжал учун баҳона топганимда ва қонун менинг томонимда эканини кўрганимда, ҳаммага ўхшаб мен ҳам жанжалга тайёрман.

### Э на га

Худо шоҳидки, мен шунча таҳқирландимки, ҳамма аъзойи вужудим қалтираётди, қўтир муттаҳам! Тақсир, сизга бир оғиз гап! Менинг бекам, сизни ахтариб

топишни менга буюрган. У сизга тайинлаган гапларни ҳозирча айтмай қўяй, лекин даставвал, ижозатингиз билан шуни айтиб қўяйки, агар сиз уни аҳмоқ қилмоқчи бўлсангиз, бу жуда дағаллик бўлади, чунки менинг олижаноб бекам ёш нарса; шу учун сиз уни алдамоқчи бўлсангиз — гапнинг рости, бу ишингиз олижаноб бекага нисбатан пасткашлик ва бемазалик қилганингиз бўлади.

Ромео

Энагажон, бекамга салом айтиб қўй! Мен ваъдамга кафилман!

Энага

Оҳ, меҳрибон йигит, мен албатта бу гапларнинг ҳаммасини унга айтарман! Илоҳим, кўз тегмасин, у нақадар бахтли хотин бўлади! Илоҳим...

Ромео

Сен унга нималарни айтиб берасан, энага? Сен-ку, гапимни бўлиб қўйдинг, ҳеч нарса демадим-ку.

Энага

Мен унга айтаманки, сиз кафилсиз, тақсир, шунинг ўзи, ўйлашимча, жуда бамаъни таклиф!

Ромео

Унга айтки:

Тавба — дуо ўқигали ижозат олсин,

Дуодан сўнг иккимизни роҳиб Лаврентий

Бирлаштириб никоҳ ўқир. Ол, хизмат ҳақинг!

Энага

Йўқ, йўқ, тақсир, буниси нима, пул керак эмас!

Ромео

Майли, майли, олинг!

## Энага

Бугун кечқурунми, тақсир! Хўп, у ҳам у ерда бўлади!

## Ромео

Сен кутиб тур бутхонанинг орқа ёғида,  
Хизматкорим бир соат сўнг у ерга келар,  
Унда берар сенга арқон-осма нарвонни;  
Уша билан сирли кеча пайтда мен ҳам  
Саодатим чўққисига қалқиб чиқаман.  
Вафолик бўл, энди хайр, хизматларингга  
Инъом бўлур. Саломимни еткиз бекангга!

## Энага

Худо сизни ёрлақасин... тақсиржон, тақсир...

## Ромео

Бирон гапинг борми менга, энага, гапир!

## Энага

Навкарингиз ишончлими? Чунки, ҳар сирни —  
Биров билиб қолса у сир — сирликдан чиқар.

## Ромео

У пўлатдай мустаҳкамдир, кафилман бунга!

## Энага

Хўп, тақсир! Менинг бекам дунёнинг энг ажойиб жононидир. Илойим-э! У кичкина маҳмадона кезлари эсимда... Оҳ!.. Бу шаҳарда Парис деган кибор бир афанди борки, менинг бекамни илиб олиш пайида юрибди. Аммо бекам, уша афандини кўрса чўлбақани кўргандай бўлади. Мен ҳар замонда, Парис жуда муносиб йигит, деб қўйсам, бирам жаҳли чиқадики... Лекин қасам ичаманки, шундай дейишим биланоқ ранги рўйлари

докадай оқариб кетади. Розмарин<sup>1</sup> дарахти билан Ромео, иккаласи ҳам бир ҳарф билан бошланади, шундайми ахир?

Ромео

Шундай энага. Нега шунини сўраясан? Ҳа, иккаласи ҳам «р» ҳарфи билан бошланади.

Энага

Вой масхарабоз-э! Бу-ку кучукнинг лақаби<sup>2</sup>. «Р» ҳарфи фақат... Йўқ, йўқ билмайман, биламанки сизнинг исмингиз бўлак ҳарф билан бошланади. Менинг бекам, розмарин тўғрисида, сизнинг тўғрингизда шундай ёқимли сўзлар айтиб ўтирадики, эшитсангиз баҳрингиз очилади.

Ромео

Беканга салом ва эҳтиромларимни айтиб қўй!

Энага

Хўп, минг қайта салом айтаман.

(Ромео кетади.)

Петр

Хизмат?

Энага

Петр, елпигичимни олиб олдимга туш, илдамроқ юр!

Кетадилар.

<sup>1</sup> Ҳамиша кукариб турган розмарин деган бута вафо ҳам мангулик белгиси ҳисобланар эди.

<sup>2</sup> Уша даврнинг грамматикасида «р» ҳарфи итнинг ирил-лашига ўхшаган товуш бергани учун уни «ит ҳарфи» дер эдилар.



## БЕШИНЧИ САҲНА

Жульетта кириб келади.

Капулетти боғи.

Энагамни юборганда соат тўққизди;  
 Айтган эди: қайтарман деб, ярим соатда,  
 Балки уни тополмаган? Йўқ, мумкин эмас!  
 У чўлоқдир! Ваҳоланки севги жарчиси —  
 Тоғ бошидан сояларни қувлаб келувчи  
 Шуъладан ҳам ўн карра тез инсон фикридир.  
 Севги учар тез қанотли каптарлар билан,<sup>1</sup>  
 Шу сабабли Амурнинг<sup>2</sup> ҳам бордир қаноти.  
 Қуёш чиқди ўз кунининг авж нуқтасига,  
 Наҳордан то тушликкача уч узун соат,  
 Аммо менинг юборганим ҳануз бедарак.  
 Бўлса эди унда бир оз ишқу муҳаббат,  
 Еки қони сал иссиқроқ, у копток каби  
 Учиб бориб Ромеога сўзимни элтар.  
 Унинг сўзин эса менга олиб келарди.<sup>3</sup>  
 Кексаларнинг феъли, лекин мурдадан бефарқ.  
 Қўрғошиндай сўлғин, совуқ, ялқов ва оғир.  
 Ана, ана келаяпти! Э парвардигор!

Энага ва Петр кириб келадилар.

Энагажон, тиллагинам, қани нима гап?  
 Қўролдингми? Хизматкорни чиқар ташқари!

Энага

Дарвозада бизни кутиб турасан, Петр!

Петр кетади.

<sup>1</sup> Мифологияда севги илоҳаси (тангриси) Венеранинг аравасига кабутарлар қўшилган ҳолда тасвирланар эди.

<sup>2</sup> Амур — Венеранинг ўғли, севги тангриси ҳисобланиб, қанотли гўдак суратида тасвирланади.

<sup>3</sup> Теннис ўйинидан олинган копток образи.

## Жульетта

Қани, жоним, меҳрибоним.. Оҳ, хафамисан!  
 Ғамли бўлса ҳам хабаринг қувноқ гапиргин!  
 Модомики яхши экан, нега бўлмаса —  
 Зарда билан бузаяпсан шу таронани?

## Энага

Чарчаб кетдим, нафасимни ростлай, жон болам.  
 Суякларим сирқирайди. Шунча кўп кездим!

## Жульетта

Суякларим сенга берай — хушхабарни айт!  
 Қани, сўзла, ўтинаман, жоним, бўлсанг-чи!

## Энага

Шошқалоқлик эви билан! Сабр этинг бир пас!  
 Кўрмайсизми, энтикаман, ололмай нафас.

## Жульетта

Бу қанақа энтикишки, нафасинг етди —  
 «Энтикаман» деган сўзни айтиб беришга?  
 Узрларинг шунча узун, шулар ўрнига —  
 Шу айтмаган сўзни айтиб берсанг бўларди.  
 Хушхабарми? Шум хабарми? Шунга жавоб бер!  
 Қолганини менга кейин айтиб берарсан.  
 Қани айтгин: хушхабарми, ёки шум хабар?

## Энага

Қанақа хабарлигини ўзингиз биларсиз?! Бутун бир  
 хазинани ўзингга ёпиштирибсан-а! Ўзинг танладингми,  
 энди ўзингдан кўр! Нимаям деб бўлади у хусусда. Юз-  
 лари-ку ойдек, аммо қадди-басти янаям соз. Қўли, оё-  
 гини таърифлашга сўз йўқ, дарҳақиқат улар ҳар қан-

дай таърифдан юксак! Бахтинг ёр бўлсин, қиз!— Худо-  
га шукур қил! Сизлар овқатландиларингми?

### Жульетта

Йўқ! Буларни мен аввалдан яхши билардим,  
У ҳалиги... Тўй ҳақида нималар деди?

### Энага

Оҳ, бошгинам оғриб кетди! Вой-вой бошгинам!  
Бошим гўё тарс ёрилиб, чилпора бўлди!  
Белим бўлса, вой белим, эй!— Вой, белгинам-эй!  
Мени бугун ўлгудайин югуртдинг тоза!

### Жульетта

Кечир мени, энагажон, қийнаб қўйдимми?!  
Меҳрибоним: қани айт-чи, у нима деди?

### Энага

Сизнинг ошиқингиз, жуда ҳалол бир афанди, жуда  
боадаб, жуда ҳам меҳрибон, ҳаддан ташқари ёқимли  
ва худо ҳақи, ҳимматли киши бўлганидан айтдики...  
Айтгандай онангиз қаёқда?

### Жульетта

Онам қайда? У қайда ҳам бўларди? Уйда!  
Менга берган жавобларинг бари пойма-пой!  
Эмиш: «ҳалол афандидай менинг ошиқим  
Айтдики... айтгандай, онангиз қайда?»

### Энага

Вой ўлай-е!.. Қизишасиз!!! Қизишган билан  
Шояд оғриқ суягимга иссиқлик берса!  
Бундан буён югурдаклик, ўз бошингизда.

### Жульетта

Неа шунча чийиллайсан? У нима деди?

Э на га

Сизга рухсат беришарми бугун черковга?

Жульетта

Беришар.

Э на га

Боринг ота Лаврентийнинг кулбасига сиз.  
Унда сизни куёв кутар хотин қилгали.  
Ўйноқи қон тўлди ана чаккаларингга!  
Энди тағин қизаргуси у гул юзларинг.  
Сиз черковга бора қолинг, менга йўл ўзга:  
Ошиқингиз тун пайтида сизнинг уяга —  
Қиролсин деб битта нарвон топмоғим керак...  
Сизга шодлик, менга заҳмат! Майлин бирон вақт  
Бу кечанинг юки қилар сизни иккиқат.  
Мен овқатга, сиз бўлсангиз кулбага жўнанг!

Жульетта

Жўнай энди бахтга қараб. Кечир, энага!

Кетадилар.

## ОЛТИНЧИ САҲНА

Роҳиб Лаврентийнинг кулбаси.  
Лаврентий ва Ромео кириб келадилар.

Лаврентий-

Иншооллоҳ, никоҳ бўлгай тангрига маъқул,  
Иншооллоҳ, оқибати беозор бўлгай!

Ромео

Омин, омин! Аммо ҳозир алам келса ҳам —  
Бизни асло ажратолмас хурсандчиликдан:  
Ерим билан бир нафас ҳам улуғ қувончдир.

Дуо ўқиб бирлаштирган қўлларимизни,  
Ишқ жаллоди, ўлим келсин, майли, ундан сўнг!  
Жульеттани меники деб атабманми — бас!

Лаврентий

Тўлқинланган шодлик кети тўлқинли бўлур,  
Шодликларнинг ғалабаси — уларга ўлим;  
Уқ-дорию ўт бирлашган каби булар ҳам —  
Куйиб кетар бир бўсада, битта бўсада.  
Асал ғоят ширин бўлса кўнгил айнайди,  
Иштаҳани бўғиб қўяр чучук егўлик.  
Эви билан севиб турсанг ишқ маҳкам бўлур;  
Шошилсанг ҳам, шошмасанг ҳам манзил ўшадир.

Жульетта кириб келади.

Келин келди, Юришлари мунча хиромон,  
Оёқлари тошларга ҳам тегмай сузади.  
Ёз кунининг тиниқ шаффоф ҳавоси ичра —  
Учаётган ўргимчакнинг тўрида агар —  
Ошиқ шу он юриб кетса йиқилмас сира.

Жульетта

Салом сизга, тетикмисиз, руҳоний ота!

Лаврентий

Иккимиздан сизга, раҳмат, дейди Ромео.

Жульетта

Раҳмат учун табриклайман уни ҳам қўшиб!

Ромео

Агар сенда хурсандчилик андозалари  
Тенг келолса менда бўлган хурсандчиликка,  
Бу шодликни нафасларинг мадҳ этсин, дилбар!  
Сўзларингнинг таронаси тўлсин ҳавога!  
Очиб бергин бахтли висол саодатини!

## Жульетта

Ҳар ким сўздан кўра ишга бадавлат бўлса —  
Моҳиятга мақтанади, зийнатга эмас.  
Ўз давлатин санаб кўриш гадойга осон.  
Менинг ишқим бепоёндыр, ҳадсиз, ҳисобсиз,—  
Ярмини ҳам санолмайман бу зўр давлатнинг.

## Лаврентий

Ишни тезроқ бошлаш зарур! Муқаддас черков  
Бирлаштирсин ошиқ-маъшуқ тану жонини;  
Ушангача кўзларимни олмайман сиздан.

Кетадилар.

## III ПАРДА

### БИРИНЧИ САҲНА

Майдон.

Меркуцио, Бенволио, маҳрам ва хизматкорлар  
кириб келадилар.

Бенволио

Меркуцио, ялинаман, бундан кетайлик:  
Ҳаво қизгин, бунда кезар Капулеттилар!  
Учраб қолсак жанжал-низо бўлур муқаррар,  
Иссиқ чоғда қон ҳам жинни бўлиб қайнайди.

Меркуцио

Биласанми, сен кимларга ўхшайсан, бир хил йигитлар бўлади, қовоқхоналарга кириб қоладилар-да, қиличларни столга уриб, «илойим, менга керак бўлмагайсан!» дейдилар-у аммо иккинчи қадаҳдан сўнг, сира зарур бўлмаган маҳалда, қилични хизматкорнинг биқинига суқиб қўядилар.

Бенволио

Наҳотки, мен шундай йигитларга ўхшаб қолган бўлсам?

Меркуцио

Бўлмасам-чи! Сен италянларга хос қизгин бир йигитсан: сени сал қўзғатиб қўйсалар қизиб кетасан, қизиб кетсанг-чи, ўзинг қўзғала бошлайсан.

## Бенволио

Хўш, нима демоқчисан?

## Меркуцио

Шуни демоқчиманки, агар шу ерда сенга ўхшаганлардан иккитаси бўлганда эди, кўп ўтмай биронтаси ҳам соғ қолмас эди, чунки улар бир-бирини ўлдириб қўйган бўлар эдилар. Сени қара-я! Сен-ку бировнинг соқоли сеникидан бир тола кам ёки ортиқ бўлса, сўкишиб, уришиб кетасан! Еки биронтаси ёнғоқни қарсиллатса, сенинг кўзларинг ҳам ёнғоқ рангида бўлгани учун ўша билан ёқалашиб қоласан. Жанжалга баҳона топиш учун ўша сенинг кўзларингдан ҳам ўткирроқ кўзлар қайда бор. Тухум ичи сариққа тўлгандай сенинг калланг ҳам жанжалга тирбанд. Аммо сен шу қадар кўп уришгансанки, сенинг калтакланган калланг пуч тухумга ўхшаб бўм-бўш бўлиб қолган. Биттаси йўталиб қўйиб, сенинг офтобда ухлаётган лайчангни безовта қилгани учун ўша билан уришгансан-ку! Сен ҳайитдан олдин янги камзул кийгани учун машиначига, янги бошмоғини эски тасмалар билан боғлагани учун бошқа бир йигитга ҳужум ҳам қилгансан-ку, ахир! Хўш энди қандай қилиб, мени жанжалдан тутиб қолмоқчисан?

## Бенволио

Агар мен, сенга ўхшаб жанжалга ишқибоз бўлганимда, ҳар ким ҳам менга меросхўр бўлиш ҳақини жон деб сотиб олар эди-ю, менинг ўлимимни кўпи билан биру чорак соат кутарди, холос!

## Меркуцио

Сенга меросхўр бўлиш-а? Ия, сен бойми?

## Бенволио

Калламни бераманки, Капулеттилар келаяптилар!



Меркуцио

Товонимни бераманки, бунақа гапинг учун пинагим-  
ни ҳам бузмайман!

Тибальт ва бошқалар кириб келадилар.

Тибальт

Бирга юринг! Булар билан гаплашмоқчиман!  
Қайси бири жавоб бергай, бир оғиз гап бор!

Меркуцио

Нега бир оғиз гап? Бу гапни яна бирон нарсага  
қўшиб қўйинг! Масалан: гап ҳам, зарб ҳам бўлсин!

Тибальт

Хонаси келганда, мен шу бобда қанчалик забар-  
даст эканимни кўрсата оларман!

Меркуцио

Хонаси келмай қолса-чи? Ўзингиз хонасини келти-  
ролмайсизми?

Тибальт

Меркуцио, сен Ромеога жўр бўлиб куйлаяпсан-а!

Меркуцио

Жўр бўлиб куйлайманми? Сен бизларни кўча-кўй-  
ларда дайдиб юрган ашулачиларга ўхшатибсан, шекил-  
ли! Ундоқ бўлса билиб қўй, бизнинг музикамиз се-  
никига ҳамоҳанг бўлолмайди. Мана менинг фикрларим —  
у сизни ҳозир ўйинга тушириб қўяр! Бор-э, бетамиз!  
Бунинг гапини қара: жўр бўлиб куйлармишман!

## Бенволио

Биз бу ерда майдондамиз, халқ ўртасида.  
Керак бўлса бирон бошқа хилват жой топинг,  
Ё шовқинсиз баҳсингизни давом этдирдинг.  
Ё тарқалинг! Бунда бизга ҳамма қарайди.

## Меркуцио

Кўз дегани қараш учун берилган ахир,  
Истаганча қарасинлар силжисмайман ҳеч!

Ромео кириб келади.

## Тибальт

Сен билан бас! Мана келиб қолди гумаштам...

## Меркуцио

Онт ичаман, у сизларга қулвачча эмас.  
Агар сиздан кечикиброқ чиқса майдонга.  
У ҳолда, ҳа, ҳақингиз бор масхаралашга.

## Тибальт

Эҳ, Ромео, менинг сенга бор муҳаббатим —  
Ҳанузгача фақат битта сўз топган: олчоқ!

## Ромео

Тибальт, сени севишимга бир сабаб бордир,  
Уша сабаб босиб қўйди, менда шу маҳал —  
Қилиғингга қарши олов олган ғазабни.  
Мен сира ҳам олчоқ эмас. Алвидо сенга!  
Мени яхши танитайсан: кўриб турибман.

## Тибальт

Сен бизларга етказганинг ҳақоратларга  
Бу гап узр бўла олмас. Тўхта, ҳой бачча!

Ромео

Мен ҳеч қачон қилганмасман сени ҳақорат.  
То бу ишқнинг сабабини тушунмагунча,  
Сени қанча севганимни англай олмайсан;  
Менинг азиз Капулеттим, сенинг фамилиянг  
Ўз фамилиям чамасида менга яқиндир.

Меркуцио

Ҳой разиллик, номуссизлик, бандалик шунча!

*(Қиличини суғуради.)*

Бу қиличим зарби ювар шармандаликни,  
Тайёрмисиз, каламушлар овчиси, Тибальт?

Тибальт

Сенинг менга даъвойинг не?

Меркуцио

Муҳтарам мушуклар шоҳи, мен сизнинг тўққиз жонингиздан биттасигагина даъвогарман. Мен унга қасд қилмоқчиман, бундан сўнг, сиз ижозат берсангиз, қолган саккизтасини ҳам ўйиб-ўйиб олмоқчиман. Сиз шамширингизни қулоғидан ушлаб, ўз қинидан суғуришга тобиғиз борми? Фурсатни бой берманг, бўлмаса, менинг қиличим илгарироқ суғурилиб чиқади.

Тибальт

Мен раддибадалга тайёрман!

*(Қилич суғуради.)*

Ромео

Меркуцио, қадрдоним, қилични қайтар!

Меркуцио

Энди, тақсир, зарба учун навбат сизники!

Уришадилар.

Ромео

Бенволио, ўртага туш, қуролларин торт!  
Афандилар, бу уят-ку! Зўрлик нимага?  
Меркуцио, Тибальт, сиз ҳам қулоқ солингиз,  
Веронада тўполонга бек рухсати йўқ!  
Тибальт, тўхта! Меркуцио, азизим, тўхта!

Тибальт найтни пойлаб Ромео қўли остидан  
Меркуционни яралаб ўз ҳамроҳлари билан қочиб  
кетади.

Меркуцио

Яраладим!..  
Менга омин! Вабо тушсин хоналарингга!  
У кетдимиз? Яраланмай, бутун кетдимиз?

Бенволио

Яраландингми?

Меркуцио

Битта яра, лекин бунинг ўзи ҳам етар:  
Ҳой маҳрамим! Ҳой йигитча, жарроҳни чақир!

Маҳрам кетади.

Ромео

Дадил бўл, дўст, яранг оғир эмас албатта.

Меркуцио

Йўқ, албатта: у қудуққа ўхшаб чуқур ҳам эмас, бут-  
хона-ю, черков эшиқларидай кенг ҳам эмас. Лекин ўша

яранинг ўзи етиб ортади ҳам. Эртага мени чақириб кўрчи, жавобида фақат қабрда бир банда топасан. Бу дунёдан итариб чиқарганларига шубҳам йўқ. Хоналаринг билан вабога йўлиққурлар! Қаранг-а! Кучук, каламуш, сичқон, мушук ҳам кишини ўладиган қилиб тишлаб қўйиши мумкин экан-а! Мақтанчоқ, маҳмадона, шаллақию, илми-ҳисобдаги тўрт амалнинг ҳамма қондаларига мувофиқ уришади. Нега сиз ўртамизга кирдингиз? Сизнинг қўлингиз остидан у менга тиг етказиб яралади.

Ромео

Мен бу ишни босди-босди қилмоқчи эдим.

Меркуцио

Бенволио, мени бирон уйга олиб кир.  
Дармоним йўқ! Вабо кирсин хоналарингга.  
Бу хусумат мени энди қилур — муқаррар —  
Қуртларга ем... Вабо ёғсин хоналарингга!

Меркуцио ва Бенволио кетадилар

Ромео

Шўрим қурсин! Бекнинг яқин уруғидир у.  
Менинг эса азиз дўстим — ўлар ҳолатда.  
Тибальт менинг номимни кўп калака қилди.  
Беҳабар-да ўртадаги қариндошликдан!  
Меркуцио мен туфайли қонга булғанди.  
Сенинг ҳуснинг кўп юмшатди мени, Жульетта,  
Сенинг ҳуснинг журъатимни эритиб қўйди.

Бенволио кириб келади.

Бенволио

Ромео, оҳ, Меркуцио ўлди! Ромео!  
Дунёмиздан жуда барвақт жирканган у руҳ,  
У қўрқмас руҳ парвоз этди булутлар сари.

Ромео

Оҳ, қаро кун! Қаро кунлар негизидир бу!  
Боши мудҳиш, оқибати бундан ҳам мудҳиш!

Бенволио

Бу томонга шошиб келар қутурган Тибальт!

Ромео

У соппа-соғ, менинг дўстим бўлса — бежондир,  
Эҳ, ювошлик, энди хайр, йўқолиб кетгин,  
Ут қарашли қаҳрим бўлсин менинг етакчим!

Тибальт кириб келади.

Тибальт, қайтиб олгин менга айтган сўзингни,  
Сен-ку менга «олчоқ» дединг, олчоқ ўзингсан,  
Меркуцио руҳи мана парвоз қилмоқда,  
Ул ўзига ҳамроҳ тилар, сени кутмоқда,  
Сен ёки мен, ё иккимиз, учамиз кўкка.

Тибальт

Аблаҳ бола, сен у билан тил бириктирдинг,  
Энди яна ўша билан бирга йўқолгин!

Ромео

Ҳал қилади мана қилич.

Уришадилар. Тибальт йиқилади.

Бенволио

Тезроқ қоч, Ромео!

Сен Тибальтни ўлдирибсан, ана одамлар!  
Қотиб турма! Қўлга тушсанг агар мабодо,  
Бек мутлақо ўлимингга ҳукм қилгуси!  
Тезроқ қочгин!

Ромео

Мен тақдирнинг масхарабози.

Бенволио

Ҳалокатни кўриб туриб нега қочмайсан?

Ромео чиқиб кетади.  
Шаҳар аҳли кириб келади.

1-Фуқаро

Қайга қочди Меркуцио қотили, ажаб?  
Қотил Тибальт қай томонга сирғилди экан?

Бенволио

Ул ётибди мана бунда.

1-Фуқаро

Юринг, жаноблар!  
Бек номидан буюраман, буйруғим — қонун!

Бек ўз аъёнлари билан, Монтекки ва  
Капулетти ўз хотинлари билан ва яна бошқалар  
кириб келадилар.

Бек

Билмоқчиман, — ким бошлади бу шум жанжални?

Бенволио

Шафқатли бек! Эшитиб ол, шу воқеани —  
Бу шум дуэль тафсилотин эшитиб қўйгин:  
Бу ётгани ўлдиргандир бизнинг Ромео,  
Аммо бу ҳам қатл этгандир қариндошингни.

Капулетти хоним

Оҳ, акамнинг ўғли, Тибальт! Қадрдон Тибальт!  
Оҳ, бек! Жиян! Эрим! Эвоҳ, ёвлар ғарази —  
Бу кун хўрлаб қўйди бизнинг насабимизни!  
Адлинг билан ғаддорларнинг қонин тўк, бегим!  
Оҳ, меҳрибон жиянгинам!

## Бек

Айт, ким аввал хусуматнинг қўйди жиловин?

## Бенволио

Ромеодан ҳалок бўлган Тибальт айбдор.  
 Ромео кўп одоб билан унга ялинди,  
 Жанжал қилсанг, қахрланиб қолар бек,— деди.  
 У эҳтиром, очиқ фикр билан сўзлади.  
 Аммо бежиз; қизгин Тибальт сира кўнмади.  
 У ўқталди қиличин мард Меркуциога.  
 Меркуцио ҳам қизиди. Чолишди тиглар,  
 Бир қўлида Меркуцио зарба индирар,  
 Иккинчи бир қўли билан қайтариб турар  
 У Тибальтнинг эпчил, моҳир зарбаларини.  
 Шу вақтда Ромео ҳам қичқириб деди:  
 «Дўстлар, етар!» Шундан кейин товушдан ҳам

тез

У даҳшатли қиличларга ташлади ўзин;  
 Ажратмоқчи бўлган эди — шунда орқадан  
 Тибальт уриб ҳалок қилди Меркуциони,  
 Тибальт қочди, аммо тагин анча ўтмайин  
 Қайтиб келди Ромеонинг олдига қизиб,  
 Шундагина қарор қилди ўчга Ромео.  
 Яшинвори бир жанг бўлди. Ажратолмадим.  
 Ушбу жангда ҳалок бўлди шуҳратли Тибальт.  
 Бундан кейин дарҳол қочиб кетди Ромео.  
 Улай агар, ёлғон десам, бари сўзим чин!

## Капулетти хоним

Бу Монтекки уруғидан: булар — қон-қардош.  
 Бунинг гапи уйдирма гап, сўзи гаразлиқ.  
 Йигирмата киши экан улар бу ишда,  
 Биттасини ўлдирмоққа улгуришибди.  
 Бизга бўлган ҳақоратга қасос истаймиз:  
 Ҳеч яшашга ҳақи йўқдир Тибальт қотили!



Бек

Тибальт ўлди. Лекин ўзи ҳам ўлдирган-ку.  
Меркуцио хуни учун кимлар жавобгар?

Монтекки

Нимага ҳам жавоб берсин бизнинг Ромео?  
У қилганин қонуни ўзи қилар эди-ку:  
Қонунан ҳам Тибальт ўзи ўлимга маҳкум.

Бек

Бу жиноят. Бадарғадир бунинг жазоси.  
Бу низода мен ўзимман энди даъвогар:  
Хонумоним сиз туфайли хуноб бўлмишдир.  
Ҳаммангизга жазо бергум, ишонаманки —  
Ҳаммаларинг азам учун товон тўлайсиз!  
Бундан кейин бепарвоман кўз ёшларига,  
Ялинишлар алдай олмас қулоқларимни.  
Кўзларимдан тез йўқолиб кетсин Ромео,  
Акс ҳолда ўлимга ҳукм чиқади.  
Ҳаммаларинг бўйсунинглар! Олинг жасадни!  
Қотилларга шафқат қилмоқ ўзи жиноят!

Кетадилар.

## ИККИНЧИ САҲНА

Капулеттининг боғи

Жульетта кириб келади.

Жульетта

Тезроқ чопинг Феб уйига ўтли айғирлар!  
Фазтондай аравақаш сурсайди сизни —  
Албатта тезроқ бориларди кун ботар сари;

Тун уйига сизни тезроқ элтиб қўярди!...  
 Муҳаббатга воситачи бўлган қора тун —  
 Чойшабингни тезроқ ёзгин бошимиз узра —  
 То билдирмай қучиб олсин Ромео мени. —  
 Ошиқларнинг либосини безайди ҳусни.  
 Муҳаббатнинг ўзи сўқир, тунга у хуштор.  
 Эй тун, сен-ку парда ёпган ифбатли бону,  
 Келиб ўргат соф қалбларнинг ўйинин бизга.  
 Чаккамизга тўлиб қолган ҳуркович қонни —  
 Қанотингда парвариш қил дадиллансин деб,  
 Ва билсинки чин муҳаббат — камтаринликдир.  
 Кела қол тун, тун ичида Ромео — кундуз,  
 Сен кечанинг қанотида қордай оппоқсан,  
 Қора зогнинг белидаги қорлар сингари.  
 Кела қол сен, қорақош тун, қадрдоним тун,  
 Келтириб бер менга азиз ёр — Ромеони!  
 Улиб қолса майда-майда юлдузларга бўл,—  
 Осмон ҳам шаффоф бўлур шу юлдузлардан,  
 Бутун дунё ошиқ бўлар туннинг ҳуснига,  
 Шўх қуёшга топинишни ҳамма тарк этар.  
 Сотиб олдим мен севгининг қасрини, аммо —  
 Шу қасрга ҳали ҳозир бека эмасман;  
 Узимни ҳам сотиб олган менга эгамас!  
 Эй, бадбахт кун!

Арафанинг тунига ўхшар —  
 Ушанда ҳам либосларни тезроқ кийишга  
 Ҳайит кунин соғинади норасида қиз.  
 Оҳ, энагам! Хабар борми! Қанақа гап бор?  
 Ромеодан сўз очган тил осмондай бурро!

Э н а г а арқон олиб киради.

<sup>1</sup> Феб (Аполлон)нинг ўгли Фазтон отасининг қуёшли ара-  
 васини бир кунга сўраб олган эмиш. Бироқ айғирларни тия  
 олмасдан, ерни куйдиришга сал қолган. Аммо ўша кун қуёшни  
 гарбга тезроқ ҳайдаб қўйган эмиш. (Юнон афсоналаридан).

Дарак борми? Айт, энагам! Ромео учун  
Сен арқонлар тополдингми?

Энага

Ҳа, ҳа арқонлар...

Арқонни ерга ташлайди.

Жульетта

Энагажон! Айт, нимага шу безорталиқ?

Энага

Афсус, афсус! У ўлгандир, ўлгандир, ўлган!  
Бизлар ҳалок бўлдик бекам, ҳаммамиз ҳалок!  
Аттанг, аттанг вафот бўлди, ўлдирилди у!

Жульетта

Фалак шунча жафокорми?

Энага

Нима ишники —

Фалак қила олмас экан, Ромео қилди!  
Войдод, войдод, ким ўйлабди? Ромео, войдод?

Жульетта

Шайтонмисан, менга мунча азоб берасан?  
Дўзахий ҳам чидай олмас бундоқ қийноққа!  
Айт, Ромео ўлдирганми ўзини? «Ҳа» де!—  
Бу жавобинг бир қарашда ўлдира турган —  
Аждарнинг шум назаридан кўра ёқимли!  
Шундай эмас; сен «ҳа» десанг одам эмасман.  
Кўзларингни юмиб қўйдинг. Қани бўлсанг-чи!  
Ўлган бўлса бир «ҳа!» дегин, бўлмаса бир «йўқ!»  
Битта товуш ҳал қилгуси: алам ё шодлик!

## Энага

Шу кўзларим, шу кўзларим кўрди ярани —  
 У мард йигит сийнасида, тавба, э худо!—  
 У бир сўлгин гулга ўшар қонга беланган,  
 Ачинарли, ачинарли қонли бир жасад!  
 Лахталанган қон бор эди яра устида,  
 Шунда менинг ҳушим кетиб беҳол бўлдим мен.

## Жульетта

Ерил, эй дил! Эй бахтингни ётқизган бадбахт!—  
 Э кўзларим, эрдан кечинг, чўкинг зиндонга!  
 Бадбахт вужуд, тагин қайтгин она тупроққа!  
 Бирга ётгин зил тобутга Ромео билан!

## Энага

Тибальт, Тибальт, менинг азиз ошнам Тибальт!  
 Оҳ меҳрибон, гўзал Тибальт, оҳ олижаноб!  
 Кўрди сенинг ўлимингни кўр бўлгур кўзим!

## Жульетта

Бу қанақа, икки ёқдан эсувчи шамол!  
 Ромеоми ўлдирилган! Тибальтми ўлган!  
 Бу севикли акажоним! У севикли эр!  
 Э қиёмат карнайчиси, ҳаммани ўлдир!  
 Булар ўлса, бошқаларга умр не керак?

## Энага

Тибальт ўлди, Ромео ҳам бадарға бўлди.  
 Ўлдиргани учун сургун кетди Ромео.

## Жульетта

Ромеоми тўкди Тибальт қонини? Ераб!

## Энага

Шўрим қурсин! Ҳа, у тўкди, худди у тўкди!

## Жульетта

Чехраси — гул, дили эса илоннинг дили!  
 Гўзал ғорда яшар экан йиртқич аждаҳо!  
 Оҳ, фаришта юзли иблис: гўзал ситамкор,  
 Зор-кабутар, очкўз бўри — ювош кўзичоқ,  
 Кўп илоҳий сиймоси бор, аммо паст махлуқ,  
 Қиёфангнинг акси экан ичинг — юрагинг, —  
 Ҳалол — аблаҳ, тўғри — олчоқ, эзгу — лаънати! —  
 Эй табиат, сен-ку шундай бадкирдор руҳни —  
 Жаннатдаги шунча ширин таңга берибсан,  
 Жаҳаннамда қиладиган ишинг демак, йўқ!  
 Шунча сўлим муқовада шу разил китоб!  
 Шундай олий қаср ичида ёлғон, мумкинми?

## Энага

Эркакларда на шараф бор, на ору номус;  
 Ҳаммаси ҳам муттаҳамдир, қаллоб, бевафо!  
 Вой, хизматкор қайга кетди? Менга оқдори!  
 Бўлмаса-чи қаритади мени аламлар!  
 Ромеога лаънат бўлсин!

## Жульетта

Танглайингда қотсин тилинг, жим тур! — Ромео  
 Лаънат учун туғилганмас, лаънатнинг ўзи —  
 У манглайга қўнай деса хижолат қилар.  
 Дунёларнинг маликаси бўлган шарафга —  
 Тож кийгизиб қўядиган Ромео, билсанг!  
 Унга шунча тил тегиздим, мен ўзим — ҳайвон!

## Энага

Акангизни ўлдирганни мақтарсиз ҳали?

## Жульетта

Бўлмаса мен ўз эримни сўкайми? — Йўқ, йўқ!  
 Уч соатлик хотининг ҳам сўкса, хорласа,  
 Исмнингни ким иззат қилар, эй менинг эрим?

Акамни сен ўлдирибсан, оҳ ярамас шум!  
 Аммо менинг эримни ҳам ярамас акам —  
 Улдириши мумкин эди! Тининг, кўз ёшлар!  
 Кўз ёшларки, дарду ғамга бож тўловчилар,  
 Нечун бежо тўкиласиз бахтим устига:  
 Эрим тирик! Уни Тибальт ўлдирмоқчи-ди.  
 Тибальт ўлик! У эримни ўлдирмоқчи-ди.  
 Ҳамма нарса ўз жойида! Нега мен йиғлай?  
 Акамнинг ҳам ўлимидан бешбадтар, бир сўз  
 Мени буткул ҳалок этди. Унутсам, кошки!  
 Гуноҳ қандай тирнаб турса гуноҳкор дилин,  
 Хотирамни — эсларимни қийнади бу сўз;  
 «Тибальт ўлди. Ромео ҳам бадарға бўлди».  
 Ҳа, «бадарға!» Бу ёмон сўз — «бадарға» сўзи  
 Минглаб-минглаб Тибальтларни унутдиролди.  
 Шу ўлимнинг мусибати етар эди-ку!  
 Аммо мотам шерик излар доим ўзига,  
 У хоҳларки ҳамроқ бўлса бўлак балолар!  
 Сен нега ҳам менга айтгач: «Тибальт ўлди», деб,  
 Сўйламадинг отанг ёки онанг ҳам ўлган,  
 Менда фақат буларгами йиғлаш ҳақи бор?  
 Акам ўлди, майли, яна нима керак-ди:  
 «Ромео ҳам бадарғада» дейишинг нега?  
 Бу сўз билан отам, онам, Тибальт, Ромео  
 Ва мен ўзим ўликлармиз! «Ромео сургун!»  
 Бу кўп ғаддор бир товушдир! Ҳаммамизни ҳам  
 Қўмиб қўйди ўша товуш бепоён, беҳад.  
 Тилим ожиз! Отам қайда? Қайдадур онам?

### Э на га

Фарёд тортиб йиғлашади Тибальт устида.  
 Хоҳлайсизми, олиб борай сизни у ерга?

### Ж у л ь е т т а

Майли улар жасад узра кўз ёши тўксин,  
 Фарёд тингач, сурилганга вой деб йиғларман.

Арқонни ол! Бу бечора — мендай алданди!  
 Ромеонинг сурилиши — менга ҳалокат!  
 Етоғимга суқмоқ йўли бўлардинг, арқон!  
 Узим қизу бева бўлиб ўламан энди.  
 Никоҳнинг лол ётоғига юрайлик, ночор.  
 Қизлигимни эрим эмас, ўлим олгуси!

### Э на га

Хонангизга бориб туринг, юпатиш учун —  
 Топиб келай Ромеони ҳузурингизга;  
 Қайдалигин мен биламан. Бугун кечаси —  
 Ёнингизда тайёр бўлур. Яна ўзгинам —  
 Уни излаб топмоқ учун кулбага борай.

### Жульетта

Топгин тезроқ! Шу узукни унга бер дарров;  
 Унга айтки: «Мени кечир!» демоқчи эдим.

Кетадилар.

## УЧИНЧИ САҲНА

Роҳиб Лаврентийнинг кулбаси.  
 Роҳиб Лаврентий кириб келади.

### Лаврентий

Бу ёққа чиқ, бу ёққа чиқ, қўрқоқ Ромеом!  
 Шавкатингга ошиқ бўпти аламлар, дардлар,  
 Ҳалокат-ла ўқилгандир, никоҳинг, ўғлим..

Ромео кириб келади.

### Ромео

Ота: айтинг, нима бўлди? Ҳукм қанақа?  
 Қандай янги алам билан танишмоқчиман!

## Лаврентий

Дарду ғамлар сенга жуда қалин дўст экан;  
Бекнинг ҳукмин олиб келдим, меҳрибон ўғлим!

## Ромео

Бек ўлимдан енгил ҳукм чиқардимикан?

## Лаврентий

Сен тўғрида бекнинг ҳукми кўп қаттиқ эмас;  
Улим эмас, бадарғага маҳкум қилиндинг!

## Ромео

Бадарғами? Инсоф қилгин! «Улим» десанг-чи!  
Улимлардан бадтарроқдир «бадарға» деган!  
Шуни айтма!

## Лаврентий

Веронадан суриласан сен.  
Бардош қилгин! Ернинг юзи улуғ, бепоён.

## Ромео

Веронадан ташқарида ҳеч бир дунё йўқ:  
Унда аъроф<sup>1</sup>, қийнов, жафо, жаҳаннам бордир.  
Бундан кетсам, жаҳондан ҳам кетдим демақдир.  
Бу жаҳондан кетмак эса ўлимдир, ўлим!  
Бадарғаннинг ўзи худди ўлим демақдир.  
Шу гап ўзи — олтин чопқи, шу чопқи билан,  
Бошим кесиб ўлдирасан — ўзинг куласан.

---

<sup>1</sup> Диний ақидаларга кўра, жаннат билан жаҳаннам ўртасида бир жойдирки, гуноҳкорларнинг руҳлари бу ерда кўп қийноқ ва синовлар билан тозаланиб, кейин жаннатга киргизилармиш.



## Л а в р е н т и й

Вой, одамнинг тўймас нафси, вой, кўрнамаклик!  
 Улим эди гуноҳингнинг ҳақи қонуна,  
 Аммо сени бек ёқлади, қонунни четлаб,  
 У сургунга алиштирди қора ўлимни:  
 Бу-ку сенга илтифотдир — наҳот, кўрмайсан!

## Р о м е о

Бу мен учун катта қийноқ, илтифот эмас!  
 Жульетта қайда бўлса, осмон у ерда.  
 Ҳар бир кўппак, мушук, сичқон, ҳар пасткаш  
 махлуқ,

Кўк тагида нафас олар, осмонга қарар,—  
 Лекин шундан маҳрум экан фақат Ромео!  
 Улимтикка қўниб юрган пашшаларнинг ҳам  
 Ҳақ-ҳуқуқи Ромеонинг ҳақидан баланд!  
 Чунки улар Жульеттанинг оппоқ кўлидан  
 Урмалайди, ўрмалайди дудоқларидан,  
 Дудоқларки, бир-бирига тегса қизарар.  
 Истаганча лаззатларни ўғирлай олур.  
 Менинг эса умрим — барбод: мен сурилганман.  
 Ҳамма нарса пашшага-ю, мен четга учай.  
 Ахир, улар ҳур пашшалар; мен бўлсам сургун.  
 Шундан кейин: ўлим эмас — сургун деб кўр-чи!  
 «Сургун» сўзи деганингдан — бир ўткир пичоқ,  
 Ёки оғу ё тез бўғар ажал йўқмиди?  
 Биратўла ҳалок қилсанг бўлмасми мени?  
 Бу сўз, наҳот назарингда, ўлимдан афзал?  
 Жаҳаннамда гуноҳкорлар шу сўзни айтар,  
 Сен-ку менинг дўстим эдинг, авлиём, пирим,  
 Қандай қилиб менга айтдинг «бадарға» сўзин?

## Л а в р е н т и й

Менга қара, жинни ошиқ, девонагинам...

Ромео

Сен ҳали ҳам бадаргадан сўзламоқчисан!

Лаврентий

Мен бу сўзга қарши сенга шифо бераман;  
Фалсафанинг ғоят ширин шарбатидан ич,  
Дарҳол кўнглинг овунади сургун ҳам бўлсанг!

Ромео

Мен сургунга кетар бўлсам, фалсафанг бир пул!  
Жульеттани фалсафами ярата олар?  
Фалсафанинг қурби етмас шаҳарни йиқсин.  
Ё ҳукми бекор қилсин! Сўз очма, бўлди!

Лаврентий

Қулоқ деган бўлмас экан девоналарда...

Ромео

Қандай қилсин, кўз бўлмаса у доноларда?

Лаврентий

Қани, энди сўзлашайлик сенинг ишингдан!

Ромео

Ишнинг тагин билмаганда, жим турмоқ маъқул!  
Жульеттани севсанг эди мендай ёш бўлиб,  
Мен сингари бир соатга уйланса эдинг,  
Тибальтни сен ўлдирсайдинг, ваҳмага тушсанг,  
Сўнгра яна бадаргага кетсанг мен каби,—  
Қани қандай бўлур эдинг? Сотмас эдинг гап!  
Сочларингни юлиб, ерга қулардинг мендай,  
Тананг билан ўлчаб қўяр эдинг гўрингни.

Эшик қоқилади.

Лаврентий

Тур! Эшикка биров келди! Яширин, ўғлим!

Ромео

Майли, менинг фарёдларим дуди, тумани —  
Изловчилар кўзларидан яширгай мени!

Эшик яна қоқилади.

Лаврентий

Ким у? Ҳозир! Ахир ким у?— Ромео, боргин!  
Сени ҳозир ушлайдилар! Тўхтаинг! Турсанг-чи!

Эшик яна қоқилади.

Меҳробга бор! Ҳа эшитдим!— Ераб, ё оллоҳ!  
Ким у тентак?!— Ҳозир, дедим! Ҳозир очаман!

Эшик яна қоқилади.

Нега мунча шовқин-сурон? Кимсиз? Не даркор?

Энага

(ташқаридан)

Очсангиз-чи, ҳаммасини ҳозир биласиз.  
Жульеттанинг амри билан келган кишиман.

Лаврентий

Кириинг!

Энага кириб келади.

Энага

Авлиё пир, Авлиё пир, қани тез айтинг.  
Хонимимнинг эри қани? Қани Ромео?

Лаврентий

У ўзининг кўз ёшидан маст-аласт ётар.

Э на га

Хонимимнинг ҳолати ҳам худди шунақа!

Л а в р е н т и й

Худди шундай! Эвоҳ, қандай бахтсиз ўхшашлик!

Э на га

Ачинарли, кўп дилозор бир ҳолат! Ана —  
Худди шундай ётиб йиғлар, ҳўнграр ва инграр.—  
Мард бўлсангиз, эр бўлсангиз, қани кўзгалинг!  
Қани туринг, Жульеттанинг ҳурмати, туринг!  
Нега шунча теран ғамга ботиб кетибсиз?

Р о м е о

Оҳ, энага!

Э на га

Оҳ, тақсирим! Ҳамма гапга чек қўяр ўлим.

Р о м е о

Жульеттадан гапирдингми? Унга не бўлди?  
Мен қариндош қонни тўкиб навжувон бахтни —  
Бузганимга мени қотил деб қарғайдим?  
Ўзи қайда? Менинг махфий, гўзал хотиним?  
Нима дейди ўзим поймол қилган никоҳдан?

Э на га

Оҳ, тақсиржон, гапирмайди, нуқул йиғлайди.  
Гоҳ тўшакка ўзини ташлар, гоҳо кўзгалар,  
Гоҳо «Тибальт» деб чақирар, гоҳо «Ромео!»—  
Сўнгра яна ҳушсиз ётар.

Ромес

Албатта исми —

Унга қарши оташин ўқ каби туюлар,  
 Ё акасин ҳалок қилган лаънати қўлдай.  
 Сўйла ота, вужудимнинг қайси қисмида  
 Қайси разил бўлагида исми яшайди?  
 Сўйла, хароб қилиб ташлай мурдор маконни.

(Қиличини суғуради.)

Лаврентий

Қўлингги торт! Эркакмисан, нимасан ўзинг?  
 Кўринишинг гўё эркак, йинг — занчалиш.  
 Қилгингда бир ҳайвоннинг бефаҳм қаҳри бор;  
 Сен қалбаки эр танида хотин экансан;  
 Ё хунаса суратида бадкирдор ҳайвон!  
 Худо ҳақи, ишларингга таажжубдаман!  
 Уйлар эдим, руҳинг маҳкам, жасур инсонсан.  
 Тибальтдан сўнг ўзингни ҳам ўлдирасанми?  
 Сени дея тирк турган ёш хотинингни —  
 Улдирмоқчи бўласанми лаънатга учраб?  
 Нега ерни, тирикликни, фалакни сўкдинг?  
 Ахир, ҳаёт, дунё, фалак — ҳаммаси ҳамкор;  
 Учови ҳам сенда жам-ку, тўзғитасанми?  
 Сен доғ солдинг ақлу ишққа ва одамзодга.  
 Сен буларга бойсан, лекин ялқов судхўрдай —  
 Давлатингдан бетайинча фойдаланасан;  
 Безамайсан қиёфангни, ақлу севгингни.  
 Одамият хосиятин йўқотиб, шаклинг —  
 Худди мумдан ясалган бир қўғирчоқ бўлди.  
 Муҳаббатинг даргоҳида қасамни буздинг.  
 Қасам ичдинг, хотинимни асрайман, дединг.  
 Аммо ҳозир, феълинг билан ўлдирмоқчисан.  
 Муҳаббатнинг ва одамнинг ҳусни бўлган ақл —  
 Сенинг севги ва феълингда барбод бўлгандир.

Худди нўноқ бир сарбознинг ўқ дорилари  
 Уқдонида кўп бемаҳал портлаганидай;  
 Сени сенинг ўз қуролинг парчалаб қўйди.  
 Номус қилгин! Ахир ҳали Жульетта ҳаёт.  
 Сен уни деб ўлмоққа ҳам тайёр эдинг-ку!  
 Энди унинг висолига етдинг: бу — ютуқ!  
 Тибальт сенга ҳамла қилди, ўлдирдинг, ютуқ!  
 Гуноҳингга ўлим эди қонуан жазо,  
 Аммо сенга сургун чиқди; бу ҳам бир ютуқ!  
 Бу ҳаммаси сенинг учун улуғ ғанимат!  
 Пешонангни силамоқда ҳашаматли бахт.  
 Лекин сен-чи, бадхулқ, нодон бир қиз сингари  
 Упкаланиб ўз бахтингга димоғ қиласан.  
 Эсингни йиғ, йўқса, эсиз, ҳалок бўларсан.  
 Севганингни олдига бор, аҳд қилингандай,  
 Хонасига кириб унинг кўнглини юпат!  
 Тонг отмасдан, лекин, жўнаб кетгин у ердан,  
 Акси ҳолда Мантуяга улгуролмайсан.  
 Мантуяда яшаб тургин, фурсати келгач,  
 Биз никоҳни эълон қилиб дўстларни яна  
 Яраштириб сенга бекдан афв сўрармиз,  
 Қайтарамиз сўнгра сени тағин шаҳрингга,  
 Ўша шодлик шу аламдан юз чандон бўлур.  
 Бор, энага, хонимингга биздан салом айт,  
 Айтгин, ҳамма хона аҳлини ётқизаверсин;  
 Зотан ҳамма мусибатдан толган, чарчаган.  
 Ўз вақтида Ромео ҳам етиб боради.

### Энага

-Туни бўйи сизни тинглаб турсам, ё рабби!  
 Ўғитларга қулоқ солсам! Ана донолик!  
 Сизни, албат келади деб айтаман, тақсир!

### Ромео

Айтгин, мени койягани шайланиб турсин!

Энага

Бу узукни, тақсир; сизга атаб берганди.  
Чаққон бўлинг, тезроқ келинг, кеч кирди, тақсир!

Кетади.

Ромео

Бу ҳаммаси юрагимга тасалли берди!

Лаврентий

Хайрли кеч! Боргин, ўғлим, аммо огоҳ бўл,  
Посбонлар чиққунча сен шаҳардан чиққин,  
Гар кечиксанг кийинингини ўзгартиб жўна.  
Мантуяда кутиб ётгин. Агар мабодо—  
Бирон яхши хабар чиқса хизматкорингдан  
Сенга мутлақ билдирарман. Кел, қўлингини бер;  
Хайрли кеч! Хайрли кеч! Вақт ҳам кечкирди!

Ромео

Ёрим билан мулоқотнинг шавқи бўлмаса—  
Менга оғир келар эди сендан ажралмоқ.  
Алвидо!

Кетадилар.

### ТҮРТИНЧИ САҲНА

Капулетти уйида бир хона.

Капулетти, унинг хотини ва Парис кириб  
келадилар.

Капулетти

Бу мусибат шунча оғир бўлдики, граф,  
Қизимизни тўй ишига тайёрлолмадик.  
У Тибальтни, худди мендай, яхши кўрарди.

Ҳаммамиз ҳам бир кун ўлмоқ учун туғилган.  
Вақт кечкирди. Қиз бу ерга ортиқ чиқолмас.  
Ҳатто сизнинг ташрифингиз бўлмаса бугун,  
Мен ҳам ётган бўлар эдим бир соат олдин.

### П а р и с

Мотам чоғи совчиликка ўрин йўқ. Хайр,  
Хайр, хоним! Жульеттани сўраб қўйинглар!

### К а п у л е т т и х о н и м

Мен эртага эрта билан ундан сўрарман;  
Ҳозир эса, у чуқур бир мотамга чўмган.

### К а п у л е т т и

Граф Парис, мен қатъиян кафил бўлайки,  
Қизим сизни севажакдир, ишончим комил.  
Шубҳа йўқки у итоат қилгуси менга.  
Хотин, ҳали у ётмасдан олдига боринг,  
Ва Париснинг севгисини билдиринг унга;  
Унга айтинг, шу келгуси чоршанба куни...  
Ҳа, айтгандай, бугун қайси кун?

### П а р и с

Душанбадир.

### К а п у л е т т и

Душанбами? А, бўлмаса чоршанба барвақт;  
Пайшанбага қолдирамиз... Айтинг, пайшанба —  
У муҳтарам граф билан никоҳга борур.  
Бу шошилиш сизга қандай? Улгурасизми?  
Дабдабанинг ҳожати йўқ. Бир неча ёр-дўст,—  
Чунки Тибальт ўлдирилган яқиндагина.  
Агар базму зиёфатга ўгирсак тўйини,  
Қариндошга аза тутмас, дейдилар бизни.



Беш-олтита ёр-огайни чақирсак, бўлди.  
Нима дейсиз? Пайшанба кун сизга маъқулми?

П а р и с

Эртагаёқ бўлса эди пайшанба, дейман.

Капулетти

Боринг, хайр! Пайшанба кун тўйни қиламиз.—  
Жульеттангиз ухламасдан олдига бориб,  
Тўй кунига тайёр қилинг ҳозироқ, хотин!  
Хайр, граф! Қой одамлар, дарҳол хонамга  
Чироғ олиб чиқиб қўйинг! Вақт жуда кечдир.  
Худо ҳақи саҳар пайти яқинлаб қолди.  
Хайрли кеч!

Кетадилар

## БЕШИНЧИ САҲНА

Капулеттининг боғи.

Юқорида, дераза олдида Ромео ҳам Жульетта.

Жульетта

Кетмоқчисан? Ахир, ҳали саҳарга узоқ;  
У сайраган булбул эди, тўрғай эмас-ди,

Анорзорда у ҳар кеча чаҳ-чаҳ қилади;  
Севикли ёр, менга ишон, у булбул эди.

Ромео

У, саҳарга жарчи бўлган тўрғайнинг ўзи.  
Булбул эмас. Севикли ёр, ана, қараб кўр:  
Булутларнинг ортидаги бахия саҳарни.  
Сўнмоқдадир кечаларнинг шамчироғлари,  
Қувноқ кундуз пусиб турар тоғ туманида.  
Кетмоқлигим менга ҳаёт; қолишим — ўлим!

## Жульетта

У саҳарнинг нури эмас, сўзимга ишон —  
 У қуёшдан ажраб кетган учар бир юлдуз,  
 У, бу кеча сенга йўлда машъал бўлгуси,  
 Мантуянинг йўлларини ёритгусидир.  
 Сенга кетиш даркор эмас, оҳ, яна қолгин!

## Ромео

Мени ушлаб ўлдирсинлар, розиман, дилбар!  
 Модомки сен хоҳлайсан, мен бунга хурсанд.  
 Уфқда тонг нури эмас, дейман, истасанг,—  
 Балки ойнинг ерга тушган сўлғун ёғдуси.  
 Бошимизнинг устидаги осмон гумбазин —  
 Чок-чок қилиб сайрагувчи тўрғай эмас, йўқ!  
 Кетишликдан қолмоқликни кўпроқ хоҳлайман!  
 Кел, э, ажал, салом! Шунини хоҳлар Жульетта!  
 Саҳар узоқ, шундаймасми, сўйла, қувончим!

## Жульетта

Йўқ, йўқ! Саҳар! Саҳар экан! Тезроқ кет, жоним!  
 Шундай совуқ сайраётган тўрғайнинг ўзи!  
 Унинг чаҳ-чаҳ қилишини нафис дейдилар,  
 Тўғри эмас! У-ку бизни ажратадиган...  
 Алмаштирган бўлса бақа бирла кўзларин  
 Кошки эди товушин ҳам айрибош қилса!<sup>1</sup>  
 У айирди қучоқлашган икки маъшукни;  
 У тунни ҳам сенга ўхшаб ҳуркитиб қўйди.  
 Оҳ, майли, кет! Равшан кундуз ёримоқдадир.

<sup>1</sup> Халқ афсоналарига кўра, тўрғай ўзининг чиройли кўзларини бақанинг кичик ва хира кўзларига алмаштирган эмиш. Жульетта тўрғайнинг эмас, балки бақанинг товушини эшитмоқни хоҳлайди, яъни ҳозир саҳар эмас, ҳали оқшом бўлишини истайди.

Ромео

Саҳар ёриб — қораймоқда ғамнинг сояси.

Э на га хонага кириб келади.

Э на га

Хоним!

Жульетта

Нима, энага?

Э на га

Ҳозир бунга келмоқчидир сизнинг ойингиз.  
Тонг ҳам отди. Бохабар бўл! Фурсат кечмасин!

Жульетта

Деразадан кел, эй кундуз, сен уч, эй ҳаёт!

Ромео

Фақат битта бўсагина — сўнгра кетаман.

(Деразадан тушади.)

Жульетта

Менинг эгам! Ерим, эрим, меҳрим-маҳбубим!  
Ҳар соатда сендан хабар олмоқ истайман;  
Ҳар лаҳзада қанча-қанча бесаноқ кун бор,  
Шу ҳисобдан Ромеомни яна кўргунча —  
Жуда қариб қоларман-а!

Ромео

Алвидо энди!

Ҳар дам фурсат топилганда, эй нуридийдам,  
Юборурман сенга севгим саломларини.

Жульетта

Уйлайсанми, биз яна ҳам кўришармиз деб?

Ромео

Шакким йўқдир. Яқин кунда сен билан боҳам  
Шприн-ширрин сўйлашармиз бу аламлардан.

Жульетта

Менинг қалбим шум хабарга берилган фолбин.  
Сени настда кўрганамда менга туюлар —  
Гўё гўрнинг қаърида бир мурда ётибди...  
Менми яхши кўролмайман, ёки сен сўлгун?

Ромео

Назаримда муҳаббатнинг чеҳраси сўлгун,  
Оҳ, алвидо! Дардларга ем бўлди бизнинг хун...

*Кетади.*

Жульетта

Толе, сени кўп бевафо дейди одамлар,  
Вафода донг таратганга нима қиласан?  
Майли бўлиб сен бевафо, уни кўп тутмай —  
Қайтар менга?

Капулетти хоним

*(саҳна орқасидан)*

Қизим, энди турдингизми сиз?

Жульетта

Бу ким экан? Бу онамми, менга гапирган?  
Ҳали ётган эмасмикан? Ё барвақт турган?  
У не учун шу маҳалда ёнимга кирди?

Капулетти хоним кириб келади.

Капулетти хоним

Ҳа, Жульетта, ҳолинг қалай?

Жульетта

Тобим йўқ, она.

Капулетти хоним

Қариндошнинг ўлимига йиғлаяпсанми?  
Унинг қабрин кўз ёши-ла ювмоқчимисан?  
Ювсанг ҳамки уни асло тирилтолмайсан.  
Бўлди, бас қил! Хафа бўлмоқ — севги белгиси;  
Аммо бу ҳам ҳаддан ошса девоналикдур.

Жульетта

Қўйинг, йиғлай шу ҳасратли жудоликка мен.

Капулетти хоним

Йиғлайвериб, дўстни эмас, жудолигини —  
Ҳис қиласан.

Жульетта

Мусибатни ҳис қила олсам,  
Дўст ҳақида йиғламаслик, наҳотки, мумкин!

Капулетти хоним

Оғанг учун йиғламайсан, балки оғангни —  
Улдирган у аблаҳ тирик юргани учун...

Жульетта

Ким у аблаҳ?

Капулетти хоним

Уша аблаҳ, ўша Ромео.

Жульетта

(*ўзи-ўзига*)

Ромео-ю, аблаҳ сўзи! Ҳеч келишмайди. (*Қаттиқ.*)  
Кечир худо! Мен дилимдан уни кечирдим,  
Гарчи ҳеч ким шунча дилхун қилмаган мени.

## Капулетти хоним

Чунки ҳали ўша аблаҳ қотил тирик-да!

## Жульетта

Ҳамда жуда олисдадир менинг дастимдан.  
Мен ҳам зотан олмоқчиман акам қасосин!

## Капулетти хоним

Хотиржам бўл, биз у учун қасос олурмиз,  
Мантуяда турмоқчидир дарбадар сургун,  
У шаҳарда одамларга қутқу қиламан,  
Унга шундай бир ичкулик ичирсинларки —  
Тез фурсатда етиб борсин Тибальт олдига.  
Ушанда сен шод бўларсан, шундайми, қизим?

## Жульетта

Йўқ, ҳеч қачон шод бўлмасман, токи мен уни,  
Токи уни кўрмагунча... ўлик ҳолида...<sup>1</sup>  
Бечора дил ташвишлардан толиқиб қолди.  
Унга заҳар оборувчи киши топсангиз —  
Мен шундай бир заҳар-заққум ясаб берайки —  
Уни ичгач, маломатсиз ётсин Ромео<sup>2</sup>.  
Оҳ, бу қандай изтиробки, номин эшитиб  
Ундан узоқ ерда турсанг ва айтолмасанг  
Сен Тибальтга бўлган меҳру муҳаббатингни  
У кишининг қотилига!..

<sup>1</sup> Жульетта сирини очиб беришга сал қолади. «Токи уни кўрмагунча шод бўлмасман», демоқчи бўлади-ю, бирдан эсига келиб, ўз фикрини ниқобламоқчи бўлади ва «ўлик ҳолида» деган сўзни қўшади. Аммо бундан кейинги жумлани шундай келтирадики, бу сўзни ўз фикрида кейинги ибораларга боғлаш мумкин бўлсин.

<sup>2</sup> Бу ерда ва пастроқда Жульеттанинг гаплари икки маъноли қилиб айтилади:

## Капулетти хоним

Заҳарни топ, мең элтувчи одам топарман.—  
Энди сени воқиф қилай бир хушxabардан.

## Жульетта

Хурсанд бўлиш ёмон эмас шу мотам ичра.  
Қанақа бир хушxabарни сўзламоқчисиз?

## Капулетти хоқим

Сенинг отанг шунча ғамхўр, азиз қизгинам:  
Ғамларингни йўқотай деб қувончли кунни,  
У дафъатан тайинлади. Кутмаганмидинг?  
Мен ўзим ҳам кутмагандим, ростини айтсам.

## Жульетта

Қанақа кун, тезроқ айтинг, менга онажон.

## Капулетти хоним

Пайшанба кун, эрта билан, меҳрибон қизим —  
Олижаноб, аслзода, гўзал, навжувон,  
Граф Парис, Пётрнинг бутхонасида —  
Сени бахтли қилғусидир, хотини атаб...

## Жульетта

Мен авлиё Пётрга-ю, ҳам черковига  
Қасам ичиб айтаманки, шундай бўлмайди!  
Нега лозим бу шошилиш? Ҳеч унашмасдан  
Мен куёвга никоҳланай! Қандай гап ўзи?  
Айтинг менинг отамга ҳам, у жанобга ҳам:  
Эрга тегиш ниятим йўқ, онт ичаманки,  
Мен Парисга тегиб хотин бўлгандан кўра —  
У нафратли Ромеога текканим маъқул! —  
Ана холос!

## Капулетти хоним

Отангизга ўзингиз айтинг:  
Бу гап унга қанча маъқул, айтиб кўринг-чи.

Капулетти ва энага кирадилар.

## Капулетти

Қуёш ботса ерга қўнар шудринг-шабнамлар.  
Аммо менинг жиянимнинг ботган умрини  
Ёмғир-ёғин юваяпти. —  
Ҳой қиз, нега кўз ёшингнинг жўмрагин очдинг?  
Бу сел нима? Сенинг кичик шу вужудингда  
Қайиқ ҳам бор, денгиз ҳам бор, шамоллар ҳам бор.  
Денгиз рангли кўзларингда сув қалқар, тушар.  
Танинг эса шўр тўлқинда чайқалган қайиқ;  
Кўз ёшингни тўсиб турган оҳларинг — шамол.  
Шундай бўлгач, ногаҳоний бир тинчлик даркор.  
Йўқса танинг ҳалок бўлур тўфонлар ичра.

(Капулетти хонимга.)

Жульеттага айтдингизми қароримизни?

## Капулетти хоним

Айтдим, лекин у норози, ташаккур айтди.  
Бу тентакни тобут билан никоҳлаш маъқул!

## Капулетти

Тушунмайман, тушунмайман гапингга, хотин!  
Бу қарорга норизоми? Хоҳламайдими?  
Бу нолойиқ тентакка биз шунча иззатли  
Бир куёвни топибмиз-у, у қувонмайди?

## Жульетта

Қувонмайман, аммо сизга раҳматлар дейман:  
Севмаганим манфур бўлса қандай қувонай?  
Аммо сизга раҳмат дейман, бу совға учун!



## Капулетти

Бу қанақа баҳсбозлик! Нима гап ўзи?  
 «Қувонаман!», «Раҳмат дейман!»; «Раҳмат  
 демайман!»  
 «Қувонмайман!», қизим, бундай гапларни сен қўй!  
 Раҳмат дейсан, демайсанми, қувонасанми?  
 Бари бекор, пайшанба кун зоти — олингиз,  
 Тайёр бўлинг граф билан никоҳ расмига,—  
 Ё бўлмаса бутхонага зўрлаб ҳайдайман.  
 Йўқол, эзма! Йўқолиб кет, сариқ заифа!  
 Йўқол, лақма!

## Капулетти хоним

Тфу, ақлдан оздингиз сиз ҳам!

## Жульетта

Тиз чўкаман, ялинаман, меҳрибон ота,  
 Бир сўзгина айтишимга ижозат беринг!

## Капулетти

Яшшамагур, ярамас қиз, шаллақи, овсар!  
 Гап фақат бир: ё пайшанба черков борасан,  
 Еки менинг кўзларимга кўринма асло!  
 Жавоб берма, гап қайтарма! Тийгин тилингни!

*(Капулетти хонимга)*

Менинг қўлим қичияпти.  
 Қизни қаранг-а!  
 Тангри бизга фақат битта фарзанд берди деб —  
 Хафа бўлиб ҳам ер эдик; энди қарасам —  
 Шу бир фарзанд ўзи бизга ортиқча экан.  
 Шундай қизнинг бўлишига минг лаънат, лаънат!  
 Гўрга кетсин!

Энага

Тангри ўзи сақлагай уни!  
Тақсир, қизни шундай сўкиш сизга уят-ку!

Капулетти

Ҳа, донишманд, нега уят! Овозинг ўчир,  
Ғийбатларни тўқишга бор кампирларингга!

Энага

Ҳеч ёмон гап айтмадим-ку!

Капулетти

Бўлди, бас, етар!

Энага

Гапириб ҳам бўлмайдими?

Капулетти

Учир нафасинг!

Сиз ароқдан ҳўплаб сотинг сафсатангизни.  
Бу ерда жим туринг! Аҳмоқ!

Капулетти хоним

Ҳазабга мишманг!

Иштинент инти... Капулетти

Мен ақлдан (вазжаман) ёраб, ё худо!  
Кеча-кундуз, иш маҳали ё ўйин чоғи,  
Елғиз бўлсам ёки биронини жасмиларини...  
Қайгум фақат: қизни эрга бериб-қайтувинен!  
Уйдеп элдир қуйи сирақинггайдиг бекфодаранд иқтинет  
Еш, бадавларга арбизилдинде ёқатилсиз ўйин-қод вфсх  
Гўзалдоса бўладиган эндинггайдиларини... қинд үш  
Бу-ниш! Темпан, ширқиллайди ўқуйибни жуйилсиз  
Ойимтилла бир қўғирчоқ, унга тақимманггайдиг

Гапни қаранг: «Йўғ-е», «ул, бул», «яхши  
кўрмайман!»  
«Ҳали ёшман», «жуда ёшман», «мени кечиринг!..»  
Кечираман сени қачон куёвга тегсанг.  
Бўлмаса-чи, сенга нон йўқ, ўзинг топа бер,  
Кўзимга ҳам кўринмайсан. Ҳазил эмас. Уйла!  
Пайшанба ҳам келиб қолди. Ўзинг ўйлагин:  
Сен менки — ўз ошнамга бераман сени;  
Гар йўқ десанг — дорга осил, кўчада ўлгин,  
Тиланиб юр, худо ҳақи, менга сен ётсан,

Менинг молу давлатимнинг сенга дахли йўқ.  
Уйла, ишон — мен бекорга қасам ичмайман!

*Кетади.*

Жульетта

Оҳ, наҳотки тангрининг ҳеч йўқдир инсофи?  
У-ку, менинг мотамимни яхши биледи.—  
Оҳ, онажон, сизлар мени ҳайдамангизлар!  
Шу никоҳни чўзинг бир ой ё бир ҳафтага;  
Йўқ, десангиз менга битта тобут тайёрланг —  
Тибальт ётган гўристоннинг дахмаси ичра.

Капулетти хоним

Қўй, гапирма, сўзларингга жавоб бермайман;  
Билганингни қила бергин — гапларим тамом.

*Кетади.*

Жульетта

Қандай қилиб мен бу ишнинг олдини олай?  
Эҳ худойим! Эрим ерда, қасамим кўкда.  
Агар эрим ерни ташлаб кўкка бормаса,  
Агар кўкдан қайтармаса қасамни ерга,  
Қасам қандай қилиб ерга қайта олади?  
Оҳ, дояжон, мадад бергил! Юпантир мени!

Фалак нега ожизани шунча қийнайди?  
Нима дейсан? Ниҳотки сен юпатолмайсан?

Э на га

Юпатаман. Сургун бўлиб кетди Ромео;  
Худо ҳақи, қайтиб сизни талаб қилолмас;  
Қайтганда ҳам яширинча кела олади.  
Шунинг учун ўйлашимча, бошқа чора йўқ!  
Шу графга тегмакликка ризо билдинг.  
Оҳ, у жуда қоматлари келишган жаноб!  
Унга агар таққосласам Ромео — латта.  
Қўзи бургут кўзларидай ўйноқи, яшил.  
Улай агар, бахт келтирар иккинчи никоҳ,  
Иккинчи эр биринчидан афзал бўлгуси.  
Энди афзал бўлмаса ҳам, нима қилайик,—  
Биринчи эр ўлган ёки ўлган ҳисоби;  
Ромео соғ бўлса ҳамки, сизга нафи йўқ.

Ж у л ь е т т а

Шу гапларинг чин қалбданми?

Э на га

Улай агар, ҳамма сўзим дилу жонимдан!

Ж у л ь е т т а

Омин!

Э на га

Нима?

Ж у л ь е т т а

Ҳа, сен мени тоза юпатдинг.  
Бориб айтки, мен роҳибнинг олдиға кетдим:  
Мен отамга айтган дағал сўзларим учун  
Тавба қилиб, худованддан афв сўрайман.

## Энага

Худо ҳақи, айтажакман; бу иш ақлдан!

*Кетади.*

## Жульетта

Ҳой лаънати, айёр кампир, зиёнкор иблис!  
Мен эримга ичган онтни бузавер, дейиш,  
Юз мартаба Ромеони мақтаган тил-ла —  
Энди уни ёмонламоқ — мудҳиш бир гуноҳ!  
Иўқолиб кет, насиҳатгўй, менга сен ётсан.  
Меқ роҳибга бора қолай, топмаса илож.—  
Бу дунёни ташлаб кетай мангу, ноилож.

*Кетади.*

## IV ПАРДА

### БИРИНЧИ САҲНА

Лаврентий ва Парис кириб келадилар.

Лаврентий

Пайшанбами? Тақсир, муҳлат жуда қисқа-ку!

Парис

Бу — қайнатам Капулетти хоҳиши экан!  
У шунақа шошиб турса мен «йўқ» дейманми?

Лаврентий

Келинчакнинг раъйини сиз билмас экансиз,—  
Бу — номаъқул! Бу ҳол менга сира ёқмайди.

Парис

У Тибальтга аза тутиб доим йиғлайди,  
Ишқ ҳақида мен у билан кам сўзлашганман:  
Ишқ тангриси жилмаймади йиғи уйида.  
Қиз отаси ўйлайдики, агар тўхтовсиз —  
Қиз берилиб турса ғамга бу хатарлидир;  
Шунинг учун шошилтириб юрибди тўйини;  
Ният шуки — кўз ёшининг сели тўхтасин,  
Кўз ёшларки оқаётир ёлғизлик ичра;  
Кўз ёшларин тўхтатади улфат, жамият.  
Шошилишнинг важҳи энди сизга аниқми?

---

† Парис ҳалитдан ўзини Капулеттига куёв деб ҳисоблайди.

Лаврентий

(ўзича)

Ҳа, агарда кечикишнинг важҳин билмасам!  
(Қаттиқ.)

Қаранг: ана, биз томонга келар бека қиз!—

Жульетта кириб келади.

Парис

Сизни кўрмоқ менга бахтдир, менинг рафиқам!

Жульетта

Қачон сизга хотин бўлсам, шундай дегайсиз.

Парис

Севикли ёр, пайшанбада шундай бўлади.

Жульетта

Пешонага ёзилгани бўлади.

Лаврентий

Рост гап.

Парис

Сиз бу ерга тавба учун келгансиз, дейман?

Жульетта

Тавба қилиб, сўнгра сизга иқроп бўламан.

Парис

Пирингизга айтинг, мени севганингизни.

Жульетта

Балки, уни севганимни сизга айтарман.

П а р и с

Унга тагин айтинг: мени севганингизни!

Ж у л ь е т т а

Сизга бўлган ҳисларимни ростакам айтсам,  
Юзингизга эмас, сиртдан айтганим маъқул.

П а р и с

Кўз ёшлари жамолингни сўлдирар, эсиз!

Ж у л ь е т т а

Кўз ёшлари ҳеч нимами сўлдирган эмас,  
Ийғламасдан илгариеқ шундай хунук-дим.

П а р и с

Ийғлашингдан кўра шундай ўйлашинг балки,  
Жамолинга кўпроқ зиён етказар, афсус.

Ж у л ь е т т а

Айтганларим тухмат эмас, асл ҳақиқат,  
Мен ўз чеҳрам тўғрисида сўзладим сизга.

П а р и с

У — меники, сен бекорга бўҳтон қиласан!

Ж у л ь е т т а

Шояд бу рост, у айтгандай меники эмас,  
Қани, энди сиз бўшмисиз, авлиё пирим?  
Ёки намозшом пайтида келайин тагин?

Л а в р е н т и й

Уйчан қизим, мен тайёрман хизматингизга!

(Парисга.)

Кечирасиз, бизнинг хилват суҳбатимиз бор.



## П а р и с

Мен тақвони ҳеч бузмаймам, худо сақласин!  
 Пайшанба кун уйғотаман сизни, Жульетта.  
 Энди хайр, сиз покиза бўсамни олинг!

Кетади.

## Жульетта

Эшикни ёп, энди йиғла мен билан бирга:  
 На умид бор, на мадад бор ва на бир чора!

## Лаврентий

Хабардорман, о, Жульетта, фалокатингдан;  
 Менинг ақлим бу гапларни қамрашдан ожиз,  
 Эшитдимки, пайшанбада тўйнинг бўлгуси;  
 Ҳамда уни кечиктириш ҳеч мумкин эмас.

## Жульетта

Эшитганинг тўғрисида гапирмай тур-чи;  
 Айтгин, қандай қутулайин тўй балосидан.  
 Бу мушкулдан ожиз эса сенинг ҳикматинг,  
 Сен ҳикматли чора дегил — шу қароримни,—  
 Десанг бўлди; ана, пичоқ менга нажоткор.  
 Сен қўлларни бирлаштирдинг, тангри — дилларни.  
 Севганимга теккан қўлим, башарти, яна  
 Бошқасига никоҳ учун қўл қўяр бўлса,  
 Эки менинг содиқ қалбим хиёнат қилса,  
 Шу пичоғим ҳар икковин этгуси ҳалок.  
 Кекса умринг, сенинг узоқ билган-кўрганинг,  
 Менга ҳозир бера қолсин доно маслаҳат!..  
 Йўқса дардим билан менинг қозим — шу пичоқ.  
 На кексалик, на ҳунарлар қилолмагани —  
 Менга ижро қилгусидир шу қонли пичоқ,—  
 Бу балодан мени фақат қутқазур пичоқ!  
 Қисқа гапир — менинг битта ниятим: ўлим!  
 Фақат табиб сўзларини тинглайди кўнглим.

## Л а в р е н т и й

Тингла, қизим, пайқаб олдим умид шарпасин,  
 Бизга хатар бўлиб қолган тўй ташвишидай —  
 Яна ўзга бир ташвишни кечирмоқ керак.  
 Сен графга тегмайин деб, тўй бўлмасин деб —  
 Ҳатто ўзинг — ўзгинангни ўлдирмоққа шай,—  
 Демак сохта ўлимга ҳам рози бўлгайсан —  
 Токи сенга ўлим қадар манфур туйилган —  
 Шундай разил никоҳдан ҳам қутулажаксан.  
 Сен унасанг, сенга сирли дори бераман.

## Ж у л ь е т т а

Оҳ, Парисга бир дам хотин бўлишдан кўра  
 У минора тепасидан сакрашни буюр.  
 Ёки мени тунда қама ўликхонага —  
 У хонада қирсиллайди ўлик суяги,  
 У хонада тўла сарғиш бош косалари;  
 Ёки менга амр этгин, қабрга кирай,  
 Ўлик билан бирга ётай кафан остида.  
 Бу сўзлардан қалтирайман, аммо бехатар,  
 Ўйлаб турмай қилар эдим бунинг ҳаммасин,  
 Токи, тоза хотин бўлай эрим олдида.

## Л а в р е н т и й

Бўлмаса, кел — сўзимни уқ; ҳозир уйга бор;  
 Қувноқ кўрин, тўйга билдир розилигингни,  
 Эртага-ку чоршанба кун. Ёлғиз ўзинг ёт,  
 Энагангни бўлак уйга чиқариб юбор;  
 Тўшагингга кирганингда бу шишани ол,  
 Дорусини шимир, битта қатра қолдирмай.  
 Кўп ўтмайин аллақандай ланж, ухлатувчан —  
 Бир совуқлик ёйилади томирларингга.  
 Ҳатто тўхтар юрагингинг тепувлари ҳам,  
 Тирикликдан дарак бермас нафас, иссиқлик,  
 Гунча лабинг ва юзларинг гулдай сўлади.

Киприкларинг жипслашади ўликникидай:  
 Гўё ўчиб кетганидай ҳаётнинг нури,  
 Ўша чоғда вужудинг ҳам қотиб қолади —  
 Ўликларнинг жасадидай карахт ва совуқ,—  
 Шу даҳшатли сохта ўлим қиёфасида —  
 Ухламоқнинг муҳлатидир қирқ икки соат,  
 Кўз очишинг шод уйқудан тургандай бўлур.  
 Аммо қачон, уйғотгали сенинг куёвинг  
 Келганида ўлик каби ётарсан бежон.  
 Жасадингни ясантириб эл одатича  
 Сени очиқ бир тобутда олиб борарлар,  
 Капулетти уруғидан ҳамма марҳумлар  
 Ётган маълум сағанага қўярлар сени.  
 Келганида сенинг учун уйғониш пайти.—  
 Ромео ҳам хатни олиб етиб келади.  
 Икков бирга кутажакмиз уйғонишингни;  
 Ўша кеча Мантуяга элтар у сени,  
 Қутуларсан, шу йўсинда шармандалиқдан;  
 Башартики, на енгилтак ҳавою ҳавас,  
 На аёллар қўрқоқлиги енгмаса сени.

### Жульетта

Бер, бер менга! Қўрқоқликдан оғиз ҳам очмай

### Лаврентий

Ма, олиб бор, бахтиёр бўл, иродали бўл,  
 Мен ҳам дарҳол Ромеога хабар қилгали  
 Бир роҳибни Мантуяга жўнатгум ҳозир.

### Жульетта

Менга куч бер, эҳ муҳаббат: бунда нажот бор.—  
 Яхши қол, эй менинг отам! *(Кстадилар.)*

## ИККИНЧИ САҲНА

Капулетти уйида.

Капулетти, унинг хотини, энага ва икки  
хизматкор кириб келадилар.

Капулетти

Бу рўйхатда ёзилганнинг барини айтгин.

Биринчи хизматкор кетади.

(2-хизматкорга)

Пигирмата эпчил ошпаз ёллаб келасан.

2-хизматкор

Мен сизга тақсир, ёмон ошпазларни олиб

келмайман,

Даставвал қарайман: улар бармоқларини

ялайдиларми, йўқми.

Капулетти

Бу билан нима демоқчи бўласан?

2-хизматкор

Худо ҳақи тақсир, ёмон ошпаз ҳеч қачон бармоқ-  
ларини яламайди. Шу сабабли мен ҳам бармоғини яла-  
маётганларни ёллайман.

Капулетти

Бор, бор.

Иккинчи хизматкор кетади.

Қўрқаманки, муҳлатида улгуролмасмиз —  
Ҳа, айтгандай, жўнадими қизим роҳибга!

Энага

Ҳа, тақсир!

## Капулетти

Буниси соз, қизга яхши ўғиғ берар у.  
Қақилдоқ қиз, ўлгудай сур, ўжар бир шайтон!

## Энага

Ана, хурсанд келаётир, гуноҳдан ариб.

Жульетта кириб келади.

## Капулетти

Ҳай, тажанг қиз? Қайда кездинг, сарсон, овора?

## Жульетта

Шундай жойга бордимки мен, у ерда мени —  
Қилганимга пушаймон ва тавба қилдирди.  
Авлиё пир буюрдикки, тиз чўкиб сиздан  
Гуноҳимга узр сўрай ҳамда марҳамат.  
Ялинаман, афу қилинг! Бундан бу ёққа —  
Итоаткор қизингизман.

## Капулетти

Тез графга киши бориб хабардор қилсин:  
Эртага биз тугунчани тугиб қўямиз.

## Жульетта

Бутхонада кўрган эдим ёш графни мен;  
Босиб ўтмай камтаринлик чегарасидан,  
Унга одат кўтаргудай илтифот қилдим.

## Капулетти

Майли энди. Рози бўлдим, тур, бор, кечирдим.  
Аллақачон шундай бўлсанг — бўлмас эдими?  
Мен графни кўрмоқчиман. Чақириб келинг —  
Худо ҳақи, бизнинг роҳиб авлиё ҳам пир,  
Шаҳаримиз унга талай-талай миннатдор.

## Жульетта

Бирга юргин, энасажон, менинг хонамга:  
 Эрта учун менга лозим зебу зийнатни  
 Бирга танлаб, кўриб чиқиб, тахлаб қўяйлик.

Капулетти хоним

Ҳали анча муҳлат бор-ку пайшанбагача!

Капулетти

Бор, энага. Биз эртага черков борамиз.

Жульетта, ва энага чиқадилар.

Капулетти хоним

Ҳамма ишни тугал қилиб улгуролмасмиз,  
 Тун ҳам кирди.

Капулетти

Сен гапирма! Мен уддалайман!  
 Ҳамма ишни мен болайман, воллоҳи, хотин.  
 Боргин ҳозир Жульеттага, либослар танла!  
 Мени қўйгин; мен бу кеча мижда қоқмайман;  
 Энди бу гал, уй бекаси ролини ўйнай.—  
 Ҳой, навкарлар! Кетишдими? Хўп, ўзим борай,—  
 Эртага: «Сен ҳозир бўл!» деб графга айтай.

Кўнглим анча тинди, шукур, маломат кетди;  
 Қайсар қизча тажанглигин қўйди охири!

*Кетадилар.*

## УЧИНЧИ САҲНА

Жульеттанинг хонаси.

Жульетта ҳам энага кириб келадилар.

Жульетта

Ҳа, бу кўйлак — зебо либос.— Энди, энага,  
 Мени бугун ёлғиз қолдир, илтимосим шу!

Худованддан шафқат тилаб, шафоат тилаб,  
 Кўп қилишим керак бугун дуо ва ниёз,  
 Биласан-ку, андеша ва гуноҳим талай.

Капулетти хоним кириб келади.

Капулетти хоним

Сизлар бунда бандмисизлар! Ёрдам керакми?

Жульетта

Йўқ, онажон; биз эртага тўйнинг базмига —  
 Керак бўлган буюмларни саралаб олдик.  
 Энди мени ёлғиз қўйинг, илтимосим шу.  
 Дояни ҳам бирга олиб кетсангиз маъқул:  
 Кутилмаган ишлар чиқиб қолиши мумкин

Капулетти хоним

Хўп, бўлмаса, хайрли тун, ором ол, қизим!

*Капулетти хоним ва энага чиқиб кетадилар*

Жульетта

Видолашдик! Учрашувни худо билади.  
 Томиримни бурамоқда совуқ бир даҳшат.  
 У ҳаётнинг иссиғини музлатаяпти.—  
 Чақирайин уларни мен: юпантирсинлар.—  
 Энагажон!— Йўқ, нимага! Мен ўзим якка  
 Бу саҳнада ачинарли ролимни ўйнай.  
 Кел, э шиша! Ухлатмаса сендаги дору,  
 Мабодо, мен мажбур бўлсам эрга чиқишга?!  
 Йўқ, сира йўқ! Бу қўймайди, мана буниси!

*(Пичоқни чиқариб қўяди.)*

Балки мени ўлдиргани роҳиб макр ила  
 Бу шишада заҳар берган. Йўқ, шундай бўлса —  
 Шу никоҳнинг уволлари унинг бўйнига:  
 Ромеога мени никоҳ қилган ўзи-ку...  
 Хавотирман, аммо шундай бўлмаса керак:

У виждонли авлиёдур элнинг кўзида —  
 Лекин барвақт уйғонсам-у, аммо ўша чоғ —  
 Менга келиб етолмаса азиз Ромео —  
 Уз вақтида элтолмаса мени.— Бу даҳшат!  
 Уша сассиқ сағанада бўғилиб қолсам,  
 Улиб кетсам келмасданоқ азиз Ромеом!  
 Мабодо, мен тирик қолсам, ўзга хатар бор;  
 Мен ўйлайман, ўлим ҳамда қаро зулматни,  
 Мен ўйлайман, сағананинг ваҳимасини,  
 У юз йиллаб оиламга гўристон бўлган,  
 Қўйилгандир боболарнинг суяги унда..  
 Кечагина унга меҳмон келгандир Тибальт,  
 Қонли жасад чиримоқда оқ кафан ичра,—  
 Дерлар тунда, ўша ерда, маълум соатда —  
 Пайдо бўлиб юрар экан мудҳиш арвоҳлар...—  
 Агарда мен нолалардан, сассиқ ҳидлардан,  
 Одамзодни жинни қилган ваҳималардан  
 Уйғонсаму: ўша онда тентираб кетсам!  
 Боболарнинг суягини қўғирчоқ қилсам,  
 Ечиб олсам у сўйилган Тибальт кафанин,  
 Е боболар суягини ҳассадай қўллаб  
 Жинниларча янчиб қўйсам бадбахт калламни?!  
 Ҳозир менга кўринмоқда Тибальтнинг руҳи,  
 У қассос деб Ромеони излаб юрибди.  
 Тибальт, тўхта! Ромео боқ, ҳозир бораман,  
 Сенинг учун ичяпман!

*(Парда орқасидаги ётоққа йиқилади.)*

## ТҲРТИНЧИ САҲНА

Капулетти уйида бир зал.

Капулетти хоним ва энага кириб келадилар.

Капулетти хоним

Калитни ол, очиб келтир ширинлик — ҳалво.



Энага

Ошхонага керак эмиш хурмо ҳам беҳи.

Капулетти кириб келади.

Капулетти

Тезроқ бўлинг! Қичқиришди хўрозлар тагини!  
Занг урилди: соатлар ҳам уч бўлиб қолди.  
Анжелика<sup>1</sup>, санбусани ўзинг қараб тур.  
Хасисланма!

Энага

Эҳ, қатишманг ишимизга сиз!  
Бориб ётинг! Бутун туни ухламай чиқиб  
Тобсизланиш, касалланиш ҳеч ажаб эмас.

Капулетти

Ҳечқиси йўқ! Кўп арзимас сабаблар билан  
Ухламаган пайтлар бўлган, касал бўлмадим.

Капулетти хоним

Шундай вақтлар ҳам бор эди: чиқар эдингиз —  
Кечалари ов қилгани. Энди қўймайман!

Капулетти хоним ва энага кетадилар.

Капулетти

Ана, ана, қизганишни кўрасизларми?!

Уч-тўртта хизматкор кабоб сихи, ўтин ва  
саватларни олиб кирадилар.

Ҳой йигитча, сен нималар олиб келтирдинг?

1-хизматкор

Алланима, ошпаз учун, ўзим билмайман.

<sup>1</sup> Анжелика — Капулеттининг хотиними ёки доями экани номаълум.

## Капулетти

Дарров, дарров! *(1-хизматкор кетади.)*

Сен-чи, қуруқ ўтин олиб кел!

Петрдан сўраб билгин, у жойин айтар.

## 2-хизматкор

Каллам бор-ку, ўзгинам ҳам топиб оларман;

Ўтин сўраб Пётрга ташвиш бермайман.

## Капулетти

Майли, майли, шўх йигитсан, кўриб турибман!

Калланг ўзи ўтин бўлгай! *(2-хизматкор кетади.)*

Тонг отиб қолди.

Куёв ҳозир келиб қолар машшоқлар билан,—

Ўзи айтди. Ҳа, чамаси келиб ҳам қолди!

Саҳна орқасидан музика.

Ҳой энага! Хотин! Қани, ҳой-ҳой одамлар!

Энага кириб келади.

Жульеттани бориб уйғот, ясантинглар!

Мен Парис-ла гаплашайин ҳангамалашиб.

Дарров, дарров, шошилингиз, куёв келмоқда!

Бўлинг дейман, дарҳол бўлинг! *(Кетадилар.)*

## БЕШИНЧИ САҲНА

Жульеттанинг хонаси.

Энага кириб келади.

## Энага

Бека хоним! Жульетта, ҳу! Шунча қаттиқ, а!

Қўзичоғим, хонимгинам! Ҳой уйқучи қиз!

Қани, жоним, ҳой жонгинам, туринг, келинчак!

Бир оғиз ҳам гапирмайди? Тугал бир ҳафта —

Уйқусини ҳозирданоқ олмоқчимин бу?

Кафилманки, Парис энди уқдириб қўяр —

Шу бугундан — кечалари камроқ ухланг, деб,—  
 Худо ҳақи шунча қаттиқ ухлабдиларки!..  
 Уйғотай-чи... Туриш керак... Бекам, хоним қиз!  
 Куёвпочча келиб кўрса ҳали тўшакда  
 Тагин сизни чўчитмасин, сескантирмасин!..

*(Пардани очади.)*

Кийим-бошин кийиб олиб қайта ухлабди?..  
 Туринг, туринг, оҳ хоним қиз, уйғонинг, туринг!  
 Вой-дод! Вой-дод! Мадад, имдод, Жульетта ўлган!  
 Ҳайҳот, нега мен туғилдим фоний дунёда!  
 Менга ароқ, оқдоримдан!.. Афандим!! Хоним!..

Капулетти хоним келади.

Капулетти хоним

Нега шунча шовқин-сурон?

Энага

Фалокат, мотам!

Капулетти хоним

Нима бўпти?

Энага

Қандай даҳшат! Узингиз қаранг!

Капулетти хоним

Э воҳ, э воҳ! Болагинам, жону жигарим!  
 Уйғон, қара! Йўқ, бўлмаса мен ҳам ўламан!

*(Энагага.)*

Дод-вой қилгин! Мадад дегин!

Капулетти кириб келади.

Капулетти

Бу уят-ку, куёв келди, Жульетта қани?

Э на га

Ҳайҳот, ўлди, вафот қилди!

Ка пу лет ти хо ним

Шўрлик бахтим! Мусибат кун! У ўлди, ўлди!

Ка пу лет ти

Қани, кўрай! Оҳ, музлабди! Бўлибди тамом!  
Қони совиб қотиб қолган аъзою тани;  
Шу лаблардан аллақачон жон учиб кетган,  
Бевақт аёз қамраб олган нозик чечакдай,—  
Қизимни ҳам олиб кетди ноинсоф ажал.

Э на га

Оҳ, қора кун!

Ка пу лет ти хо ним

Оҳ, мусибат, мотамли қазо!

Ка пу лет ти

Уни олиб менга аза келтирган ажал,  
Тилимни ҳам боғлаб қўйди — гапиролмайман.

Лаврентий ва Парис музикачилар билан кириб  
келади.

Лаврентий

Бутхонага бориш учун келин тайёрми?

Ка пу лет ти

У тайёру ҳеч қайтмаслик шарт-ла, лекин,—  
Менинг ўғлим, худди тўйинг арафасида  
Ажал сенинг хотинингга ҳамёстиқ бўлди.  
Мана бунда, у беҳаё ўлим топтаган  
Чечак бунда! Энди менинг куёвим ажал.  
Қизим эри, ворисим ҳам ажалдир, ажал.

Мен ҳам бешак ўлажакман, ҳамма нарсамнинг  
Мулкимнинг ҳам, умримнинг ҳам вориси — ажал!

### П а р и с

Бу эртани интизорда кутдим, беқарор,  
Э воҳ, эрта менга берган тамошоси бу!

### Капулетти хоним

Оҳ, бадбахт кун, нафратли кун, қабоҳат кундуз!  
Замонанинг шу азалий, оғир йўлида —  
Шундан бадтар, шундай ёмон соат бўлмаган!  
Шу умримнинг ёлғиз гули, бир зурриётим,  
Якка-ёлғиз саодатим, менинг севинчим,—  
Золим ажал олиб кетди уни ҳам қўймай!

### Э на га

Афсус, афсус! Аччиғ, аччиғ, аччиғ кун бўлди!  
Умримдаги кунлардан энг бадбахти шу кун!  
Нафратли кун! Шўрлик куним, мусибатли кун!  
Умрим бўйи шундай қора кун кўрганим йўқ!  
Фалокатли, мусибатли, мотамли куним!

### П а р и с

Мен алдандим, ёлғиз қолдим, хорландим, ўлдим!  
Жирканч ўлим, мени ўзинг алдадинг, ўзинг!  
Э жафокор, мени эздинг, поймол қилдинг!  
Ишқ — ҳаётдир; ҳаёт ўлса ишқ ҳам ўликдир.

### Капулетти

Парчаландим, ўлдирилдим, дилпора бўлдим,  
Нега келдинг уйимизга, э бадбахт соат,  
Тўйимизни бузганими, ўлдирганими?  
Фарзандгинам, шўрлик болам, жигарим, жоним!  
Сен ўликсан, сен мурдасан, жонгинам, болам!  
Шодлигим ҳам илалабад ўлди сен билан!

## Лаврентий

Сизга уят! Довдирашдан мотам чоғида —  
 Мадад йўқдир. Гўзал қизга сиз билан бирга —  
 Шерик эди фалаклар ҳам; аммо ҳозирда —  
 Унга эга бўлиб қолди фалакнинг ўзи.  
 Унга у ер маъқулроқдир. Сиз ҳиссангизни  
 Сақлаб тура олмадингиз ўлим дастидан,  
 Тангри бўлса берди унга абадий ҳаёт.  
 Ниятингиз Жульеттани улғайтириш-ди:  
 Самовотга кўтаришни хоҳлар эдингиз —  
 Ҳозир бўлса у булутдан нарида, баланд —  
 Осмонда юрар экан, шунга йиғлайсиз!  
 Қизингизни лекин чакки севар экансиз,  
 У лаззатдан баҳра олса — аччиғланасиз,  
 Эри билан узоқ турган бахтиёр эмас,  
 Никоҳ бўлгач, ёшроқ ўлган келинлар хушбахт.  
 Кўз ёшларин артиб олинг! Розмарин баргин  
 Жасадига сепиб қўйинг, расм бўйича.  
 Ясаптириб-безантириб черковга элтинг!  
 Фигон-фарёд тугдиради жинни табиат,  
 Аммо шундан кулиб турар ақлу фаросат!

## Капулетти

Шодлик учун тайёрланган барча нарсалар —  
 Хизмат қилгай энди қаро, гамли мақсадга,  
 Музикамиз мунгли бўлур марсия каби,  
 Худойига айланади тўй зиёфати.  
 Машқларимиз мотам куйи, аза бўлғуси,  
 Никоҳ учун тайёрланган чечакдасталар —  
 Улик келин тобутини кўмади энди,  
 Ҳамма нарса тескари бир қиёфа олур.

## Лаврентий

Боринг, тақсир! Хоним, сиз ҳам у билан боринг!  
 Сиз ҳам боринг граф Парис! Тайёр бўлинглар —

Марҳумани гўрга олиб боргали бирга.  
 Бу — фалакнинг сизга берган жазоси, холос.  
 Феълингиздан худонинг ҳам тугабди сабри.

Капулетти, унинг хотини, Парис ва  
 Лаврентий кетади.

1-созанда

Сурнайларни йиғиштириб ростакам кетишга тўғри  
 келади.

Энага

Йиғиб олинг, йиғиб олинг, яхши йигитлар. Бу ерда  
 қанақа мотам юз берганини кўриб турибсизлар!

Кетади.

1-созанда

Шунақа бўлса ҳам, худо ҳақи, ҳақимизни тўлаш  
 лари керак.

Петр кириб келади.

Петр

Машшоқлар, ҳой машшоқлар! «Юрак қувончи»,  
 «Юрак қувончи»ни чалинг! Тирик қолишимни хоҳласа-  
 ларинг «Юрак қувончи»ни чалинглари!

1-созанда

Нега «Юрак қувончи»ни ахир?

Петр

Ҳой машшоқлар! Чунки менинг юрагим, «Юрагим  
 қувончи»ни ашуласини айтяпти. Менга биронта қувонч-  
 ли, мунгли куй чалиб берсаларинг кўнглим юпанади.

1-созанда

Сизга ҳеч нарса чалмаймиз. Ҳозир чалиш маҳали эмас!

Петр

Демак, чалмоқни истамайсизлар?

1-созанда

Иўқ!

Петр

Булмаса сизга кўрсатаман.

1-созанда

Нимани кўрсатасиз?

Петр

Пул эмас, албатта, шалалоқ кўрсатаман, шаллақни ашулачилар!

1-созанда

Мен ҳам сени табриклайман; малай!

Петр

Каллангга малай пичоғини ўқталсам кўрасан. Қалит ҳам керак эмас. «Фа, ре»ларни сизга кўрсатаман! Биласизми?

1-созанда

«Фа-ре»лар билан кўрсатадиган бўлсангиз, нота-ларни билар экансиз-да.

2-созанда

Илтимос қиламиз, пичоғиягизни яшириб, ақлингизни чиқарсангиз.



Петр

Ақлимдан эҳтиёт бўлинглар! Мен темир пичоғимни яшириб, темир ақлим билан сизларни хўп калтаклайман. Сизлар ҳам менга одам нусхаси бўлиб жавоб беринглар:

Жон бўлса ғам дастида,  
Ақлим олиш қасдида,  
Қўшиқда кумуш куйлар...

Нега «кумуш куйлар», қани тушунтириб берсангизчи, Симон-Тор?

1-созанда

Чунки кумушнинг жаранглаши ширин.

Петр

Яхши айтдинг! Хўш, сиз нима дейсиз, Гуго-Қай?

2-созанда

Шу учун «кумуш куйлар» дейиладики, машшоқларга ашула учун кумуш танга тўлайдилар.

Петр

Бу ҳам яхши! Сиз нима дейсиз, Яков Вақвақ?

3-созанда

Ростини айтсам, айтолмайман!

Петр

Майли, кечирасизлар. Сиз ахир ашулачилар. Шу учун «кумуш куйлар» дейилади-ку, машшоқларга тўлайдиган тилла йўқ.

«Қўшиқда кумуш куйлар,  
Кўнгилни хушнуд айлар!»

Кетади.

1-созанда

Бу қанақа сассиқ газанда, а?

2-созанда

Қўявер! Э! Уликни кўмиб бўлиб йиғичилар қайтиб  
келишини кутайлик, сўнгра баҳам овқатланамиз. (Ке-  
тадилар.)

## V ПАРДА

### БИРИНЧИ САҲНА

Мантуя. Кўча. Ромео кириб келади.

Ромео

Агар тушда кўрганларим ҳақиқат эса,  
 Кўрган тушим хушxabарга йўйилса керак.  
 Қалбимда бор севгининг шўх парвардигори,  
 Шу кун бўйи аллақандай фавқулодда руҳ —  
 Мени кўкда енгилгина учириб юрди.  
 Гўё ёрим мени ўлик учратган эмиш,—  
 Даҳшатли туш: ўлик бўлиб тушда ўйласанг.—  
 Упган эмиш, лабларидан жон кириб танга  
 Мен тирилиб император бўлган эмишман.  
 Қандай шириң экан севги; ҳатто сояси,—  
 Шарпаси ҳам шундай буюк бахт олиб келар!  
 Узун этиклар кийган Балтазар кириб келади.

Веронадан дарак бордир! Салом, Балтазар!  
 Сен роҳибдан менга бирон хат келтирдингми?  
 Хоним қалай? Қандай экан дадамнинг ҳоли?  
 Жульетта-чи? У тўғрида сўраяпман мен!  
 У соғ бўлса, демак, ҳамма нарса жо-бажо.

Балтазар

У қиз яхши, ҳеч нарса ҳам ёмон бўлмайди.  
 Унинг жисми Капулетти сағанасида.  
 Руҳи эса фаришталар ичра яшайди.  
 Тобутини оиланинг сағанасида

Қўрган ҳамон чопиб келдим сизга айтгали.  
Кечирасиз, шум хабарни келтирдим сизга,  
Сиз ўзингиз буюргансиз бу вазифани!

Ромео

Бу гап ростми? Ҳақиқатми? Оҳ, золим фалак!  
Бу ердаги уйимни топ! Қалам, қоғоз топ.  
Отлар ёлла — мен шу кеча жўнаб кетаман.

Балтазар

Ялинаман, бунча шошманг, кўзингиз бежо,  
Рангларингиз мусибатдан бермоқда дарак!

Ромео

Янглишасан, жим бўл, менинг айтганимни қил.  
Авлиёдан менга бирон хат келтирдингми?

Балтазар

Йўқ, тақсирим!

Ромео

Майли, бориб отларни ёлла.  
Мен ҳам дарҳол келажакман.

Балтазар кетади.

Мен сен билан ётажакман бу тун Жульетта!  
Йўлдошингман... Изтиробли киши дилига —  
Нақадар тез суқуласан ўсаллик, ажаб?!  
Доручини хотирладим, яқинда уйи.  
У дорулар устасини яқинда кўрдим.  
Увадалар ичра эди, йўқсил камбағал.  
Кўзларида қашшоқликнинг аччиғ алами.  
Дўконида тошбақадан, тимсоҳ, балиқдан  
Тулуларни қўйиб қўйган мижозлар учун,

Токчаларда буш қутилар тизими қатор,  
 Сопол лаган, катта-кичик шиша идишлар.  
 Чириб кетган данаклару узук чилвирлар,  
 Ҳабдорилар... Хуллас калом — аянч манзара...  
 Мен бу бадбахт гадойликни кўргач дедимки:  
 «Бировига даркор бўлса мабодо ажал:—  
 Мантуяда шунга жазо — ўлим бўлса ҳам —  
 Бу ердаги банда сотар ўша ажални».  
 Бу тушунча менинг учун бекор бўлмабди,  
 Уша гадой менга сотар заҳарни ҳозир.  
 Хотиримда, унинг уйи шу бўлса керак.  
 Дўкон бекик, ҳа, айтгандай букун байрам-ку...  
 Доруфуруш, ҳой дўкондор!

Д о р и ф у р у ш к е л а д и .

Д о р и ф у р у ш

Ким бу қичқирган?

Р о м е о

Бу ёққа чиқ! Сени жуда йўқсил кўраман,  
 Буларни ол, бу ерда бор роса қирқ тилла,  
 Бунга эваз менга керак бир мисқол оғу.  
 Бир заҳарки томирларга тез заққум элтсин,  
 Ҳаётидан безган киши ерга гуп учсин,  
 Баданидан нафас кетсин шундай қисталанг —  
 Тўп оғзидан портлаб чиққан ўқ-дори каби.

Д о р и ф у р у ш

Бундай дору менда бору... Аммо қонунан —  
 Сотган киши Мантуяда ўлимга маҳкум.

Р о м е о

Ўзинг гадо: ўлимдан-чи, шунча қўрқасан!  
 Ахир сенинг юзларингда очлик излари,

Кўзларингда муҳтожликнинг, ўлимнинг дарди,  
 Яғринингда тиланчилик, қашшоқлик, хорлик.  
 Сеинг дўстинг на дунёдир ва на шу қонун;  
 Шундай қонун мавжудмикан — сени бойитгай?  
 Қонунни буз, ма, буни ол, гадоёликдан чиқ.

Д о р и ф у р у ш

Ризоликни хоҳиш эмас, гадоёлик берур.  
 (Заҳарни унга беради.)

Р о м е о

Гадоёликка пул тўлайман, хоҳишга эмас.

Д о р и ф у р у ш

Бу заҳарни бирон суюқ нарсага қўшиб —  
 Ундан кейин ичилади; сиздаги мадор —  
 Йигирмата кишича ҳам бўлса ўласиз.

Р о м е о

Мана олтин — виждон учун энг ёмон заҳар,  
 Бу қабоҳат дунёмизда энг ёмон қотил;  
 У бадтардир ман қилинган шу дорудан ҳам.  
 Менга заҳар сен сотмадинг, мен сенга сотдим.  
 Хайр энди, овқат олиб егин, семиргин. —  
 Заҳар эмас, мен йўлимга олганим, малҳам,  
 Ёр қабрида сендан лаззат олурман бир дам.

Кетадилар.

## ИККИНЧИ САҲНА

Роҳиб Лаврентийнинг кулбаси.  
 И о а н н келади.

И о а н н

Ҳой авлиё, роҳиб қардош, биродаримиз!

Л а в р е н т и й кириб келади.

## Лаврентий

Биродарим Иоаннинг овозидир бу.—  
 Мантуядан келасизми? Ромео қандай?  
 Нима деди? Еки менга мактуб бердимми?

## Иоанн

Роҳиблардан биттасини олиб кетгани —  
 Бу шаҳарда излаб қолдим, у шу шаҳарда  
 Қасаллардан хабар олиб, боқиб юради.  
 Тополдим-у, қўрғондаги дарвозабонлар —  
 «Бу ваболик ҳовлиларга кириб чиққан», деб —  
 Дарвозани муҳрлади, бизни тўхтатди,  
 Шундай қилиб Мантуяга бора олмадик.

## Лаврентий

Мактубни-чи? Ромеога ким олиб борди?

## Иоанн

Юборишга қўл тегмади, менда турибди —  
 Ҳатто сенга қайтаришга топмадим имкон;  
 Ёвуз вабо ҳаммани ҳам чўчитган шунча..

## Лаврентий

Оҳ, шум толе, Онт ичаман биродарликка,  
 Ҳазил эмас-ди ўша хатнинг мундарижаси;  
 Эгасига етмагани кўп ёмон бўлди.  
 Битта метин топиб дарров кулбага келтир.

## Иоанн

Шу соатда келтираман. (*Кетади.*)

## Лаврентий

Сағанага ҳозир ўзим бормоғим лозим,  
 Уйғонади уч соатдан сўнгра Жульетта,—

Ромеога хабар қилолмаганим учун  
 Менга чексиз лаънатларни ёғдиради у!  
 Майли, яна Мантуяга бир хат ёзаман,  
 У келгунча яшираман қизни кулбамда.  
 Тириклайин бечора қиз ётар тобутда...

Кетади.

### УЧИНЧИ САХНА

Гўристон: у ерда Капулеттилар сағанаси.  
 П а р и с. орқасида гуллар ҳам машъал ушлаган маҳрам.

П а р и с

Ҳой йигитча, машъални бер, ўзинг нари тур!  
 Энди ўчир, токи бизни ҳеч ким кўрмасин!  
 Шу дарахтнинг тагида ёт ва шу кавланган  
 Ерга қулоқ қўйиб, жуда зийрак бўлиб ёт:  
 Гўристонда ҳар бир қадам эшитилар-ку.  
 Бунда тупроқ кўп эшилган, бўш ва қавақдир.  
 Нимаки эшитолсанг ҳуштак чалиб қўй,  
 Бунга одам келганини билурман шундан.  
 Гулларни бер, энди жўна, айтганимдай қил!

Маҳрам (ўзича)

Кўп қўрқаман гўристонда ёлғиз қолишдан;  
 Нима қилай, чора йўқдир, баҳарҳол турай.

(Яширинади.)

П а р и с

Чечакларга кўмиб ташлай никоҳ ётоғин!  
 Эй гул, тошу тупроқ бўлди тахтиравонинг.  
 Сени энди ювайними гулоблар билан,  
 Ёки ўтдай қайноқ бўлган кўз ёш тўкайин?  
 Сени яна қайта бошдан гулларга кўмиб,  
 Тун қўйнида аччиқ-аччиқ йиғлаб ўпайин!

Маҳрам ҳуштак чалади.



Бола ҳуштак чалди, демак, кимдир келмоқда!  
 Бу ерларга етмиш кимнинг мурдор оёғи?  
 Қим бузмоқда менинг севги маросимимни?  
 Нима? Машъал? Яшир мени, эй тун, бир нафас!

Яширивади.

Ромео ва Балтазар машъал, метин чўкич ва  
 бошқаларни олиб келадилар.

### Ромео

Чўкични бер, ҳамда ўша темир метинни!  
 Бу хатни ол, эрта билан отамга еткиз!  
 Машъални бер! Ҳаётингдан безмаган бўлсанг —  
 Бунда нима кўрсанг, сезсанг, аралашма ҳеч.  
 Тушмоқчиман ўлимларнинг бу маконига,  
 Хотинимнинг чеҳрасини кўриш муродим;  
 Ундан кейин унинг ўлик бармоқларидан  
 Қимматбаҳо узукни ҳам чиқармоқчиман:  
 Жуда муҳим бир иш учун у менга даркор.  
 Энди жўна. Аммо агар қизиқиб қолсанг —  
 Еки пусиб-пойлаб ётсанг, онт ичаманки,—  
 Шу ютоққан гўристонда қилиб чилпора  
 Танингдаги аъзоларни тўғраб ташлайман.  
 Ниятларим ва авзойим гоят ёввойи,  
 Бўкирувчи денгизлардан, оч бир қоплондан  
 Даҳшатлидир менинг бугун ёвуз ниятим!

### Балтазар

Хўп, кетаман, сизга халал бермайман, тақсир!

### Ромео

Дўст бўлганинг исбот бўлур шу билан. Ма, ол!  
 (Унга пул беради.)  
 Яша, дўстим, бахтиёр бўл, жўна, алвидо!

## Балтазар

(Ўзича)

Ҳар ҳолда бир яширинай. Иш жуда қалтис!  
Қарашлари даҳшат тўла, нияти бузуқ.

(Яширинади.)

## Ромео

Эй лаънати, очкўз оғиз, эй ўлим нафси,  
Дунёдаги энг нафис бир вужудин ютдинг!  
Сенинг чирик жағларингни бир очиб кўрай,  
Зўрлаб сенга едирайин янги бир таом!

Сағанани очади.

## Парис

Ҳа, бу ўшал Монтекидир, беҳаё сургун!  
Жульеттанинг акасини ўлдирган қотил!  
Ушани деб йиғлай-йиғлай ўлди Жульетта.  
Энди азиз жасадни ҳам ҳақорат қилиб  
Хўрлагани келган экан. Тутаман уни!

(Олдига келади.)

Бас қил қабиҳ ишларингни, аблаҳ Монтеки!  
Қабрда ҳам ўч излайсан. Ортиқ маҳкумсан.  
Сени дарҳол қаматаман, юргин орқамдан —  
Ажал бошлаб келмиш сени!

## Ромео

Мен ўламан. Шу учун ҳам бу ерга келдим.—  
Мени қўйгин. Озор берма, чиқиб кет, бола...  
Улганларнинг тақдиридан ҳайиқ, нари бор!  
Ялинаман, олижаноб гўдак, илтимос!  
Мени янги гуноҳларга бошлама, бор, кет!  
Мен ўзимдан кўра сени ортиқ севаман!

Худо ҳақи, менинг қасдим фақат ўзимга.  
Тезроқ қочгин ва яшагин, сўнгра айтарсан:  
— Девонанинг илтифоти умримга боис.—

## П а р и с

Ялинишинг-ёлворишинг менга жирканчдир,  
Сени ҳозир қаматаман, сен, жинояткор.

## Р о м е о

Менга ифво қилмоқчисан? Ма, бефаҳм бола!

Уришадилар.

## М а ҳ р а м

Уришдилар, сақла танграм! Соқчи чақирай.

## П а р и с

Яраландим (*йиқилади.*)

Агар сенда бўлса марҳамат,  
Гўрни очиб Жульеттанинг ёнига қўйгин. (*Улади.*)

## Р о м е о

Хўп, қўярман,— қани бунинг юзини кўрай:  
Меркуцио қариндоши, граф Парис-ку!  
Менга, менинг азиз кишим нима деган-ди?  
Гапларини эшитмадим ҳаяжонланиб.  
У дедики: Жульеттани граф олмоқчи,  
У айтдими ёхуд буни тушимда кўрдим?  
Еки ҳозир Жульеттанинг номин эшитиб,  
Ақлимдан ҳам озганимми? Қўлингни бергил,  
Сен ила мен бир ёзилдик ғам китобиға!  
Ҳашаматли гўрга сени қўяман, ўсмир!  
Гўр ичида эмас, балки, ёрқин гумбазда.  
Жульетта ҳам бу ердадир, мана сағана —  
Шу туфайли қанча ёруғ, базмгоҳ каби:  
Э, мурда, ёг, сени кўмган киши ҳам мурда!

(Парисни сағанага қўяди.)

Кўп бўлади, одамзодлар ўлмасдан олдин  
 Туядилар аллақандай масаррат — шодлик!  
 Бу ҳолатга ўлим олди яшин дейдилар.  
 Аммо мени бўладими дейилса хурсанд?  
 Менинг севгим, э хотиним! Нафасларингдан  
 Улим шимиб олган бўлса ҳамки асални,  
 Аммо ҳуснинг устида у ҳукмрон эмас.  
 Сен ўлимга бўйсунмабсан — ҳуснинг белгиси —  
 Лабларингнинг, юзларингнинг гулгунчасидир;  
 Тикилмабди ажалларнинг сўлғун байроғи...  
 Тибальт, сен ҳам бу ердасан, қонли кафанда!  
 Бундан ортиқ сенга қандай ҳурмат қилайки,  
 Ешлигингни ҳалок этган шу қўллар билан —  
 Чок-чок қилиб парчалайман ёвингни сенинг.  
 Кечир, қардош! Мен ўзимни ҳалок қиларман.  
 Сен ҳали ҳам нега шунча гўзал, Жульетта?  
 Тансиз ўлим сенга ошиқ бўлган, ажабо?  
 Е у ориқ, мурдор жаллод зимистонликда  
 Уз нафсига эрмак учун сени сақларми?  
 Рашк қиламан, шу учун ҳам сен-ла қоламан,  
 Энди асло мен кетмайман қора қасрдан.  
 Канизларинг бўлган қуртлар билан қоламан.  
 Бунда менга бошланади абадий ором.  
 Бунда ортиқ ирғитарман ҳорғин бўйнимдан  
 Уша машъум юлдузларнинг бўйинтуруғин. —  
 Сўнгги марта; кўзлар, боқинг, қўллар, қучоқлан!  
 Эй ҳаётнинг эшиклари бўлган лаблар, сиз —  
 Улим билан аҳд қилишинг бўса орқали! —  
 Сен, қани кел, менинг аччиғ, бадбўй етакчим,  
 Умидлардан, ҳаваслардан холи дорғам, кел —  
 Қояларга уриб синдир мўрт қайиғимни.  
 Севгим учун мен ичаман (*ичади*).

Дорунг зўр экан,  
 Баракалла, доруфуруш. Улиб ўламан (*ўлади*)

Гуристоннинг бошқа томонидан роҳиб Лаврентий  
фонус, чўкич ҳам курак кўтариб кириб келади.

Лаврентий

Сендан мадад, э муқаддас, авлиё Франциск,  
Қабрларга кўп қоқилдим.— Бу ердаги ким?

Балтазар

Сизни яхши биладиган бир дўстингиздир!

Лаврентий

Омон бўлинг, меҳрибон дўст, менга айтинг-чи:  
Уша кўзсиз бошчаноқлар ва қуртлар учун  
Беҳудага ёниб турган машъал кимники?  
У ёнмоқда Капулетти сағанасида?

Балтазар

Ҳа, шундайдир азиз пирим, ўша ердаги  
Сиз кўп яхши кўрганингиз, менинг афандим.

Лаврентий

Ким экан у?

Балтазар

У — Ромео.

Лаврентий

Кўпдан берими?

Балтазар

Ярим соат бўлиб қолди.

Лаврентий

Юр, сағанага!

Балтазар

Йўқ, бу ердан кет деган-ди, менинг афандим,  
Агар пойлаб қолсанг бунда мутлақо, сени —  
Улдираман, деган эди.

Лаврентий

Майли, қол, кетдим.

Бирон бало бўлмасин деб қўрқаётибман.

Балтазар

Бу дарахтнинг тагида мен ухлаганимда,  
Тушда кўрдим ким биландир уришди хўжам;  
Ва ўлдирди рақибини.

Лаврентий

Ким, Ромеоми?

Сағанага яқинлашади.

Э воҳ, э воҳ, бу кимларнинг қонларидирки,  
Сағананинг тош зинасин булғаб қўйибди?  
Одамзоднинг оромгоҳи, сўнгги манзилга —  
Ушбу қонли қиличларни кимлар ташлабди?

Сағанага кириб келади.

Оҳ, Ромео! Қандай сўлғун! Яна ким? Парис!  
Қора қонга беланибди! Бу шум қазога  
Сабаб бўлди экан қайси ноқулай соат?  
Қиз уйғонди.

Жульетта уйғонади.

Жульетта

Оҳ, меҳрибон отагинам! Қани соҳибим?  
Мен қаерда бўлишимни яхши биламан.  
Мана бунда. Айтинг, қани менинг Ромеом?

Саҳна орқасида шовқин.

Л а в р е н т и й

Ана шовқин! Тургин, қизим, дарҳол кетайлик,  
Юқимликлар, мудҳиш тушлар, ўрин уйдан.—  
Биздан ҳам зўр худо бузди ниятимизни.  
Юр, кетайлик — ўлик эринг ётар кўксингда,  
Бу томонда жонсиз Парис. Юр, сени элтай  
Монастирга, тарки дунё опаларингга.  
Сўрамай юр, кечикасан! Мана — соқчилар.  
Юр, Жульетта! Ортиқ бунда қололмайман мен.

Л а в р е н т и й кетади.

Ж у л ь е т т а

Бор, кета бер! Мен бормайман! Буниси нима?  
Севгилимнинг қўлида бу қанақа шиша?  
Заҳар экан, шундай бевақт ўлимга сабаб. —  
Қандай хасис! Узи ичиб ҳамма заҳарни —  
Бир қатра ҳам қолдирмабди менга кўмакка.  
Лабларидан бир ўпаман, балки ҳали ҳам —  
Заҳар бордир дудоқларда, бу сўнгги бўса —  
Менга кучу қувват берар ўлим олдидан.

*(Ромеони ўпади.)*

Ҳали лаблар иссиқ экан.

1 - с о қ ч и

*(саҳна орқасидан)*

Юр, кўрсат, бола!

Ж у л ь е т т а

Ана шовқин! Жадал бўлай! Эй бахтли пичоқ!  
*(Ромеонинг пичоғини қинидан чиқаради.)*

Менга тезроқ ўлим келтир!

*(Узига пичоқ уради.)*

Кўксим — ғилофинг!

Ромеонинг жасади устига йиқилиб ўлади.  
Париснинг маҳрами билан соқчилар кириб  
келади.

### Маҳрам

Мана бу ер! Ана, машъал ҳамон ёнмоқда!

#### 1-соқчи

Ҳамма ер қон. Гўристонни тез қараб чиқинг!  
Ким учраса суриштирмай қўлларин боғланг!  
Бунда граф ўлик ётар, ачинарли ҳол!  
Уч кун олдин кўмилганди бунга Жульетта,  
Аммо ҳозир тани иссиқ, қон совумаган.  
Бекка чопинг! Хабар қилинг Капулеттига!  
Ҳаммасини чақиринглар! Монтеккени ҳам!  
Тупроқ ботди мусибатга, қонларга тамом,  
Аммо бунинг боисини билмаймиз асло:  
Биз-ку ҳукм беролмаймиз тергов қилмасдан.

Балтазар ва соқчилардан бир нечтаси  
кириб келади.

#### 2-соқчи

Бунда экан Ромеонинг хизматкори ҳам.

#### 1-соқчи

Бек келгунча қочирмайин ушлаб туринглар!

Бир неча соқчи билан Роҳиб Лаврентий  
кириб келади.

Роҳиб бунда андишада титраб йиғлайди,  
Биз қўлидан курак билан мисрангни олдик.  
У бу ерда, гўристондан кетаётганди.

#### 1-соқчи

Шубҳали ҳол. Ушлаб туринг!

Бек ўз яқинлари билан кириб келади.



## Бек

Эрталабки уйқумизни ҳаром айлаган —  
Қандай қазо юз берибди яна бу ерда?

Капулетти, унинг хотини ва бошқалар кириб  
келади.

Нима бўпти? Нимага бу шовқин-суронлар?

## Капулетти

Кўчаларда оломон гоҳ: «Ромео» дейди,  
Гоҳ бақирар «Жульетта!» деб, гоҳ «Парис!» деб,  
Ҳамма сарсон, ёприлган сағанамизга.

## Бек

Қандай даҳшат экан бизни қилган безовта?

## 1-соқчи

Соҳибфармон, бунда Парис ўлик ётибди,  
Ромео ҳам, Жульетта ҳам бу ерда бежон.  
Эндигина ўлдирилган, танлари иссиқ.

## Бек

Излаб топинг, бу шабхуннинг гуноҳкорларин!

## 1-соқчи

Бу — Ромео хизматкори; ана бу роҳиб.  
Сағанани очадиган асбоб-яроғи —  
Биз булардан тинтиб топдик.

## Капулетти

Хотин, қара, қонлар нечук тўкилар бевақт!  
Янглишибди ўша пичоқ, унинг ғилофи  
Монтеккининг биқинида бўм-бўш ётибди.  
Қин ўрнига Жульеттамнинг бағрига кирмиш!

## Капулетти хоним

Шўрлик бошим! Бу кўргилик кекса чоғимда —  
Улим мунги чалаётган мотам оҳанги!

Монтекки ва бошқалар кириб келадилар.

## Бек

Монтекки, сен ўз уйқунгдан бевақт турибсан,  
Боқ, ягона ўғлинг бевақт чўзилиб ётар.

## Монтекки

Ҳукмдорим, шу кечаси хотиним ўлди.  
Сургундаги фарзандининг ғам-ҳасратидан:  
Яна қандай мусибатни кўргим бор экан?

## Бек

Боқиб кўргин!

## Монтекки

Нодон ўғил! Бу қанақа беэҳтиромлик —  
Ўз отангни якка қўйиб гўрга шошибсан!

## Бек

Бизлар, тамом, бу таажжуб ишнинг бошини,  
Авж пайтини, охирини аниқлагунча —  
Сизлар сира шикоятга оғиз очманглар.—  
Ундан кейин ўзим бошлиқ фарёдингизни —  
Қабргача элтиб борай. Ҳозир-чи, сизлар —  
Аламларни ром қилинглари сабру тоқатга.—  
Ушланилган одамларни олиб келинглари!

## Лаврентий

Бошлиқ менман, гарчи ишда қатнашим андак:  
Бу даҳшатли ўлимларнинг пайти, макони —  
Гўё менга қарши оғир айбномадир.

Мен бۇ ерда оқловчиман ҳам қораловчи:  
 Ҳам оқлайман ўз-ўзимни, ҳам қоралайман

### Бек

Билганингнинг ҳаммасини айтиб бер дарҳол!!

### Лаврентий

Гапим қисқа,— зотан умрим ҳам қисқа қолди:  
 Ачинарли қиссадан ҳам қисқа муҳлатим.  
 Жульеттанинг эри эди ўлик Ромео,  
 Унга шаръий хотин эди жонсиз Жульетта.  
 Никоҳларин мен ўқидим, худди ўша кун  
 Тибальт қатл қилинганди билганингиздай.  
 Бу туфайли янги куёв сургунга кетди;  
 Тибальт учун эмас эди қизнинг йиғиси.  
 Аммо сизлар бу мотамни бостирайин деб —  
 Уни қистаб истадингиз графга тегсин.  
 Ҳузуримга келди дарров у безовта қиз,  
 Ва иккинчи бир никоҳдан қутулмоқ учун —  
 Девонавор кўзлар билан мадад сўради,  
 Йўқса ўзин ўлдирмоқчи эди кулбада.  
 Ушанда мен синаб-синаб тополганимдан —  
 Ухлатувчан дору бердим; ўйлаганимдай —  
 Дору берди унга худди ўлик тусини.  
 Уша чоғда Ромеога бир мактуб ёздим,  
 У даҳшатли тунда келиб, мунтазир қизни —  
 Жульеттани уйғонганда олиб кетсин деб.  
 Юборганим роҳиб эса — Иоанн эди.  
 Тасодифан, қўлга тушиб бора олмади;  
 Ва бу кеча қайтиб берди мактубни менга.  
 Шундан кейин, пойлаб қизнинг уйғониш пайтин —  
 Уни олиб тез чиқай деб келдим мазорга.  
 То, Ромео бундан хабар топиб келгунча —  
 Яширмоқчи эдим уни хонақоҳимда...  
 Афсусларки, муҳлатидан зиғирдак олдин —  
 Етиб келсам, ётган эди бунда ўликлар —

Шу вафокор Ромео ҳам мўътабар Парис.  
 Қиз уйғонгач мен ялиниб илтимос қилдим:  
 Дарҳол чиқиб бўйсунгай, деб амри худога.  
 Мени шовқин ҳайиқтирди; у эса шошиб,  
 Истамади бундан бирга чиқиб кетишни —  
 Ва ўзини шунда ҳалок қилган чамаси.  
 Мана ҳамма билганим шу. Аммо тўйгача —  
 Бўлган барча гапни айтиб бергай энага.  
 Модомики, бу мотамга айбдор менман,  
 Муҳлатидан олдин олиб қўйинг жонимни,  
 Қурбон бўлсин менинг жоним одил қонунга.

### Бек

Пири комил, деганлари, сени рост экан.—  
 Ромеонинг қароли-чи? У нима дейди?

### Балтазар

Ромеога Жульеттанинг ўлганини айтдим;  
 Буни билгач Мантуядан отланиб дарҳол,  
 Қелиб қолди сағанага — ана шу ерга.  
 Бу мактубни отасига тайинлаб берди;  
 Сўнгра тушди сағанага, менга буюрди:  
 «Жон ўзингга даркор бўлса, бу ердан даф бўл!»

### Бек

Сен мактубни менга бергин, ўқиб кўрайин.—  
 Соқчиларни айтиб келган маҳрам қаерда?—  
 Соҳибингиз нима қилиб бу ерга келган?

### Маҳрам

Гулдасталар билан келди хоним қабрига,  
 Менга айтди: кутиб тургин; риюя қилдим.

Бирдан кимдир, қўлда машъал, гўрни очмоқчи.  
Унга ҳамла қилиб қолди менинг афандим,—  
Уша замон соқчиларга қараб югурдим.

### Бек

Таъкидлайди роҳиб гапин хатнинг мазмуни,  
Ишқ тарихин, бу ўлимнинг саргузаштин ҳам.  
Ёзибдики, шаҳардаги бағоят йўқсил —  
Доручидан оғу олдим ва ўлмак учун  
Сағанага жўнадимки, Жульетта билан  
Бир тобутда ўлиб ётай. Мана... Вассалом!  
Ҳой, Монтеки, Капулетти, қани ганимлар!  
Мана қамчи топилибди нафратингизга:  
Гулингизни сўлдирмишдир фалак ишқ билан!  
А — мен бўлсам, парво қилмай низоингизга,  
Икки яқин қариндошдан айрилдим: ибрат!

### Капулетти

Э Монтеки, биродарим, қўлингни бергин;  
Бер, у бева Жульеттанинг ҳурмати учун;  
Бундан ортиқ хоҳишим йўқ!

### Монтеки

Мен бўш келмайман:  
Мен олтиндан қизга битта ҳайкал қўйдирай.  
Қанча турса Веронамиз Верона бўлиб,  
Вафодорлар вафодори қизнинг ҳайкали —  
Ҳамма бўлак ҳайкаллардан бебаҳо бўлгай!


### Капулетти

Унга қатор бўлиб турар олтин Ромео!  
Оҳ, биз шўрлик, кўр хусумат қурбонлари, оҳ!

## Бек

Ҳаммангизга тонг келтирди мотамсаро сулҳ,  
Ҳатто қалқмоқ истамайди аламли қуёш.  
Юринг, ҳали кенгаш қуриб ўйламоқ керак —  
Қимга — биздан илтифоту кимларга жазо!  
Ромео ва Жульеттанинг қиссасидан ҳам, —  
Ғамли қисса кўрган эмас тарихда олам!

Кетадилар.



# ОТЕЛЛО

---

ҒАФУР ҒУЛОМ  
таржимаси





## ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР

Венеция дожи.

Брабанцио — сенатор.

Яна бошқа сенаторлар.

Грациано — Брабанционинг биродари.

Лодовико — Брабанционинг қариндоши.

Отелло — аслзода мавр, Венецияда вазифали генерал.

Кассио — унинг лейтенанти, яъни ўринбосари.

Яго — унинг мулозими.

Родриго — Венеция дворяни.

Монтано — Қибриснинг Отеллодан олдинги валийси.

Қизиқчи — Отелло хизматида.

Дездемона — Брабанционинг қизи. Отеллонинг хотини.

Эмилия — Ягонинг хотини.

Бьянка — Кассионинг маъшуқаси.

Денгизчилар, элчилар, жарчилар, офицерлар, дворянлар,  
музикантлар ва хизматчилар.

Воқеа Венеция ва Қибрис отасида бўлади.

# I ПАРДА

## БИРИНЧИ КУРИНИШ

Венеция кўчаси.

Родриго билан Яго чиқади.

Родриго

Қўй, гапирма. Менга жуда ёқмасдан қолди,  
Пулларимга худди ўзинг хўжайин каби  
Валлакатлик қиласан-а, билиб қўйдим мен.

Яго

Ё, тавба-ей! Гапга қулоқ солмаётисиз..  
Агар бу ўй етти ухлаб ёдимга тушса  
Ундан кейин мендан нафрат қилсангиз майли.

Родриго

Ўзинг уни ёқтирмайман деган эдинг-ку.

Яго

Мендан қочинг ёлғон айтсам, лейтенант қилиб  
Мени унга жойлаштирамоқ бўлган эдилар.  
Бунинг учун уч шухратли киши уринди.  
Улиб кетай, мең бу ишни ухда қилардим,  
Бироқ араб фақат шахсий улуғворликдан  
Мағрур туриб, борганларни қарши олибди.  
Сўзга қўшиб тумтароқли ҳарбий ифода,  
Энг охири  
Менга восита бўлганларнинг сўзин бўлибди.

«Мен ўзимга офицерни танладим», дебди.  
 Биласизми ким?  
 Албатта, бу бир мулойим, ювош, ҳисобдон,  
 Қандайдир бир флоренциялик микели Кассио.  
 Уласидай бир сатангни севган бечора.  
 Курашларда эскадронга бўлмаган раҳбар,  
 Уруш сафин тандакашдан яхшироқ билмас.  
 Уч-тўрт оғиз солдатларнинг сўзин биледи,  
 Бу ишда ҳам ҳар амалдор ундан яхшироқ —  
 Фикр қилар. У бекорчи сўзларга уста —  
 Қахрамонлик ишларида фазилати шу,  
 Энди келиб у сайланди. Ва лекин мен-чи...  
 Мен Отелло кўз олдида курашган одам;  
 Қибрис, Родос ва бир талай бўлак ерларда,  
 Мушрик<sup>1</sup> демай, насорами<sup>2</sup> талашган одам.  
 Букун келиб бир ҳисобдон йўлимни тўсди,  
 У лейтенант бўлар бўлди, бахтини берсин!  
 Э худоим, мен у маврга мулозим, холос!..

### Родриго

Мен жаллоди бўлар эдим, пайтини қочирмай.

### Яго

Қандай қилай, шундай мудҳиш ҳарбий вазифа  
 Аввалгидай дўсту ёрлиқ, мактуб орқали  
 Бир-бировинг орқасидан ўрин эгаллаш  
 Қолиб кетган. Қани ўзингиз айтинг,  
 Мавриа севиш ёки уни ҳурмат қилиш-чун  
 Мен ўзимда бирон имкон топа олмайми?

### Родриго

Нега хизмат қилиш керак, унга бўлмаса?

<sup>1</sup> Мушрик — худо бир неча деб ишонувчи.

<sup>2</sup> Насора — христиан.

## Яго

Сабр қилинг,  
 Хизматимни унга қарши йўналтираман.  
 Хўжайинлик мансабига етолмас ҳар ким,  
 Ҳар хўжайин содиқ қулга эга бўлолмас.  
 Талай қуллар, билиб қўйинг, холис, астойдил,  
 Тубанларда хор, суриниб, икки букилиб,  
 Шу қулликнинг кишанларин жон билан севиб,  
 Овқат учун, хўжайин-чун мисоли эшшак,  
 Қуч йўқотиб, қариганда қувланар бешак.  
 Бундай содиқ хизматкорни саваласанг оз.  
 Бироқ ўзга, ёмон хулқли хизматкорлар бор.  
 Устдан боқсанг жуда содиқ кўринар, аммо,  
 Юрагини сақлар фақат бир ўзи учун.  
 Риё билан хўжасига хизмат қилади,  
 Қармонини тўлдиради. Лекин сўнгидан,  
 Ўз-ўзига суянади, ўзин сийлайди.  
 Бундайларда бир маъни бор. Мен ҳам ўзимни  
 Шундайлардан ҳисоблайман.  
 Ва шунинг учун —  
 Сиз Родриго бўлганингиз чин эканидай,  
 Мен мавр бўлсам, Яго бўлиб қолмас эдим ҳеч.  
 Унга хизмат, ҳақиқатда ўзимга хизмат,  
 Вазифа ҳам муҳаббатнинг намоишлари  
 Мақсадимни қоплаш учун ниқобдир, колос.  
 Агарда мен ўз жонимнинг яратилишин,  
 Ҳам чин юзин очиқ-ошкор белгилар билан  
 Кўрсатсайдим, унда тездан юрагимни ҳам  
 Қарғаларга чўқитиш-чун кафтда кўтариб —  
 Юрар эдим. Йўқ, унда мен — мен бўлмас эдим.

## Родриго

Бу навбат ҳам агар омади келса лапишка  
 Қандай бахтли...

Я го

Отасини бориб уйготинг.  
 Дарров боринг изларидан, майдонда туриб  
 Хайқирингу қариндошин барин чақиринг.  
 Модомики у ўлкада бахтиёр яшар,  
 Юборингиз чивинларни, уни таласин,  
 Унинг тинчлик, саодатин шундай заҳарланг,  
 Унниқиб кетсин.

Родриго

Отасининг ҳовлиси шу; тез қичқираман.

Я го

Ҳа, ҳа, гўё одам тўла шаҳар тўсатдан  
 Ут ичида қолган каби қичқира беринг.  
 Ваҳима билан додланг, увланг, майли...

Родриго

Ҳой-ҳой Брабанцио, синьор Брабанцио!

Я го

Синьорим, уйғонингиз, ўғрилар, ўғри!  
 Қаранг, уй, қиз, пулу давлат ўз жойидами?  
 Турсангиз-чи, ўғрилар бор, қароқчи, ўғри!

Брабанцио юқори қаватдаги дарчадан кўринади.

Брабанцио

Бу қутурган шовқинларнинг сабаби нима?  
 Нима гап ўзи?

Родриго

Уй ичингиз тўқис-тугал жойидами, синьор?

Я го

Дарвозангиз ёпиқмиди?

Брабанцио

Бу савол нега?

Яго

Шайтон урди! Таландингиз! Уят, кийининг!  
 Қалб эзилиб, жонингиздан ажраб қолдингиз!  
 Шу пайтда, шу минутда, қора ва қари  
 Битта қўқор қўзингизни босди... Тез бўлинг,  
 Хуррак тортган фуқарони дарров уйғотинг,  
 Йўқса, иблис сиздан битта бобо ясайди.  
 Туринг дейман, ахир сизга!

Брабанцио

Тентак бўлибсиз!

Родриго

Товушим сизга ёт эмасми, ҳурматли синьор?

Брабанцио

Узингиз ким?

Родриго

Родриго деб аталган киши!

Брабанцио

Емон меҳмон!

Ахир сенга очигини айтган эдим-ку.  
 Эшигимнинг атрофида айланма, чунки  
 Қизим сенинг учун эмас. Ҳозир сен, тентак,  
 Овқат олди ичиб олиб ўткир мусаллас,  
 Йиғиб олиб газаб тўла беҳаёликни,  
 Тинчлигимиз бузиш учун яна келибсан.

Родриго

Синьор, ахир, синьорим.

## Брабанцио

Ишониб қўйки,  
Менинг рутбам ва хоҳишим, кучим олдида  
Ўз жазонгни тортажаксан.

## Родриго

Сабр қилинг, жаноби олий!

## Брабанцио

Талон-торож бор — дедингизми? — Бу ер Венеция,  
Дала эмас, шаҳар ахир, бу ер ўз уйим.

## Родриго

Эй ҳурматли синьорим, ахир бу навбат  
Очиқ кўнгил билан келдим, ишонинг фақат.

## Яго

Ё алҳазар, эй жаноби олий, сиз шайтон буюрса тангри ибодатидан бўйин товлайдиган одамларнинг бири-сиз. Биз сизга хизмат кўрсатайлик деб келдик-ку, сиз — бизни ҳийлакорлар деб ўйлайсиз. Сиз балки қизингизнинг барбари айғиридан қочишини, невараларингизнинг кишнашини, амакивачча-тоғаваччаларингиз йўрғалар бўлиб, қариндошларингиз испан тулпорлари бўлишини истаётгандирсиз?

## Брабанцио

Кимдир ўзи, оғзи бузуқ, шаккок пешдаҳан!

## Яго

Синьор, мен қизингиз билан мавр худди шу пайтда икки елкали бир ҳайвонга ўхшаб ётганини айтгани келган одамман.

Б р а б а н ц и о

Тубан махлуқ!

Я г о

Сиз сенатор!

Б р а б а н ц и о

Сен жавобгар, ҳой, Родриго, сени танийман.

Р о д р и г о

Барисига якка ўзим жавоб бераман.

Лекин сиз ҳам менга шуни лутфан айтингиз,

Тун кечада сизнинг гўзал, барно қизингиз,

Қандайдир бир ёлланувчи эшкакчи билан

Кузатчисиз, қоровулсиз ва ёппа-ёлғиз,

Ўз измингиз, хоҳишингиз, раъйингиз билан

У ширинкор қора маврга қараб кетдим,

Иштиёқлар қучоғига бориб етдим?

Сиз ҳам кўниб, бу қилғулик қилинган бўлса

Биз жавобгар, сизни қилдик шунча ҳақорат,

Сиз беҳабар экан, ундан одоб ҳукми шу —

Бизга қилган ғазабингиз тугал ўринсиз,

Ишонингиз, камситмадим сизга ҳурматни,

Тополмайман ҳазил учун ўзда журъатни.

Мен қайтариб айтаманки, агар қизингиз,

Кетган бўлса сўрамасдан, сиздан бежавоб,

Қатта гуноҳ қилиб қўйди, шунчалик ақли,

Шунча гўзал латофати ва тақдирини —

Бир келгинди, саёқ, уйсиз билан боғлади.

Ўзингиз ҳам тез ишониб қоларсиз, қаранг,

Агар қизни уйингизда топа олсангиз,

Сизни алдаб, лақиллатган бўлайин майли,

Менга ўлка қонунларин кучин кўрсатинг.



## Б р а б а н ц и о

Тез бўлингиз,

ўт ёқингиз, машъал келтиринг!  
 Қаролларнинг барчасини тезда уйротинг!  
 Кўрган тушим ўнг келмаса яхши эди, оҳ!  
 Бу тўғрида ўйлаб кўриш ўзи бир азоб.  
 Ут берингиз, ўт берингиз!

Болохонага кириб кетади.

## Я г о

Хайр энди, сизни қўйиб ўзим кетаман.  
 Унга қарши чиқиш қўрқинч, андишали иш.  
 (Агар қолсам унда менга тўғри келади)  
 Бошлиғимга қарши бориш. Биладан, сенат  
 Отеллони бўшатишга ботина олмас,  
 Битта танбеҳ беражақдир, шунинг ўзи бас,  
 Тез орада бошланажак Қибрис жанги-да,  
 Кўп жонларнинг соғлиғи-чун у жуда керак,  
 Сенатда-чи, бу иш учун унга тенгдош йўқ.  
 Шунинг учун тирикликнинг сиқриги билан  
 Гарчи менга у жаҳаннам оловича бор.  
 Дўсту эшлик байроқчасин эгаман ночор.  
 Лекин, билинг, фақатгина бу бир ишорат.  
 Агар уни қидирмоқчи бўлсангиз тездан  
 Изловчини «Стрельц» томонга юборинг.  
 Мен у билан бир бўламан. Хўп ҳозирча, хайр.

Кетади.

Б р а б а н ц и о ва машъаллар ушлаган қароллар пастга  
 тушиб келадилар.

## Б р а б а н ц и о

Гоят тўғри, бахтсизлик, қизим уйда йўқ,  
 Бу арзимас ҳаётимда қайғу қолди бас.  
 Қайда кўрдим дединг, қайда, сўйла, Родриго?



Посбонлар бошлиғини тездан уйғотинг!  
Юринг, дўстим! Хизматингиз ёдимдан чиқмас.

Ҳ а м м а л а р и чиқиб кетадилар.

### ИККИНЧИ ҚУРИНИШ

Венецияда бошқа бир кўча. Отелло, Яго ва қўлларига  
машъал ушлаган қ а р о л л а р чиқадиладар.

Я г о

Ҳарбу зарба кўп кишининг олдим жонини,  
Не учундир қасддан бўлса, чидамас виждон,  
Жабр қилиш учун менда ғазаб етмайди.  
Тўққиз, ўн гал човт қилдиму ўлдиролмадим.

О т е л л о

Шуниинг яхши.

Я г о

Ундай деманг. У шунчалик паст.  
Бўхтон сўзлар қўллаб сизни ерга уради.  
Мақтанади, биласиз мен ҳурматга унча  
Мойил эмас, дабдурустдан урмоқчи бўлдим.  
Қани айтинг, мустаҳкамроқ уйландингизми?  
Билишингиз жуда керак, шонли сенатор,  
Бу ерларда яхшигина севилган киши,  
Унинг фикри Дожникидан кўра мўътабар,  
У сизларни ажратади, ёки бўлмаса —  
Найранғларни ишга солиб толиқтиради.  
Қонун келар унга ҳатто ўзи шатакка.

О т е л л о

Майли, менга зиён-заҳмат етказа қолсин.  
Синьорлар, менинг қилган хизматларимнинг  
Товуши баланд ўқиلاجак шикоятлардан.  
Шараф йўлин мақтанчоқлик тўсмаганда ман  
Кўрган замон барисини очиб ташлайман.

Менинг наслим шоҳ эканин айтганингдан сўнг,  
Улар билан тенгдош туриб сўйлай бошлайман  
Фақат қилган хизматларим, ҳуқуқим билан  
Улуғ бахтга ета олдим, билиб қўй, Яго.  
Севмасайдим у севимли Дездемонани,  
Денгизларнинг балиқлари чақирса мени  
Хур, дарбадар ҳаётимни алишмас эдим.  
Қара, Яго, ўт кўринди.

Яго

Қиз отаси қўзғалибди, унинг дўстлари.  
Келмоқдалар, уйга кириш.

Отелло

Жуда яхши, келиб мени топа қолсинлар,  
Хизмат, рутба ва виждоним бўлур менга ёр.  
Ушаларми ё бошқами?

Яго

Иўқ, Янус<sup>1</sup>нинг ҳурматига қасам ичайки,  
Бу келганлар улар эмас, тамом бошқаси!

Қассно ва бир неча полиция нафарлари  
машъал билан кирадилар.

Отелло

Дожд юборган мулозимлар ҳам лейтенантим,  
Салом, дўстлар, хайрли кеч!

Хўш, нима гап бор?

Қассно

Салом, генерал!

Дожд юборди буйруқ билан, худди шу соат  
Учрашингиз керак экан унга кечикмай.

<sup>1</sup> Янус — римкор шахс тивсоли.

Отелло

Хўш, у ерда нима гап бор?

Кассио

Тахминимча, бу муҳим иш боғлиқ Қибрисга.  
Ишлар қизғин кўринади. Буқун кечаси  
Кемалардан бирин-кетин ўн икки чопар  
Зарур ишлар билан келди. Ҳозир у ерда  
Ҳамма турган, сенаторлар ва бошқалар ҳам  
Дож олдига тўпланганлар, сизни ҳам тездан  
Қидирдилар, уйингиздан топа олмасдан,  
Ҳозир сенат тўрт томонга юборган чопар,  
Қайда бўлса қидиринг ҳам топинг деб...

Отелло

Яхши.

Дуруст бўлди, мени бунда топа олдингиз.  
Шу ҳовлига кириб чиқай бир оз сўзим бор,  
Сўнгра бирга кетажакмиз.

Кириб кетади.

Кассио

(Ягога қараб)

Айтинг, унинг бу ҳовлида қандай иши бор?

Яго

Бу кечаси у бир кема бошини тутди,  
Агар қонун иқдор қилса толеи ютди.

Кассио

Тушунмадим!

Яго

У уйланди.

К а с с и о

Кимнинг қизига?

Я г о

Наҳотки билмайсиз?!

О т е л л о киради.

Я г о

Онт ичаман...— кетасизми, шонли генерал?

О т е л л о

Қани кетдик.

К а с с и о

Мана тагин иккинчи отряд.

Бу ҳам сизнинг изингиздан келар мутлақо.

Б р а б а н ц и о. Р о д р и г о, қароллар қуролланган  
қолда қўлларида машғаллар билан кирадилар.

Я г о

Брабанцио!.. Сергак бўлинг, генерал, эҳтиёт лозим.  
Унинг ёмон нияти бор.

О т е л л о

Барингиз тўхтагил!

Р о д р и г о

Синьорим, мана араб!

Б р а б а н ц и о

Мана ўшал қароқчи, саваланг уни!

Ҳар икки томонда қиличлар қинидан чиқади.

Я г о

Хизматингизга тайёрман. Салом, Родриго!

## О т е л л о

Порлоқ қиличларни яна қинга беркитинг!  
Йўқса, шабнам занглатажак ўткир тигини.  
Шонли синьор, шунча қурол-яроғ йигини  
Сизнинг кекса ёшингиздан қимматли эмас.

## Б р а б а н ц и о

Тубан ўғри, айт, қизимни қайга яширдинг?  
Эй лаънати, сеҳр билан уни шоширдинг!  
Саломат ақл, соғлом фикр хўп биладики,  
Жоду билан боғлаб олдинг сен уни тагин.  
Йўқса шундай ақлли қиз, бахтли, мулоим  
Венециянинг шунча кўркам бойваччасига  
Унашишга рози бўлмай, уйдан қочиб,  
Ҳамма элнинг кулгисига сазовор бўлиб,  
Қоракуя қучоқларга отилармиди,  
Сен нимасан, ҳирси эмас, даҳшат кўзгайсан.  
Мени дунё тергаса ҳам кун каби равшан,  
Унга жоду, амал қилдинг сеҳрлар билан.  
Унга шунда куч олувчи маъжун ичирдинг,  
Қизнинг боқир ёшлигини кўздан туширдинг,  
Бу мумкинми, чинакамми ҳал қилар қонун.  
Қонун билан ман қилинган иш билан яшаб,  
Донг чиқарган оламшумул сен фирибгарни  
Ҳозирданоқ қаматаман. Тутингиз, дўстлар!  
Қарши келса аяб турманг, кўрсин ўзидан.

## О т е л л о

Мен томонда турган, дўстлар, бир оз тўхталинг,  
Бошқалар ҳам қўлингизга эрк бера кўрманг!  
Агар бунда менинг ролим бўла қолса жанг,  
Ишонингиз суфлёрсиз ҳам ўтай оламан.  
Қани айтинг, ҳозир энди қайга бораман?

## Б р а б а н ц и о

Авахтага,  
 Қонун тергаб жавобга чақиргунча  
 Авахтага!

## О т е л л о

Бу таклифга узр айтишга мажбурман сизга,  
 Кўнсам дожнинг буйруғини қандай ўтайман.  
 Мана унинг чопарлари — менга юборган,  
 Давлатга хос юмуш учун тез келсин, дебдир.

## О ф и ц е р

Жуда тўғри, дож олдида кенгаш бор, синьор,  
 Ишонаман, сиз жанобга чопар кетгандир.

## Б р а б а н ц и о

Дож олдида кенгаш борми? Ярим кечада?  
 Хўп, орқамдан олиб боринг, нима бўлса-да,  
 Демак энди менинг ишим кўп ёмон эмас.  
 Дож ҳам бугун сенаторлар, дўстлар —

ҳамнафас,

Бу тақдирга ўз ишидай қараши керак.  
 Бундай ишга кенг йўл очсак, жазо бермасак,  
 Бизга хўжа бўла бошлар мужиклар, қуллар.

Ҳаммалари чиқиб кетадилар.

## У Ч И Н Ч И Қ У Р И Н И Ш

Д о ж ҳам сенаторлар ўтирадилар. Мулозим,  
 хизмат арбоблари тикка турадилар.

## Д о ж

Бу олинган хабарларда мувофиқлик йўқ,  
 Шу жиҳати шубҳа учун беради ҳуқуқ.

## I-с е н а т о р

Аниқ эмас, менга берган хабарларида



Кемаларнинг сони бир юз етти дейилган.

Д о ж

Менга келган бу мактубда бир юз қирқ кема.

2-сенатор

Менга эса икки юз деб хабар бердилар,  
Тахминларга асосланган маълумотларда  
Кўпинчалик ҳисоб шундай тўғри бўлмайди,  
Бироқ ҳамма маълумотда шуниси аниқ —  
Турк флоти Қибрис томон сузиб бормоқда.

Д о ж

Шунинг ўзи мулоҳаза учун кифоя,  
Майда-чуйда аниқликка бермайман баҳо.  
Бироқ бизнинг олдда турган асос масала,  
Жуда аниқ бўлиш билан таҳликалидир.

Денгизчи

(саҳна орқасидан)

Эй, қўйворинг дейман! Қўйворинг!

Денгизчи кириб келади.

Мулозим

Кемадан чопар келди.

Д о ж

Нима гап бор, айт!

Денгизчи

Турк флоти Родос томон йўлини бурди,  
Сенатга бориб хабар қил — деб синьор Анжело  
Мени сизга чопар қилди.

Д о ж

Мана ўзгариш!

## I-сенатор

Менча бу иш мумкин эмас. Ақлга ҳам зид,  
 Қўзимизни чалғитишга ишланган ниқоб,  
 Уйлаб кўриш кифоядир Қибрис отасин  
 Турклар учун тутган мавқеи билан маъносин.  
 Шунда унча қийналмасдан тушунамизки,  
 Қибрисда на қалъа, қўрғон, истеҳком маҳкам,  
 Родос каби мудофаа воситаси кам.  
 Турклар ундай бир халқ эмас мулоҳазасиз,  
 Зарур, осон ва фойдали бир ишни қўйиб,  
 Таҳликани қабул қилса бекордан-бекор.

## Д о ж

Туғри, бунда иш Родоснинг устида эмас.

## Мулозим

Яна чопар келди.

Чопар киради.

## Чопар

Эй муҳтарам синьорлар, хабар келтирдим.  
 Аввал Родос томон сузган турк кемалари  
 Қўшилишди яна янги бир флот билан.

## I-сенатор

Мен шундай деб ўйлар эдим! Кемаси қанча?

## Чопар

Ев кемаси ўттизтадир. У йўлни буриб,  
 Сузмоқдалар энди Қибрис отаси томон.  
 Сизга содиқ, ботир йигит синьор Монтано  
 Бу хабарни ҳурмат билан сизга юбориб,  
 Шубҳа қилмай ишонишни сўрайди сиздан.

Д о ж

Ев сузмоқда босриққа Қибрисга шаксиз!  
Марк Лукезе шу кунларда шаҳардамикан?

2-сенатор

У Флоренцияда...

Д о ж

Хат ёзингиз, тезлик билан қайтиб келсин!

1-сенатор

Мана келди Брабанцио, мавр баҳодир.

Брабанцио, Отелло, Яго, Родриго ва  
мулозимлар кириб келдилар.

Д о ж

Баҳодир Отелло, сизни шу фурсат жадал  
Иўллашимиз керак бўлди туркларга қарши.

(Брабанциога қараб.)

Сиз келгани пайқамабман, салом, синьор,  
Сизнинг ёрдам, кенгашингиз бизларга зарур.

Б р а б а н ц и о

Мен ҳам айни заруратда келдим. Афв этинг,  
Мунаввар Дожд. Мени бедор бўлишга мажбур —  
Этган сабаб, на у хабар, на вазифадир.

Уйғотмади эл бошига тушган бу қайғу,  
Мени эзар бошқа шахсий бир ғуссайи ғам.  
Ғам тизгинсиз тўлқинланиб боғлар домига,  
Бутун бўлак аламларни ютар комига.

Д о ж

Нима гап бор, нима бўлди?

Брабанцио

Оҳ, қизим, қизим.

Дож ва сенаторлар

Нима бўлди ё ўлдими?

Брабанцио

Балли, мен учун!

У алданиб ўғирланди, номуссизланди,

Жоду билан, сеҳр билан ва фириб билан,

Агар жоду, амал бўлса бунда таъсирсиз,

Қару, кўру ёки тентак бўлмаган бир қиз,

Қандай қилиб тушар эди фириб домига?

Дож

Қим бўлса ҳам ман қилинган дорини агар

Қизга бериб алдагувчи олур итобин.

Очиб кўринг адолатнинг қонли китобин,

Топажаксиз бу айиб учун қаттиқ жазони,

Сизнинг учун кифоядир ушбу тасалли;

Ўғлим бўлса аялмайди, гуноҳкорингиз.

Брабанцио

Бу мунаввар илтифотга чексиз ташаккур,

Айбдорим қора араб, мана бу мавр.

Билишимча давлатга хос иш юзасидан

Сиз тарафдан тезлик билан чақирилган экан.

Дож ва сенаторлар

Бу хабарни тинглаш ўзи қанчалик малол.

Дож

(Отеллога)

Ўзингизни оқлаш учун не деёласиз?

## Б р а б а н ц и о

Ҳақиқатдан бошқа бунда ортиқча сўз йўқ.

## О т е л л о

Эй муҳтарам синьорлар, олий жаноблар,  
 Меннинг ғоят арзийтурган афандиларим!  
 Мен бу чолнинг қизин олиб кетганим тўғри,  
 Шул ҳам чинки, аллақачон унга уйландим.  
 Шу ердадир чолга берган озорларимнинг  
 Чўққиси ҳам, тамоми ҳам. Сизларга аён,  
 Сўзим қўпол. Гўзал сўзга уқувим ҳам йўқ.  
 Сўзим пайтдаги тўққиз ойни чиқариб қўйсак,  
 Етти ёшдан мана ҳозир шу кунларгача  
 Билган нарсам солдатларга махсус чорадир.  
 Дунёмизда бўлиб турган ҳодисалардан  
 Фақатгина жангу жадал сўзин биламан.  
 Шунинг учун сўйлар экан ўзим тўғрида,  
 Сизни мойил қиларман деб ишоналмайман.  
 Шунинг билан ҳурматдилар, изн берсангиз,  
 Ҳақиқатни айта бошлай бўёқсиз, рангсиз.  
 Айтажакман бу севгининг бутун сирини,  
 Маъжунини, тилсимини, макру сеҳрини.  
 Бу кексанинг қизчасини тортиб оларкан,  
 Қандай дуо, афсунларни ишга солганман.  
 Ахир шундай гуноҳларда айблашар мени.

## Б р а б а н ц и о

Айбламай нечун уни? Ўзингиз ўйланг —  
 Ор-номусли ва ифбатли гулдай қиз эди.  
 Қизарарди ҳатто оддий ўз қилиғидан,  
 Шу қиз энди, табиатга, ёшга, шарафга,  
 Ватанига қарши чиқиб, шуни севдики,  
 Қарагани қўрқар эди бундан илгари.  
 Фақатгина эсар, мастлар, телба-жиннилар.  
 Одатга зид бу ҳолатнинг тузлигин сўйлар.  
 Елғизгина жаҳаннамий восита билан

Бу етолди муддаога, мана хулосам.  
 Қиз қонига таъсир қилиб бу тилсим, заҳар,  
 Таслим бўлган эсин жўйиб ўздан беҳабар.

Д о ж

Бир кишини айблаш учун бу хулоса оз,  
 Равшан, аниқ ва муҳаққақ далиллар керак.  
 Бўш тахминлар, асоси йўқ бундай-шубҳалар  
 Бир қатъий ҳукм чиқаришга қилмас кифоя.

1-с е н а т о р

Бизга айтинг, сиз Отелло, ҳақиқатан сиз,  
 Қиз бағрини бағрингизга босмоқлик учун  
 Еш жонини яширин, зўрлик йўллари билан,  
 Ҳам заҳарлаб, ҳам сеҳрлаб қийнадингизми?  
 Е бўлмаса сўровингиз уни енгдими?

О т е л л о

Сўрар эдим «Стрельц»га бир киши борсин.  
 Мен тўғрида билганини ўз тили билан  
 Отасининг ўз олдида хотиним айтсин.  
 Агарда мен ёлгон айтсам, майли олинсин  
 Сиз тарафдан бағишланган ишонч ва рутба,  
 Майли жоним сиз чиқарган ҳукмга қурбон.

Д о ж

Дездемонага киши юборилсин!

О т е л л о

(Ягога қараб.)

Сиз келтиринг, қайдалигин яхши биласиз.

*Яго бир неча мулозимлар билан чиқиб кетади.*

Қиз келгунча шу кўпирган тентак қон билан  
 Қандай қилиб малнкамни севдим, севолдим,

Худди тангри қаршисида бўлгандай иқрор,  
Салобатли шу мажлисга айтиб бераман.

### Д о ж

Сўйланг, Отелло!

### О т е л л о

Қиз отаси мени севарди. Уйларида  
Тез-тез бўлиб, суҳбатлашиб турардим мен ҳам,  
Ҳаётимдан сўрар эди доим қиссалар.  
Ҳамма жангу жадал, қамал, ҳарбдан галма-гал.  
Қизиқ-қизиқ саргузаштлар сўйлаб берардим.  
Ешлигимдан шу дамгача не айшу офат,  
Қилар эдим соатларча унга ҳикоят.  
Сўйлар эдим ҳалокатли воқеаларни  
Ерда, сувда кўрган барча уқубатларни —  
Қандай чиқдим нақ ўлимнинг зўр панжасидан,  
Қандай қилиб омонсиз ёв қилолди асир  
Ва қул қилиб сотгандан сўнг қандай қутулдим,  
Сўнг ойларки қанча ерни кездим дарбадар,  
Рўпарамдан чиққан ғорлар, сувсиз саҳролар,  
Кўкни ўпган юксак тоғлар: ваҳший қоялар,  
Ҳаммасини сўйлар эдим мен бошдан-оёқ.  
Елкалари бошларидан ўсиқ кишилар,  
Бир-бировин гўштин еган одамлар борми,  
Сўйлар эдим, Дездемона севиб тингларди,  
Ҳикоятим давом қилган пайтларда ҳар чоқ.  
Чиқиб қолса қизнинг уйда бирор юмуши,  
Шошиб-пишиб тугатарди ҳар қандай ишин,  
Дарров келиб эшитарди, қулоқ соларди,  
Пайт пойладим ҳунар билан қизнинг қалбидан  
— «Ҳалигача узук-юлуқ барча айтилган  
Саргузаштни бошдан-оёқ айтсанг, эшитсам»,  
Деган битта илтимосни қўпора олдим.  
Хўп дедим-у, саргузаштим сўйларкан ёвош,  
Бир неча гал қиз кўзида ялтиради ёш.

Ҳикоятни мен тугатгач менга мукофот,  
 Қиз қалбидан кўтарилди кучлигина-оҳ.  
 Кейин қасам ичди, айтди — булар шубҳасиз  
 Жуда ажиб, ғоят ажиб даҳшатли сўнгсиз,  
 Чидаб бўлмас қайғулидир ҳаммаси, бироқ  
 Эшитмасам бўлар эди яна яхшироқ.  
 Сўнгра мен ҳам шундай бўлишни истардим,—

деди.

Ташаккурин айта туриб, бир имо қилди:  
 Мени севган ё севмоқчи бўлган ҳар йигит,  
 Сўйлай олса сеникидай саргузашт такрор,  
 Бўлар эдим мен албатта у йигитга ёр.  
 Ишоратни фаҳмладим, ишқимни айтдим.  
 Жафоларим ҳурмати-чун у мени севди.  
 Мен ҳам севдим уни меҳру оқибатига.  
 Мана барча мен ишлатган сеҳр ила жоду.  
 Узидан ҳам сўраб кўринг, мана, келаётибди.

Дездемона, Яго ва мулозимлар кирадилар.

### Д о ж

Қизимни ҳам ағдарарди бундай саргузашт.  
 Саховатли Брабанцио,  
 Емонликка яхшилик-ла боқиб қарангиз.  
 Курашганда синиқ-мертик қурол ушламоқ  
 Яланғоч мушт дўлайишдан яна яхшироқ.

### Б р а б а н ц и о

Майли ўзи сўйлаб кўрсин, бу можарога  
 Иштирокин ярмисига бўлса ҳам иқрор;  
 Хўрлик билан ўлишга ҳам бўлайин тайёр.  
 Бери келинг, жигаргўшам, азиз маликам.  
 Шу ўлтирган улуғ мажлис аъёнларидан  
 Кимга кўпроқ қулоқ осиш сизга вазифа?



## Дездемона

Отажоним,

қаршимдаги вазифам икки.

Сизга боғлар мени ҳаёт ҳамда тарбиям!—

Шу ҳаётнинг, тарбиянинг ўзи ҳам сизга

Чуқур ҳурмат сақламоқни менга ўргатди.

Сизга қиз мен, демак сизга ҳамиша қарздор,

Бироқ ёддан чиқармангки, бу менинг эрим,

Онам сизни отасидан ортиқ кўргандай,

Эрим маврни ортиқ кўриш менинг вазифам.

## Брабанцио

Ана холос, сўзим тамом, худо ёр бўлсин.

Қани энди, мунаввар дож, ишга кўчайлик.

Асранди қиз бўлар эди бундан меҳрибон;

Ҳой сен мавр, берироқ кел!

Бутун қалбим билан бердим сенга мен шунни,

Сен ҳам шунни эгаллашдан анча илгари,

Четлатардим сендан худди қалбим сингари.

Энди сен, эй, қимматбаҳо бўлган хазинам,

Қувонаман яхши ҳамки бошқа болам йўқ,

Уйдан қочиб, зolimликни ўргатиб қўйдинг,

Ҳаммасининг оёғига кишан солардим.

Сўзим тамом...

## До ж

Изн беринг, сизнинг учун айтай фикримни,

Севишганлар учун бўлиб бир зинапоя,

Ҳамда сизнинг афвингизга бўлур баҳона.

Давоси бўлмаса — табиб ҳам ожиз

Ҳамма билсин — ғамга берса кўз ёши имдод

Энг сўнг умид ёндан ўтиб бўлажак барбод.

Ғам устига янги ғамлар келар неча бор,

Нега йиғлаш, тақдир экан, бекордан-бекор?

Бир зарбанинг аччиғини татиб турганда,

Шу зарбанинг ўз устидан қилайлик ханда.  
 Ҳар кишики кулар бўлса ўғри изидан,  
 Йўқолган мол қайғусини отар ўзидан.

### Б р а б а н ц и о

Нима дединг, доноликка агар ишонсак,  
 Мумкин кулиб қайғулардан Қибрисни берсак  
 Бу қиссадан ҳисса ёғар, кимнинг йўқ гами,  
 Сўздир унинг оғир кунда топган малҳами;  
 Бироқ ҳар ким қайғуларни ҳазил билмаса  
 Унга шўрлик сабри бўлур — бир қадри ҳисса.  
 Бу каби нутқ болми, сафро, билмайсан киши,  
 Ким қайсини танлаб олса ўзининг иши.  
 Сўз-сўзлигича қола берар. Ишонмайман, бас.  
 Қулоқ дорув ичган билан юрак тузалмас,  
 Сиздан жуда сўрар эдим,  
 Ҳукуматга доир ишларга ўтсак экан.

### Д о ж

Турклар қудратли флот билан Қибрис томонга су-  
 зиб бормоқдалар. Отелло, сиз бу оролнинг ҳарбий  
 қудратини ҳаммадан яхши биласиз; у ерда бизнинг ан-  
 чагина яроқли қойим мақомимиз бўлишига қарамасдан,  
 бироқ ғалабаларни ҳукмдори бўлган жамоатчиликнинг  
 фикри, сизга ўз ишончли овозини бермоқдадир; бино-  
 барин сиз тайёргарлик кўргайсиз, янги бахтингизнинг  
 ялтироқлигини, бу жиддий ва оғир сафар билан хира-  
 лантиришга тўғри келади.

### О т е л л о

Сенаторлар, кўп қудратли одатнинг ҳукми  
 Пўлат ҳарбнинг тошдан бўлган ётоғини ҳам  
 Менинг учун бир парқувга айлантиргандир.  
 Даҳшатларнинг орасидан мен ўзим учун  
 Чин шодликни тополаман. Ва шу топдаёқ  
 Туркка қарши юриш учун туғал тайёрман.

Энг охири олдингизда бўйнимни эгиб,  
Сиздан жуда режа билан сўраб қоламан —  
Хотинимга берилсайди уй, жой, канизак;  
Пул, таъминот, хуллас калом нимаки керак  
Унинг улуғ насабига ярашиқ имкон.

Д о ж

Истасангиз,

Майли турсин отаси билан.

Б р а б а н ц и о

Мен истамайман.

О т е л л о

Мен ҳам.

Д е з д е м о н а

Мен ҳам унда яшамоқни ҳеч истамайман,  
Отам ҳар гал мени кўриб ғазабланишин  
Истамайман. Шунинг учун, марҳаматли дож,  
Менинг оддий сўзларимни яхшига жўйиб,  
Шафқатингиз қучоғига олингиз, чунки  
Менинг содда бу ёшлигим шуни истайди.

Д о ж

Хўш айтинг-чи, нима истайсиз?

Д е з д е м о н а

Мавр билан яшамоқни истайман. Чунки  
Уни севдим, тақдиримнинг кучли бўрони  
Бу тўғрида дунё бўйлаб карнайин чалди.  
Қалбим билан олқишлайман зўрлигин, кучин,  
Отеллонинг қалби эса — мана юз, кўзи;  
Тақдиримни, юрагимни бағишлаганман  
Унинг шону шарафига, жасоратига.

У урушга кетар бўлса, қолиб бу ерда  
 Осойишта парвонадай севгидан маҳрум,  
 Севган юрак фироқига чидай олур ким.  
 Изн беринг, мен у билан бирликда кетай!

### О т е л л о

Сўрар эдим, бу истаги ерда қолмасин,  
 Худо шоҳид бу ўз шахсий завқим учунмас.  
 Менда сўнган аллақачон бу йигит ҳавас  
 Ва қилмайман орзусига хушомадгўйлик,  
 Фақат топсин ҳаракати унинг эркинлик.  
 Худой сақлай кўрсин сизни шундай фикрдан,  
 Зўр иш қолиб мен кетмайман ишрат кетидан.  
 Йўқ-йўқ, агар муҳаббатнинг илоҳи — Амур  
 Енгил қанот билан учиб минг қилса ҳам зўр  
 Иродамни йўлдан уриб, кўзим қоплолмас,  
 Ва ақлимни чувалатишга ҳеч йўл тополмас.  
 Тўса олмас ишрат келиб меҳнат йўлини,  
 Шундай бўлса дубулғамни истаган кампир  
 Декча қилиб олсин майли, шарафимни ҳам  
 Қоплаб кетсин энг ярамас уят, номус, ор.

### Д о ж

Кетадими, қоладими, ўзингиз ешинг,  
 Тезроқ жавоб беринг фақат, иш ғоят зарур.  
 Букун жўнаб кетажаксиз.

### Д е з д е м о н а

Шу кечаси-а?

### Д о ж

Бали.

### О т е л л о

Мен қандайин шод.

## Д о ж

Биз эрталаб тўққизларда йигиلاجакмиз.  
Сиз Отелло, бир офицер қўйиб кетингиз.  
Вакилингиз етқижажак сизга тегишли  
Бутун қоғоз, формаларни, нимаки бўлса...

## О т е л л о

Бунда қолур менинг жуда содиқ ёворим,  
Тўғри йигит, ахлоқи ҳам кўп тоза киши.  
Топшираман, олиб борур хотинимни ҳам,  
Нима бўлса сиз жанобнинг топширигингиз  
Унга беринг, у келтирар олдимга шаксиз.

## Д о ж

Хўп, шундай бўлсин!

Қолганларга хайрли кеч.

*(Брабанццого)*

Шонли синьор,  
Жасоратнинг гўзаллигин ҳеч ким ололмас,  
Қора эмас — куёвингиз порлоқ бир олмос.

## I-с е н а т о р

Хайрли кеч, қаҳрамон мавр, бўлгин бахтиёр,  
Дездемона аҳволидан бўлма беҳабар!

## Б р а б а н ц и о

Яхши қара, отасини алдаёлган қиз  
Сенга вафо қилармикан?— Сергак бўл, араб.

Дож, сенаторлар, мулозимлар ва бошқалар  
чиқиб кетадилар.

## О т е л л о

Унинг аҳди жонимга тенг!— азизим Яго,  
Сенга ортиқ топшираман Дездемонани,

Хотинингни ёнига қўй, сендан сўрайман,  
Икковини келтирарсан яхши соатда —  
Қани кетдик, Дездемона, биргина соат  
Муҳаббат ва осойишта ишларга қолди,  
Биз қўлда бор вақтларга муте бўлайлик.

Дездемона билан Отелло чиқиб кетадилар.

Родриго

Яго, ҳой Яго!

Яго

Лаббай аслзодам.

Родриго

Мен нима қилдим энди-а?

Яго

Уйингга бориб, тинчгина ухлайсан.

Родриго

Йўқ, ҳозир ўзимни сувга ташлайман.

Яго

Бу ишни қила кўрма, бўлмаса сен билан ошначи-  
ликни йиғиштириб қўяман.

Родриго

Яшашдан кўнглинг совиб кетгандан кейин, яна  
яшамоқ ахмоқлик бўлади; агар ўлим бизнинг доктори-  
миз бўлар экан, пешонада борини кўриб ўла бериш-да.

Яго

Вой аблаҳ, вой аблаҳ! Менга қара, мен тўрт карра  
етти йилдан буён дунёни томоша қилиб келаман, фой-  
дани зарардан ажрата олган кунимдан буён, ҳалигача

ҳеч қачон ўзи тўғрисида қайғуришни удда қила турган бирор кишини кўрмадим. Мен битта тустовуққа ўхшаган эрмак хотинни яхши кўриб, шунинг учун ўзимни сувга ташлаб, ўламан — дейишдан илгари, одамлик хусусиятларимни ит бошли маймунга айрибош қилар эдим.

### Родриго

Нима қилай ахир? Бу муҳаббатдан уялишимга ўзим ҳам иқрорман. Бироқ буни елкамдан иргитиб ташлашга мажолим йўқ.

### Яго

Мажолим йўқ! Бўлмаган гап! У хилда бўласанми, бу хилда бўласанми — бу кишининг ўзидан. Бизнинг вужудимиз — бир боғ, иродамиз эса — у боғнинг боғбони, шунинг учун бу боғда сассиқ алаф ўстирагимиз ёки жамбилу райҳонлар билан зийнат берамизми, бу боғни бир рангдаги кўкатлар билан безайгимиз ёки ранго-ранг гуллар биланми, бизнинг боғимиз ялқовлигимиз орқасида мевасиз, ажриқзор бўлиб ётадимиз, ё райратимиз орқасида ҳосилдор — мана шуларнинг ҳаммаси устидан ҳукмронлик қилиб тургувчи куч — бизнинг иродамиздадир. Агар бизнинг ҳаётимиз тарозусининг бир палласида ҳиссиётларимизни ўрта даражага келтириш учун фаҳму идрок етмаса эди, иккинчи палласида ётган қон ва тубанлик бизни ўз табиатимиздан энг аҳмоқ натижаларга қараб етаклаган бўлар эди. Бироқ бизнинг қутурган ҳаяжонларимизни, жинсий истаklarимизни, тизгинсиз шаҳвоний ҳисларимизни ўша бизда бўлган фаҳму идроккина совитиб туради. Шунинг учун ҳам сен муҳаббат деб атаган нарсангни, мен пайванд қилинган бутоқ деб санайман.

## Родриго

Бу бўлиши мумкин эмас!

## Яго

Бу энди шаҳватнинг ғалабаси ва ироданинг кучсизланиши. Бас энди, сен ҳам эркак бўл. Сувга чўкиб ўламан деганмидинг! Битта мушукними ёки кўзини очмаган кучук боланими олиб бориб сувга ташла! Мен ўзимни сенинг дўстинг деб эълон қилдим, иқрор қиламанки, мени сенга боғлаган арқон ишонса бўлатурган даражада йўғон. Мен ҳеч қачон сенга ҳозиргидай фойдали хизмат кўрсатолмас эдим. Кармонингни пулга тўлдир-да, юзингни ўз соқолинг билан ўзгартириб, ана шу сафарга сен ҳам жўна, эшитяпсанми! Кармонинг тўла бўлсин. Дездемонанинг маврга бўлган муҳаббати узоқ чўзилиши мумкин эмас, ҳамён бақувват бўлсин. Маврнинг муҳаббати ҳам шундай. Дездемонанинг муҳаббати ҳаяжон билан бошланган эди, ажралиши ҳам шундай бўлишини кўриб қоларсан. Фақат кармон оқмаса бас. Бу маврларнинг жуда ҳам ўзгариб тура турган завқлари бор—кармонни ишқилиб пулга тўлат—бутун асалдан ҳам тотли кўринган нарса тездан унга сафродан ҳам аччиқ бўлиб қолади. Дездемона бўлса ёшча ўзгаради. У маврнинг вужудига тўйгандан сўнг, танлар экан, қанчалик янглишганини кўради; кўнгли бошқа армонлар, ўзгаришлар талаб қилади. Шунинг учун ҳам кармонингни пулга тўлат. Сен ўз жонингга қасд қилмоқчи бўласан, бунинг учун фарқ бўлиб ўлишдан кўра, яна позикроқ бирор чора топ. Йиғолганингча йиғиб пулни чўз: агар у уйсиз барбарнинг лаганбардор ва ёлгончи авлиёликлари ҳамда у Венеция қизининг ўта макрлари, менинг фаҳму идроким ва жаҳаннамнинг бутун кучларидан устун чиқмаса, сен у қизнинг висолидан баҳра оласан—шунинг учун пул йиғ. Фарқ бўлман эмиш! Бўлмаган гап. У мутлақо ҳеч нарсага арзи-



майди: муроду мақсадга етиб осилиб ўлиш қуруқдан-қуруқ фарқ бўлишдан кўра минг мартаба яхшироқ.

Родриго

Агар мен сенга ишонсам, бахтим очиладими, умидларимни пучга чиқармайсанми?

Яго

Менга ишонавер. Пулдан чўз. Мен кўпинча сенга айтардим, ҳозир ҳам қайтариб айтаманки, мен маврии ёмон кўраман. Ёмон кўришим учун менинг мустақкам асосим бор, аммо сеники ҳам меникидан кам эмас. Қел, ундан қасос олиш учун бирлашамиз; агар сен хотинини йўлдан уриб, олдига похол солиб кетсанг, сенга лаззат бўладию, менга эрмак. Замонлар чўнқирлигида кўп сирлар яширинганки, равшан бўлажак. Марш, қўзғал, жўна, пул топ. Эрта биз учун бу кундан кўра кўпроқ нарса беради. Хайр.

Родриго

Эртага қаерда учрашамиз?

Яго

Меникида.

Родриго

Жуда барвақт келаман.

Яго

Жўнанг, хайр энди. Ҳа дарвоқе, бу ёққа қаранг, Родриго!

Родриго

Нима демоқчисан?

Яго

Улим тўғрисида бундан кейин ярим оғиз ҳам сўз бўлмасин, эшитдингизми?

Родриго

Албатта. Мен бу фикримдан қайтдим: бутун ҳовли-жойларимни сотиб пул тўплайман.

Родриго чиқиб кетади.

Яго

Шундай аҳмоқ ҳаммавақт ҳам менинг кармоним.

Таржибамни текингина сарф қилмас эдим,  
 Бўш, фойдасиз вақт ўтказиб шу қарға билан.  
 Мен шу маврни астойдил ёмон кўраман.  
 Гўё араб менга махсус тўшак устида  
 Мен қилишим лозим бўлган ишни қилганмиш.  
 Бу чинданми, менинг учун шубҳасиз киноя,  
 Аниқ билсам эди унда нелар қилардим,  
 Менга анча муҳаббати бор бу маврининг.  
 Қайта яхши, ниятларим тезроқ ўринлар,  
 Қассиомиз гўзал йигит... Уйламоқ керак,  
 Бир амаллаб мансабини эгалласайдим,  
 Макр билан ишим уяса қўш тарафлама.  
 Қандай қилиб? Бир оз вақт ўтса майлига —  
 Отеллонинг қулоғига шипшитаманки,  
 Ҳаддан зиёд хотинингга уни яқин деб,  
 Хотинларни чалғитишга туғилган каби,  
 Гўзал, эпчил, таъзиқлидур Кассио ўзи,  
 Соф кўнгилли, оддийгина инсон бу барбар,  
 Ҳамма гапга чин кўнгилдан ишонур бешак,  
 Ва мен уни етаклайман мисоли эшак.  
 Уйлаб бўлдим! Иш бошланди! Дўзах ва зулмат,  
 Бу икковдан туғилажак бутун жаҳонга  
 Сон-саноқсиз хавфу даҳшат.

Чиқиб кетади.

## II ПАРДА

## БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Қибрисда денгиз порти. Қирғоқ яқинларида очиқ бир ўрин.  
Монтано билан икки оқсуяк чиқади.

Монтано

Бирор нарса кўринмасми чўққу-қирғоқдан?

1-оқсуяк

Ҳеч нима йўқ. Баланд-баланд тўлқинлар ўйнар,  
Сув билан кўк ўртасида илғаб бўлмайди  
На бир елкан, на бир қора.

Монтано

Ерда ҳам шу ҳол.

Бундай кучли ва даҳшатли, уввос шамолдан  
Шунчалик ҳеч титрамаган бизнинг нишонгоҳ,  
Очиқ денгиздаги бундай кучли қуюнга  
Чидармикан ҳар қанчалик мустаҳкам кема?  
Хўш, айтинг-чи, қандай янги хабар тинглаймиз?

2-оқсуяк

Хабар шуки, турк флоти ботди шубҳасиз,  
Яқин бориб кўпикланган қирғоққа қаранг,  
Увиллаган тўлқин қилур булут билан жанг,  
Тўлқин тикка туриб, мудҳиш ёлини тараб,  
Ҳатто Айиқ юлдузига томон тирмашар,

Гўё қутб юлдузини узиб олгудай,  
 Асрларнинг тинч чароғин — ерга солгудай,  
 Аввал шунча қутурганин ҳеч кўрмаганман!

М о н т а н о

Тўғри. Агар турк флоти бирор кўрфазга  
 Яширинмаган бўлса мутлоқ ботди, шубҳасиз,  
 Бундай бўрон билан кураш қийин бўлади.

У ч и н ч и о қ с у я к к и р а д и.

3-о қ с у я к

Биродарлар, янгилик бор, уруш тугади!  
 Ваҳший бўрон турк флотин янчиб ташлаган,  
 Планлари ўринланмай қолди мутлақо,  
 Бун кўрган Венециянинг битта кемаси.  
 Турк флотин каттагина қисмин ҳаммаси  
 Бир-бирига тўқинишиб ҳалок бўлибди.

М о н т а н о

Тўғриданми?

3-о қ с у я к

Ҳозир битта кема бизнинг гаванга кирди.  
 «Веронец» деб номланган бу кемада эса,  
 Жанговар мавр лейтенанти Кассио келди.  
 Маврнинг ўзи бизга томон сузмоқда экан,  
 У Қибрисга қойим-мақом деб тайинланган.

М о н т а н о

Жуда шодман. У чинакам лойиқ ҳукмдор.

3-о қ с у я к

Турк флоти ҳалокатин қувониб айтди,  
 Лекин унинг чеҳрасида бир оз ташвиш бор!

Қўрқинч бўрон бир-бировдан ажратган экан.  
У маврнинг соғлигига қилмоқда дуо.

Монтано

Балолардан уни сақла, эй парвардигор!  
Қачонлардир қўл остида ишлаганим бор.  
У ҳам солдат, ҳам муносиб ботир саркарда.  
Қани юринг, қирғоқ томоң бориб турамиз.  
Яқинлашган кемаларни кўриб турамиз.  
Қидирамиз Отеллони узоқ-узоқдан,  
Зумуррад кўк сувни ўпган жуда йироқдан.

3-оқсуяк

Қани юринг, тезроқ кетдик. Чунки ҳар минут  
Янги-янги келувчини кутмоқлик керак.

Кассио киради.

Кассио

Кўп ташаккур, эй Қибриснинг ботир эрлари.  
Отеллога шунча улуг баҳо бердингиз!  
Уни сақла балолардан, юксак осмон!  
Мен йўқотдим уни қўрқинч денгиз ичида.

Монтано

Бақувватроқ кемамиди, унинг кемаси?

Кассио

Жуда маҳкам кема эди, дорғачиси ҳам  
Ишончли бир одам эди, тажриба кўрган.  
Шунинг учун борган сари умидим ортар.

Саҳна орқасидан: «Ана елкан, елкан кўринди, елкан», деган  
овозлар келади.

Тўртинчи оқсуяк кириб келади.

Кассно

Нима учун бу шовқин-сурон?

4-оқсуяк

Шаҳар бўшаб, халқ қирғоққа тўпланиб олган,  
«Елкан бор» деб қичқирмоқда, бариси бирдан.

Кассно

Ният холис, бу келгучи мутлақо сардор.

Тўп отилган овоз келади.

2-оқсуяк

Тўп отилди, салом тўпи, демак, бу келган  
Албатта дўст.

Кассно

Сўрар эдим, сиздан, дарров бориб,  
Ким келганин билиб, бизга тезроқ билдиринг!

2-оқсуяк

Ҳозир бораман.

*(Чиқиб кетади.)*

Монтано

Генералингиз уйланганми, айтинг, лейтенант?

Кассно

Гоят бахтли, шундай гўзал қизга уйланган,  
Ҳар қанчалик мақтасангиз уни, яна оз.  
Айтиш билан таърифини етказиш қийин,  
Бу вужудни яратаркан табиат ўзи  
Бор гўзаллик, латофатни унда жам этган.

3-оқсуяк киради.

3-оқсуяк

Хўш, нима гап, билдингизми келган ким экан?  
Яго деган киши экан, генерал ёвори.

Кассио

Бахти келиб жуда тез йўл боса олибдир.  
Бўрон, тўлқин, даҳшат билан увлаган шамол,  
Тик қоялар, саёз қумлар — булар бариси  
Гуноҳи йўқ кемаларни ютқуси ёвлар  
Қайга кетди? Ё ҳусннинг кучини кўриб,  
Маҳв эткувчи табиатин ўздан иргитиб,  
Унинг учун илоҳий йўл очиб бердимми?

Монтано

Ким ўзи у?

Кассио

Уша айтган, сардоримиз устидан сардор.  
Ботир Яго қолган эди олиб келишга,  
Келтирибди мўлжалдан ҳам бир ҳафта бурун.  
Эй муқтадир нафасларга эга Юпитер,  
Отеллони ўзинг сақла, елканин уфур.  
Юртимизни бахтли қилсин унинг кемаси,  
Тезроқ келиб қучоқласин Дездемонани,  
Бизнинг тушкун руҳимиз ҳам алангалансин.  
Қибрис бўлсин осойишта,  
қаранг бу ёққа.

Эмилия, Дездемона, Яго, Родриго ва  
мулозимлар чиқиб келади.

Шу кеманинг бор давлати чиқди қирғоққа!  
Тиз чўкингиз, салом беринг, Қибрис эрлари!  
Маликамиз, сени чексиз табрик қиламиз.  
Сенинг билан бўлсин доим шафқатли осмон,  
Қайда бўлсанг ёринг бўлсин, сақласин омон!

Дездемона

Ташаккурлар билдираман, сизга, Кассио.  
Қандай яхши хабарлар, бор, айтинг, эримдан?

Кассио

У ҳозирча келгани йўқ, ишонаманки,  
Тез фурсатда соғ-саломат етиб келажак.

Дездемона

Уҳ, қўрқаман... Қандай қилиб ажрашдингиз?

Кассио

Кўк ҳам сувнинг зўр уриши бизни ажратди.

Саҳна орқасидан «елкан, елкан» деган товуш келади.  
Тўп отилади.

Қулоқ солинг, «елкан бор» деб қичқирмоқдалар.

2-оқсуяк

Кема учун қўрғон отди салом тўпини,  
Бу навбат ҳам дўст кема келаётибди.

Кассио

Билиб келинг.

2-оқсуяк чиқиб кетади.

Салом сизга, муҳтарам ёвор.

(Эмилияга қараб.)

Ва сизга ҳам.

Аччиғланманг ўзбошимча журъатга, Яго,  
Бизнинг олган тарбиямиз ва одатимиз  
Ботирчилик учун берар менга ижозат.

(Эмилияни ўпади.)



Я го

Жаноби олий, зарари йўқ, у тили билан  
Мени меҳмон қилгандай, сизга лабини  
Тез-тез ҳадя қилиб турса, зерикардингиз.

Дездемона

Шўрлик шунча сўзамолми?

Я го

Ҳаддан ташқари.  
Уйқум келган вақтда кўпроқ уни тинглайман,  
Олдингизда, ишонингиз, тилин жўрттага  
Яширади ичкарига, юракка қўшиб,  
Лекин фикран менинг билан турар сўкишиб.

Эмилия

Бу гапирган гапларининг бариси бекор.

Я го

Албатта, сиз барингиз ҳам кўчада сурат,  
Уйда, тўшак устида-чи — худди чилдирма.  
Хонадонда — ошхонада — мушукнинг ўзи.  
Биров билан қарғашаркан — худди авлиё,  
Биров сизни ранжитдими — шайтон бўласиз,  
Рўзгор — сизга эрмак, ётоқ хўжалигингиз.

Дездемона

Бас, уятсиз, ор-номуссиз, бачки, бўҳтон гап.

Я го

Елгон айтсам турк бўлайин, дадил айтаман;  
Турсангиз бу сизга — ўйин, ётсангиз бу иш.

Эмилия

Менга бундай мадҳияни ёзмаёқ қўйинг.

Яго

Ва ёзмайман ҳам!

Дездемона

Менга қандай бир мадҳия ёзар эдинг, айт?

Яго

О, маликам, бу иш учун мени қийнаманг,  
Мен албатта танқид қилмай, ўта олмасдим.

Дездемона

Жуда яхши.

Бирор киши пристандан хабар олдим?

Яго

Бали, маликам!

Дездемона *(бир чеккада)*

Юрак сиқик, бу эрмакка унча тобим йўқ,  
Лекин хурсанд кўринишга тиришмоқдаман.

*(Ягога қараб.)*

Хўш, қани айт, қандай қилиб мени мақтардинг?

Яго

Уйлаяпман, бироқ туйғум бошимга маҳкам  
Дурадгорнинг елимидай қаттиқ ёпишган.  
Миямни ҳам ўзи билан судрамоқдадир.  
Лекин илҳом энг охири тугди фикрни:  
Мен ақлли қиз бўлсаму ҳусни баркамол,  
Ҳусним менинг хазинамдир ва ақлим —

баққол.

Дездемона

Ана мақтов дегани-ю! Жуда ҳам яхши;  
Хўп борди-ю, ақлли қиз хунук бўлса-чи?

Яго

Оқил бўлиб хунук бўлсак унча зарарсиз,  
Бирор хушрўй йигитчани топа олармиз.

Дездемона

Бу мақтови аввалгидан минг карра расво.

Эмилия

Қизнинг ўзи аҳмоқ, аммо гўзал бўлса-чи?

Яго

Аҳмоқ гўзаллар билан иш позик бўлса ҳам  
Аҳмоқлиги туғиш учун беражак ёрдам.

Дездемона

Бу гапларнинг бариси қовоқхона аҳмоқларини  
кулдириш  
Учун ўйлаб топилган эски ва бемаза аскиялар.

Хўш,

Қани, ҳам хунук, ҳам аҳмоқ бўлган бир қиз  
Учун қандай шўрлик мадҳия тўқир экансан?

Яго

Ҳам аҳмоқ-у ҳамда хунук бўлса қиз агар,  
Эрмакликда оқил, гўзал қизга баробар.

Дездемона

Уҳ, қандай қоронғи жаҳолат! Сен энг ярамасини  
ҳаммадан ортиқ мақтар экансан. Хўш, қани, ҳақиқатан  
мақташга арзийтурган ўта латофатли, ҳатто қабоҳат-  
нинг ўзи ҳам иқрор қила турган бир хотинни қандай  
мақтай олар эдинг?

Яго

Мағрур эмас, аммо ўзи гўзал бир аёл,  
Ширин тили бор бўлса ҳам эмас сўзамол,

Эр пулини совурмаса бўлар бўлмасга,  
 Истамасдан турганда ҳам деса «майлига».  
 Уч олишни билганда ҳам гўё, атайин  
 Ҳақоратни ичга ютиб, унутса майин,  
 Ва у гўзал шундай нозик фаҳм Эгаси  
 Ажратолса селёдканинг думи-миясин.  
 Одамлардан сақлай олса, ўтса қанча сир,  
 Хушомадгўй, хушторларга боқмаса ҳеч бир..  
 Билолмадим шундай хотин топиладими,  
 Топилганда керак эди...

Дездемона

Қанақа ишга?

Яго

Аҳмоқларни туғишга-ю, пиво қуйишга.

Дездемона

Уйбаю... қандай маймоқ ва кучсиз хулоса! Эмилия,  
 бу сенинг эринг бўлишига қарамай гапларига қулоқ  
 солма. Қассио, сиз нима дейсиз? Бу киши ҳақиқатан  
 ўтакетган оғзи бузуқ, пешдаҳан ва тизгинсиз, бачкана  
 бир одам эмасми?

Қассио

Албатта, бу бир оз ачитиброқ сўйлаяпти. Бу сизга  
 бир насиҳатгўйдан кўра бир солдат сифати билан ёқи-  
 ши керак...

Яго

(бир чеккага қараб)

Қассио унинг кафтига тегияптими? Майли, яхши,  
 шивирлашиб қолинглар! Мен шундай нозик ўргумчак  
 тўри билан Қассиодай катта пашшанинг оёқ-қўлини  
 боғлаб ташлайман. Майли-майли у билан илжайишиб

қол!.. Мен сени у хушомадларингнинг ўзи билан чамбарчас боглаб ташлайман. Сиз ҳақлисиз, шундай бўлиши керак! Агар сенинг бу ҳазилларинг сендан лейтенантлик вазифасини олиб қўйса, унда сенинг учун уч бармоғингни тез-тез ўпиб турмаслик яна яхши бўлади, бироқ сиз шуҳратли хўжайинни ичкилик билан қўлга ола оласиз. Жуда яхши. Ҳаддан зиёд яхши, ўпишиб қолинг. Бу хушомаднинг энг яхши нави! Бармоқларини яна ўпиш учун лабига қўяяптими? Мен шу бармоқларни муҳаббатингиз клизмасининг трубкалари бўлишини истар эдим.

Ташқаридан барабан овози келади.

Мавр келди! Бурғусининг товушидан маълум!

Кассио

Бали, ўша.

Дездемона

Юринг, уни қарши оламинг.

Кассио

Мана ўзи келиб қолди.

Отелло ва мулозимлар кириб келади.

Отелло

Оҳ, сеvimли жанговарим, гўзал дилбарим!

Дездемона

Менинг Отеллом.

Отелло

Ҳайрон бўлиб қолиш билан жуда сеvimдим.  
Мендан олдин кела олибсиз, қандайин қувонч!  
Бўрондан сўнг шунча тинчлик келажак бўлса  
Майли, қуюн бундан ҳам зўр гувиллаб эссин,  
Бу бўрондан ўлимнинг ҳам уйқуси ўчсин.

Зўр кемалар писта пўчоқ каби чайқалиб,  
 Қўтарилсин тўлқинларнинг тоғ чўққисига,  
 Юксакларга тирмашаркан тинкаси толиб  
 Отилсинлар жаҳаннамдай чўнқур-қуйыга.  
 Ҳозир келиб ўлим тутса гирибонимдан,  
 Лаззат билан кечар эдим азиз жонимдан.  
 Қалбим чексиз қувончларга лиммо-лим

тўлиқ!

Мажҳул тақдир келажакда қайтадан бир бор,  
 Шу дамларни бермасми деб жуда қўрқаман.

### Дездемона

Ўзинг сақла бизни, тангрим!  
 Умр дам-бадам  
 Утган сайин, шодлигимиз, севгимиз ошсин.

### Отелло

Илоҳи омин!  
 Шодлигимдан сўзламоққа сўз тополмайман,  
 Бахтим шунча ёр бўлдики, нафасим тутди!  
 Мана-мана шунинг ўзи майли бир навбат.

*(Дездемонани ўпади)*

Юрагимнинг пардаларин созласин андак.

### Яго

*(бир четга қараб)*

Созингиз ҳам, пардангиз ҳам жуда жойида.  
 Аммо мен ҳам бу рубобга тикан қадайман  
 Ва шу ишни бажаришга ваъда бераман.

### Отелло

Қани юринг, сарой кетдик.

Уруш ҳам тамом,

Турк флоти тамомила денгизга ботди.  
 Бу ердаги эски дўстлар саломат борми?

Сиз Қибрисда кўп қадрли меҳмон бўласиз.  
 Мени бунда севадилар, азиз гўзалим!  
 Нима бўлди, толе билан қувониб кетиб,  
 Тутуруқсиз сўзлар билан жоврай бошладим.  
 Дўстим Яго, сен ҳозироқ пристанга бор,  
 У ердаги чамадонлар, сандиқ, юкларни  
 Капитаннинг қалъасига, олдимга келтир.  
 Жасур йигит! Қилиқларин кўп ёқтираман.  
 Қани кетдик, Дездемона!

Сизни қайтадан

Қибрис тупроғида табрик қиламан.

Яго билан Родригодан бошқа ҳамма чиқиб кетади.

Яго

Бир оздан кейин мени кўрфазда топасан. Қани, бу ёққа кел-чи! Агар сен дадил бўлсанг — ахир айтадилар-ку, зотида олижанобликдан нишона ҳам бўлмаган тубан кишилар муҳаббатга гирифтор бўлгандан кейин, ўзларига табиат бахш қилгандан ҳам зиёдароқ олижаноб бўлиб кетади — деб, шунинг учун ҳам менга қулоқ сол. Лейтенант букун кечаси саройга посибонлик қилади. Ҳаммасидан ҳам илгари Дездемона уни севиб, жигарсўхта бўлиб қолган.

Родриго

Лейтенантгами? Йўқ, бекорчи гап, бўлиши мумкин эмас.

Яго

Дамингни мана бундай қилиб сақла-да, менга диққат билан қулоқ сол. Иннакейин, Дездемона аввал бошда маврнинг фақат мақтанчоқ, ақлга тўғри келмайтурган тутуруқсиз ҳикоялари учун қанчалик ҳаяжон билан севганини ёдингга солиб қўй: наҳотки уни шу бўш, бўлмағур гаплар учун умрбод севиб қолса? Албатта энди бу ҳолатга сенинг доно юрагинг ишонмайди! Ахир унинг кўзи тўйиши керак. Тўйгандан кейин ҳадеб шу иблис-

нусха башарага қарай беришдан унинг учун қандай лаззат қолади? Муҳаббат эрмакларидан қон совиб, ҳирс сўнгандан кейин, уни янги ҳаваслар ва орзулар билан қайтадан алангалантириш учун албатта гўзал чеҳра, уқув келатурган даражада ёшлик, эпчил ҳаракатлар, хушомадгўйлик — хуллас калом бу қора араб маҳрум бўлган сифатларнинг барчаси керак бўлади. У қидириб маврда бу фазилатларни тополмайди. Шу тополмаганликнинг ўзи унинг нозик қалбига, ҳар қачон алданганлигини талқин қилиб туради. У энг аввал хўрсиниб, оҳ-уҳ тортиб юради, тўйинади, зерикади, энг охири маврни кўргиси келмай қолади. Табиатнинг худди ўзгинаси бу тўғриларда унга дарс бериб, уни янги битта кишини танлашга чақиради. Энди сиз жаноби олий, шу энг табиий ва энг муқаррар ҳолатнинг рўй беришидаги менинг мулоҳазаларимга қўшилгандан сўнг, айтинг: бу бахтга Кассиодан илгари ким муяссар бўла олади? Кассио сўзамол йигит, у астойдил, ўзининг бўлмағур феъли-хўйларини, асли зотидаги хазиначаларни меҳрибонлик билан, сиртқи рутба нишоналари билан пардалайди. Ахир ундан ҳам бошқа ҳеч ким, ҳеч ким бу бахтга эриша олмайди. У жуда нозик ширинкор, қулай фурсатни қидирувчи йигит, у агар-чи асли зотида ҳеч қачон яхши хислатларга эга бўлмаган бўлса ҳам, ўзини яхши қилиб кўрсатиб, ютиб кетиши мумкин! У шайтондай ҳийлакор йигит. Унинг устига бу ҳийлакор чиройли, ёш. Хуллас калом тентак ёшликнинг кўзини ўзига тортиш учун унда бутун хислатлар мукамал. У мутлақо ҳиди бурқиб турган ярамас, хотин ҳам уни аллақачон исини кўрган.

### Родриго

Мен бу гапларга ишонмайман, чунки Дездемона муқаддас қалб эгаси.



Яго

Муқаддас?— Мана муқаддас!

*(Уч бармоқ кўрсатади.)*

Ахир унинг ича турган виноси ҳам узумдан бўлган-ку. Агар у хотин муқаддас қалб эгаси бўлса эди, маврни ҳеч қачон севмаган бўлар эди; муқаддас эмиш-а, муқаддас аччиқ ичак! Ахир сен ўзинг Кассионинг кафтини ўйнаб турганини кўрмадингми, илғамай қолдингми?

Родриго

Илғашга-ку илғадим-а, бу энди оддий кўнгил яқинлик эди-да.

Яго

Сени ишонтираманки, бу йўлдан чиқишликнинг дебочаси, бузилиш ва уят фикрларга кира беришнинг бисмиллоси. Уларнинг бошлари бир-бирларига шундай яқин эдики, нафаслари бир-бирларига тутшиб кетган эди. Бузуқ фикрлар бу, Родриго! Модомики мана шу бордикелди муносабати изига тушиб олдим, тездан ўша соатдаёқ асосий, ёш кўникишлар, яъни бадан, вужуд кўникишлари бошланади. Тфу, жаноб олий, ижозат беринг сизга раҳбарлик қилишга, ахир мен сизни Венециядан етаклаб келдим. Сиз бугун кечқурун қоровулликда туринг, мен сизни ўша ерга қўйишни устимга оламан, ахир Кассио сизни танимайди-ку<sup>1</sup>. Мен сиздан узоқлашмай тураман, сиз бирорта баҳона топиб, Кассионинг газабини чиқаринг; майли, қаттиқ-қаттиқ гапиришибми ёхуд унинг ҳарбий шарафини ҳарорат қилибми, ёхуд ўзингизга маъқул бўлган бирор бошқа йўл биланми, ишқилиб, жаҳлини чиқаринг.

<sup>1</sup> Родриго, Ягонинг биринчи парда III кўринишдаги маслаҳатларига кўниб, соқолини ўстирган, ўз башарасини ўзгартган бўлса керак.

## Родриго

Яхши.

Яго

Жаноби олий (афандим), сиз билиб қўйишингиз керакки, у жуда ҳам енгилтак. Жаҳли чиққанда ўзини тутолмайди; балки у сизни таёқ билан савалаб қолар. Ишқилиб, сиз уни шу даражага етгунча ғазаблантиринг. Шу ишни баҳона қилиб мен Қибрис аҳолиларини ғазаблантиришим мумкин; кейин тиңчликни ўринлатиш учун Кассиони ишдан олиш зарур бўлади. Шу қисқагина йўл билан сиз ўз истагингизга етган бўласиз. Менга бўлса ўз режаларимни ишга солиш учун баҳоналар топилиб қолади. Биз шу фойдали йўл билан ғовни ўртадан олиб ташласак, сизнинг бахтиёр бўлишингиз учун ҳеч қандай хатар қолмаган бўлади.

Родриго

Қараб кўраман, шу иш учун тузукроқ пайт келиб қолса, ҳаммасини қиламан.

Яго

Ишонтираманки, жуда ўринли пайт келиб қолади. Биз сен билан қалъада учрашамиз, унга мен Отеллонинг юklarини қирғоққа олиб чиқишим керак. Ҳозирча хайр.

Родриго

Хайр бўлмасам.

*(Чиқиб кетади.)*

Яго

Кассио-ку, кўп севади, мен ишонаман,  
Дездемона севиши ҳам албатта тайин.  
Маврни гарчанд ёқтирмайман, бироқ у ўзи

Юраги соф, астойдил берилган киши;  
 Фикримча, у яхши эрдир Дездемонага.  
 Фақатгина дил хоҳиши билан ҳам эмас,  
 Мен ҳам яхши кўражакман Дездемонани,  
 Буларсиз ҳам менда гуноҳ тўлиб ётибди;  
 Қисман маврдан қасос олиш судрар бу ишга,  
 У бузуқи тўшагимга қадам қўйибди.  
 Мана шу ўй оғу каби нчимиз талаб,  
 Қачонки мен хотинимга қилган иши-чун  
 Хотинидан ҳисоб олсам, юрак тинчийди.  
 Уринланмай қола-қолса бу иш мабодо  
 Маврда шундай рашк қўзғатай, топмасин

даво,

Ҳар қандайин саломат ақл қилолмас чора.  
 Бу ишларнинг уддасидан чиқиш пайтида  
 Қўлимдаги венециялик този бечора  
 Бирданига занжирини узмаса бўлди.  
 Ҳамма ишни расво қилиб бузмаса бўлди.  
 Қассога меҳр қўйиб, яқинлашаман,  
 Кундан-кунга кўрсатаман маврга ёмон.  
 Қўрқаманки, у ҳам менга похол салади.  
 Маврни худди эшак каби нўхталаб олиб,  
 Етаклайман тинч умрдан қутуришгача,  
 Қандай ҳолга қолганини сезмай заррача,  
 Яна мени қадр қилур, бўлар миннатдор.  
 План ҳали ярагудай пишиб етган йўқ,  
 Макр ухлар. Майли, ҳозир навбати узоқ.

## ИККИНЧИ КҲРИНИШ

Қўча.

Қўлида ёрлиқ кўтариб жарчи чиқади. Унга халқ эргашган.

Ж а р ч и

Бизнинг олижаноб ва қаҳрамон генералимиз бўлган  
 Отеллодан барча фуқароларга шундай фармойиш бўл-  
 ди. Турк флотининг буткул нобуд бўлгани тўғрисидаги

хабар муносабати билан чақирилаётган бу шодигёнага ҳамма иштирок қилсин. Фуқаролар ўйнашлари, кулишлари, байрам гулханлари ёқишлари, хуллас калом, ҳар ким ўз одатича, ўз раъйича хурсандчилик қилиши керак. Бу хурсандчилик хабардан ташқари букун муҳтарам генералимиз билан шонли маликамизнинг никоҳ тўйлари бўлади. Бунинг сизга билдириб қўйишни генералимиз лозим топадилар. Ҳамма эшиклар фуқаролар айшу ишрати учун очиқ. Ҳозирги соат бешдан ўн бирини ургунча ҳар бир фуқаро ейиши, ичиши, истаган хурсандчиликни қилиши мумкин. Худойи таоло ва таборак Қибрис отасини ва унинг олижаноб генерали қаҳрамон Отеллонинг ўз ҳифзи ва ҳимоясида омон сақласин.

(Чиқиб кетади.)

### УЧИНЧИ ҚҰРИНИШ

Отелло, Дездемона, Кассио ва мулозимлар чиқади.

Отелло

Сиз, Кассио, азиз дўстим, букун кечаси  
Посбонлар орқасидан яхши кузатинг.  
Эҳтиётли бўлишимиз керак ҳар вақт.  
Айш-ишратда ҳаддан ўтиш бўла кўрмасин.

Кассио

Бу тўғрида Яго олди мендан буйруқни,  
Лекин бунга қарамасдан яна ўзим ҳам  
Барчасига кузатувчилик қилиб тураман.

Отелло

Яго жуда ўз ишига содиқ бир йигит!  
Хайрли кеч. Эрта барвақт сўйлашажакмиз.  
Қани кетдик. Савдо пишган, сеvimли ёрим,  
Вақти келди мевасини бирга тотайлик.  
Хайрли кеч.

Отелло, Дездемона ва мулозимлар чиқиб кетади. Яго кириб келади.

Кассио

Қани, марҳамат Яго! Ҳозир қоровулликка боришимиз керак.

Яго

Ҳали вақт эрта, лейтенант, соат ўн ҳам бўлгани йўқ. Генералимиз, ўз Дездемонасига бўлган муҳаббати учун, бизни мундай барвақт бўшатиб юборди; бунинг учун уни айбламаса ҳам бўлади, чунки у билан бир кеча ҳам ишрат қилганича йўқ; хотин ҳам шундай бир хотинки, Юпитерга арзийтурган луқма деса бўлади.

Кассио

У гоят латофатли хотин.

Яго

Сизни ишонтираманки, у фақат ўйнаш-кулиш учун яратилган.

Кассио

Албатта тўғри, у чиндан ҳам нозик ва тоза бир вужуд.

Яго

Кўзини айтинг-а, кўзини! Шундай жозибадор, шундай ўйноқи, худди сўзлашишга имо-ю, ишорат қилиб тургандай.

Кассио

Кўзлари жуда жозибадор! Лекин менимча, жозибадор бўлиш билан бирга, жуда ҳам сипо кўзлар.

Яго

У гапирар экан, сўзлари худди муҳаббатга чақириб тургандай туюлмайдими?

К а с с и о

Иқроқ қилиш керакки, бу хотин камолотнинг ўзгинаси.

Я г о

Ҳа, майли, ишқилиб уларнинг тўшаклари саодатли бўлсин! Лейтенант жаноблари, қани мен билан юринг. Менда кичкина бочкада вино бор. Бу яқинликда Қибриснинг бир неча ботир бўз ўғлонлари сиз билан бирликда қора Отеллонинг соғлиғи учун давра қуришни орзу қилиб турган эдилар.

К а с с и о

Фақат бугун эмас, дўстим Яго; мен винони унча кўтара олмайман. Мен ўйлайман дуруст тарбия кўрган кишилар ўз вақтларини ўтказиш учун винодан бошқа эрмак ўйлаб топсалар яна яхши бўлар эди.

Я г о

Ахир улар — бизнинг дўстларимиз; атиги бир қадаҳ холос, мен сизнинг соғлигингиз учун ичаман.

К а с с и о

Бугун кечқурун мен бир қадаҳ ичиб олганман. Шунда ҳам сув қўшиб, барибир бошимни айлантириб юборди. Мен ўз кучсизлигимдан аччиғланаман, шунинг учун ўз бўшлигимни иккинчи қайта синаб ўтиришга юрагим ботинмайди.

Я г о

Қўйинг-э, афандим! Ахир бу кеча айшу ишрат кечаси! Бизнинг ботирларимиз шуни жуда ҳам истган эдилар-да...

К а с с и о

Уларнинг ўзи қаерда?

Яго

Улар бунда, дарвозада! Чақиринг ахир.

Кассио

Хўп бўлмаса, нима ҳам қилиш мумкин!.

(Чиқиб кетади.)

Яго

Қани энди, боя ичган коса устига  
 Ичиролсам битта тўла қадаҳни яна,  
 Бўлар эди ёш келиннинг итидай ўжар.  
 Аллақачон эсин ютди аҳмоқ Родригом.  
 Шундай мастки, ўз-ўзидан хабарсиз асло,  
 Ошиқ киши — Дездемона соғлиғига деб,  
 Талай чўнқур қадаҳларни оппоқ кўтарди.  
 Тагин ўзи қоровулда — постда турибди.  
 Яна учта шўх, жанговар Қибрис йигити  
 Керагича каминанинг қўлидан ичди.  
 Булар бари қизгин қонли, енгил кишилар,  
 Ҳаммаси ҳам номусини сақлашни тилар,  
 Бу учов ҳам қоровуллик сақлаб турибди.  
 Шунча мастнинг орасида Кассиони мен  
 Бирор ишқал-чатоқликка етаклайманки,  
 Бу иш Қибрис шарафига доғ бўлиб тушар.  
 Ана улар келаяпти, бунда оқибат  
 Мен ўйлаган ҳийлаларим оқланса агар,  
 Кемам ўнғай шамол келиб сузар илгари.

Кассио Монтано, қоровуллар билан бирга қайтиб  
 келади.

Уларнинг орасида шароб кўтарган мулозимлар.

Кассио

Азбаройи худо, буларнинг мени тозаям ичирдилар.

## Монтано

Жуда ҳам оз ичдилар, кичкинагина битта қадаҳча,  
солдатнинг ҳам сўзига ишониб қўйинглар ахир.

## Яго

Қани, яна винодан беринглар.

*(Ашула айта бошлайди.)*

«Қани келинг стаканни уриштирайлик —

чиқ-чиқ!

Қани келинг стаканни — чиқ!

Солдат деган аҳмоқ эмас,

Умр бир нафас.

Солдат шўрлик бир гал ичса

Ҳеч нима қилмас».

Ҳой мулозимлар, винодан келтиринглар!

## Кассио

Азбаройи худо, жудаям қойил деган ялла

экан-да.

## Яго

Мен бу қўшиқни Англияда ўрганганман. Ана у ер-  
да ичишнинг уддасидан чиқадилар. Данияликлар, не-  
мислар, қорни катта голландияликлар — англичанлар-  
нинг олдида ҳеч нима эмас. Қани, ҳой, ичсаларинг-чи!

## Кассио

Бундан чиқди, сизнинг англичанларингиз ичишга  
шунақа эпчил экан-да!

## Яго

Данияликлар ўласидай маст бўлганда, англичанлар  
бепарволик билан ичишда давом қилаётган бўлади,  
пешонасидан тер чиқармай ҳар қандай немисдан ҳам



ичишда ўзади, истаган голландиялик қайт қилаётганда,  
улар яна иккинчи шишани олдига олган бўлади.

К а с с и о

Қани, генералимизнинг соғлиғига ичамиз!

М о н т а н о

Лейтенант! Мен ҳам сиздан ажралиб қолмайман,  
ўша кишининг соғлиғига ичаман.

Я г о

Оҳ, гўзал Англия!

*(Қўшиқ айта бошлайди.)*

«Жуда кибор аён эди король Стефан,  
Иштонини битта крон бериб тиктирган.  
Сўнг қараса пулни ортиқ бериб қўйибди,  
Алам қилиб тикувчини ҳайвонсан дебди.  
Жуда ботир киши эди король Стефан,  
Сен нимасан, бир бемаза — пастак кишисан.  
Биз зийнатга сарф қилишни топамиз увол,  
Эски-туски либосингни тезроқ олиб ол!»  
Ҳой, қани тағин вино беринглар!

К а с с и о

Бу ялла, бояги айтганингдан ҳам соз экан.

Я г о

Истайсизми, яна бошқатдан айтиб берайми?

К а с с и о

Йўқ, шунинг учун мен бундай ҳаракатда бўлган-  
ларни ўз даража ва мавқеини билмаган кишиларгина

деб ҳисоблайман. Майли, ҳаммамизнинг ҳам тепамизда худо бор. Худонинг марҳамати кўп. Бир хил кишиларнинг гуноҳини кечиради, бир хил кишиларнинг жойи жаҳаннам.

Я г о

Жуда ҳам ҳақ гапни гапирдингиз, марҳаматли лейтенант.

К а с с и о

Гап менинг тўғримда борганда — бу гапни генерални ёхуд бирор юқори даражали кишини ранжитиш учун айтаётганим йўқ. Мен худонинг раҳматидан умидворман, албатта жаннати бўламан.

Я г о

Менинг ҳам умидим шу, мен ҳам жаннати бўларман деб ўйлайман, лейтенант.

К а с с и о

Тўғри, бироқ ижозат берсангиз айтиб қўйишим керакки, мендан илгари эмас, лейтенантнинг арвоҳи, мулозимниқидан илгарироқ раҳмати бўлиши керак. Хўп, бу тўғрида гап тамом бўлди, қани, сизга тегишли ишларга ўтамиз... Э худо, гуноҳимизни ўзинг кечир. Афандилар, қани, ишимизни бошлайлик. Афандилар, мени маст бўлиб қолди деб ўйлай кўрмангиз. Мана бу менинг мулозимим, яъни ўнг қўлим, мана бу бўлса менинг чап қўлим. Мен маст эмасман: мен бемалол ўрнимдан ҳам тура оламан, ҳам жуда бемалол яхшилаб гапира оламан.

Ҳ а м м а л а р и

Жуда ҳам яхши, жуда ҳам яхши.

## К а с с и о

Бас, маълум бўлдики, жуда ҳам яхши, бундан чиқди сизлар мени маст деб ўйламасаларингиз ҳам бўлади.

(Чиқиб кетади.)

## М о н т а н о

Афандилар, қани ташқарига чиқайлик. Қоровул қўйиш керак.

## Я г о

Қўрдингизми олдин чиқиб кетган йигитни,  
Қайсарга ҳам солдатликка муносиб йигит,  
Лашкарбоши бўлар эди, афсус айбдор!  
Қанча ботир бўлса, шунча айби бор теп-тег.  
Бу бечора Кассиога кўп ачинаман.  
Қўрқаманки Отеллонинг унга ишончи,  
У шу ҳолда кета берса бир эмас-бир кун  
Қибрис учун бирор бахтсиз иш қилмаса деб.

## М о н т а н о

У ҳар қачон ҳозиргидай кўп ичадими?

## Я г о

Ётиш пайти кўтармаса бир шиша ками  
Ухлаёлмай туну кун санқиб юради.  
Вино уни аллалайди, роҳат беради.

## М о н т а н о

Бу тўғрида Отеллога билдирган яхши,  
У ўзининг кўнгли очиқ назари билан  
Кассионинг фақат яхши хислатин кўриб,

Ёмонликни илгамайди, баҳо бермайди,  
Кўришликни истамайди, шундай эмасми?

Родриго киради.

Яго

(секин Родригога.)

Хўш, Родриго, нима қилиб юрибсан ахир;  
Лейтенантнинг пайига туш, илдамроқ жўна.

(Родриго чиқиб кетади.)

Монтано

Жуда афсус. Олижаноб генерал ишониб  
Ёрдамчилик каби катта бир вазифани  
Майиб бўлган бир кишига бериб қўйибди.  
Айтиб қўйсак бир яхшилик қилган бўлардик.

Яго

Йўқ-йўқ, менга бутун бошлиқ Қибрисни беринг,  
Мен бу ишни қилолмайман! Чунки Кассио  
Севган дўстим. Бу касалдан тузатсам  
дейман!

Саҳна орқасидан «ёрдам беринг!» деган қичқириқ келади.  
Олдин Родриго, унинг орқасидан қувлаб Кассио  
чиқади.

Кассио

Разил, маккор!

Монтано

Нима гап ўзи, лейтенант?

## К а с с и о

Тубан махлуқ! Сен менга ўз вазифамни ўргатмоқчи бўлдингми! Мен бу ярамасни бутилкага қувлаб қамайман.

## Р о д р и г о

Мени қувлаб қамайсанми?

## К а с с и о

Тағин жавраб туради-я, ифлос!

*(Родригони уради.)*

## М о н т а н о

Сиздан сўрайман, муҳтарам лейтенант!  
Сиздан сўрайман, афандим, қўлингизни тортинг!

## К а с с и о

Мени қўйворинг, афандим, бўлмаса сизни ҳам тингингизни қоқиб қўлингизга бераман.

## М о н т а н о

Биласизми, ахир сиз мастсиз.

## К а с с и о

Мен мастманми?

*(Олишиб кетади.)*

## Я г о

*(секин Родригога.)*

Тинглайсизми, тездан боринг, одам чақиринг.

Родриго чиқиб кетаде

Ҳой лейтенант, бас афандим, тўхтангиз, етар,  
Ҳой ёрдамга! Ҳой Монтано, ҳой сиз

лейтенант!

Одам борми! Яхши ҳамки қоровуллар бор.

Занг урилган овоз келади.

Ким қўнғироқ чалаётган? Бас ахир шайтон!  
Бас лейтенант, ахир бутун шаҳар қўзғалди.  
Обрў билан шарафингиз бир чақа бўлди.

Отелло билан мулозимлар кириб келади.

Отелло

Хўш, бу ерда нима гап бор, нима тўполон?

Монтано

Яраландим, ўлажакман, қонсираб қолдим.  
(Иқилади.)

Отелло

Агар ҳаёт ширин бўлса, дарров бас қилинг.

Яго

Бас лейтенант! Сиз Монтано! Ҳе, олижаноб  
Даража-ю, вазифани унутдингиз, бас!  
Уялингиз, бунда ахир генерал турибди!

Отелло

Хўш, нима гап, қандай қилиб бу жанжал  
чиқди?

Биз туркларми, иккита дўст шундай олишса?  
Қачон берди кўк тангриси бунга ижозат?  
Ваҳший жанжал йўқотилсин! Сиз христиан!  
Қим қутурган газабини дарров ютмаса,

Бу дунёда яшамайди; қимирлаш — ўлим.  
 Бу даҳшатли қўнғироқни тўхтатинг тездан,  
 Ваҳимага солур бутун Қибрис отасин.  
 Хўш, нима гап, нима жанжал? Сен айт-чи, Яго,  
 Нима учун мурда каби бўзариб кетдинг,  
 Билмоқчиман, ким бошлади бу ишни аввал?!

Я г о

Мен билмадим, ҳаммамиз ҳам сал илгари,  
 Янгигина гўшангага кирган ёшлардай  
 Бир-бирова энг яқин дўст, меҳрибон эдик.  
 Бирданига мана энди... ҳеч билолмайман,  
 Е осмонда бирор юлдуз эсимиз жўйди.  
 Бирдан дўстга дўст тўғрилаб ўртада қилич.  
 Қонли кураш. Сабабини айтолмайман ҳеч,  
 Бу ғазабнинг бошланиши менга белгисиз.  
 Кошки эди, бу ерларга кўтариб келган  
 У оёқни дуруст ишда йўқотган бўлсам.

О т е л л о

Хўш Қассио, наҳот шундай ўзни  
 йўқотдинг?

Қ а с с и о

Оҳ генерал... авф этингиз, мен  
 айтолмайман.

О т е л л о

Қани айтинг сиз Монтано, сизга ҳамиша  
 Касб эди-ку яхши хислат, фикру андиша,  
 Сокит, жиддий хислат билан танилган киши,  
 Ёшлигидан бу ҳурматни ололган киши,  
 Яхши исми ҳар ақлли тилнинг такрори,  
 Нима учун у шарафни сақлолмадингиз,  
 Бирданига хулқингизни қилиб айрибош,  
 Кечаснинг бақироғи бўлдингиз, бебош?

## М о н т а н о

Билганимни айтолмайман, авф этинг,  
сардор,  
Мен мажруҳман. Жим бўлганим яна яхшироқ.  
Сизга айтиб берар Яго офицерингиз.  
Мен билмадим, нима гуноҳ қилиб қўйибман,  
На ишимдан, на тилимдан айб ўтганини.  
Ўз-ўзини мудофаа айб саналарми?  
Агар сенга ҳужум қилса биров зўр билан,  
Шундай пайтда ўзни сақлаш ҳисси гуноҳми?

## О т е л л о

Худо шоҳид!  
Миямга бор забти билан қуйилмоқда қон,  
Сезмоқдаман ҳирс қўзғалиб бўлмоқчи эга  
Иродага, тафаккурга, ҳатто ўзимга.  
Бир қўзғалиб юқорига қўлни кўтарсам  
Бу ғазабдан янчиларди бирингиз дарҳол.  
Қани, айтинг, бу жанжалга сабаб бўлган ким?  
Икки туғиб бир қолганим бўлган чоғда ҳам  
Бир умрга назаримдан отиб ташлайман.  
Е тажжуб, ҳарбий ҳолат эга бўлган ер,  
Аҳолининг қалби титрар қўрқув-даҳшатдан,  
Шундай ерда оилавий, шахсий бир жанжал  
Тағин келиб ярим кеча, қоровулликда...  
Қани, Яго, сабабчи ким, сен айтиб бер-чи?

## М о н т а н о

Қараб, дўстлик хизматини риюя қилиб,  
Ҳақиқатни оширсанг ҳам, камайтирсанг ҳам  
Солдат номи сенга ҳаром.

## Я г о

Ҳақорат қилма;  
Тилим агар лейтенантга озор етказса  
Шартта кесиб ташлашга ҳам рози бўламан.



Ишонаман, мен айтажак ҳақиқат гаплар  
 Уни асло ранжитмайди. Иш шундай бўлди:  
 Биз Монтано билан бирга сўзлашар эдик,  
 Бирдан кўрдик битта одам келар югуриб,  
 Ердам беринг, ёрдам беринг!— деди қичқириб.  
 Орқасидан қувлаб келди Кассио дадил,  
 Қўлда қилич даҳшат қилар унга муттасил.  
 Бу афандим, Кассиони тўхтатмоқ бўлди.  
 Шаҳар тағин ваҳимага тушишидан қўрқиб,  
 Қичқирганнинг орқасидан кетдим югуриб.  
 Худди шундай бўлди мана. У чопқир экан,  
 Тутолмасдан тезлик билан қайтиб келдим,  
 Келган эди қўлоғимга қилич овози  
 Кассионинг нималар деб сўкинган сўзи.  
 Ҳалигача сўкишганин эшитмагандим,  
 Мен келганда ваҳший жанжал авжида эди,  
 Мен кўрганим бариси шу, сиз ҳам кўрдингиз.  
 Бу тўғрида бундан ортиқ нарса билмайман.  
 Жаҳл чиқса эс кетади, ҳаммада ҳам шу,  
 Балки бунда Монтанонинг иззати шахси  
 Лейтенантдан бир оз таҳқир кўргандир, фақат  
 Урушганда ҳаммада ҳам қутуриш одат,  
 Энг қадрдон дўстин уриб қўйишлик мумкин.  
 Ишонаман, балки қочган киши шунчалик  
 Оғир сўзлаб Кассиони қилган ҳақорат  
 Чидаб туриш мумкин бўлмай тугаган тоқат.

### О т е л л о

Билдим, Яго, сен меҳрибон, дўстлик ҳақи-чун  
 Юмшатмоқчи бўляпсан гуноҳнинг кучин.  
 Менга жуда қимматлисан, аммо Кассио,  
 Ҳозир сени вазифангдан озод қиламан.

Дездемона каңизаклар билан кириб келади.

Кўринг, ҳатто севган ёрим бўлибдир бедор!

(Кассиога қараб.)

Бошқаларга ўрناق бўлиб хизмат қиласан.

Дездемона

Нима гап ўзи?

Отелло

Ҳеч нима йўқ, ишлар тамом бўлди, жонгинам,  
Бор ўрнингга қайтиб ёт!

(Монтанога.)

Мен, афандим, ўзим сизга жарроҳ бўламан.  
Тездан буни олиб боринг!

Монтано ни олиб чиқадилар.

Яго, сен тез шаҳар ичин осойишта қил,  
Уят-жанжал халқни анча безовта қилди,  
Қани кетдик, Дездемона! Аскарлик шундай,  
Чиқиб қолиб шунинг каби ғавро тўсатдан,  
Уйғотади иссиққина ширин уйқудан.

Яго билан Кассиодан бўлак ҳамма чиқиб кетади.

Яго

Нима ўзи, лейтенант, яраландингизми?

Кассио

Ҳа, яраландим, фақат менга ҳеч қандай жарроҳ  
ёрдам беролмайди.

Яго

Нима деяпсиз, қўйинг эй, худо сақласин.

Кассио

Муқаддас унвон, муқаддас унвон, уҳ, мен ўзим-  
нинг муқаддас унвонимни йўқотдим! Мен ўз борлигим-

нинг ўлмас бир қисмини йўқотиб ҳайвон бўлиб қолдим! Менинг муқаддас унвоним, Яго, Менинг муқаддас унвоним.

### Яго

Ундай бўлса тузук-а, мен азбаройи худо, яраландингиз деб ўйлаган эдим; муқаддас унвонни йўқотишдан кўра, бу ишдан одамга кўпроқ зарар бўлади. Муқаддас унвон деган сўз, ўйин-кулгига хос, мутлақо қалбаки, ёлғон бир юк; кўпинча уни ҳеч қандай хизмат кўрсатмасдан қўлга киритадилар-ку, ҳеч асоссиз йўқотиб ҳам қўядилар. Сиз агар ўзингиз уни йўқотганингизни овоза қилмасангиз, шу муқаддас унвонни ҳеч ҳам йўқотмаган бўласиз. Етар, бас, биродар, генералга қайтадан яқин бўлишликнинг, уни ўзга тортишликнинг йўллари бор. Ахир у сизни ғазаб таъсирида ҳайдади, сизга жазо беришда эса ғазабдан ҳам олдин тактикани кузатди. Бу тактика кучли арслонни қўрқитиш учун ўзининг беозор итини тутиб олиб уришнинг худди ўзгинаси; унга қайтадан ялиниб-ёлворинг, у сизга даражангизни қайтариб беради.

### Кассио

Шундай яхши бошлиқни — мендай ярамас, маст-аласт, бачкана бир офицер лақиллатгандан кўра, мени ҳақорат қилишини ялиниб-ёлвориб сўрайман. Ўлгунча ичиб тўтидай валақлаш, кўпириб мақтаниш, уришиш, сўқиш ҳам ўз соянг билан жуда юқоридан туриб беҳуда сўзлашиш! Уҳ, сен, винонинг кўринмаган руҳи, агар сенинг ўз отинг бўлмаса, сени иблис деб атасак бўлади.

### Яго

Қилич кўтариб кимни қувлаб кетаётган эдингиз? У сизга нима қилган эди?

К а с с и о

Мен билмайман.

Я г о

Бундай бўлиши мумкин эмас? Наҳотки билмасангиз?

К а с с и о

Мен бир талай майда-чуйда ишларни хотирлайман-у, бир нарсани ёдлай олмайман: жанжал эсимда бор, бироқ сабабини билмайман. Уҳ тангрим, нима учун одамлар ўз ақлларини ўғирлайтурган душманни оғизларига оладилар? Нима учун биз базмлар, завқлар, айшу ишратлар, ўйин-кулгилар ўртасида бирданига ҳайвонга айланиб қоламиз?

Я г о

Ҳозир сиз тамоман ўзингизга келиб қолдингиз. Қандай қилиб сиз шунчалик тез бундай бўлдингиз?

К а с с и о

Мастликнинг шайтони, ўз ўрнини ғазабнинг иблисига марҳаматан бўшатиб беради. Бир ярамаслик иккинчи ярамасликни етаклаб, мен ўз-ўзимни мумкин қадар булғашимга, ҳақорат қилишимга мажбур қилгани келди.

Я г о

Қўйинг-эй, ўзингиз ҳам ҳаддан ташқари мустаҳкам ахлоқпараст экансиз? Албатта энди оролнинг ҳозирги вазияти — вақт ва шароити нозиклигини эътиборга олганда, мен жоним билан бу ҳодисанинг юз бермаслигини истардим. Модомики бўлар иш бўлган экан, чидаб, ҳамма ишни бизнинг манфаатимизга қараб ҳал бўлишини таъмин қилиш керак.

## Кассио

Агар мен ундан ўз даражамнинг қайтарилишини сўрасам, у бир оғиз гап билан, сен пияниста, деб қўя қолади. Агар менинг етти бошли аждаҳодай оғзим кўп бўлганда ҳам, ҳалиги битта сўз ҳаммасини қоплашга кифоя қилади. Бошда эсли-ҳушли киши бўла туриб, бирданига тентак бўлиб қолсанг, энг охири қора молга айлансанг, ух, қандай ғалати тақдир-а! Ҳар бир ортиқча қадаҳ — бу бир малъун, қадаҳ ичидаги нарса эса иблиснинг ўзи.

## Яго

Бас, бас! Яхши шароб — агар ундан ақлли фойдалана билсангиз, меҳрибон, яқин дўст билан тенг. Уни ортиқча койий берманг. Севимли лейтенант, мен биламан, сизни қанчалик яхши кўрганлигимга ишонасиз-а?

## Кассио

Мен бунга қаттиқ ишондим, афандим, мен кўпроқ ичиб қўйибман.

## Яго

Ахир, дўстим, сиз ҳам бошқа одамлар сингари пайти келганда шунақа маст бўлишингиз мумкин. Мен ҳозир сизга энди нима қилиш кераклигини айтаман. Бизнинг генерализмизнинг хотини энди ўзи генерал. Мен бу гапни шу маънода айтаётибманки, генерализмиз унинг латофатини сайр қилиш, ҳаяжонланиш учун ўзини бутунлай топшириб қўйган. Сиз ҳам бунга астойдил иқрор бўлингиз. Сиз Дездемонага ҳадеб илтимос қилаверинг — у сизга даражангизни қайтариб олишда ёрдам беради. У шундай саховатли, мулоим, меҳрибон, яхшилиқ қилишни севгувчи бир хотинки, у ўзидан қилинган илтимосни ошириб ўрнига келтирмасликни ҳатто гуноҳ деб санайди. Унинг эри билан ўртангизда узилган алоқани тиклаш учун унга ялиниб-ёлворинг. Мен

истаган киши билан истаганча маблағга, бутун давлатимни гаров қўйиб айтаманки, у билан ўртангиздаги муҳаббат, илгаригидан ҳам маҳкамлашиб кетади.

К а с с и о

Сиз менга яхши маслаҳат бераётибсиз.

Я г о

Мен бу гапни, сизга бўлган содиқ хайрихоҳлигим ва қизгин муҳаббатим юзасидан ишонтириб айтаётиман.

К а с с и о

Мен бунга ишонаман, эртага барвақт бориб саховатли Дездемонадан менинг учун восита бўлишни илтимос қиламан. Агар бу навбат ҳам менинг толеим ёр бўлмаса, иннайкейин унга ишонмай қўяман.

Я г о

Тўғри айтасиз. Хўп, ҳозирча хайрли кеч, лейтенант! Мен қоровулга боришим керак эди.

К а с с и о

Хайрли кеч, содиқ Яго.

*(Чиқиб кетади.)*

Я г о

Менинг асл ва покиза насиҳатларим  
 Маврни яна қайта бошдан ўрга тортиш-чун  
 Тўғри йўлга етакларкан, қани айтингиз,  
 Мени разил деб аташга ким ботинади?  
 Хайр ишларга тортиш учун Дездемонани  
 Ҳеч қийинлик тортилмайди, жуда ҳам ўнғай.  
 Ўзи каби сахий қилиб туққан табиат.  
 У кўп осон кўндиради эрин бу ишга.

Эри унга шунча ишқ-ла боғланиб қолган,  
 У буюрса унинг жони диндан кечади.  
 Хотин уни ечади ҳам, туголади ҳам.  
 Агар бирор орзуни истаса дилбар,  
 Ўз эрининг бўшлигига бўлар ҳукмрон.  
 Шундай экан, ким айтади мени мудроқ деб.  
 Кассионинг ҳожатлари чиқажак жойга  
 Бора турган тўпла-тўғри йўл айтдим, ахир?  
 Худойимнинг дўзахлари, қора шайтонга  
 Бирор улуғ гуноҳ жуда зарур бўлганда  
 Худди шу топдаги каби улар ҳар маҳал,  
 Аввал бизга кўк юборар намуна — ҳайкал.  
 Қачонки бу Кассио, ҳақпараст аҳмоқ,  
 Илтимослар қилар бўлса Дездемонадан  
 У ҳам бориб Отеллога ялина бошлар.  
 Мен ҳам унинг қулогига заҳар қуяман:  
 «Хотинингнинг бузуқ йўли учун Кассио  
 Керак бўлса керак» дейман. Хуллас иш тамом,  
 Хотин унга зўрлик билан ёлворган сари  
 Отеллонинг ишончи ҳам шунча тугалар.  
 Дездемона шафқатига қорамой суриб,  
 Шу шафқатдан тўр тўқийман, тузоқ тўқийман,  
 Ҳаммаси ҳам бу тузоққа тушмай қолмайди.

Родриго кириб келади.

Хўш. Родриго нима гап бор?

Родриго

Мен бу ерда ов қилиш учун қўйиб юборилмай,  
 хуруш, вовиллаш учун занжирга боғлаб қўйилган итга  
 ўхшаб қолдим. Бутун пулларим харажат бўлиб туга-  
 лай деб қолди! Ундан ташқари, бугун кечқурун мени  
 ўхшатиб саваладилар. Энг охири мен шу фикрга келиб  
 қолдимки, мен бу, бутун меҳнатлар натижасида фа-

қатгина тажриба орттириб, беш танга пулсиз ҳам бир озгина миқдордаги тушунча билан Венецияга қайта турган кўринаман.

### Яго

Чидами оз кишиларга раҳмим келади!  
 Қай ярани бир нафасда тузатиш мумкин?  
 Ҳаммасига ақл ишлайди, маккорлик эмас,  
 Шу ақл ҳам вақт ўтишга бўйин эгади.  
 Хўп, Кассио, сени урди, шу аҳмоқликми?  
 Арзимаган шу иш уни ишдан ҳайдади.  
 Қуёш кўрмай пиша турган мевалар ҳам бор,  
 Қуёш кўрган мева тезроқ гуллаб, етилар.  
 Бир озгина чида! Мана тонг отиб қолди.  
 Иш ва эрмак соатлари ғоятда қисқа.  
 Уйингга кет, қайда ётиб турсанг, шунга кет,  
 Ҳозир жўна, кейин яна кўпроқ биласан.  
 Жўна дейман.

Родриго чиқиб кетади.

Ҳозир энди олдимизда турар икки иш:  
 Хотинимни ишга солай, маликасидан  
 Кассионинг тўғрисида илтимос қилсин,  
 Ўзим эса Отеллонинг олиб кетаман.  
 Қайтганда Кассионинг худди устига,  
 Елворишнинг тепасига етиб келамиз.  
 План битди, энди эса жиндак тўхтамай  
 Ҳийлаларни ишга солиш навбати келди.

(Чиқиб кетади.)



## III ПАРДА

## БИРИНЧИ ҚҰРИНИШ

Қасринг эшиги олдида.  
К а с с и о билан музикантлар чиқадилар.

К а с с и о

Ишингизга ҳақ тўлайман. Шу ерда чалинг, Мубо-  
ракбод қўшиғини куйланг генералга.

Музыка чалинади. Қ и з и қ ч и чиқади

Қ и з и қ ч и

Хўш, ўзи нима гап, афандилар? Сизнинг асбобла-  
рингиз Неаполда<sup>1</sup> ҳам саёҳат қилиб келганми дейман,  
улар нима учундир димоғ билан ғурурланмоқдалар?

1-музикант

Яъни нима демоқчисиз, афандим?

Қ и з и қ ч и

Ахир бу асбобларингиз, ижозат берсангиз, духовой,  
яъни ел билан, нафас билан чалина турган асбоблар  
деб аталмайдими?

1-музикант

Албатта, афандим, духовой деб аталади, ел билан  
чалинади.

<sup>1</sup> Илгари сифлис касали «Неаполь касали» деб аталарди,  
бундан ташқари неаполликлар димоғи билан сўзлашадилар.  
Бу ерда икковидан бирига пичинг қилинаётган бўлса керак.

## Қизиқчи

Шунинг учун буларга дум боғлаб қўйилганми?

## 1-музикант

Яъни, қандай дум боғланган, афандим?

## Қизиқчи

Ҳалигача менга маълум бўлган, ел билан чалина-турган бирталай асбобларнинг худди ўзгинаси каби-да. Бироқ менинг афандиларим, мана сизга ақча, сизнинг музикангиз генералга шунчалик ёқиб тушдики, у ортиқ шовқинламасинлар деб койймоқда.

## 1-музикант

Ундай бўлса, яхши, афандим, ортиқ чалмаймиз.

## Қизиқчи

Агар сизда чалинганда эшитилмай турган музика асбобларидан бўлса, қайта бошдан чалишингиз мумкин, чунки нима эди, нима дейилади. Ҳа, халқ музика эшитай деб кетаётгани йўқ...

## 1-музикант

Бизда бундай музика ҳам йўқ, афандим.

## Қизиқчи

Бундай тақдирда карнай, сурнайларингизни йиғиштириб қопга уринг-да, туёғингизни шиқиллатиб қолинг, бўшатиб, жунаб, шамолга сингиб, тўзиб кетинг!

Музикантлар чиқиб кетадилар

## Кассио

Ҳой, сен менга қара, гапимга қулоқ сол, ўртоқжон!

## Қ и з и қ ч и

Йўқ, мен сизнинг ўртоқжонингиз эмас, сизга қулоқ соламан.

## К а с с и о

Сўрайман, шу ҳазилкашликларни бир оз қўйиб тур. Мана бу кичкинагина олтин танга сенга аталган. Агар генерал хотинига хизмат қилувчи хотин ўрнидан турган бўлса айт, қандайдир Кассио деган йигит, сиз билан қисқагина сўзлашишни илтимос қиляпти дегин. Шу иш-ни қила оласанми?

## Қ и з и қ ч и

У хотин умуман туради, афандим. Агар у бу ерга келиб турмоқчи бўлса, унга бу тўғрида хабар бериб қўйишга уннаб кўраман.

## К а с с и о

Шундай бўлсин, жон биродар, тезроқ бориб айт.

Қ и з и қ ч и кириб кетади. Я го чиқади.

Қандай яхши, ўз вақтида келдингиз, Яго.

## Я го

Бу кечаси бошдан-оёқ ётмадингизми?

## К а с с и о

Йўқ. Сиз билан ажрашганда тонг отган эди. Яго, бунда чақирсин деб, хотинингизга Бир кишини юборишга ботирлик қилдим. Сўраб берсин хуш қилиқли Дездемонадан Ҳузурига кириш учун менга ижозат.

Яго

Мен айтаман, ўзи ҳозир бунда келади,  
Ҳам маврни четлатишга ўйлайман чора,  
У бўлмаса сўз ҳам, иш ҳам эркин бўлади.

Кассио

Чин юракдан раҳматимни айтаман, Яго.

Яго кириб кетади.

Шунинг каби содиқ, жўмард битта одамни.  
Флорентилар<sup>1</sup> орасида кўрмадим асло.

Эмилия чиқади.

Эмилия

Салом сизга, қайғунгизга жуда ачиндим.  
Бариси ҳам тез орада ўтар, лейтенант.  
Генералимиз суҳбатлашди хотини билан.  
Сизнинг учун Дездемона илтимос қилди.  
Мавр айтди, яраланган қибрислик киши  
Бу ерларда кўп обрўли, аслзод экан;  
Сизни ишдан ҳайдаш эса бир чора бўлиб  
Талаб қилар экан буни ақлу эҳтиёт.  
Лекин сизни севганини у иқрор қилди,  
Бу ўртада воситанинг кераги ҳам йўқ,  
Қулай фурсат келиб қолса, бераман ҳуқуқ,  
Қайта бошдан ўз ишига оламан,— деди.

Кассио

Сиздан яна сўрар эдим, имкони бўлса,  
Сўраб беринг, бу ишни сиз топсангиз маъқул.

---

<sup>1</sup> Яго ўзи венециялик. Кассио эса флоренциялик, Кассио ҳатто ватандошларим ичида ҳам Ягодай содиқ кишини кўрмаганман, демоқчи.

Дездемона билан фақат бир неча минут  
Елғиз қолиб сўйлашолсам.

Эмилия

Марҳамат қилинг,  
Қани юринг, сўраб берай Дездемонадан,  
Сўйлашингиз, юрагингиз бир оз бўшасин.

Кассио

Сизга жуда миннатдорман.

Ҳар икковлари кириб кетадилар.

### ИККИНЧИ ҚҮРИНИШ

Қасрда бир уй.

Отелло, Яго ва Қибрис аъёнларидан бир неча  
вакиллар чиқади.

Отелло

Бу мактубни, Яго, элтиб штурманга бер,  
У топширсин ҳурмат билан буни сенатга.  
Қалъаларга қўймоқчиман энди қадамни.  
У ерга бор.

Яго

Амрингизга тайёрман, генерал.

Чиқиб кетади.

Отелло

Қани кетдик қалъаларга, жаноб олийлар!

Офицерлар

Сизнинг барча амрингизга тайёрмиз.

Чиқиб кетадилар.

## УЧИНЧИ ҚҰРИНИШ

Қаср ичидаги боғда.

Дездемона, Кассио ва Эмилия чиқади.

Дездемона

Ишона бер, бутун кучим, эпчиллигимни  
Сенинг учун ишлатаман, азиз Кассио.

Эмилия

Мана-мана, марҳаматли, азиз маликам!  
Бу кўнгилсиз воқеадан эрим бечора  
Худди шахсий фалокатдай оғир қайғуда.

Дездемона

У жуда ҳам содиқ киши! Сен ҳам Кассио,  
Шубҳаланма, эрим билан орангизни мен  
Аввалгидай ўртоқ қилиб келиштираман.

Кассио

Уҳ маликам!  
Кассионинг ҳаётида не учраса ҳам  
Сизга содиқ банд бўлиб қолур ҳамма вақт.

Дездемона

Мен биламан. Раҳмат сизга, кўп вақтдан  
бери

Генерални астойдил яхши кўрасиз.  
У сиз билан узоқлашиб юради фақат  
Сиёсатнинг талаблари ўзгаргунича.

Кассио

Қўрқаманки, узоқ кетар бу иш, маликам.  
Сиёсатнинг ўзгариши чўзилар, ёки  
Евфон овқат ичган каби кундан-кун шишар,  
Мен узоқда, вазифам банд — генерал унутар  
Унга бўлган севгимни ҳам, хизматимни ҳам.

## Дездемона

Шубҳаланма, Эмилия гувоҳим бўлсин,  
 Қайта бошдан вазифангга ўринлашасан,  
 Дўстлик расмин етказаман охиригача;  
 Уз ваъдамни бажараман, эримни эса  
 Ухлагани ҳам қўймайман, сабрин оламан.  
 Етоқ унга мактаб бўлур, дастурхон — меҳроб.  
 Қайси ишга тутинса ҳам гаранг қиламан,  
 Кассионинг иши учун таранг қиламан.  
 Унинг учун парво қилмай ўйнаб, кула бер.  
 Ишон, сенинг воситачинг бир ишни бошлаб  
 Охирига етказмаса ўлгани яхши.

Отелло билан Яго кўринади.

Эмилия

Хўжайиним келаяпти.

Кассио

Майли, мен кетай?

Дездемона

Йўқ, сен менинг сўзларимга яхши қулоқ сол.

Кассио

Йўқ, маликам, букун эмас; шошиб турибман.  
 Бу иш менга бирор шикаст бериши мумкин.

Дездемона

Хўп майлига, истаганинг бўлсин, Кассио.

Кассио чиқиб кетади.

Қоғоз кўтарган Отелло билан Яго яқинлашади.

Яго

Бу иш менга ҳеч ёқмади.

Отелло

*(Бирдан ўғирилиб)*

Нима ёқмади? Нималар деб ўз-ўзингча тўнғилла-  
япсан?

Яго

Йўқ, ҳеч гап йўқ... Бироқ шундай, ўзим генерал.

*(Қоғозларни кўздан кечиради).*

Отелло

Хотинимдан узоқлашган Кассиомиди?

Яго

Йўқ, Кассио эмас, генерал! Ишнолмайман,  
Сизни кўриб қўлга тушган ўғри каби нега қочади?

Отелло

Ўйлайманки, бу кеткувчи Кассио эди.

*(Ўйчан стол ёнига боради.)*

Дездемона

Хўш, нима гап? Генералим, азиз Отелло,  
Битта жабрдийда билан суҳбатда эдим,  
Ғазабингиз афкор қилган бир шўрлик билан.

Отелло

Қани, қани, ким экан у жабрдийдангиз?

Дездемона

У Кассио, сизнинг яқин лейтенантингиз.  
Азиз дўстим, менда борми бирор ихтиёр?



Сизга бир оз таъсир қилсам хўп бўладими?  
 Сўрар эдим, келишингиз энди у билан.  
 Наҳотки у сизни қаттиқ яхши кўрмаса.  
 Узида йўқ, ёмон гуноҳ қилиб қўйибди,  
 Шундай содиқ кишиларни айблаётмайман,  
 Сўрар эдим, қайтариб бер вазифасини.

Отелло

Келганмиди?

Дездемона

Келди, жуда афғор, азизим.  
 Ўз қайғусин бир қисмини менга сўйлади.  
 Кўп ачиндим, қайтар, жоним, вазифасига!

Отелло

Дездемона, ҳозир эмас, бир оз кейинроқ.

Дездемона

Қачон?

Отелло

Мумкин қадар тезлатаман, сиз учун, жоним!

Дездемона

Қачон, бугун кечга қадар?

Отелло

Йўқ, бугун эмас.

Дездемона

Ё эртага тушгачами?

Отелло

Уйда бўлмайман,  
 Истеҳкомда анчагина зарур ишим бор.

## Дездемона

Хўп бўлмаса, бўладими, эрта кечгача,  
 Ё сешанба эрта билан, нонушта пайти,  
 Ё кечқурун, ё чоршанба эртасигача?  
 Бирор вақтни муқаррар қил, кутмасин

шунча.

Уч кундан кўп бечорага бермагин азоб,  
 Тавбасига таянтирмиш сендаги газаб.  
 Тўғри, ҳарбий ҳолат вақтида яхши кишига  
 Жазо бериш бошқаларга бўлур намуна.  
 Унинг қилган бу гуноҳи қанча бўлса ҳам  
 Биттагина «ҳайфсан»нинг ўзи кифоя.  
 Қани айт-чи, қачон келсин? Мен билолмадим,  
 Қачон, қайси илтимосинг ерда қўйибман,  
 Ёки сустроқ бажарибман қайси сўровни.  
 Сиз орқамдан хуштор бўлиб юрган вақтларда  
 Шайнингизга бирор ёмон фикрни айтсам,  
 Сизнинг учун талашарди микели Кассио.  
 Энди келиб бизга битта иши тушибди,  
 Қийин бўлди ўз ишига қайтариш менга!  
 Мендан сўрса илтифотим бўлмас эди оз.

## Отелло

Етар. Майли истаганда келсин Кассио.  
 Қайтармайман ҳар қанақа сўровингизни.

## Дездемона

Оз бўлса ҳам меҳру шафқат эмасдир бу иш,  
 Гўё қўлқоп кийишликни сиздан сўрадим.  
 Ё овқат енг, ё иссиқроқ кийининг дедим,  
 Фақат кўзда тутиб сизнинг ўз фойдангизни.  
 Йўқ, агарда синамоқчи бўлсам чинакам  
 Муҳаббатни, унда менинг сўровларимни  
 Урилатиш жуда оғир ва қийин бўлур.

## Отелло

Қайтармайман, дедим ахир, истаганингизни!  
Энди сен ҳам ўрнига қўй илтимосимни.  
Озгина вақт мени бунда ёлғиз қўйиб тур.

## Дездемона

Қайтаришга имконим йўқ, хайр Отелло.

## Отелло

Дездемона, мен ҳам тездан етиб бораман.

## Дездемона

Қани кетдик, Эмилия.

(Отеллога қараб.)

Майли орзунгиз  
Ўзингизни ҳам ўқитсин, мен доим муте.

Эмилия билан бирга чиқиб кетади.

## Отелло

Маккор хотин! Нишонасиз йўқол юрагим.  
Бироқ сени мен севаман, севмай қўйсам-чи,  
Тартибсизлик, чуволчиқлик қайтиб келади.

## Яго

Азиз генерал...

## Отелло

Нима, Яго?

## Яго

Билмак истайман.

Маликамга совчи қўйиб юрганингизда  
Завқингиздан Қассио ҳам хабардормиди?

Отелло

Ҳаммасини билар эди. Нега сўрадинг?

Яго

Йўқ, шунчаки бир фикрни ёзмоқ истардим,  
Емон ният билан эмас.

Отелло

Қандай фикр у?

Яго

Танишлигин билмас эдим, Дездемонага.

Отелло

Балли, кўп вақт бирга бўлар эди биз билан.

Яго

Ҳали шундай денг.

Отелло

«Ҳали шундай!» «Ҳали шундай денг!..»  
Хўш, бу ишда нима кўрдинг, тўғрисини айт?  
Шубҳанг борми Кассионинг садоқатига?

Яго

У, садоқатли, генерал.

Отелло

Тўғри, садоқатли, садоқатли!

Яго

Менга ҳам шундай маълум бўлади.

## Отелло

Хўш, нимани ўйлаб қолдинг, сен?

## Яго

Ниманими ўйлаб қолдим?

## Отелло

Ўйлаб қолдим! Ё тавба-эй, такрор қилади,  
Гўё унинг миясида ваҳшат яшар-да,  
Яширинар, қани айт-чи, тахмининг нима?  
Узоқлашиб кетар экан ҳали Кассио  
«Мен бу ишни ёқтирмайман» дединг, эшитдим,  
Сўнгра сенинг саволингга мен жавоб бериб  
Ишқим учун маслаҳатчи бўлганин айтсам,  
Бирданига қош чимириб «Ҳали шундай денг»  
Деган бўлдинг, қани айт-чи, ўзи нима гап?  
Гўёки бир даҳшатли ўй яширин миянгда.  
Мени севсанг ҳаммасини очиб ташлаб айт.

## Яго

Биласизми, сизга қанча муҳаббатим бор.

## Отелло

Ишонаман. Сен бир сўзни бошлар экансан,  
Муҳаббатнинг, тўғрилиқнинг қадрини билиб,  
Аввал яхши текширмасдан ошкор айтмайсан.  
Ярим-ёрти, мубҳам жавоб мени қўрқитар,  
Паст, шарлатан кишиларга имо-ишорат  
Ҳийла-ю, макр ишларига ярайди фақат.  
Аммо ҳақгўй кишиларнинг ҳар ишорати  
Юракдаги жўшқин ўйнинг бир ифодаси.

## Яго

Қасам ичиб айтишга ҳам тайёрман ҳозир,  
Ишонаман Кассионинг садоқатига.

## О т е л л о

Мен ҳам унга ишонаман.

## Я г о

Одам деган чин ўзини очиқ кўрсатса,  
Ўзида йўқ фазилатни сотиш бўш нарса.

## О т е л л о

Бу фикрингга қўшиламан, одамга керак  
Ўз-ўзини кўрсатиши бор бўлганидек.

## Я г о

Шунинг учун ишонаман — Қассио содиқ.

## О т е л л о

Йўқ, йўқ. Яго, бу сўзингнинг бошқа жони бор.  
Ўзинг билан — ўзинг гўё гапиришгандек  
Барисин айт. Нега тагин ўйланиб қолдинг!  
Емон фикр бўлса майли, ёмон сўзда айт.

## Я г о

Кечирингиз, амрингизни бажариш бурчим,  
Лекин қулларнинг эркича бир оз эрким бор.  
Ўз фикримнинг барчасини очиб ташлайми?  
Бу фикрлар агар жуда расво бўлса-чи?  
Топиларми тубанликлар кирмаган сарой?  
Қай кўкракда чин ва тоза ўй билан қатор  
Яшамаган турли-туман кирли шубҳалар,  
Қайси судда қонунлашган фикрга қарши  
Ўни зидди турмагандир.

## О т е л л о

Сен суйиқасд қилаяпсан дўстингга, Яго  
Маъқул эмас фикрдасен унинг ҳақида.

## Яго

Балки шундай,

Янглишарман, балки адашув.

Иқрорманки, юрагимнинг табиаги шу,  
 Ҳар қаерда хиёнатни излаб қоламан.  
 Шубҳаларни сева турган бу майлим билан  
 Озмунча ҳам гуноҳларни қилиб қўймадим,  
 Бинобарин менинг бундай ожиз тахминим  
 Ва туманли, кўп беқарор муҳокамадан  
 Хижолат ҳам чекмасангиз бўлади, чунон,  
 Эътибор ҳам керак эмас, сиздан сўрайман.  
 Изн бермас на тинчгина, бахтли умрингиз,  
 На тажрибам, садоқатим ва на шарафим  
 Уз фикримни сўйламоққа бермас ижозат.

## Отелло

Нима деяпсан?

## Яго

Номус, шараф қимматбаҳо хазинага тенг,  
 Хотиндами, эркакдами барибир, сардор.  
 Ҳамён ўғирлашлик нима, арзимас нарса,  
 Ҳамён кеча меникийди, бугун уники,  
 Пулу давлат, ҳамён деган минг қўлнинг кири,  
 Бироқ мен ўз номусимни ўғирлатсам-чи?  
 Ўғри бундан озгина ҳам бой бўлолмайди,  
 Лекин мени талон қилур бу иш абадий.

## Отелло

Худо шоҳид, мен фикрингни биламан энди.

## Яго

Юргимни қўлга олиб, билолмасдингиз,  
 Мен яшириб турибман-ку, қандай биласиз?

## О т е л л о

А!

Я г о

Рашкдан бир оз сақланингиз, муҳтарам сардор.  
 Бу зангор кўз аждар нусха-ҳориқулудда  
 Ўз қурбонин таҳқир қилиб қаҳ-қаҳ солади.  
 Шундай эрлар бахтиёрки, унинг олдига  
 Похол солиб қўйилганин яхши билади,  
 Бор-эй дейди, бевафони севмай қўяди.

Бироқ доим шубҳа билан хотинни севиб  
 Кучли ишққа мубтало-ю, ажралолмайди.  
 Бундай эр бахтсиз:

О т е л л о

Уҳ, қандай азоб!

Я г о

Бадавлатдир тақдирига кўнган камбағал,  
 Аммо бошқа бир кишида давлат бўлса ҳам  
 Доим фақир бўлишликдан чўчиб яшаса,  
 Бундай киши камбағалдир. Илоҳий тангрим,  
 Рашк ўтидан ўзинг сақла бутун наслимни.

О т е л л о

Тўхта, нима демоқчисан?  
 Истайсанки, умр бўлсин рашкдан иборат.  
 Ҳар чорак ой янги-янги шубҳа туғсинми?  
 Йўқ, йўқ, агар мен озгина шубҳани сезсам  
 Ҳамма ишни ҳал қиламан ўша топдаёқ.  
 Агарда мен сенинг бундай бўш ҳам бўлмағур  
 Ва бекорчи шубҳанг учун кўнглимни берсам,  
 Мени битта така билан алмаштириб қўй!  
 Тўғри, менинг хотиним кўп гўзал: зийнатни,



Яхши кийиш, эркин юриш, баэмни, танцани,  
 Қўшиқ айтиш, барисини яхши кўради,  
 Шу тўғрида сен гапирсанг, мен рашк қилмайман.  
 Тозалик бор ерда, ҳамма нарса ҳам тоза.  
 Ҳатто менда ҳусн ҳам йўқ ва жозиба ҳам,  
 Булар менда зарра қўрқув, шубҳа тугдирмас.  
 Ахир мени танлаганда кўзи бор эди.  
 Йўқ, йўқ, Яго, шубҳа деган кўриш истайди,  
 Шубҳа тугса яна керак унинг исботи.  
 Исботи ҳам бўла қолса сўнгида қалбдан  
 Ишқимни ҳам, рашкимни ҳам юлиб ташлайман.

### Яго

Қойил қолдим, энди дадил кўрсатажакман  
 Сизга бўлган ҳурматимни, муҳаббатимни.  
 Сизга бурчим нимани айт деса айтаман,  
 Исботлари тўғрисида гап айтолмайман.  
 Хотинингиз орқасидан кузатиб юринг,  
 Айниқса у сўзлашаркан Қассио билан.  
 Рашк биланми, ишонибми? Фақат сергакроқ!  
 Шундай олий, тоза руҳнинг алданувини  
 Астойдил истамайман, яхши кузатинг.  
 Менга маълум венециялик хотинлар феъли,  
 Бир худога ошкордур уларнинг сири.  
 Бундай бузуқ сирларини эрлар билмайди.  
 Виждонлари сир яшириш учун ишлайди.

### Отелло

Сен нима деяпсан?

### Яго

Отасини алдади-ку, сизга тегаркан...  
 Ҳамма аввал ўйлар эди, бир қарашингиз  
 Уни жуда қўрқитару хавфга солар деб,  
 Ваҳоланки, юрар экан жон билан севиб.

## О т е л л о

Тўғри.

Я г о

Чин эмасми?

Шунча ёшу — шунча ҳийлакор.

Отасининг кўзин шунча маҳкам қоплади.

Шўрлик кекса ҳаммасини жоду деб билди.

Аччиғланманг. Сизга қаттиқ муҳаббатим бор.

Шунинг учун ўтинаман, мени кечиринг.

О т е л л о

Бир умрга сенинг билан дўстлигим маҳкам.

Я г о

Бу гап билан сизни бир оз ҳаяжонлантирдим,

Кўриб турибман.

О т е л л о

Йўқ, йўқ, асло.

Я г о

Агар шундай бўла қолса, жуда қўрқаман.

Ишонаман, сизга айтган бу сўзларимни

Муҳаббат белгиси деб қабул қиларсиз —

Кўряпман, ахир, дўстим, ҳовлиқяпсиз...

Менинг айтган сўзларимнинг маъноларини

Кенгайтирманг, жиддий қарор, натижагача

Ахир булар оддийгина шубҳанинг ўзи.

О т е л л о

Эътибор бермайман.

Я г о

Агар шундай бўла қолса, менинг сўзларим

Энг ярамас мақсадларга етган бўлади.

Мен бу ишни истамайман. Ахир Кассио  
Менинг дўстим. Қўйнинг генерал, кўриб

турибман.

Қовлиқяписиз, ҳаяжондасиз.

Отелло

Унчалик эмас.

Мен биламан, Дездемона мустаҳкам хотин.

Яго

Худо унга умр берсин, сизга ишониш.

Отелло

Балки шундай табиатнинг ўзи алдовдир...

Яго

Ана балли, масала ҳам худди шу ерда.  
Энди журъат билан сизга айта олайин;  
У бирталай тагдор зотлар, юксак рутбали  
Ўз юртидан совчиларнинг раъйин қайтариб  
Сизга чиқди. Худди мана шуларнинг бари,  
Табиатнинг хоҳишига жуда мувофиқ.  
Тфу, бундай эр танлашдан ҳидламоқ мумкин  
Йўлдан чиқиш, тубан фикр лаззатларини..  
Аммо мени афв этингиз, бу сўзнинг қатъий  
Дездемона шахси учун йўқ тааллуқи.  
Масала-ку шундай, аммо яна қўрқаман,  
Ҳисси ғолиб келиб қолиб муҳокамадан,  
Мабодо у солиштира башарангизга  
Юртидаги йигитларнинг юзини, унга  
Пушаймонлик ғолиб келса.

Отелло

Хайр, хайр, кет.

Яна бирор нарса сезсанг, менга келиб айт,  
Хотининг ҳам орқасидан кузатсин. Хайр.

Я го

(Кета туриб)

Хайр, ҳурматли генералим.

Отелло

Нега уйландим?

Шубҳа йўқки, содиқ Яго кўпроқ билади.  
Айтганидай яна кўпроқ гаплар унда бор.

Я го

(қайтиб келиб)

Бу ишлардан унча чўнқир хаёлга чўмманг,  
Фурсат беринг, шошилманг ҳеч сиздан сўрайман;  
Қассиони хизматига қайтариш мумкин,  
У бу ишни ўринлатиб, бажарар эди.  
Бироқ ҳозир четроқ турса янаям яхши,  
Юрагига, мақсадига кира оласиз,  
Яхшигина зеҳн қўйинг Дездемонага,  
У илтимос қила бериб тинкага тегар,  
Ана шундан талай ишлар равшан бўлади.  
Ҳозирча, мен сиздан жуда сўраб қоламан,  
Менинг ўзим серташвишроқ — қўрқоқ

одамман,

Сиз ҳам менинг битта восвос киши ҳисобланг.  
Фараз қилинг, ҳеч айби йўқ хотинингизнинг.

Отелло

Мен ўзимни жуда яхши тута оламан.

Я го

Хайр, ҳурматли генералим.

(Чиқиб кетади.)

## Отелло

Содиқ одам, кишиларнинг ишига қараб,  
 Қалбларини яхшигина била олади.  
 Сар лочиним, қолган бўлсанг ёввойилашиб.  
 Тушовингни узар эдим, агар тушовинг  
 Юрагимнинг торларига бўлганда ҳам тенг,  
 Сени ортиқ бўшатаман, шамол бўлиб уч!<sup>1</sup>  
 Ва истаган овга қараб чангалингни ур.  
 Мен қоп-қораманми?  
 Мен бир тўда олифталар сингари — текис  
 Силлиқ қилиб сўзлаёмайманми?  
 Балки менинг ёшим анча ўтиб қолгандир?  
 Бироқ ҳали унча қариб қолганим йўқ-ку.  
 Бари кетди.) Мен алданган; мен бечорага  
 Ғазабларнинг ҳиссигина берар тасалли.  
 Маълум никоҳ, нозик ёрни ҳадя қилса ҳам  
 Унинг ҳисси бўйин эгмас бизларга бир дам.  
 Уҳ, мен севган буюмимдан бир бўлагини  
 Бошқа бирор киши билан баҳам кўргунча  
 Қошки эди чўл қурбақа бўлиб туғилсам,  
 Хўрлик билан ер тубида, кавакда ўлсам.  
 Бу рутбали кишиларнинг очган яраси  
 Тубанларнинг ярасидан яна аламли.  
 Таҳқир деган ўлимдай ҳақ. Биз туғиларкан  
 Пешонага шундай хўрлик ёзилган экан,  
 Олдимизга похол солиш, бариси тақдир.

Дездемона билан Эмилия кириб келади.

Ана ўзи келаётибди Дездемонанинг.  
 Агарда у менга ёлгон сўйласа, осмон  
 Уз устидан кулажакдур. Йўқ, ишонмайман.

<sup>1</sup> Лочин билан ов қилганда, лочинни шамол оққан томонга қўйиб юборар эдилар. Шамолга қўйилган лочин кўпинча қайтиб келар эди.

## Дездемона

Отелло,

Отамизнинг улуглари, сизни кутади.

Овқат тайёр. Сиз чақирган экансиз, ахир.

## Отелло

Тўғри, мен айбдор.

## Дездемона

Нима қилди, нима учун товушингиз майин,

Қасалмисиз? Бир ерингиз оғрияптими?

## Отелло

Ҳа, пешонам, шу ер бир оз оғриб турибди.

## Дездемона

Балки бу иш кечалари ухламасликдан,  
 Қелинг, маҳкам рўмол билан танғиб қўйинг,  
 Кўрмагандай тузаласиз бир соат ўтмай.

## Отелло

Рўмолчангиз жуда кичкина.

Рўмолчани итариб юборади. Дездемона уни ерга  
 туширади.

Буни қўйинг. Қани юринг, бирга борамиз.

## Дездемона

Бирданига шундай оғриб қолибсиз, аттанг.

Отелло билан Дездемона чиқиб кетади.

## Эмилия

Рўмолчаси ахир қўлга тушди, севиндим.

Бу рўмолча мавринг унга илк бор совғаси.

Тентак эрим мендан, уни ўғирлагил деб,

Юз мартаба сўрар эди, бироқ рўмолча  
Севги муҳри, жуда қиммат Дездемонага.  
Маврнинг ўзи рўмолчани унга бераркан,  
Бу совгани эҳтиётлаб сақлагил — деган.  
Шундан буён ажратмайди буни ёнидан  
Эркалайди, сўйлашади, севиб ўпади.  
Мен ҳам бундан битта нусха кўчираман-да,  
Ўзин эса топшираман эрим — Ягога.  
Нима учун керак бўлди унга рўмолча?  
Мен билмайман, фақат амрин қилишим вожиб.

Яго чиқади.

Якка-ёлғиз бунда нима қилиб турибсиз?

Эмилия

Койий берманг! Сизнинг учун битта нарса бор.

Яго

Менинг учун битта нарса? Ҳар галги молдур...

Эмилия

Нима?

Яго

Эҳ, аҳмоқ хотин.

Эмилия

Шунинг ўзи ҳаммасими? Хўш қани айтнинг,  
Бу рўмолча бадалига нима берасиз?

Яго

Қандай рўмол?

Эмилия

Қандай рўмол эмиш? Ахир буни Отелло  
Совга қилиб берган эди Дездемонага,  
Ҳар гал уни ўғирла деб, сўрардингиз-ку.

Я г о

Сен ўғирлаб келтирдингми?

Э м и л и я

Иўқ, у билмай ўз ёнидан тушириб қўйди,  
Уша ерда эдим, дарров мен ола қолдим,  
Мана ўзи!

Я г о

Барака топ, опоқ қизча! Бу ёққа бер-чи?

Э м и л и я

Қани айтинг, рўмолчани нима қиласиз?  
Нима учун ўғирлашни сўраб эдингиз?

Я г о

Нима қилсам, менинг ишим, сизга барибир.

*(Рўмолчани тортиб олади.)*

Э м и л и я

Унча зарур иш бўлмаса, қайтариб беринг,  
Иўқотганин билса агар шўрлик маликам,  
Худди эсдан ажраб қолар.

Я г о

Билмайман, деб айт.  
Бу рўмолча менга зарур, қани жўнаб қол!

Э м и л и я чикиб кетади.

Кассионинг уйига мен бунни ташлайман,  
Рўмолчани у албатта топиб олади.  
Рашкчи киши учун бундай бўлмағур далил  
Худо сўзи каби кучли натижага тенг.  
Менинг учун бу албатта ишга ярайди.  
Маврни анча ўзгартирди мен берган оғув.  
Шубҳанинг бор табияти — заҳар билан тенг:



Аввал бошда мазаси ҳам аранг сезилур.  
Лекин қонга қўшилдим, олтингургуртдай  
Қовжиратиб куйдиради. Буни билардим!  
Ана ўзи келаётибди, тусига қаранг.

О т е л л о киради.

На кўкнори, на тарягу, на меҳри гиёҳ  
Дунёдаги дорув-дармон бирга йигилиб  
Қайтаролмас, сенга ўша ширин уйқунгни.  
Сен бу уйқу билан кеча бахтиёр эдинг.

О т е л л о

А, хиёнат хабарчиси!

Я г о

Қандай генерал? Қўйинг энди, ҳали шу гапми!

О т е л л о

Йўқол! Жўна! Бу ғазабни менга сен бердинг.  
Тўла-тўкис таҳқирланиш, ичаман қасам,  
Бундай оз-моз билганликдан минг марта яхши.

Я г о

Бас энди, генерал.

О т е л л о

Хотинимнинг фаҳш ишларга берган вақтини  
Мен сезмасдим, менинг учун барибир эди,  
Чунки буни билармидим? Ё ўйлармидим?  
Қийналмасдим, тинч уйқуда доим шод эдим.  
Кассионинг ўпишидан унинг лабида  
Из кўрмасдим. Уғри урган кишига биров;  
«Сени ўғри уриб кетди» деса билади.

Я г о

Афсус ейман шу гапларни эшитганимга.

## Отелло

Уҳ, агарда ҳар бир аскар, бутун қароргоҳ  
 Унинг гўзал вужудидан баҳраманд бўлса,  
 Ва мен буни пайқамасам, эдим бахтиёр.  
 Энди, бўлса бир умрга ҳаммасига хайр!  
 Хайр менинг саодатим, завқим, тинчлигим,  
 Улар қушдай қапотланган шонли қўшиним,  
 Қаҳрамонлик одат бўлган жанговарларим,  
 Барабанлар қаҳқаҳаси, ғолиб оҳанглар,  
 Сўлиқ чайнаб кишнаган у шўҳ аргумоғим,  
 Шод байроғим, бутун таланти, бутун шарафим,  
 Эй ерларга даҳшат солган момақалдиरोқ —  
 Қаби ўлим қуроллари, аслаҳа-яроғ,  
 Отеллонинг бойликлари, ҳаммангизга хайр!

## Яго

Бу иш қандай мумкин ахир, айтинг, генерал?

## Отелло

Хотинимнинг айбларини исбот қил, малъун.  
 Ҳам бетма-бет исботлашга менга мажбурсан.  
 Ёхуд мана ўлмас руҳ-ла қасам ичаман  
 Қалбимдаги ғазабларга бермасанг жавоб,  
 Бир ит бўлиб туғилганинг бўлади савоб.

## Яго

Қандай даҳшатли!

## Отелло

Кўзим билан кўрай, ёхуд бунда энг камин  
 Сен исбот қил, шубҳаларга ўрин қолмасин,  
 Бу бўлмаса ҳаёт билан хайрлаша бер.

## Яго

Ҳурматли генерал...

## Отелло

Агарда сен хотинимни қораламоқчи,  
 Менга эса шундай ғазаб бермоқчи бўлсанг —  
 Ортиқ тоат-ибодат ҳам, товба ҳам қилма  
 Ва юклай бер даҳшатларнинг устига даҳшат.  
 Кўк йиғласин, ер ҳайратда қолсин, ўзгача  
 Сенинг тубан жонинг учун маъқул ўлим йўқ.

## Яго

Балолардан ўзинг сақла мени, осмон!  
 Одамсиз? Сизнинг қалбу ҳиссингиз борми?  
 Хизматимдан озод бўлдим, тангри ёр бўлсин!  
 Мен аҳмоқман! Садоқатим камчилик бўбди!  
 Ўзинг ахир қарасанг-чи, эй ифлос олам,  
 Тўғри, содиқ бўлиш қандай қўрқинчли, ахир!  
 Менга берган бу дарс учун раҳмат, ташаккур.  
 Дўстлик қайғу келтиришин билгандан кейин  
 Хизмат менга анча оғир туюлиб қолди.

## Отелло

Йўқ, йўқ, тўхта; содиқ бўлиб қолишинг мумкин.

## Яго

Энди бир оз ақлли ҳам бўлмоқ истайман,  
 Тўғрилиқ бу — аҳмоқликдир, ҳар ким ёпишса,  
 Охир бориб ёпишгани хароб қилади.

## Отелло

Дунёмизда нима бўлса, барига қасам,  
 Мен ўйлайман, хотиним баъзида тоза —  
 Баъзан — ифлос, шунинг каби сени ҳам баъзида  
 Тўғри сўзли — баъзан фараз қиламан.  
 Сен исбот қил. Ахир унинг номи мен учун,

Деананинг юзи каби покиза эди.  
 Букун жуда ифлос, худди мендай қоп-қора.  
 Агар бўлса келтирингиз, ханжар арқонлар,  
 Оғув, оташ, олтингугурт ирмоқларини..  
 Чидолмайман! Ахир менинг билишим керак!..

Я г о

Кўраяпман, еб ташлади сизни ҳаяжон.  
 Шу тўғрида айтганимга кўп пушаймонман.  
 Шундай қилиб, сиз бир далил сўраяпсизми?

О т е л л о

Сўраяпсизми? Йўқ истайман, талаб қиламан!

Я г о

Мумкин нарса, лекин қандай билмак истайсиз?  
 Қўпол қилиб сиз уларни тутмоқчимисиз..  
 Айни ишнинг ўз устида?

О т е л л о

Улим, малъунлик!

Я г о

Мен ўйлайман, бу аҳволда кўрсатиш қийин.  
 Шайтон олсин, улар кимга кўрсатар эди  
 Бирга-бирга, бир тўшакда ётган чоғини.  
 Энди нима қилиш керак, айтинг-чи бизга?  
 Қандай сизни ишонтирай? Нима деб айтай?  
 Ахир улар такалардай шарманда эмас,  
 Маймунлардай қайноқ қонли ё бўрилардай  
 Бир-бирига илиқувчи ҳайвонлар эмас,  
 Уласидай ичган аҳмоқ қўполлиги йўқ,  
 Сиз уларни жуда ўнғай тута қўйсангиз.  
 Агар бунга ишонмоқчи бўлсангиз, чип-чин,  
 Ҳақиқатнинг эшигига бормоқлик учун,

Баъзи имо-ишоратлар қилса кифоя,  
Мен айтаман, ҳаммасини билиб оласиз.

### Отелло

Хотинимнинг пастлигига жонли далил айт!

### Яго

Менга бу иш ёқмай қолди, хўп, модомики,  
Менинг сизга бўлган дўстлик, ихлосим билан  
Иш шунчага борган экан, давом қиламан.  
Мен яқинда бирга ётдим Кассио билан<sup>1</sup>  
Тишим қаттиқ оғриб қолиб, ҳеч ухлолмадим.  
Шундай бир хил одамлар бор, юраклари бўш,  
Ўз ишини алаҳлайди уйқусида ҳам,  
Кассио ҳам худди шундай одамдан бири,  
Мен эшитдим тонг отгунча вайсираб чиқди;  
«Дездемона, эҳтиёт бўл, севги сиримиз  
Ҳаммадан ҳам яширин бўлсин» дейди, ҳам

бирдан

Қўлларимни маҳкам сиқиб менга ёпишди,  
Кўкрагига босиб «ёрим» дея бошлади.  
Шундай сўриб-сўриб лабдан ўпар эдики,  
Ўпишлари илдиз билан суғурган каби.  
Иннайкейин болдиримга оёқ ташлади,  
Гоҳ инграйди, гоҳ йиғлайди, гоҳи ўпади,  
«Лаънат,— дейди,— тақдир деган падар лаънатга,  
Дездемона, сени берган қора арабга!»

### Отелло

Жуда таажжуб?!  
  

---

<sup>1</sup> Бир кўрпа-ёстиқда ётиш одати Англияда, ҳатто жамият-нинг юқори табақа кишилари ўртасида ҳам XVII асрнинг ўрталаригача давом қилган.

Я го

Нимаси бор, уйқудайди-да.

Отелло

Утган айбни бу ҳаракат очиб ташлайди,  
Туш бўлса ҳам, қўзғатади аламли шубҳа.

Я го

Албатта бу ҳалигача бўлган жуда бўш  
Тахминларни пиширади, қиём қилади.

Отелло

Хотинимни парча-парча қилиб ташлайман.

Я го

Йўқ, йўқ, бир оз доно бўлинг. Иш равшан эмас,  
Балки хоним айбсиздир, дарвоқе айтинг,  
Дездемона қўлида ҳеч кўрганмидингиз  
Чети гажим, қулуфнай гул тикилган рўмолча?

Отелло

Бундай рўмол — менинг унга биринчи совғам,  
Мен берганман.

Я го

Билолмадим, лекин шундай рўмолча билан  
Қассионгиз соқолини артганин кўрдим.  
Ишонаман, бу рўмолча маликамники.

Отелло

Уша рўмолча...

Яго

Шу рўмолми, ёки бошқа рўмолчасими?  
Нима бўлса яна янги бир далил тайёр.

Отелло

Бу разилнинг нега қирқ минг жони йўқ, ахир,  
Битта жони арзимади интиқом учун.  
Энди аниқ кўрдим, бари бошдан-оёқ чин.  
Қараб тур, мен ўз ишқимни елга совурай,  
Тўзиб қетар...  
Қўзғал ортиқ, эй қўрқинчли қора интиқом  
Жаҳаннамий чуқурликдан чиқиб қадам қўй!..  
Севги тожу тахтин топшир, золим ғазабга  
Жоду, аждар юкларининг тубида қолган,  
Эй кўкрагим, ортиқ қабар, керил!

Яго

Сабр қилинг, бир оз тинчланинг!

Отелло

Уҳ қон! Қон! Қон!..

Яго

Чиданг бир оз бу фикрдан қайтинг генерал.

Отелло

Йўқ, йўқ, Яго, фикр қатъий, ўзгарилмайди.  
Шаҳдам оққан Панто наҳрин муз оқинлари  
Ўз тизгинсиз юришлари билан доимо  
Текис оқар Пропонтду, Геллеспонтга.  
Бу юришда тескарига қараб оқиш йўқ,  
Фикр қонли юриш билан ёрқин оқади,

Йўлидаги ғов-тўсиқни уриб йиқади.  
Юмшоқ лутфу навозишни илғамас пича,  
У оқади ваҳший ўчга ҳазм бўлгунча.

*(Тиз чўқади.)*

Шу мрамардай кўк остида қасам ичаман,  
Бажараман ўз муқаддас берган сўзимни.

Яго

Утириб туринг.

*У ҳам тиз чўқади.*

Эй осмон машъаллари, сиз гувоҳ бўлинг,  
Сен ҳам, бизнинг бошимизда муаллақ осмон,  
Мама Яго, алдاتилган Отелло учун  
Ҳадя қилди ақлин, қалбин, қўлининг кучин,  
Менинг учун у буюрса шунинг ўзи бас.  
Буйруғига бош тўлғамай бориш вазифам,  
Бу иш қонли йўлларга ҳам судраса майли.

Ҳар иккалалари турадилар.

Отелло

Ихлосингни қабул қилдим юрагим билан,  
Ҳозирданоқ бу севгингни ишга соламан.  
Менга уч кун ичидаёқ хабар бер, Яго,  
Қассионинг ер юзидан кетиши зарур!

Яго

Буйруғингиз бажарилур, дўст ортиқ ўлди,  
Лекин қолсин Дездемона тирик, ўлдирманг.

Отелло

Малъун, ифлос! Фоҳиша!  
Қани менинг билан юр!  
Тезроқ ҳалок қилиш учун гўзал шайтонни,



Бирор яхши план — режа тузишим керак.  
Бундан кейин лейтенантим ўзгингсен — Яго.

Яго

Бир умрга мен сизники.

Чиқиб кетадилар.

### ТУРТИНЧИ ҚУРИНИШ

Қаср олдида.

Дездемона, Эмилия ва қизиқчи чиқади.

Дездемона

Сен қизиқчи, лейтенант Қассио қаерда ўринлашганини билмайсанми?

Қизиқчи

Бундай саволга жавоб бериш учун мен ўринлашган эмасман.

Дездемона

Нима учун?

Қизиқчи

Ҳарбий кишининг ётоқ ўрнини роса кўрсатиш — ёлғон — норасолик бўлади, бунинг учун мен бошим билан жавоб бераман.

Дездемона

Ахир уни сўраётганим йўқ! У қаерда туради деяпман.

Қизиқчи

Унинг қаерда турганини айтиш демак, менинг қаерда ётишимни айтиш демак, яъни мен қанчалик ёлғон сўйлашимни айтиш демак.

## Дездемона

Бу қанча бемаънигарчилик.

## Қизиқчи

Унинг қаерда яшашини билмайман; уни у ерда яшайди ёхуд бу ерда яшайди деб айтиш бўладики, бунинг учун бошим кетади.

## Дездемона

Сиз бу тўғрида бошқалардан сўраб, хабар олишингиз мумкин.

## Қизиқчи

Мен бу иш учун бутун дунё кишиларини илмий ҳол ўқишга мажбур қиламан — яъни уларга саволлар бериб, жавоблар оламан.

## Дездемона

Уни топиб бу ерга келтиринг. Унга айтинг, мен эримни унинг томонига афдариб қўйдим, ишонаманки, тез фурсатда ҳамма ишлар яхши бўлиб кетади.

## Қизиқчи

Бу иш одамзод тафаккуротининг имкониятлари олдида ҳеч гап эмас, бинобарин, мен бу топшириқни бажаришга уннаб кўраман.

*(Чиқиб кетади.)*

## Дездемона

Рўмолчани мен қаерда йўқотдим экан?

## Эмилия

Мен билмайман, маликам.

## Дездемона

Рози эдим олтин тўла ҳамён йўқотсам,  
Йўқолгани чакки бўлди, ишон, Эмиля.  
Гарчанд менинг мағрур маврим ишончи

маҳкам,

Рашкчиларнинг тубан феъли унга бегона.  
Аммо бу иш бир оз шубҳа бериши мумкин.

## Эмиля

У чиндан ҳам рашк қилишни ҳеч

билмайдими?

## Дездемона

Мен ўйлайман ватанининг иссиқ қуёши  
Куйдиргандир ундаги бу хусусиятни.

## Эмиля

Ана ўзи келяпти!

## Дездемона

Каснони мен  
Ўз ишига қайтармаса, асло қўймайман.

Отелло кириб келади.

Яхши бўлиб қолдингизми?

## Отелло

Жуда ҳам яхши.

(Бир чеккага қараб.)

Ўҳ, бу риё менинг учун жуда ҳам оғир!

(Баланд овоз билан).

Ўзингиз қалайсиз, жойидами аҳволингиз?

## Дездемона

Шукур, яхши.

## Отелло

Қўлингизни менга беринг. Нега бунча нам.

## Дездемона

Чунки бунга қарилик ҳам қайғу бегона.

## Отелло

Бузуқ ҳамда сахий қалбнинг нишонаси бу.  
Қайноқ, сарин... агар бу қўл орага кирса  
Сиқилади ҳуррият ҳам, эрк ҳам, ҳар нарса,  
Намоз, рўза, тақво, дуо ҳаммаси бир пул,  
Гўё нозли шайтон, бачча уя қўйган қўл;  
Уша шайтон доим исён қилиб туради.  
Балли, бу қўл гўзал, тўғри, гоятда танти.

## Дездемона

Наҳотки сиз шу гапларни айта оласиз.  
Бу қўл сизга юрагимни ҳадя қилган-ку?

## Отелло

Аввал вақтда бериларди қўл билан юрак.  
Янги одоб-қоидада — қўл ўзи, холос.

## Дездемона

Билолмадим. Ваъдаларнинг вафоси қани?

## Отелло

Қандай ваъда эди, жоним?

## Дездемона

Сизга келиб учрашсин деб Қаснога мен  
Одам юбордим.

## Отелло

Қаттиқ тумов бўлиб қопман, жонимга тегди; рўмолчангни бер?

## Дездемона

Мана, Отелло.

## Отелло

Бошқасини, ўзим совға қилганимни бер?

## Дездемона

Енимда йўқ.

## Отелло

Йўқ, дедингми?

## Дездемона

Йўқ, ростдан йўқ, азиз Отелло.

## Отелло

Бу иш чакки. У рўмолча онамдан қолган,  
Унга битта лўли хотин келтириб берган,  
Ўзи жуда жодугару сеҳргар экан.  
Одамларнинг сир, асрорин очишга уста,  
Рўмолчани унга олиб келиб беришда  
Айтган экан — бу рўмолча бахт келтиради,  
Ҳатто эринг устидан ҳам ҳоким бўласан,  
Бир иш бўлиб йўқотсанг ё бировга берсанг,  
Эринг сендан жирканади, юз ўгиради,  
Сени ташлаб, бошқасига кўнгил қўяди.  
Онам шўрлик ўлар экан, қўлимга бериб,  
Сен уйлансанг, хотинингга ҳадя қил деган.  
Мен ҳам унинг васиятин бажо келтирдим.  
Уни сақла, кўз нуридай қадр қилиб, сев,  
Йўқотдинг-у, ё бировга бера қўйдингми?  
Ҳеч тенги йўқ фалокатга йўлиқиш аниқ!

## Дездемона

Чини биланми?

Отелло

Жуда тўғри.

Рўмолчангнинг матосида сеҳру жоду бор.  
Бу матони икки юз йил қуёшни кўрган,  
Бир авлиё жазавага тушиб тўқиган.  
Илагини энг муқаддас қуртлар ҳуруган.  
Ранги, қотган мўмиёларнинг бокир қалбидан!<sup>1</sup>  
Ажратилган қимматбаҳо намга бўялган.

Дездемона

Чинакамми, қандай бу иш бўлиши мумкин?

Отелло

Жуда тўғри. Шунинг учун яхшилаб сақла.

Дездемона

Шундай бўлса, кошки эди кўрмаган бўлсам.

Отелло

А! Нима учун?

Дездемона

Мунча тажанг бўляпсиз, бу гаплар нега?

Отелло

Йўқолдимми! Йўқотдингми? Қани ўзи? Айт!

Дездемона

Оҳ худойим, раҳминг келсин.

<sup>1</sup> Мўмиёларнинг ўзигина эмас, улардан ясалган порошоклар ҳам шундай деб аталади. Бу порошокларнинг тиббий ва магнит таъсирлари бор, деб ўйлар эдилар.

Отелло

Нима деяпсиз?

Дездемона

Йўқолгани йўқ. Хўш, йўқолса нима бўлади?

Отелло

Нима?

Дездемона

Йўқолгани йўқ деяпман-ку.

Отелло

Қани менга бер!

Дездемона

Ҳозир берсам мумкин, аммо мен

истамайман.

Мени ҳолдан тойдириш учун ҳийла қиляпсиз.

Қассиони ишга қайтиб олинг, сўрайман.

Отелло

Рўмолни бер! Емон ҳислар сезаётибман.

Дездемона

Басдир энди...

Ундай эпчил бир кишини топа олмайсиз.

Отелло

Рўмолча!

Дездемона

Қассиони гаплашайлик, қўйинг, сўрайман?

Отелло

Рўмолча!

## Дездемона

Ўзи, бутун-бутун сизга боғланган одам,  
Ўз бахтининг асосини сизни деб қурган  
Ва сиз билан бутун хавф-хатарни чекди...

## Отелло

Рўмолча!

## Дездемона

Сиз тўғрида ўйлайдики...

## Отелло

Йўқол! Кўзимдан йўқол!

Ўзи чиқиб кетади.

## Эмилия

Тагин унинг рашки йўқмиш?

## Дездемона

Аввал билмасдим;  
Балки ўша рўмолчада бир тилсим бордир.  
Йўқолди-ю, шу фалокат бошимга тушди.

## Эмилия

Эр деганни билолмаймиз бир-икки йилда,  
Биз овқатмиз, эрлар эса мисоли меъда.  
Очиққанда бизни ейди, тоза тўяди.  
Кейин бориб қайт қилади, ерга қуяди.  
Ана эрим келяпти Кассио билан.

Кассио билан Яго киради.

## Яго

Бунинг бошқа иложи йўқ Дездемонадан.  
Бахтингизга ана ўзи, рўбарў бўлинг,  
Тезроқ бўлинг, дарров унга илтимос қилинг.



## Дездемона

Нима хабарлар бор, азиз Кассио?

## Кассио

Эй маликам, яна ўша арз билан келдим.  
Яна олий ҳиммат сизда, режа қиламан,  
Бутун қалбим билан севган ва ҳурматлаган  
Бир кишининг муҳаббати, меҳрибонлиги  
Паноҳида қайта бошдан яшаш менга бахт.  
Истамасдим мен бу ишни кечиктиришни.  
Агар унга қилганим бу ўлим таҳқирин,  
Утган ишим ва ҳозирги ўкиниш билан.  
Ё бўлмаса эндиги иш ваъдаси билан  
Унинг эски муҳаббатин қайтара олсам  
Шуни билай, шуни билсам севиначман-ку.  
Чори ночор тақдирига бўйин эгаман,  
Толе синаб бошим оққан ёққа кетаман.

## Дездемона

Азиз Кассио!

Тамом бекор бўлди менинг ташаббусларим,  
Менинг эрим тамом бошқа эр бўлиб қолди;  
Агар унинг феъли каби юзи ҳам шунча —  
Ўзгарганда, мен уни ҳеч танимас эдим.  
Сизнинг учун унга қилган илтимосимдай,  
Рост сўз билан истар эдим минглаб фаришта  
Мен тўғрида унга қилсин букун илтимос,  
Гарчанд унинг ғазабини қўзғатмадим ҳеч.  
Сабр қилинг, мен ўзимга қилмаганим ҳам  
Сизнинг учун қилажакман. Хурсанд бўласиз.

## Яго

Нима, нима, унинг жаҳли чиқди дейсизми?

## Эмилия

У шу топда чиқиб кетди, билмадим қандай,  
Ростин айтсам, жуда қизиқ васваса билан.

## Яго

Унинг жаҳли чиқармикан? Узим кўрганман,  
Унга қарам солдатларнинг қаторин бузиб  
Ёвнинг тўпи шайтон каби ўтиб кетганда  
Ва укаси ўққа учиб қолганда ҳам тинч  
Туролган бир кишининг... ҳеч жаҳли чиқарми?  
Шундай бўлса, юрагига теккан сабаб бор,  
Мен бораман, қилиш керак бунга эътибор.

## Дездемона

Сўрар эдим, тезроқ боринг.

## Яго чиқиб кетади.

Албатта бу Қибрисга ё Венецияга  
Тааллуқли бирор зарур иш бўлса керак.  
Ёки бирор фитна ишни билиб қолди-ю,  
Шу иш учун тиниқ ақлин булғади бир оз.  
Қатта, жиддий ишга эркак ташвиш тортганда,  
Шундай майда сабабларга кекин боғлайди.  
Битта бармоқ оғридими, тўсатдан оғриқ  
Бутун танга, соғ баданга кўчиб кетади;  
Шунинг учун биз эрларни никоҳдан кейин,  
Аввалгидай, худо сифат ҳисобламайлик,  
Қамаяди улардаги бизга эътибор.  
Шунинг учун, Эмилия, қарғасанг майли,  
Тўғри, жуда тажрибасиз жангчи эканман;  
Мен эримни дағалликда жуда айбладим, аммо  
Ўз-ўзимга танлаб олдим мен ёлғон гувоҳ,  
Отеллога айбни қўйдим бекордан-бекор.

## Эмилия

Кошки эди, эй худойим, ундаги ғазаб,  
Шубҳа, ёхуд тентак рашкнинг иши бўлмасдан  
Ҳукуматга доир бир иш учун бўлса..

## Дездемона

Қандай қайғу!  
Ғазабига сабаб бўлган иш қилмадим-ку.

## Эмилия

Бундай жавоб рашк қилғувчи кишига ёқмас.  
Рашк қилғувчи сабабсиз ҳам рашк қила берар.  
У рашкчидур — мана унинг жаҳлига сабаб.  
Рашк деган бу шундай манфур — ярамас

ҳайвон.

Ўз-ўзидан яралади, ўзни тугади.

## Дездемона

Бу офатдан Отеллони сақласин, танграм!

## Эмилия

Омин, маликам!

## Дездемона

Мен ҳам унинг орқасидан боришим керак,  
Сиз бу ерда бир оз кутинг, Кассио;  
Агар бир оз жони ором олган бўлса, мен  
Ишингизни бажаришга уннаб кўраман.

## Кассио

Миннатдорман, қалбим билан сизга, маликам.

Дездемона билан Эмилия чиқиб кетади.  
Бьянка киради.

## Бьянка

Салом сизга, дўстим Кассио!

## К а с с и о

Хўш Бьянка, бунда нима қилиб юрибсиз?  
Аҳволингиз, соғлигингиз ўз жойидами?  
Улиб кетай, сизникига бормоқда эдим.

## Б ь я н к а

Мен ҳам сизнинг уйингизга кетмоқда эдим,  
Ҳафта бўйи етти кеча-кундуз кўрмадим!  
Бир ҳафта-бир юз олтмиш соат деган сўз,  
Севган кишинг ёнда бўлмай ўтган бу умр  
Соғинишнинг бир юз олтмиш кунидан ҳам зўр.

## К а с с и о

Мени жуда афв этингиз, жоним Бьянка.  
Бунда зарур ишлар билан жуда банд эдим.  
Энди эса висол чоғи, азиз севиклим,  
Бутун ҳижрон ҳисобини тўлайман, ёрим.

*(Унга Дездемонанинг рўмолчасини беради.)*

Нусха кўчиринг.

## Б ь я н к а

Хўш, бу қаердан?  
Бу албатта бирор янги ёрдан совғадир?  
Айрилиқнинг газабига шу экан сабаб,  
Иш шу ерга тақалдимиз? Бунга ҳам шукур.

## К а с с и о

Етар, тўхтанг!  
Ҳеч нимага арзймайди тахминларингиз,  
Қайтиб яна луқма солган шайтонга беринг.  
Қандайдир бир ёрдан совға! Рашк қиялпсиз?  
Йўқ севгилим, йўқ Бьянка, онт ичаманки...

## Б ь я н к а

Хўл бўлмаса, ростин айтинг, рўмол кимники?

## Кассио

Ўз уйимдан топиб олдим, мен ҳам билмайман,  
Лекин унинг шу гуллари менга ёқади.  
Ҳозирча-ку эгаси йўқ, чиқиб қолади,  
Эгасига қайтаргунча менга, ҳам шундай  
Битта рўмол тикиб беринг.  
Хўп, ҳозир кетинг!

## Бьянка

Кетинг! Нимага?

## Кассио

Мен генерални кутмоқдаман. Яхши бўлмайди,  
Мен қиз билан турганимни кўрса дурустмас,  
Истамайман.

## Бьянка

Нима учун? Айтинг?

## Кассио

Сизни севмай қўйдимми мен — сабаб бу эмас.

## Бьянка

Бироқ, бунга сабаб — совуқ муҳаббатингиз,  
Сўрар эдим, бир оз мени кузатиб қўйинг.  
Сал барвақтроқ келасизми, айтинг бу оқшом?

## Кассио

Кузатаман, кўп узоққа кета олмайман;  
Мен бу ерда Отеллони кутишим керак,  
Лекин жуда тез бораман, мени кутингиз.

## Бьянка

Мен нима ҳам деяр эдим, ночор хўп дейман.

Чиқиб кетади.

## IV ПАРДА

### БИРИНЧИ ҚҰРИНИШ

Қибрис. Қаср олдида.  
Отелло билан Яго чиқади.

Яго

Ўйландингизми, генерал?

Отелло

Балли, ўйландим.

Яго

Бир марта, хўш, хилват топиб ўпишса нима?

Отелло

Бу хиёнат ва тубанлик бўлмасми, Яго?

Яго

Бирор соат дўсти билан битта тўшакда  
Гуноҳ қилмай ётиш нечун мумкин бўлмасин?

Отелло

Бир тўшакда яланғочу бегуноҳ ётиш?  
Бу бўлади шайтон билан мурасасозлик!  
Ҳар ким шундай ёмон хулқсиз ҳаракат қилса,  
Шундайларни шайтон ўзи йўлдан оздирар  
Ва булар ҳам навбатида кўкни алдайди.

Яго

Юз бермаса бир гуноҳ иш ораларида  
Унда бари кечиргулик шўҳликдир, холос,  
Келинг, рўмол жумбоғига ўтайлик.

Отелло

Ҳа-я.

Яго

Мен борди-ю, хотинимга меҳрим қайнаб денг  
Бир рўмолча тақдим қилсам.

Отелло

Хўш, унда-чи?

Яго

Унда рўмол ўз хусусий моли бўлади  
Ва истаган кишисига бера олади.

Отелло

Номус ҳам унинг моли, балки уни ҳам  
Ҳар истаган кишисига берса мумкиндир?

Яго

Номус кўзга кўринмайди, у бошқа нарса.  
Номус — шундай бир нарсаки, номуслиман деб,  
Мақтанганинг кўпида йўқ, бироқ рўмолча...

Отелло

Онт ичаман, севинардим унута олсам,  
Сен сўйладинг бу тўғрида, юкланди кўп гам,  
Бу фикрдан мени жуда қора босмоқда,  
Вабо теккан уй устидан бойқуш учгандай,  
Ёмон белги — унда менинг рўмолим бўлсин!

Яго

Ахир, нима қилади?

Отелло

Унча яхши иш эмас, бу иш.

Яго

Хўш, агарда сизни балки камситиш учун  
У гапирган бўлса, мен ҳам эшитган бўлсам,  
Ахир шундай маккор — тубан кишилар бор-ку,  
Бир хотинни ёпишқоқлик — хиралик билан  
Е бўлмаса хотиндаги разиллик билан  
Йўлдан уриб эгаллайди, қўлга олади,  
Иш битдими, тилини ҳеч тута олмайди...

Отелло

Хўш, Кассио, сенга бирор нарса дедими?

Яго

Айтди, бироқ менга айтган бу гапларидан  
Ҳар маҳал ҳам қасам ичиб тона олади.

Отелло

Нима дейди, нима экан?

Яго

У айтдики, хотинингиз билан... нима  
деганини билмайман.

Отелло

Нима, нима?

Яго

Ётдим дейди...

Отелло

У билан бирга-я?



Яго

Биргами, устидами -- қандай ўйласангиз, шундай ўйланг.

Отелло

У билан бирга ётдими? Унинг устида ётди?.. Биз унга туҳмат қилиб турганларида, устида ётди дебмиз. У билан бирга ётди? Қандай манфур тубанлик? Рўмолча... Далил, иқрор... Рўмолча! Мен Қассионинг бу иши учун тавба қилдираман ва сўнг осаман. Йўқ. Аввал осаман, сўнг тавба қилдираман. Мен титраяпман, қалтираяпман. Табиат бирор ҳиссий қобилал вуқуъсиз ҳеч кимга бундай гуркираган ҳирсни бермайди. Ҳеч қандай сўз мени бундай гангитмаган эди. Тфу! Шундай гўзал бурунлар, қулоқлар, лаблар — қандай қилиб бу иш бўлиши мумкин? Далил, иқрор! Рўмолча!.. Уҳ иблис! (Ҳушидан кетиб йиқилади.)

Яго

Ўз кучингни кўрсат энди дору дармоним!  
Ана шундай илинади ўз тумшуғидан  
Бегонага суриштирмай инонган киши.  
Покдомон хотинларни кўздан тушириш,  
Бадном қилиш бу йўл билан жуда ҳам осон.  
Ҳой Отелло, бу нима гап, туринг генерал.

К а с с и о кириб келади.

Кассио ҳам келиб қолди!

К а с с и о

Ўзи нима гап?

Яго

Қуёнчиғи тутиб қолди, генералимни.  
Биринчиси кеча тутди, бу иккинчиси.

Кассио

Гарданини уқалангиз.

Яго

Иўқ, керак эмас.

Халал бериш яхши эмас, ўзи ўтади.

Тегилса-чи, бошланади оғиз кўпириш,

Иннайкейин қутуради, тентакланади.

Кўряпсизми, ана, ана қимирляяпти.

Сиз нарироқ бориб туринг. Узига келсин.

Кетиб қолманг, бу жўнагач, менга учрашинг.

Сизнинг билан сўйлашаман, зарур гапим бор.

Кассио чиқиб кетади.

Хўш, генерал, пешонангиз ёрилмадими?

Отелло

Мени эрмак қиялсанми?

Яго

Менми? Ё тавба,

Истар эдим, эркак бўлиб тақдирга кўнинг.

Отелло

Гўсхўр бўлган эр нима-ю, қорамол нима.

Яго

Бундай ҳайвон эркаклардан шаҳарлар тўла,

Хуштавозе махлуқотлар унда оз эмас.

Отелло

Иқрор бўлдими?

Яго

Эркак бўлинг,

Ахир ҳар бир соқолли эркак

Бўйинтуруқ остидадир, улар ҳам сиздай  
 Эгар-жабдуқ кўтаради. Кўп кишилар бор  
 Ҳаммага ҳам оёқ ости тўшакда ётиб,  
 Бу менга хос ўрин-бош деб қасам ичади.  
 Ҳали шукур, аҳволингиз унчалик эмас.  
 Йўлдан чиққан бир хотинни гуноҳсиз санаб  
 Ўз покиза ётоғида қувнатиб ҳар ким,  
 Бу қилиққа шайтон кулар, дўзах пишқирар.  
 Йўқ, йўқ, аввал билиш керак, билгандан кейин  
 Хўш, мен, мана, ўз ишимни билиб қиламан.

### Отелло

Мен биламан, кўп донишманд одамсан, Яго.

### Яго

Сиз ҳозирча бир чеккада биқиниб туринг.  
 Чидам керак, чидам билан қуршаниб олинг.  
 Қайғу сизни даст кўтариб ерга урганда,  
 Ҳалигидай ҳирс тиқилинч ўринсиз бўлур.  
 Қассио ҳам шунда эди. Уни четлатдим,  
 Беҳушликнинг сабабини унга уқдирдим.  
 Бироқ унга қайтиб кел,— дедим, хўп деди.  
 Сиз бир четга яширининг, лекин юзида  
 Пайдо бўлган эрмак, кулги, ҳақорат, таҳқир,  
 Беҳаёлик барчасини синчиклаб туринг.  
 Мен сўрайман ва айтишга мажбур қиламан  
 Хотинингиз билан қандай, қайда, неча бор  
 Хилват қилди ва қилмоқчи қачон... барчасин.  
 Сиз ҳам унинг им-қўқини яхши синчикланг.  
 Лекин чидам — чидам керак. Акс ҳолда-чи?  
 Жаҳл чиқиб эркаклиги йўқолган — дейман.

### Отелло

Тинглайсанми риё билан чидайман, Яго!  
 Бироқ тингла, кейин жуда қонхўр бўламан.

Я г о

Ҳа, ҳа, яхши. Чакки эмас, ишнинг вақти бор.  
Қани энди сиз бир четга биқиниб туринг.

О т е л л о бир четга кетади.

Кассиодан Бьянкани сўрай бошлайман.  
Шундай хотин, ким кўрганга баданин сотиб,  
Ўзи учун нон, усти-бош сотиб олади.  
Бу ўтмас мол Кассиони яхши кўради.  
Йўлдан чиққан хотинларнинг жазоси шуки,  
Бошқаларни овлаб ўзи тушар тузоққа.  
Уша хотин тўғрисида бир сўз эшитса  
Ўз-ўзини тутолмасдан кулар Кассио.  
Ана ўзи келяпти. Юзида кулги.

К а с с и о кириб келади.

Отелло ҳам бу кулгидан эсини ея,  
Кассионинг кулгисига, феълу хулқига  
Отеллонинг сўқир рашки суриштирмасдан  
Номувофиқ маъноларни берар албатта.  
Хўш, лейтенант!

К а с с и о

Нега кетган мансаб билан атайсиз мени?  
Ушасиз ҳам ўлганлардай бўлиб юрибман.

Я г о

Иш чиқади бора беринг Дездемонага.

*(Ярим овоз билан)*

Агар бу иш Бьянканинг қўлидан келса,  
Ҳалигача уdda қилиб кетар эдингиз.

К а с с и о

Оҳ, шўрлик хотин.

Отелло

Ана қаранг, куляпти.

Яго

Бундай ошиқ хотинни мен ҳеч кўрмаганман.

Кассио

У маккор, чиндан мени севган ўхшайди.

Отелло

У ёлғондан рад қилади, у куляпти.

Яго

Тинглаяпсизми?

Отелло

Энди уни эритиш учун мажбур қилади,  
Қани Яго, қани. Шундай, жуда ҳам яхши.

Яго

Бьянканинг ўзи очиқ юрибди.  
Чинакамдан сиз ўшани олмоқчисиз?

Кассио

Хо-хо-хо!

Отелло

Сен тантана қиляпсан-а, Рим боласи?  
Гердайиб қол.

Кассио

Мен-а, мен ўшанга уйланаманми? Нима?! Безори хотинга-я? Сендан, менинг муҳокамамга бир оз ачинишингни сўрар эдим; сен менинг муҳокамамни жуда ҳам тутдай тўкилган деб ўйлама. Хо-хо-хо!

## Отелло

Шундай-шундай, ким ютиб, ким голиб келса,  
ўша кулади.

## Яго

Ростдан, сиз ўшанга уйланар эмишсиз, ҳамма ёқда  
шу гап.

## Кассио

Йўқ, бўлмаган гап, сен менга ростини гапир!

## Яго

Ёлғон гапирсам, саргардон бўлиб ўлай.

## Отелло

Ҳали сиз мени ҳисобдан ҳам ташқари қилиб қўй-  
дингиз шекилли-а, яхши.

## Кассио

Бу урғочи маймуннинг ўзи шунақа овозалар тарқа-  
тиб юрибди; у мени ўзига уйланади деб ишонади. Бун-  
га сабаб мен унга ваъда берганим эмас, балки, унинг  
мени севгани, шунинг учун ҳам ўз умиди билан ўзи  
қизиқиб юрибди.

## Отелло

Яго менга имо қиляпти — демак у энди ҳаммасини  
айта бошлади.

## Кассио

У ҳозиргина шу ерда эди, у ҳар ерда менинг орқам-  
дан изғиб юради. Яқинда мен деянгиз қирғоғида бир  
неча венецияликлар билан сўйлашиб турар эдим. Бир-  
данига ўша қўғирчоқ келиб қолди-ю, мана бундай қи-  
либ ўзини ташлаб, бўйнимга осилиб олди...

## Отелло

Балки қичқириб «Оҳ жоним Қассио» дегандир, ё шунга ўхшаган бошқа сўз, ана унинг ҳаракати кўрсатиб турибди.

## Қассио

Ҳали ялинчоқлик қилади, ҳали осилади, ҳали йиғлайди, ҳали судрайди, ҳали туртади! Хо-хо-хо!

## Отелло

Ана энди у, қандай қилиб менинг ётоғимга буни судраб борганини айтиб беради. Уҳ, мен сизнинг бурнингизни кўриб турибман-ку, шу бурунларнинг кемирчагини кемирувчи итларни кўрмай турибман-да.

## Қассио

Тўғри, бас энди, у хотин билан ажралишим керак.

## Яго

Улиб кетай, яна ўзи келяпти.

## Қассио

Мана тагин кўркаламуш! Жин урсин, кўркаламуш бўлганда ҳам ҳазилакам эмас!

Бьянка киради.

Хўш, қани менга айтинг-чи, бу менинг изимдан қува беришнинг маъноси нима?

## Бьянка

Сизнинг изингизни алвасти билан унинг катта буви-си қувсин! Менга ҳалигина берган бу рўмолчангиз нима деган нарса ўзи! Мен нимага аҳмоқ бўлиб буни олиб қолдим. Сиз буни ўз уйингиздан топган эмишсиз-у, ҳат-

то ким ташлаб кетганини ҳам билмас эмишсиз, энди мен шу буюмдан нусха кўчиришга мажбурманми? Бу қандайдир бир сатангнинг сизга қилган совғаси-ю, мен нусха кўчиришга мажбурман! Йўқ, олинг, олиб бориб ўша байталигизга беринг! Сиз буни қаердан олган бўлманг, мен ундан нусха кўчирмайман.

К а с с и о

Ҳой, ҳой, Бьянка, сизга нима бўлди, жоним, нима гап ўзи?

О т е л л о

Азбаройи худо, бу худди менинг рўмолчам бўлса керак.

Б ь я н к а

Агар сиз букун кеч меникида овқатланмоқчи бўлсангиз, марҳамат қилинг. Агар истамасангиз, таъбингиз хоҳлаганда, бошқа гал келарсиз. Хайр.

(Чиқиб кетади.)

Я г о

Орқасидан боринг, дарров орқасидан.

К а с с и о

Рост, бормасам бўлмайди, бўлмаса у кўча-кўйда акиллаб юради.

Я г о

Сиз кечқурун уникага бориб овқатланасизми?

К а с с и о

Ҳа, борсам деб турибман.



Яго

Бўлмаса, мен ҳам балки сизни ўша ерда учратарман. Сиз билан сўйлашолсам, жуда хурсанд бўлар эдим-да.

Кассио

Марҳамат қилинг. Келасизми?

Яго

Ташвишланманг, кета беринг, мен бораман.

Кассио чиқиб кетади.

Отелло

(олдинга чиқади)

Қандай қилиб уни ўлдирсам экан-а, Яго?

Яго

Сиз унинг ўз беҳаёликларидан ўзи қандай кулганини пайқадингизми?

Отелло

Уҳ, Яго!

Яго

Рўмолчани ҳам кўрдингизми?

Отелло

Ўша менинг рўмолчаммиди?

Яго

Қўлимни шартта узиб ташласалар ҳам майлики, сизники эди; унинг сизнинг хотинингиз, тентак хо-

тинни қанча беҳурмат қилишини қаранг-а. Унга рўмолча берибди-ю, у рўмолчани ўзининг эрмаги, ўйнашига топширибди.

### Отелло

Мен Кассиони тўққиз йил муттасил ўлдиршни истар эдим. Латофатли хотин! Гўзал хотин! Мулойим хотин!

### Яго

Йўқ, сиз бу гапларнинг барисини унутишингиз керак.

### Отелло

Қўй, майли, хотиним чириб кетсин, майли нобуд бўлсин, у букуи кечаси лаънати бўлади, чунки у ўлади. Йўқ, менинг қалбим тош бўлиб кетди; мен унга мушт урсам, қўлим оғрийди. Уҳ, бутун дунёда ундан гўзал вужуд йўқ эди, у император билан бир тўшакда қатор ётиб, иш буюра олар эди.

### Яго

Бироқ бу сизнинггина тақдирингиз эмас.

### Отелло

Майли, у иблис билан бирлашсин! Мен фақат унинг сифатларинигина айтаман; қўл ишларига моҳир, таажжуб қиларли даражада созга уста. Уҳ, у ўзининг яллалари билан ваҳший айиқни ҳам ўзига ром қила оларди. Унинг шундай олий, шундай бой ақли ва мулоҳазаси бор эдики...

### Яго

Ана шу сифатларнинг ўзи билан у яна ёмонроқ-да.

Отелло

Уҳ, албатта минг карра, миллион карра! Ундан кейин унинг шундай меҳрибон хусусиятлари бор эдики.

Яго

Тўғри, ғоятда меҳрибон эди.

Отелло

Тўғри, албатта, Яго, тўғри. Бироқ жуда эсиз, уҳ Яго, ачинаман, жуда ачинаман!

Яго

Агар сиз унинг шу айблари билан бирга шунчалик севсангиз, унинг қўлига гуноҳ қила бериш учун иршоддастур беринг. Агар унинг бу қилиғиликлари сизнинг фашингизга тегмаса, албатта бошқа одамнинг бу билан нима иши бор.

Отелло

Мен уни парча-парча қилиб ташлайман. Мени-я, мени гўсхўр қилдими, менинг олдимга похол солдими?

Яго

Тўғри, бу иш жуда уят, жуда чакки бўлган.

Отелло

Тағин менинг офицерим билан-а?

Яго

Буниси энди айниқса уят!

Отелло

Яго, сен менга қандай бўлса ҳам заҳар топиб бер, букун кечқурун, мен у билан ади-бади сўзлашиб ўтирмайман, унинг бадани, гўзаллиги менинг муҳокамадан маҳрум қилиб қўйиши мумкин; шу бугун кечқурун, Яго!

Я го

Уни заҳар билан ўлдирманг, уни ўзи булғатган кўрпа-тўшакнинг худди ўзгинасида бўғиб ўлдилинг.

Отелло

Яхши, жуда яхши, бундай адолатли ҳукм менга ёқади, жуда яхши.

Я го

Қассиони эса менга қўйиб бераверинг: қолганини шу бугун ярим кечада эшитарсиз.

Отелло

Жуда соз.

*(Бурги овози келади.)*

Келаётган бу қанақа бурги овози?

Я го

Лодовико Венециядан хабар келтирди.  
Дож олдидан. Ана ўзи келар бу томон,  
Унинг билан раққосангиз бирга келмоқда.

Лодовико, Дездемона ва мулозимлар киради.

Лодовико

Ҳурматлар бўлсин, генерал!

Отелло

Ва мендан ҳам сизга бутун юракдан салом.

Лодовико

Дож ва бутун сенаторлар салом дейдилар.

*(Отеллога пакет беради.)*

Отелло

Улар қилган меҳру шафқат бошим устига.  
(Очиб ўқийди.)

Дездемона

Тоғажоним, қандай яхши хабар бор, айтинг?

Яго

Сизни кўриб кўп қувондим, азиз синьор,  
Келишингиз билан сизни табрик қиламан.

Лодовико

Жуда раҳмат. Хўш, Кассио қалай яшайди?

Яго

Яшаб турибди...

Дездемона

Генерал билан ўртасида бир оз ғашлик бор.  
Сиз барчасин ўз йўлига соларсиз, балки.

Отелло

Сиз шундай деб ўйлайсизми?

Дездемона

Жоним Отелло!

Отелло

(ўқийди)

«Кўлингиздан ҳеч чиқарманг, чунки агар сиз...

Лодовико

Унинг сўзи сизга эмас. Хат билан машғул.  
Шундай қилиб чаплашди денг, Касси билан?

Дездемона

Шу бахтсизлик юз кўрсатди. Жуда истардим  
Яраштираман, Кассиони севаман ахир.

Отелло

Оташ жаҳаннам.<sup>1</sup>

Дездемона

Отелло!

Отелло

Эс-ҳушингиз жойидами?

Дездемона

Жаҳли чиққан кўринади?

Лодовико

Балки бу хат газабга сабаб бўлгандир.  
Билишимча хатда эса, ортиқча гап йўқ,  
Кассиога ҳукуматни топшириш билан  
Тезроқ ўзинг қайт — деган буйруқ бор, холос.

Дездемона

Ишонингиз, бу хабардан жуда севиндим.

Отелло

Ҳа-ҳа, шундай денг!

Дездемона

Оттелло?

<sup>1</sup> Жаҳаннам азоб-уқубатларига ишора.

## Отелло

Тентак бўлиб қолганингиз муборак бўлсин!<sup>1</sup>

## Дездемона

Отелло?

## Отелло

Уҳ, шайтонбачча!

*(Уни уради.)*

## Дездемона

Бунга лойиқ бирор гуноҳ қилганим йўқ-ку!

## Лодовико

Кўзим билан кўрдим десам, ичсам ҳам қасам,  
Венецияда бу ҳолатга ҳеч ким ишонмас.

Ҳаддан ошди! Йиғлапти, қаранг, генерал.  
Афв сўранг!

## Отелло

Ҳе малъун-а, иблис боласи!  
Хотин киши ёши билан ер бўғоз бўлса,  
Ҳар қатра ёш туғар эди бир калтакесак.  
Йўқол ҳозир кўз олдимдан!

## Дездемона

Жаҳлингизни чиқармаслик учун кетаман.

*(Кета бошлайди.)*

---

<sup>1</sup> Лодовико ҳозиргина буйруқни эълон қилди. Буйруқда Венецияга қайтиш, ҳуқуматни Кассиога топшириш айтилган эди. Дездемона Венецияга қайтишни эшитиб севинди. Аммо Отелло очиқдан-очиқ унинг қувончини, Кассионинг ниши ўрнилагани бўлса керак деб ўйлайди, тентак бўлиб қолдингизми, деб сўрапти.

Лодовико

Қандай муте, фармонбардор бўлган рафиқа,  
Сўрар эдим, қайтарингиз уни, генерал!

Отелло

Ҳой, маликам!

Дездемона

Хўш, Отелло?

Отелло

Сизга керакми?

Лодовико

Менга нега керак бўлсин?

Отелло

Ахир ўзингиз,  
Унинг қайтиб келишини сўраб эдингиз!  
У кетиши, қайтиши, яна кетиши,  
Йиғлаб-йиғлаб бориб келиб туриши мумкин.  
Фармонбардор муте, хотин, айтганингиздай.  
Жуда муте. Йиғлай беринг, давом қилингиз.  
Уқиб чиқдим... Уксинишни эпчил ўйнайсиз...  
Қайтишимга буйруқ бўпти. Нарироқ жўнанг!  
Орқангиздан одам борар. Бўйин эгаман,  
Венечияга қайтаман, қани йўқолинг!

Дездемона чиқиб кетади.

Кассиога вазифамни топшираман, хўп.<sup>1</sup>  
Сўрар эдим, бизга келинг кечки овқатга

<sup>1</sup> Ягонинг III парда, учинчи кўрinishдаги сўзига ишорат.



Марҳаматни дарир тутманг! Така,  
Маймунлар.

(Чиқиб кетади.)

Л о д о в и к о

Мана бу мавр, сенатимиз ҳамиша уни  
Ҳисобларди камолотнинг ўзгинаси деб,  
Ҳеч қандай ҳирс юрагини бўлолмас одам,  
Унинг яхши хислатларин ҳаводис ўқи  
Ва тақдирнинг найзаси ҳам тешолмас киши!

Я г о

Сиз билгандан тамомила ўзгариб кетган.

Л о д о в и к о

Миясида касал йўқми? Тентак эмасми?

Я г о

Бўлгани шу. Текширишга менинг ҳаққим йўқ,  
Кошки худо қайтиб берса, унга ўзлигин.  
Бироқ, афсус, ўзи эмас.

Л о д о в и к о

Қандай ахир, хотинини урганини қаранг!

Я г о

Албатта бу бемазалик, лекин истардим,  
Ўша зарба яна бир оз ёмонроқ бўлса.

Л о д о в и к о

У ҳамма вақт шунақами? Ёки бу мактуб  
Ҳаяжонга солиб қўйиб, тентаклашдимми?

Я г о

Аттанг, аттанг! Кўрган, билган нарсамни айтиш

Садоқатдан бўлмайди-да, кўриб қоларсиз.  
Айтмасам ҳам қилиғидан бўлар ошкор.  
Зеҳн қўйинг, ҳамма гапни пайқаб оласиз.

Лодовико

Аттанг, унга ихлос қўйиб чакки қилибман.  
Чиқиб кетадилар.

## ИККИНЧИ КҲРИНИШ

Қасрда бир хона.  
Отелло билан Эмилия чиқади.

Отелло

Шундай қилиб, ҳеч нима кўрмадингизми?

Эмилия

Бирор шубҳа қилмадим ҳам, эшитмадим ҳам.

Отелло

Кўргандирсиз ҳеч бўлмаса Кассио билан?

Эмилия

Мен уларнинг ҳар бир сўзин тингладим, аммо  
Қитдай бўлсин ножўялик ишни кўрмадим.

Отелло

Шивирлашиб турганларин кўрмадингизми?

Эмилия

Йўқ, кўрмадим.

Отелло

Сизга бирор иш буюриб четлангирдимми?

Эмилия

Ҳеч бўлган эмас.

Отелло

Елпигичми, қўлқоп, ниқоб олиб кел — деб-а?

Эмилия

Йўқ дедим-ку, бир марта ҳам бўлмаган.

Отелло

Ажаб.

Эмилия

Хотин шундай покизаки, тозалигига  
Жонимни ҳам гаров қилиб бера оламан.  
Сизда бошқа фикр борми? Йўқ янглишасиз.  
Бу алдамчи фикрингизни четга ирғитинг!  
Агар бирор ифлос сизга уқдирган бўлса  
Илон каби худо унга лаънат ёғдирсин!  
Агар хоним чиндан нопок, бузуқи бўлса,  
Топилмайди эр жинсидан бахтиёр киши  
Ва уларнинг хотини ҳам туҳматдай ифлос.

Отелло

Бориб чақиринг.

Эмилия чиқиб кетади.

Бу ҳам тоза валақлади.  
Тўғри, ҳар бир оддий даллол хотин ҳам бундан  
Ортиқча гап айтолмасди. Маккора, разил!  
Талай уят сир-асрорнинг қулфу калити.  
Аҳвол шу-ю, тизза чўкиб дуо ўқийди.  
Ўзим кўрганман. Маккора, разил!

Эмилия билан Дездемона киради.

Дездемона

Қани хизмат, нима истайсиз?

Отелло

Бери келинг, жоним.

Дездемона

Хўш, нима хизмат?

Отелло

Қани менинг кўзларимга дадил тикилинг!  
Тип-тикка қаранг!

Дездемона

Бу бир қўрқинч орзу эмасми?

Отелло

(Эмилияга)

Энди, хоним, сизга доир иш тўғрисида,  
Насл нар-модасини қўйинг, эшикни ёпинг!  
Биров келса йўталибми, томоқ қирибми  
Маълум қилинг, ҳе қўшмачи, даллол! Кет,

йўқол!

Эмилия чиқиб кетади.

Дездемона

Тизза чўкиб сўрар эдим, қани айтингиз,  
Ғазаб тўла нутқингизнинг маъноси нима?  
Ғазабли нутқ, бу нутқ эмас, яхши биламан.

Отелло

Сен ўзинг кимсан?

## Дездемона

Сизнинг содиқ, покиза хотинингизман.

## Отелло

Қани онт ич, жонингни ҳам жаҳаннамга от,  
Тутиб олсин уни иблис жасорат билан.  
Қайта-қайта гуноҳга бот, қани қасам ич,  
Тозаман — деб.

## Дездемона

Худойим гувоҳ.

## Отелло

Худойим гувоҳ, сен дўзахдай осий, риёкор.

## Дездемона

Ким олдида, айт, Отелло, ким билан қандай  
Мен риёкор бўлиб қолдим?

## Отелло

Уҳ, Дездемона,  
Йўқол, йўқол, кўзимдан йўқол!

## Дездемона

Қандай оғир мусибат кун? Йиғлаяпсизми?  
Кўз ёшига сабаб менми? Отелло, афсус?  
Сизни қайтиб чақиришда балки отамни  
Гуноҳкор деб ҳисобларсиз, шунинг учунми?  
Мени бундай айблай кўрманг, ҳеч гуноҳим йўқ,  
У сизга ҳам ва менга ортиқ бегона.

## Отелло

Уҳ, агарда лозим топиб юксак осмон  
Ва бир қатор қийноқлар-ла қилиб имтиҳон,

Уят, алам селларини қуйиб бошимдан,  
 Лабигача фақирликнинг гўрига кўмса,  
 Бутун мақсад, умидимни қилсам ҳам асир  
 Юрагимнинг қандай бўлсин бир бурчагидан  
 Бирор қатра сабру чидам топа олардим.  
 Аммо мени бунда жонсиз бут қилиш учун  
 Ҳақоратнинг ялқов қўли туртиб кўрсатса...  
 Йўқ, бунга ҳам чидар эдим; жуда ҳам яхши.  
 Бироқ қалбим сақланади менинг бу ерда,  
 Бу ерда мен ё яшайман ёки ўламан.  
 Бу бир чашма — бундан ҳаёт тўлқинлаб оқсин,  
 Қуридимми — қувғиндилик яхши бу ердан!  
 Ё бўлмаса қурбақалар гурунг қуришиб,  
 Кўпайиши учун ботқоқ бўлиб қўя қол.  
 Бет сидириб, чидам билан, юпқа лаб малак  
 Сен ҳам ортиқ жаҳаннамдай даҳшат бўлиб қол.

### Дездемона

Бир нарсасага ишонайми, азиз Отелло,  
 Поклигимга ишонарсиз?

### Отелло

Уҳ-ҳў, албатта.  
 Ёз кунлари сассиқ гўштда бола очгувчи  
 Кушхонанинг пашшасидай жуда тозасиз.  
 Оҳ, сен чечак, қандай латиф, қандай  
 шушбўйсан —  
 Сен ҳирсни ҳам, шаҳватни ҳам энтиктирасан.  
 Кошки эди туғилмаган бўлсанг дунёга.

### Дездемона

Эсизгина, мен билмайман гуноҳим нима?

### Отелло

Нима учун чиройлидир қоғоз ва китоб?  
 Фақат унга «фоҳиша» деб ёзмоқ учунми?

«Гуноҳим нима!»

Эй нодаркор! «Гуноҳим нима!»

Агар сенинг гуноҳингнинг отини айтсам

Чилангарнинг кўрасидай юзим қизийди.

Сипоҳликнинг ўзи даҳшат бўлиб қолади.

«Гуноҳим нима!»

Осмоң бурнин бекитади сассигидан,

Ой жирканиб, йўл-йўлакай кимки учраса

Упиб юрган, орсиз шамол эшитмайман деб,

Унгурларга, чўнқурларга яширинади.

Сенинг айбинг нима эмиш? Ҳа, ҳа, қизалоқ!

Дездемона

Худо шоҳид, бу сўзларда ҳақли эмассиз!

Отелло

Иўғ-эй, қизалоқ?

Дездемона

Иўқ, христиан дини билан қасам ичаман.

Агарда мен виждонимни ўз эрим учун,

Ёт ва мурдор тўқинишдан сақлай олмасам

Қиз бўлмайин ўла қолай, азиз рафиқим!

Отелло

Шундай қилиб, фоҳиша ҳам эмасман денг-чи?

Дездемона

Имоним бор, қасам ичаман!

Отелло

Бу қандай мумкин?

Дездемона

Балолардан бизни сақла, юксак осмон!

## Отелло

Ундай бўлса кечирингиз.

Мен-чи, сизни Отеллога теккан, бир эпчил  
Венециялик фоҳиша деб билгувчи эдим.

*(Товушини баланд кўтариб.)*

Сиз,

Исонинг шогирдидан Пётрнинг акси,  
Жаҳаннамнинг дарвозасин сақловчисиз-да! А!

Э м и л и я кириб келади.

Сиз! Сиз! Сиз!..—

Биз тугатдик. Мана ақча хизматинг учун,  
Оч эшикни. Бу сирларнинг барисин сақла!

*(Чиқиб кетади.)*

Э м и л и я

Вой тавба-эй, хўжамизнинг нияти нима?  
Сизга нима бўлди, жоним? Азизим, бекам?

Дездемона

Чала уйқудаги каби, ганграб турибман.

Э м и л и я

Бирданига нима бўлди хўжайинимга?

Дездемона

Кимга нима бўлди дейсан?

Э м и л и я

Хўжайинимга.

Дездемона

Унинг ўзи ким?



## Эмилия

Азиз бекам, у сизнинг ҳам хўжайинингиз!

## Дездемона

Эмилия, менинг билан сўйлаша кўрма.  
Энди менинг эрим йўқ, мен йиғлай олмайман,  
Фақатгина кўз ёшимда берардим жавоб.  
Никоҳ кунн ўрнимизга ёйган чойшапни  
Бу кеча ҳам ёйиб қўйиш ёдингда бўлсин.  
Бор, Ягони чақириб кел!

## Эмилия

Қизиқ ўзгариш?!

*Чиқиб кетади.*

## Дездемона

Менга қарши беҳаёлик, бу муомила!  
Қайси ишим шубҳа учун важ бўла қолди,  
Бирор кичик, арзимаган гуноҳим борми?

Яго билан Эмилия киради.

## Яго

Мен тайёрман. Хўш маликам, сизга не  
қилди?

## Дездемона

Нима дейишни билолмайман. Еш болаларни  
Ўргатаркан, улар бирор айб қилиб қўйса  
Енгилгина койирдилар эркалаб туриб,  
У ҳам шундай қила қолса майлига эди.  
Ахир рост гап, ҳали ёшман, ҳали боламан.

## Яго

Тушунтириб айтинг, бекам, ўзи нима гап?

Э м и л и я

Фоҳиша деб атади у Дездемонани.  
Шундай чакки гаплар чиқди унинг оғзидан.  
Ҳеч қанақа юрак бунга чидай олмайди.

Дездемона

Шаъним учун шу ном менга лойиқми, Яго?

Яго

Қандай ном ўзи?

Дездемона

Эрим менга қўйган ном-да, эшитдингиз-ку.

Э м и л и я

Эри буни фоҳиша деб атади, ахир.  
Маст гадой ҳам хотинини бунчалик сўкмас.

Яго

Нима учун бундай қилди, билдингизми?

Дездемона

Билолмадим. Мен ундай эмас, тўғри

эмасми?

Яго

Йиғламанг-эй, ҳеч йиғламанг, ўзи бахтсиз

кун!

Э м и л и я

Шунча яхши казо-казо совчини қўйиб,  
Отасидан, дўстларидан, юртдан ажраб  
Фоҳиша деб ном кўтарса! Қим йиғламайди!

Дездемона

Тақдиримга ачинаман!

Я го

У бахтсиз киши,  
Бу тентаклик қандай қилиб уни тополди?

Дездемона

Худога аён.

Эмилия

Мана мени оссалар ҳам рози бўламан,  
Қандайдир бир ифлос, маккор, суйкашчиқ,  
паст қўл,  
Даражами, мартабами топишлик учун  
Бундай йирганч бўҳтонларни ўйлаб чиқарган.  
Туриб берай мана мени оссинлар!

Я го

Бе, қўйсанг-чи, бундай одам ўзи тўпта йўқ.

Дездемона

Бўла қолса, гуноҳини худо кечирсин!

Эмилия

Гуноҳини жаллодларнинг тўнкаси кечиб,  
Суюгини жаҳаннамнинг қаъри кемирсин.  
Фоҳиша деб атади-ку, қани ким билан?  
Қачон, қайда, қандай қилиб? Келишадими?  
Очиқ-ойдин битта тубан, разил махлуқнинг  
Ифвосига шартта учиб мавр алданган.  
Шундайларни юсак кўкнинг ўзи фош қилса,  
Ҳақларастлар қўлга тутиб бақувват қамчин  
У мурдорни дунё бўйлаб оч, яланг оёқ  
Шарқдан ғарбга тириқтирса, ғарбдан шарққа!

Я го

Қичқира берманг!

## Эмилия

Тфу бетига! Шундайлардан битта азамат  
 Миянгизни чаппасига айлангирди-ку,  
 Мени қийнаб, маврдан эса шубҳаландингиз.

## Яго

Сиз ҳам энди алжияпсиз, бу ердан жуънанг!

## Дездемона

Азиз Яго,  
 Қандай қилиб йўлдошимни қайтароламан?  
 Сиз у билан бир мартаба учрашинг, дўстим.  
 Тиз чўкаман, бор нарсага ичаман қасам.  
 Уни қандай мен йўқотдим, ҳеч билолмайман.  
 Сўзим билан унинг ишқин хўрлаган бўлсам,  
 Ё иш билан, фикр билан, кўз, қулоқ билан,  
 Ё бошқа бир ҳис орқали қачон бўлса ҳам  
 Бўлган бўлсам бегонага жиндак оғушта,  
 Ехуд уни севмайманми аввал ва ҳозир  
 Ё ҳамма вақт уни севиб қололмайманми,  
 Гарчанд мени гадо каби қувлади, аммо  
 Қалбим унинг ишқи билан қувониб тепар!  
 Ғазаб кучли, биламанки, унинг ғазаби  
 Ҳатто менинг ҳаётимни кесиши мумкин,  
 Лекин бу иш муҳаббатга доғ сололмайди.  
 Айтишга ҳам жирканамаман «фбҳиша» сўзин.  
 Агар дунё бойлигини бошимдан тўкса,  
 Шу сўз берган маънодаги хотин бўлмайман.

## Яго

Тинчланингиз, ҳаммаси ҳам ўтиб кетади.  
 Давлатга хос ишлардаги ташвиш-озорнинг  
 Аламини сиздан олиб тергамакдадир.

## Дездемона

Оҳ, кошкийди, бунга сабаб шугина бўлса.

Яго

Ишонтираман.

Бурги овози келади.

Музика ҳам чалиб қолди, овқатнинг вақти,  
Венециялик элчилар ҳам сизни кутади.  
Тезроқ боринг, йиғламанг, эй, иш ўринлайди.

Эмилия билан Дездемона чиқиб кетади.  
Родриго киради.

Яго

Келинг, эй бормисиз, Родриго, қалай юрибсиз?

Родриго

Сен менга ноинсофгарчилик билан муомала қилаётганга ўхшайсан; маълум бўлиб қолди.

Яго

Хўш, бу ноинсофгарчилик нимада кўринади?

Родриго

Сен ҳар кун менинг учун янгидан-янги майнабозчилик гапларни тўқиб келяпсан, Яго, энди менга маълум бўлишича, сен менинг ўз истакларимни ерига етказишимга яқинлаштирмасдан, мени ҳар галги қулай фурсатдан мумкин қадар узоқлаштирмоқдасан. Рост гап шуки, мен ортиқ чидашни истамайман ва мен ҳалигача аҳмоқ бўлиб тортган бу жабру жафоларимни ёвошлик билан ютиб кетишимга ҳам ишонмайман.

Яго

Менга ҳам қулоқ солишни истайсизми, Родриго?

## Родриго

Мен шундай ҳам жуда кўп гапга қулоқ солдим, бироқ сўзингиз билан ишингиз бирга, баравар қадам ташламаяпти.

## Яго

Сиз мени жуда ҳам ноҳақ айблаётисиз.

## Родриго

Йўқ, мен бу гапда жуда ҳақлиман. Мен ўзимнинг бор буд-шудимни тўкиб бўлдим. Сиз мендан Дездемонага топшираман деб олган қимматбаҳо матоларнинг ярмисини сарф қилганда, тарки дунё қилиб, етти қават пардада ўтирган моҳпорани ҳам қўлга олса бўлар эди. Сиз менга, Дездемона совгаларни олди, ҳам мени кутсин, тез фурсатда бўла турган бадал ва яқинлашувларга умид боғлай берсин деган гапни ҳам менга топширган эдингиз, бироқ мен ҳалигача ҳеч нима кўрганим йўқ.

## Яго

Яхши, қани давом қила беринг-чи, жуда яхши.

## Родриго

«Жуда яхши!» «Давом қила беринг!» эмиш. Йўқ афандим, мен давом қила олмайман. Бу иш буткул «яхши!» эмас. Бошимни тикиб айтаманки, бу ўта бемазагарчилик! Энди мен ўзимни аҳмоқ қилганликларини фаҳмляяпман.

## Яго

Жуда ҳам яхши.

## Родриго

Аммо, мен сизга айтаманки, бу айниқса «жуда ҳам яхши эмас!» мен бориб Дездемонанинг олдида ҳамма

ишни очиб ташлайман, агар у менинг қимматбаҳо матоларимни қайтариб берса қонунга сиғмаган бу истакларимдан тавба қилиб унга хушторликдан кечаман, бермаса-чи, бўркингизда билиб қўйингки, мен ўз даъвомни қондиришни сиздан талаб қиламан.

Яго

Бутун гапни айтиб бўлдингизми?

Родриго

Мен қиламан деб қаттиқ қарор бериб қўйган ишимдан бошқа бирор гап гапирганим йўқ.

Яго

Ана энди мен кўрдимки, сенда ирода ва характер бор экан. Шу минутдан бошлаб сенинг тўғрингда илгаридан ўйлаб юрган фикрларимни яхши томонга қараб бураман. Қўлингни бер-эй, Родриго. Сен мени тўғри айблаётисан, бироқ шундай бўлишига қарамай, сенинг ишингни бажаришда тўғрилиқни қўлимдан берганим йўқ.

Родриго

Бу ҳалигача менга билингани йўқ эди.

Яго

Мен албатта тушунаман, ҳақиқатан бу ҳалигача билинмай келди, сизнинг шубҳангиз ҳам ақлга тўғри келади. Ҳақиқатдан холи эмас. Бироқ Родриго, агар, сенда, айниқса энди сенда буларнинг борлигига ишониб қолдим, ирода, эркаклик, ботирлик бўлса, ана шуларни бугун кечаси ишга соласан, ишга солганингдан кейин куни эрта кечаси Дездемонанинг вужудидан лаззатланмасанг, мени диндан чиққанлар қатори ер юзидан ҳайда, ҳам мени қийнаш учун истаган қурол-яроғни ўйлаб топавер.

Родриго

Хўш, ўзи нима гап? Ақлга тўғри кела турган, уйдан чикса бўладиган ишми?

Яго

Афандим, Венециядан Кассиони Отеллонинг ўрнига тайин қилингани тўғрисида буйруқ келди.

Родриго

Чинакамми? Бундай бўлса, Отелло билан Дездемона Венецияга қайтсалар керак.

Яго

Йўғ-э, Отелло ота юрти Марокашга қайтади, гўзал Дездемонани ўзи билан олиб кетади. Агар бирор кўзга кўринмаган сабаб чиқиб, уларни тутиб қолмаса, тез кетадилар; уларни бу ерда олиб қолиш учун Кассиони ўртадан суриб чиқаришдан бошқа чора йўқ.

Родриго

Сиз қандай чорани ўртадан суриб чиқариш деб айтасиз?

Яго

Ўртадан суриб чиқариш шуки, уни Отеллонинг ўрини эгаллашга лаёқатсиз қилиб қўйиш, миясини мажағлаб, мағзини қоқиш.

Родриго

Сиз бу ишнинг ҳам мен қилишимни истайсизми?

Яго

Албатта, агар сиз ўз фойдангиз ва ҳуқуқингизни истасангиз, бу ишни қиласиз. У бу оқшом бир эрмак хотинининг уйида овқатланади. Мен ҳам ўша ерга,



унинг олдига бораман. Ҳали у ўзининг бундай улуг даражага кўтарилганини билгани йўқ. Агар сиз унга ўша ердан қайтаётганида учрашишни истасангиз, мен бу қайтиш соат ўн иккилар чамасида бўлиши учун ҳаракат қиламан. Сиз истаганингизча уни ола биласиз. Бўлди энди, сиз бу ишга унчали таажжуб қилманг, қани мен билан юринг. Мен сизга унинг ўлиши зарур эканини шундай яхши исбот қилиб бераманки, ундан кейин сиз, уни йўқотиб юборишга ўзингизни мажбур деб ҳисоблайсиз. Кечки овқат қилишга ҳам аллақачон вақт етди, кеч ҳам тугалай деб қолди. Қани юринг, ишга бошлайлик.

### Родриго

Мен бунинг учун ҳали сиздан кучлироқ далилларни тинглашим керак.

### Яго

Мен айтаман, сиз қаноатланасиз.

Чиқиб кетадилар.

### УЧИНЧИ ҚҶРИНИШ

Қасрда яна бир бошқа хона.

Отелло, Лодовико, Дездемона, Эмилия ва хизматчилар чиқадилар.

### Лодовико

Сўрар эдим, ўзингизни ортиқ қийнаманг.

### Отелло

Изн беринг, бир оз кезсам менга фойдали.

### Лодовико

Ташаккурлар бўлсин сизга, хайр, маликам.

### Дездемона

Сизни кўрсак ҳар вақт ҳам хурсанд бўламиз.

Отелло

Юрайлик дўстим.

О... Дездемона!

Дездемона

Отелло!

Отелло

Ҳозир борибоқ ўринга ётинг, мен жуда тез қайтиб келаман. Хизматчингизга жавоб бериб юборинг; қаранг-а, бу айтганларим ҳаммаси бажарилсин.

Дездемона

Хўп, ҳаммасини бажараман.

Отелло, Лодовико ва мулозимлар чиқиб кетадилар.

Эмилия

Қалай энди бир оз юмшаб қолди шекилли.

Дездемона

Айтиб кетди, тездан уйга қайтар эмиш,  
Мен ўринга ётарканман, сиз, Эмилия,  
Уйингизга қайтасиз, буюриб кетди.

Эмилия

Мен кетаманми?

Дездемона

Буйруқ шундай. Шунинг учун ҳам  
Менинг кечки тўнимни беринг, сўнгра сизга хайр.  
Яхши эмас тагин уни аччиғлантириш.

Эмилия

Қошки эди, сиз ўшани танимасангиз!

Дездемона

Йўқ нимага, борган сари ишқим ошади;  
Ҳаттоки у газаб, даҳшат ичра бўлса ҳам —  
Бу еримни ечиб юбор,— менга ёқади.

Эмилия

Айтганингиз, чойшапни ҳам ёзиб қўйганман.

Дездемона

Ҳа, барибир. Оҳ, худойим, қандай аҳмоқмиз!  
Мен мабодо сендан олдин ўлсам, Эмилия,  
Шу чойшапни менга кафан бичасан, хўпми!

Эмилия

Қўйинг, яхши ният қилинг!

Дездемона

Онамнинг бир хизматчиси бўлгувчи эди,  
Барбара деб номланган бу хотин бечора,  
Бир йигитни севар экан, йигит қувлабди.  
Шундан кейин юракларнинг ичидан чиққан  
«Мажнунтол» деб аталгувчи эски қўшиқни  
Ўлгунича куйлаб ўтди оғзидан қўймай,  
Нимаичундир ўша қўшиқ бу кеча ҳадеб  
Қайта-қайта хаёлимга келиб турибди.  
Бечора қиз Барбарадай айткум келмоқда.  
Тезроқ берсангиз-чи!

Эмилия

Тўнингизни берайинми?

Дездемона

Керак эмас, бу еримнинг тугмасини еч.  
Ростдан айтсам, Лодовико хушқомат йигит...

Э м и л и я

Тўғри, жуда барно йигит.

Дездемона

Сўзларини тингладингми, ғоятда кўркем.

Э м и л и я

Мен Венецияда бир хотинни танийман, ўша хотин Лодовиконинг нозик лабларига бир мартаба тегиш ҳурмати учун Фаластингача яланг оёқ боришга рози бўлар эди.

Дездемона

*(куйлайди)*

«Сояликда шўрлик хотин ўтирарди ҳансираб,  
Ўҳ ям-яшил мажнунтолнинг қўшигини куйлаймиз.  
Ранги ўчган, жуда ғамли, бошин тиззага тираб,  
Ўҳ мажнунтол, мажнунтолнинг қўшигини  
куйлаймиз.

Муздай ирмоқ тўлқинланиб жилдир-жилдир оқарди.  
Ўҳ мажнунтол, мажнунтолнинг қўшигини  
куйлаймиз.

Шўрлик қизнинг шўр кўз ёши мумларни ҳам ёқади.  
Буни қўй...

*(Яна куйлайди)*

«Оҳ, ям-яшил мажнунтолнинг қўшигини куйлаймиз.  
Кўшиқ айтиб, мажнунтолдан менга чамбар  
ўринглар,

Уни асло хафа қилманг; севмасликка ҳақи бор...»  
Иўқ, бу кейинроқ келар эди... Қулоқ сол,  
Биров тақиллатаяптими?

Эмилия

Йўқ, бу шамол.

Дездемона

(куйлайди)

Қиз айтарди «бевафо» деб, у ҳам «қичқирмағил»  
дер,  
Уҳ мажнунтол, мажнунтолнинг қўшиғини  
куйлаймиз.  
Мен саёқман, сен ҳам бориб ҳар ким билан  
ёта бер»

Хайрли кеч, не учундир қичишмоқда кўзларим  
Йиғлаш учун эмасмикан?

Эмилия

Буни йўйиб бўлмайди.

Дездемона

Шундай деб ҳам айтадилар. Оҳ сиз, эркаклар!  
Виждон билан айт, Эмилия, шундайлар борми?  
Шундай уят ишлар билан эрни алдовчи?

Эмилия

Албатта бор, бундайлардан тўлиб ётибди.

Дездемона

Бутун дунё сенга бўлса, сен қилармидинг?

Эмилия

Хўш, ўзингиз-чи?

Дездемона

Йўқ, йўқ, кўкнинг чироқлари — гувоҳим бўлсин!

Э м и л и я

Мен ҳам бу ишни чироқда қилмас эдим, ахир қоронғида ҳам яхши бўлаверади.

Дездемона

Қилармидинг бутун дунё сеники бўлса?

Э м и л и я

Дунё улуғ! Арзимаган шу гуноҳ учун  
Бундай баҳо жуда улуғ бўлиб кетади.

Дездемона

Қилмасдинг-а, ростини айт!

Э м и л и я

Ростини айтсам, ўйлайманки, мен бу ишни қилар эдим, қилиб бўлгандан кейин ишнинг устини ёпиб, гўё мен бу ишни истамасдан қилган бўлиб кўринар эдим. Албатта энди. Мен бу ишни битта узукми, ёки бир кийимлик читми, битта кўйлак, битта юбками, битта дуррачами, битта ангишванадай арзимаган совғалар учун қилмас эдим. Лекин бир бутун дунё бўлса-чи, унинг йўли бошқа. Хўш, бу ишдан кейин эрингизга подшоҳлик тожи тегадиган бўлса, ким эрининг олдига похол солиб, гўсхўр қилишдан қайтиб туради. Мен бундай қимматбаҳо иш учун гуноҳларимни тозалаб тургани Аърофга боришга ҳам тортинмас эдим.

Дездемона

Агар бутун дунё учун шу ишни қилсам  
Менга лаънат, уят бўлсин!

Э м и л и я

Ахир ёмон иш бизнинг дунёмиздагина ёмон, агар сиз ўзингизнинг ўша хизматингиз учун бутун дунёни олсангиз, бу ёмон иш, сизнинг ўз хусусий дунёнгизда

қилинган бўлади, сиз бўлса, бу ёмон ишни тез ўртада яхшиликка айлантириб юборишга ихтиёрли бўласиз.

### Дездемона

Шундай хотин борлигига ҳеч ишонмайман.

### Эмилия

Бундайлардан истаганча топилади, уларни қўйиб берсангиз, бутун дунёни тўлдириб юборадилар. Улар шу иш баҳраси учун ўйноқлайдилар.

Хотин киши бузилишига, эр сабаб доим,  
 Қачонки қарз тўлашга ёлқовлик қилиб,  
 Насибамизни ёт этакка бориб тўксалар  
 Ё рашк қилиб ғазаб билан бизни сиқсалар,  
 Уриб, сўкиб, уй, рўзғордан бепарво, беғам,  
 Хўш, бизларда зарда йўқми, тоза бўлсак ҳам.  
 Биз ҳам яхши тушунамиз ўч олишликни.  
 Майли ҳамма эркак билсин; хотинларда ҳам  
 Ҳидлаш, кўриш, мазза қилиш, аччиқ-чучукни  
 Ажратолиш қобилияти бўлган, ҳамон бор.  
 Бизни яна бошқа ёрга алмаштиришга  
 Хўш, уларни қайси хислат мажбур қилади?  
 Бу завқ учун эмасмикан? Ўйлайман, тўғри.  
 Ё уларда ҳирс билан майл зўр келадими?  
 Иродаси бўшлигимми? деб тағин ўйлайман.  
 Бу албатта шундай, аммо, бизда ҳам майл бор.  
 Бўш ирода, чанқаган завқ топилиб қолар.  
 Шу учун эрларимиз бизни қувнатсин,  
 Билсинларки, ёмонликни бизга ўргатиб,  
 Қоладилар ёмонликнинг гамига ботиб.

### Дездемона

Хайр, хайр. Э худойим, мени ўргатгил,  
 Ёмонларга ёмон бўлмай, яхшилик қилай.

Чиқиб кетади.

## V ПАРДА

### БИРИНЧИ ҚҰРИНИШ

Куча.

Яго билан Родриго чиқади.

Яго

Тез келади. Шу устуннинг орқасида тур.  
 Қиличингни яланғочлаб ушлаб, аниқ ур.  
 Тез бўл, тез бўл! Қўрқа кўрма, мен яқиндаман,  
 Эсингда тут, ё ғалаба, ё ўлим бунда,  
 Иродангни кучлироқ қил дадиллик билан.

Родриго

Узоқ кетма, мен ҳовлиқиб қолишим мумкин.

Яго

Шўтгинанинг ўзидаман, жасур тура бер,

*(Бир чеккага чиқади.)*

Родриго

Мен бу ишга унча мойил эмасман, аммо  
 Бунинг айтган далиллари ғоятда кучли.  
 У ўлади! Чиқ қиличим, кетдик олдинга!

Яго

Бу ярани ачишгунча тимдалаб қўйдим,  
 Зардоб йиғиб анча шишди. Майли, ким — кимни,  
 Кассиони Родригоми, ёки у буни



Е иккови ўладими, барибир фойда.  
 Тирик қолса тинч қўймайди мени Родриго.  
 Дездемона учун ундан шилиб олганим  
 Матоларни, пул-давлатни қистай бошлайди.  
 Бу бўлиши мумкин эмас. Агар Кассио  
 Тирик қолса, туғулгувчи ҳар бир янги кун  
 Унинг ҳуснин менга тортиқ қилиб эзажак.  
 Бу баҳарнов, мавр мени унга топширар.  
 Балки бунда, менга ўлим човт солмоқдадир:  
 Майли ўлсин. Келяпти, ана ўзи ҳам.

К а с с и о ч и қ а д и .

Р о д р и г о

Қадамлари менга таниш, келаётибди,  
 Мана ул, ўл ярамас!  
*(Олдинга чиқиб Кассиога ташланади.)*

К а с с и о

Менга қарши кўтарилди ёвнинг зарбаси,  
 Бироқ совтим мўлжалингдан маҳкамроқ эди.  
 Мен энди сеникини синаб кўраман.  
*(Қиличини суғуриб Родригони яралайди.)*

Р о д р и г о

Уҳ, мен ўлдим.

Я г о орқа томондан чиқиб Кассионинг оёғига қилич  
 чопади, яралантириб қочади.

К а с с и о

Ёрдам беринг! Майиб бўлдим! Чавоғладилар!  
*(Йиқилади.)*

О т е л л о ч и қ а д и .

О т е л л о

Бу Кассио. Яго сўзининг устидан чиқди.

Родриго

Уҳ, мен малъунман!

Отелло

Тўғри, тўғри худди шундай.

Кассио

Келсанглар-чи! Ут ёқинглар! Жарроҳ чақиринг!

Отелло

Уҳ офарин, жасур Яго, садоқатинга,  
 Дўст гуссасини инософ билан сеза олишни  
 Ургатолдик. Энди, жоним, сиз ҳам ўласиз,  
 Тақдирингиз ҳал бўлиши яқинлашмоқда.  
 Кетяпман, ман. Қизалоқ, қалбимдан эса  
 Муҳаббатнинг бутун сеҳрин юлиб ташлайман.  
 Ифлос истак доғи билан булганган тўшак  
 Уша ифлос қонинг билан бўялар бешак.

*(Чиқиб кетади.)*

Лодовико билан Грациано кириб келади.

Кассио

Қоровул йўқ! Уткинчи йўқ! Бунда қотил бор!

Грациано

Бу ерда бир фожеа бор! Биров инграйди.

Кассио

Ёрдам беринг!

Лодовико

Эшитяпсизми?

Родриго

Лаънати, ифлос!

Лодовико

Ингровчилар икки, учта-кеча қоронгу.  
Бу бир найрағ бўлиши ҳам мумкин эмасми?  
Ердамчисиз боравериш хавфсиз ҳам эмас.

Родриго

Бу яқинда ҳеч ким йўқми? Қонсираб қолдим!

Лодовико

Эшитяпсизми?

Қўлида машғал кўтариб Яго чиқади.

Грациано

Қўлда машғал, яроғ тутган кўйлакчан киши  
Шу томонга келяпти.

Яго

Бунда ким бор? Нима шовқин? Чавоғлаш!  
Фарёд!

Лодовико

Биз билмаймиз.

Яго

Дод, фарёдни эшитдингизми?

Кассио

Ердам беринг, худо ҳаққи!

Яго

Нима гап бўлди?

Грациано

Бу маврнинг мулозими эмасми, ахир?

Лодовико

Балки, ўша. Лекин ўзи кўп ботир йигит!

К а с с и о

Яго сизми? Ярамастар чавоглаб кетди.  
Менга тезроқ ёрдам беринг!

Я г о

Уҳ лейтенант! У қанақа ярамастар экан?

К а с с и о

Мен улардан биттасини чопдим шекилли.  
Шунда ётган бўлса керак, тура олмайди.

Я г о

Тубан, ифвогар!

*(Лодовико ва Грацианога қараб.)*

Сизлар кимсиз? Бери келиб ёрдамлашинглар!

Р о д р и г о

Уҳ, ёрдам беринг!

К а с с и о

Ана биттаси!

Я г о

Қотил, тубан қўл!

*(Родригога қилич суқади.)*

Р о д р и г о

Малъун Яго! Даҳшатли ит! Оҳ!

Я г о

Одамхўрлик қиладилар, бурчак-бурчакда,  
Шаҳар жимжит. Қайга кетди қонхўр ўғрилар.  
Босқинчилик! Ҳой халойиқ, босқинчилик бор!  
Сизлар кимсиз? Дўстлармисиз,

душманлармисиз?

Лодсвиго

Қандай қилиб атасангиз, Ғшанинг ўзи.

Яго

Лодовикомисиз, синьор?

Лодовико

Балли, афандим.

Яго

Кечирасиз.

Кассиони босқинчилар чавоғлабдилар.

Грациано

Кассионими?

Яго

Аҳволингиз қалай, биродар?

Кассио

Оёқларим шарт узилган.

Яго

Вой худойим-эй!

Чироқ тутинг! Қўйлак билан боғлаб қўяман.

Бьянка кириб келади.

Бьянка

Ҳой нима гап! Додлаган ким, қичқирувчи ким?

Яго

А нимади? Додлаганни сўряпсизми?

Бьянка

Уҳ Кассио, қимматбаҳо, жоним Кассио!

Уҳ Кассио, Кассио!

Я го

Уҳ фоҳиша! Гумонингиз йўқми, Кассио,  
Бу ҳужумни қайси ифлос қилиши мумкин?

Кассио

Йўқ.

Грациано

Афсус ейман, сизни шундай аҳволда кўриб  
Мен қидириб юрган эдим, сизни Кассио.

Я го

Бир озгина латта беринг, носилка беринг,  
Кўтарганда тинч кетади.

Бьянка

Вой, ўзидан кетиб қолди! Кассио жоним!

Я го

Шу ярамас иш тўғрида, жаноб олийлар,  
Мана шу фоҳишадан шубҳа қиламан.  
Азиз дўстим, чидам керак. Машъални беринг!  
Бу башара менга жуда таниш эмасми?  
Уҳ худойим, азиз дўстим, ватандошим, вой,  
Родриго-ку худди ўзи, шўрлик Родриго!

Грациано

Венециялик Родригоми?

Я го

Ҳа, афандим, танирмидингиз?

Грациано

Яхши танирдим.

Я го

Авф этингиз, синьорим Грациано,  
Олдингизда бўлиб ўтган қонли ҳодиса  
Эътиборсиз бўлганимнинг узрига етар.

Грациано

Сизни кўриб жуда шодман.

Я го

Хўш, Кассио, оғриқ бир оз енгил тортдимиз?  
Ҳой, носилка! Биродарлар, носилка қани?!

Грациано

Родриго-я!

Я го

Ўзи, ўзи. Яхши бўлди, носилка келди.

Носилка келтирадилар.

Қани буни кўтарингиз, яхши йигитлар.  
Дарров бориб мен жарроҳни айтиб келаман.

*(Бьянкага қараб.)*

Сиз ҳозирча жонкуярлик қилмасдан туринг,  
Ўлган йигит билан қалин оғайни эдим.  
Хўш Кассио, ўртангизда жанжал бормиди?

Кассио

Йўқ, ҳеч қандай жанжал ҳам йўқ, танимайман  
ҳам.

Я го

*(Бьянкага қараб.)*

Нима учун рангинг бирдан оқариб кетди?  
Кассиони ўз уйига олиб боринглар!

Кассио ва Родригони олиб чиқадилар.

*(Бьянкага қараб.)*

Хўш, нимага рангинг ўчди?  
 Кўряпсизми?  
 Теваракка жовдирайди кўзи қўрқувдан.  
 Менга дадил тикилинг-чи — ҳали биламиз!  
 Бунга яхши қаранг, дўстлар, сиздан сўрайман.  
 Жиноятнинг ўзи сўйлар, тил бўлмаса ҳам.

Э м и л и я кириб келади.

Нима шовқин-сурон ўзи, нима гап, Яго?

Я г о

Бир-иккита дайди билан бирга Родриго  
 Кассиони ўлар ҳолда чавоғлаб қўйди.  
 Шериклари қочиб кетди, Родриго ўлди.

Э м и л и я

Оҳ бечора хўжайиним, азиз Кассио!

Я г о

Саёқ юрган таёқ еди, билчи Эмилия,  
 Бугун оқшом қайда бўлган экан, Кассио.

(Бьянкага.)

Нима учун титраяпсиз?

Б ь я н к а

Меникида бўлган эди, титраганим йўқ.

Я г о

Ҳа-ҳа, сизга меҳмонмиди? Орқамдан юринг.

Э м и л и я

Тфу бетингга, йўлдан чиққан ифлос фоҳиша!

Б ь я н к а

Мен ҳам сиздай пок-покиза турмуш эгаси,  
 Фоҳиша деб хўрлай берманг, ҳақорат қилманг.



## Эмилия

Сен ҳам мендай пок-покиза?! Тфу бетингга!

## Яго

Қани юринг, Қассиони бориб кўрамиз.  
Бечоранинг ярасини боғладиларми?

(Бьянкага.)

Сиз ҳам бирров бизлар билан бирга борасиз,  
Унда бирор янги чўпчак айтиб берарсиз.

(Эмилияга.)

Сиз, Эмилия, қаср томон югуринг тезда,  
Отелло ҳам хотинини қилинг хабардор.

(Бир чеккага қараб.)

Оҳ бу кеча, ё тилакни ўринлатади,  
Ёки мени бир умрга ҳалок этади.

Чиқиб кетадилар.

## ИҚКИНЧИ ҚУРИНИШ

Қасрдаги хобхона.

Дездемона ётоқда ухлайди. Тепасида шам ёнмоқда.  
Отелло кириб келади.

## Отелло

Сабаби бор, сабаби бор, сабаби, жоним!  
Мен уларни айтолмайман, тиниқ юлдузлар.  
Бироқ кучли сабаби бор. Мен қон тўкмайман.  
Қордан ҳам оқ, қабрдаги мраммардан силлиқ  
Бу баданни тирнамайман, яраламайман.  
Тирик қолса бошқаларни яна алдайди,  
Шунинг учун у мутлақо ўлиши керак!  
Шамни пуфлай.. Шамни пуфлай... Хўш

ундан кейин,

Ана борди ўчирдим ҳам. Порлоқ чироғим —

Учирсаму ундан кейин бўлсам пушаймон,  
Сенинг худди шу ўтингни қайтароламан

Ёндира оламан..

Бироқ сенинг ўтинг ўчса, эй гўзал малак,  
Табиатнинг ҳусни учун ўрнак бўлган тан,  
Билолмайман машъалингни ёқишлик учун  
Қайдан топай, абадият алангасини.

Гулни узиб ўз шохидан, унга қайтадан  
Кўкаришлик хосиятин бера олмайман.  
У сўлади.

Ўз шохида бир искаб олай.

*(Дездемонани ўпади.)*

Ўҳ, қанчалик ширин нафас ва бу нафаслар  
Адолатнинг қиличини бука олади.

Яна, яна! Ўҳ. Шундай қол ўлиминггача.

Ўлдираман, аммо сени яна севаман.

Яна ўпай, яна ўпай, сўнгги мартаба!

Ўлим олди бўсалари қанчалик ширин.

Йиғлаяпман. Бироқ бу ёш йўқлик йиғиси.

Ишқим учун осмон менга бермоқда жазо.

Ана ўзи кўзин очди, уйғоғиб қолди.

Дездемона

Ким, Отелло, бу сизмисиз?

Отелло

Ҳа, Дездемона.

Дездемона

Ётмайсизми, азиз Отелло?

Отелло

Кечасилик ибодатин қилганмидингиз?

Дездемона

Қилган эдим.

Отелло

Худойимнинг марҳамати кечолмай турган  
Бирор гуноҳ ёдингизга тушмаяптими?  
Шу тўғрида вақт ўтказмай ибодат қилинг.

Дездемона

Хўш, азизим, бу сўз билан не демоқчисиз?

Отелло

Тез тавба қил, чўзилмасин. Четда тураман.  
Ҳали руҳинг ўлим учун тайёр бўлмасдан  
Гуноҳ билан ўлдирмайман, худо сақласин.

Дездемона

Ўлдираман... дедингизми?

Отелло

Ҳа, ўлдираман.

Дездемона

Танграм, менга раҳминг келсин!

Отелло

Жон билан, омин!

Дездемона

Ўлдирмайсиз, шундай сўзни айтгандан кейин.

Отелло

Жим!

Дездемона

Аммо жуда қўрқаяпман, шундай бўлса ҳам.  
Кўзларингиз олаяркан, кўп даҳшатлисиз.  
Қўрқаяпман... Бегуноҳдан-бегуноҳ бу иш.  
Шундай, аммо қўрқаяпман.

Отелло

Гуноҳингни ёдингга тушир.

Дездемона

Бир гуноҳим у ҳам сизга ишқимдир, холос.

Отелло

Балли, худди шу ишқ учун ҳозир ўласан.

Дездемона

Ишққа ўлим-табиатнинг қонунига зид.  
Вой нима учун лабингизни тишламоқдасиз?  
Ва қонли ҳирс сизни бундай қақратмоқда.  
Бу барчаси ғалабадир, шундай бўлса ҳам  
Ишонаман, менга зарра алоқаси йўқ.

Отелло

Жим бўл, секин.

Дездемона

Жуда яхши, ўзи нима гап?

Отелло

Ўзим севиб, сенга ҳадя қилган рўмолни  
Қассиога олиб бориб бердинг?

Дездемона

Бу ёлғон.

Жоним билан қасам ичай, ўзидан сўранг.

Отелло

Уҳ, жонгинам, тилингни тий ёлғон қасамдан,  
Чунки ўлим тўшагида ётибсан ахир.

Дездемона

Дуруст, ахир шу топдаёқ ўла қолмасман?

## Отелло

Худди шу топда.

Шунинг учун гуноҳингга тезроқ тавба қил.  
Бироқ, майли, қасам ичиб бўйни товладинг,  
Лекин қарор қўзғалмайди, тебратолмайсан.  
Гарчанд бундан ҳўнграяпман. Лекин ўласан!

## Дездемона

Ўзинг менга раҳм қилгил, худоё!

## Отелло

Омин!

## Дездемона

Сиз ҳам бир оз раҳм қилинг? Ахир ҳеч қачон  
Қитдай бўлсин, қилганим йўқ сизни ҳақорат.  
Қассиони севар эдим, осмон буюрган  
Ҳаммага хос севги билан, совға бермадим.

## Отелло

Онт ичаман, рўмолчамни қўлида кўрдим.  
Юрагимни тош қилдинг сен, қасамхўр хотин,  
Мен қурбон деб бу қилмоқчи бўлганим ишни,  
Сен қатл деб атамоққа мажбур қиласан.  
Рўмолчамни ахир, кўрдим!

## Дездемона

Демак топибди.  
Мен рўмолча берганим йўқ. Одам юборинг;  
Ўзи келиб чинини айтсин.

## Отелло

У. айтиб бўлди.

## Дездемона

Нима дейди?

Отелло

Сенинг билан алоқаси борлигини-да.

Дездемона

Қандай, яъни қонунсизми?

Отелло

Балли, қонунсиз.

Дездемона

У бу гапни ҳеч айтмайди.

Отелло

Оғзин ёпдилар.

Содиқ Яго чорасини чакки кўрмади.

Дездемона

Уҳ даҳшат, менга ортиқ ҳамма иш аён.  
Қандай ахир ўлдимми?

Отелло

Бир тирик жон бўлса эди ҳар тола мўйи  
Тўйдирарди бу интиқом барчасини ҳам.

Дездемона

Вой бечора, алданибди, мен хароб бўлдим!

Отелло

Кўз олдимда унинг учун йиғлаяпсанми?  
Иўқол, фоҳиша!

Дездемона

Уҳ, ўлдирманг, майли мени қувлаб юборинг!

Отелло

Улим, фоҳишага!

Дездемона

Шу кеча ҳам яшай қолай, эрта ўлдилинг?!

Отелло

Қаршилиқ ҳам кўрсатмоқчи бўласанми, а!

Дездемона

Ярим соатга ахир!

Отелло

Муҳлат берилмас.

Дездемона

Дуо ўқий ҳеч бўлмаса!

Отелло

Вақт ўтди, кеч!

*(Уни бўғади.)*

Эмилия

*(саҳна орқасидан)*

Ҳой афандим, афандим, ҳой, жаноб олий!

Отелло

Нима шовқин? Улдими, йўқ ўлгани йўқми?  
Қаттиққўллик билан, шафқатим ҳам бор —  
Истамайман бундан ортиқ қийналишингни.

Эмилия

*(саҳна орқасидан)*

Афандим, ҳой, афандим, афандим, дейман ахир!

Отелло

Ким ўзи?

Э м и л и я

(саҳна орқасидан.)

Сизга ахир битта оғиз сўзим бор холос.

О т е л л о

Эмилия? Мана ҳозир. Бу ортиқ ўлди.  
У Кассиони ўлганини айтгани келган.  
Шовқин жуда катта. Ортиқ қимирламайди.  
Қабрдай жим. Киргизайми, қандай бўларкан?  
А, а, — нима? Тебрандими? Йўқ — нима қилди?  
Агар кирса сўйлашади хотиним билан.  
Менинг хотиним билан! Хотиним? Менинг ортиқ  
хотиним йўқ!

Чидаб бўлмас даражада. Оҳ оғир соат!  
Тахминимча, қуёшни ҳам, ойни ҳам букув  
Улуғ зулмат қопламишди, еримиз қўрқиб,  
Бу ўртада тентираклаб кезар саргардон.

Э м и л и я

Уҳ, афандим, ялинаман, зарур гапим бор?!

О т е л л о

Сени эсдан чиқарибман, кир, Эмилия.  
Ҳозир, бир оз шошилмай тур, пардани тортай  
Қаёқда сен?

(Эшикни очади.)

Хўш, шу топда сенга не керак?

Э м и л и я

Уҳ, афандим, ўлдирдилар, мудҳиш ўлдириш.

О т е л л о

Шу топдами?

Э м и л и я

Ҳа, ҳа, ҳозир, худди шу топда.



Отелло

Одатдаги ўз йўлидан чалғиб ой, балки  
Еримизга яна кўпроқ яқинлашган-да,  
Ҳаммани ҳам тентак қилган.

Эмилия

Унда Кассио  
Венециялик Родригони ўлдириб қўйди.

Отелло

Нима, нима? Родригони ўлдирдиларми?  
Кассио-чи ва уни ҳам ўлдирдиларми?

Эмилия

Йўқ, Кассио ўлдирилган эмас.

Отелло

Ҳа, ҳа тирикми?  
Демак анча довдирабди, бунда қатл иши,  
Интиқомнинг товуши эса ҳали хириллар.

Дездемона

Уҳ, бегуноҳ ўлдирилдим.

Эмилия

Вой ўлай, бу кимнинг овози?

Отелло

Мана бу кимнинг овозими?

Эмилия

Вой бу овоз маликамнинг овозлари-ку?!  
Ердам беринг! Оҳ маликам, бирор сўз айтинг!  
Дездемона, Дездемона, менинг маликам!

Дездемона

Мен гувоҳсиз ўлмоқдаман.

Эмилия

Ўлдирувчи ким?

Дездемона

Ҳеч ким эмас. Ёлғиз ўзим. Хайр, ортиқ хайр,  
Марҳаматли Отеллога салом, алвидо!

(Ўлади.)

Отелло

Уни ахир, ўлдирган ким бўлиши мумкин?

Эмилия

Вой товба-эй, ким бўлар эди?

Отелло

Ўзи айтди, мен эмасман, сиз эшитдингиз.

Эмилия

Тўғри, айтди, гувоҳликка ўтишим мумкин.

Отелло

У, ёлғончи, жаҳаннамнинг қаърига кетди.  
Мен ўлдирдим!

Эмилия

Шундай эса, бу бир малак, сиз қора шайтон!

Отелло

Тузук йўлдан четга чиқиб фоҳиша бўлди.

Эмилия

Унга бўҳтон қияпсиз, малъун, ярамас!

Отелло

Оқин сувдай, у алдамчи, риёкор эди.

Эмилия

Сен тезликда алангасен, у кўкдай тоза.

Отелло

Яширинча ётар эди Кассио билан,  
Ишонмасанг бориб эринг Ягодан сўра!  
Уҳ, агарда кучли сабаб бўлмасданоқ, мен  
Шундай қатъий чегарага келолган бўлсам,  
Майли мени ютсин эди, тубсиз жаҳаннам,  
Ҳамма ишни эринг жуда яхши биледи.

Эмилия

Менинг эримми?

Отелло

Сенинг эринг!

Эмилия

Маликамнинг никоҳ ҳукмин бузганини-я?

Отелло

Кассиога ўйнашлигини яхши биледи.  
Агарда у содиқ бўлса, покиза бўлса,  
Осмон менга забаржаддан дунё қурса ҳам  
Алишмасдим бу оламга битта тукини.

Эмилия

Менинг эрим?!

Отелло

Тўғри, эринг келиб айтди менга энг аввал,  
У жуда ҳам содиқ киши ва ёқтирмайди  
Бундай уят балғамларни, ифлос ишларни!

Э м и л и я

Менинг эрим-а?!

О т е л л о

Нега мунча таъкидлайсан. Айтдим-ку, эринг!

Э м и л и я

У, муҳаббат, ҳақоратга бўлмиш масхара!  
Менинг эрим уни йўлдан чиққан деб айтди?!

О т е л л о

Ҳа, ҳа ўзи, сенинг эринг, тушунасанми?  
Садоқатли дўстим, эринг ва содиқ Яго.

Э м и л и я

Шундай деган бўлса унинг зарарли қалби  
Ҳар кунига зигирчадай эзилиб оқсин!  
У ёлғон сўз ишлатибди. Аммо, маликам,  
Ўз йиргамчик тақдирин севар эди.

О т е л л о

А!

Э м и л и я

Сен бундан ҳам ёмонроқ иш қилавер,

майли!

Унга қанча сен муносиб бўлмаганингдай,  
Бу қилганинг иш ҳам кўкка шундай поллойиқ.

О т е л л о

Товушингизни ўчирсангиз — хўп бўлар эди.

Э м и л и я

Мендаги бу сабр-чидам шунча мустаҳкам,  
Ярмисини қўрқитолмас ҳар қанча даҳшат.  
Аҳмоқ! Сўтак! Йирганч, палид! Нима иш қилдинг...  
Бир гал эмас, йигирма гал ўлдирсанг, майли,

Қиличингдан мен қўрқмайман, очиб ташлайман!  
 Ҳой келинлар! Қора араб хотинини ўлдириб  
 қўйди!

Ҳой келинлар! Вой, дод, одамлар!

Монтано, Грациано, Яго ва бошқалар  
 кирадилар.

Монтано

Хўш, бу ерда нима ўзи! Нима гап, генерал?

Эмилия

Келдингизми, Яго? Яхши, жудаям яхши.  
 Одам сўйиб, сизга гуноҳ тўнкамоқдалар.

Грациано

Хўш, айтинг-чи, нима гап бор? Нима ҳодиса?

Эмилия

Эркак бўлсанг, шарманда қил, бу виждонсизни,  
 Айтадики, хотинини айблаб экансан.  
 Мен биламан, сен қилмайсан, тубан эмассан,  
 Айт, бўлмаса юрак қиндан чиқиб кетади!

Яго

Мен фикримга келганини сўйладим холос,  
 Ишонилса бўлади деб ҳисоблади бу.

Эмилия

Хотинини йўлдан чиққан деганмидингиз?

Яго

Ҳа, деган эдим.

Эмилия

Ёлғонлайсиз, тубан ёлғон ва сиз ҳам малъун!  
 Онт ичаман, ёлғонлайсиз, даҳшатли ёлғон!  
 Уйнашади дебмидингиз Кассио билан?

Яго

Ҳа, Кассио билан дедим, тилингни тий-чи!

Эмилия

Иўқ, тилимни тиёлмайман, сўзлашим керак.  
Мана бунда синьорам ўлиб ётибди.

(Ҳамма бирдан)

Раҳм қилгил, эй парвардигор!

Эмилия

Сизнинг ёлғон бўҳтонингиз ўлим келтирмиш.

Отелло

Эй жаноблар; ҳайрон қолманг, барчаси ҳам рост.

Грациано

Ваҳший ҳақиқат!

Монтано

Мудҳиш қилгулик.

Эмилия

Уҳ, разиллик! Бу тўғрида мен ўйлайманки,  
Сезяпман разолатнинг сассиқ ҳидини..  
Шундай бўлар деб ўйлардим... мен ўз-ўзимни  
Бу қайгудан ўлдираман, разолат, пастлик!

Яго

Тентак бўлиб, қолдингми сен? Бор, уйга жўна!

Эмилия

Изн беринг, сўйлаб олай, жаноб олийлар!  
Унга доим муте мен-ку, шу топда эмас.  
Балки Яго, мен уйга ҳеч қайтмасман ҳам.

Отелло

(каравотга йиқилиб)

О! О!

## Э м и л и я

Бўкира бер, каравотга ётиб олганча,  
Сен осмонга маъсумгина термулиб турган  
Шундай ширин, покдомонликни ўлдирдинг.

## О т е л л о

У гуноҳкор эди ахир.

*(Туради. Грацианого қараб.)*

Авф этинг, амаки,

Сизни яхши танимасдим. Мана шу қўллар  
Синглингизни худди шунда бўғиб ўлдирди.  
Жуда даҳшат кўринади бу иш албатта.

## Г р а ц и а н о

Уҳ бечора, Дездемона, шўрлик жияним,  
Яхши ҳамки отанг ўлмиш бун билмасдан.  
Аввал сенинг бу никоҳинг бўлиб унга гам,  
Кекса умрин ипларини узмишди алам.  
Тирик бўлса даҳшат бирлан муккача кетиб,  
Худодан ҳам қайтарди, малъун бўларди.

## О т е л л о

Бу ишларнинг барчаси ҳам қайғули. Аммо,  
Юз карра, юз марта унинг Кассио билан  
Қилган ёмон ишларини Яго биларди.  
Иқроп бўлган бу ишларга Кассио ўзи;  
Бу севгининг меҳнатини мукофотлабди,  
Унга менинг муҳаббатим гарови бўлган  
Энг биринчи ҳадямни элтиб берибди.  
Кассиода кўрдим уни ўз кўзим билан.  
Рўмол эди, падаримдан — онамга ёдгор.

## Э м и л и я

Эй осмоннинг қудратлари!

Я го

Жим бўлинг дейман!

Э м и л и я

Жим бўлмайман. Бари сиртга тепиб кетмоқда  
Шамол каби, сўз айтишда сахий бўламан.  
Майли мени осмон, шайтон, бутун одамлар  
Уялтирсин, тўхтатмайман — сўзлай бераман.

Я го

Уйингизга тезроқ кетсангиз-чи?

Э м и л и я

Қимирламайман.

Я го Эмилияни қилич билан чопмоқчи бўлади.

Г р а ц и а н о

Уят, уят!

Қилич билан хотин кишига!

Э м и л и я

Ҳой, аҳмоқ мавр, рўмолингизни мен тасодифан  
Топиб олиб, ўз эримга топширган эдим.  
У дам-бадам арзимаган шу рўмолчани  
Қистаб-қистаб ўғирлашни сўрарди мендан.

Я го

Ифлос, фоҳиша!

Э м и л и я

Хотинингни совға қилган деяпсанми? — Йўқ,  
Мен топганман, топширганман, мана эримга.

Я го

Елгон сўйлаб, алдама, мурдор!



## Эмилия

Онт ичаман, ёлгон эмас, жаноби олийлари!  
Тентак, қонхўр! Шундай яхши бир хотин билан  
Бундай аҳмоқ не қилади, бу қандай тақдир?

## Отелло

Кўкнинг шунча гулдуриси, айт-чи, эй ифлос!  
Битта момақалдиروқнинг ўзи учунми?

(Ягога ташланади.)

Яго Эмилиянинг елкасига қилич суқиб қочади.

## Грациано

Хотинини ўлдирди у. Галдираяпти.

## Эмилия

Уҳ, мени ҳам маликамга қатор ётқизинг..

## Грациано

Хотинини ўлдирди-ю, қочганча кетди.

## Монтано

У жуда ноёб малъун. Мен бу арабдан  
Тортиб олган шу қилични қўлга тутингиз.  
Эшикларни қоровулланг, чиқара кўрманг,  
Уннаб қолса ўлдиригиз, майли. Мен эса  
У малъун ит, ярамаснинг изидан кетдим.

Отелло билан Эмилиядан бўлак ҳамма кетади.

## Отелло

Менда энди озгина ҳам журъат қолмаган,  
Қиличимни ололади тирноқча бола.  
Шарафмикин шу шарафсиз умрни яшаш?  
Ҳаммаси ҳам нобуд бўлсин, йўқолсин майли.

## Эмилия

Нозаниним, қайси қўшиқ сенга ёқарди?  
Тинглайсанми? Азиз жоним? А, Дездемона?

Оққуш бўлиб ўйпайманми сўнг қўшиқ айтиб,  
Бу дунёдан бир умрга кўзни юаман.

(Куйлайди.)

«Оҳ мажнунтол, мажнунтолнинг қўшигини  
куйлаймиз»

Тоза эди, севар эди, марҳаматсиз мавр.  
Имон билан барисига қасам ичаман,  
Бу гаплар ҳақ... мана ўламан!

(Улади.)

О т е л л о

Яна битта яроғим бор бу ерда менинг,  
Музли сувда топ берилган испан шамшири,  
Мана! Амаки, ташқарига чиқмоқ истайман.

Г р а ц и а н о

(саҳна орқасидан)

Қимирладинг, билиб қўйгил бошинг кетади,  
Яроғинг йўқ, итоатга мажбурсан, араб!

О т е л л о

Гапларим бор, бу ёққа кир, ўзинг бўлмаса,  
Хўп демасанг, қуролсиз ҳам ҳужум қиламан!

Г р а ц и а н о киради.

Г р а ц и а н о

Нима дейсан, нима гапинг бор?

О т е л л о

Мана, бошқа яроғим бор. Бундай шамширлар  
Ҳеч бир солдат ёнбошини безай олмаган.  
Бир вақтлар қисқа қўлнинг ғайрати билан  
Шу қилич-ла қаторларни ёриб ўтганман,  
Унда тўсиқ сизникидан қийинроқ эди.  
Бироқ ҳозир у мағрурлик ўринсиз — бекор.  
Ким, айтинг-чи тақдирини ўзгартолади?

Ҳозир ундай эмас — гарчанд яроғланганман  
Заррача ҳам қўрқманг мендан хотиржам

бўлинг.

Тилак, йўлим, армонларим шу ерда тамом,  
Умр кемам сузмас ортиқ, лангар ташлаган.  
Сиз орқага чекиляпсиз? Уринсиз' қўрқув?  
Отеллонинг кўкрагига ўқ билан эмас  
Қамиш билан туртсангиз ҳам тисарилади:  
Айтинг-чи, у қаерга бора олади?  
Уҳ, бечора толесизим! Бўз каби оппоқ!  
Учрашамиз маҳшар кун, адолатли кун,  
Шунда агар менга бир гал ташласанг назар  
Руҳим кўкдан қулаб кетар, уни иблислар  
Тутиб олиб, зулматларга улоқтиражак.  
Совибсан, эй азиз малак, худди ўзингнинг  
Тозалигинг каби.

Уҳ, малъун, кўппак!

Ҳайданг мени бу илоҳий вужуд устидан,  
Ҳайданг мени! Эй шайтонлар,  
Қуюнларда айлантинг, гирдобга отинг,  
Ва қовуринг олтингугурт эритмасида,  
Чўмилтинг оловларда, жаҳаннамларда.  
Уҳ Дездемона! Сен ўлдинг, оҳ!  
Оҳ-оҳ!

Лодовико. Монгано хиради. Кассио носилкада.  
Офицерлар қўлга олинган Яго билан.

Лодовико

Эсин ютган, бадбахт йигит, қаерга кетди?

Отелло

Аввалдаги Отелломни? Мен бу ерданман.

Лодовико

Илон қани? Бу малъунни бери келтиринг!

О т е л л о

Шайтон деган эчки оёқ бўлгучи эди.  
Оёғига қараяпман — афсона экан.  
Улдираман деб ўйлайман, шайтон бўлсанг ҳам.

(Яғони яралайди.)

Л о д о в и к о

Қиличини тортиб олинг.

Я г о

Яраландим, қон оқмоқда, тирикман аммо.

О т е л л о

Мен ҳам шундай бўлишини истайман;— яна  
Биламанки, ўлим сенга — толе бўлади.

Л о д о в и к о

Уҳ, Отелло, сен илгари шарафли эдинг.  
Келиб энди, шу паст қулнинг макрига учдинг,  
Айт-чи ўзинг, энди сени нима деб атай?

О т е л л о

Қайси номда атасангиз, ихтиёрингиз.  
Майли мени номусли бир қотил дейсизми,  
Ахир ортиқ мен бунчалик оғир ишларни  
Номус учун қилдим, аммо ғазабдан эмас.

Л о д о в и к о

Малъун қилган бу ярамас қилиқларининг  
Дейиш мумкин ҳаммасига иқрор ҳам бўлди.  
Қассиони ўлдирмоқчи бўлганмидингиз?

О т е л л о

Балли.

К а с с и о

Бу жазога мен сазовор эмасдим, генерал!

## Отелло

Ишонаман, кечирасиз, мени афв этинг.  
Сўрар эдим, билингиз-чи, бу ярим шайтон,  
Нима учун ўтга солди жону танимни?

## Яго

Уша билган, билганингиз қола беради.  
Бундан кейин чурқ этиб ҳам оғиз очмайман.

## Лодовико

Улар экан имонни ҳам ўгирмайсанми?

## Грациано

Қийноғимиз тилингни хўп чиқариб қўйгай.

## Отелло

Шундай, шундай! Жуда тўғри!

## Лодовико

Афандим, сиз, бу ердаги ишдан беҳабар.  
Таг-томирин англамайсиз. Хат топиб олдик.  
Ўлдирилган Родригонинг ўз чўнтагидан  
Мана яна бир бошқаси. Бу хатда эса  
Қассиони ўлдиришнинг маслаҳати бор,  
Бунни ўлган венециялик устига олган.

## Отелло

Уҳ, малъун, ифлос!

## Қассио

Қандай разил, қандай ирганч макру хиёнат.

## Лодовико

Родригонинг чўнтагидан чиққан бошқа хат  
Бошдан-оёқ зарда, пичинг билан ёзилган.  
Яго учун юбормоқчи бўлган-у, аммо,  
Улгуролмай, шу онда бу ифлос келиб,  
Унинг ишин тамом қилган.

## О т е л л о

Уҳ, қўрқинч, ғаддор!  
 Хўш айтинг-чи, хотинимнинг рўмолчаси,  
 Қўлингизга қандай қилиб тушди, Кассио?

## К а с с и о

Ўз уйимдан топиб олдим. Бу иқрор бўлди.  
 Шу ярамас мақсадига етмоқлик учун  
 Атайлабдан олиб бориб ташлаган экан,  
 Мақсадига етди, афсус.

## О т е л л о

Уҳ, мен тентакман!

## К а с с и о

Бу мактубда, мен қоровул турган кечаси  
 Родригони менга қарши анча гиз-гизлаб  
 Юборган-чун, у Ягога пичинг қилади.  
 Вазифамдан бўшашимнинг мана сабаби.  
 Ҳали ҳозир, яраланган Родриго ўзи  
 Ҳушига келиб сўйладики, шунча ишларга  
 Мени Яго қутуртирди, деди, сўнг Яго  
 Ўзи келиб қилич билан уни ўлдирди.

## Л о д о в и к о

Сиз бу уйни бўшатасиз, биз билан бирга,  
 Амалдан ҳам бўшадингиз. Энди Кассио  
 Ҳукмрони бўлиб қолур Қибрис отасин.  
 Бу қулни-чи! Топиларми шундай боп жазо!  
 Узоқ муддат қийноқларда умри чўзилсин,  
 Худди шундай бир жазони унга берамиз.  
 Қилганингиз жиноятни то республика  
 Билгунича сиз қамоқда тура турасиз.  
 Қани буни четлатинглар.

## О т е л л о

Озгина тўхтанг.

Кетар экап, икки огиз сўзим бор холос.  
 Венецияга хизмат қилдим — ҳамма билади.  
 Бу тўғрида шу кифоя. Сиздан сўрайман,  
 Бу қайғули иш устида ахбор ёзаркан  
 Қимлигимни аниқ ёзинг, зарра бўшатманг,  
 Ғазаб билан оширманг ҳам. Ва айтингизки,  
 У тентакча севар эди, бироқ кўп кучли,  
 Рашк қилишга унча мойил эмасди, аммо  
 Портлади-ю, чегарага бориб тақалди.  
 Подшоликдан қимматбаҳо марваридини  
 Битта аҳмоқ ҳинду каби улоқтирди — денг.  
 Шунинг учун энди унинг муте кўзидан,  
 Гарчанд бундай нозик ғамга ёт эди, аммо  
 Арабистон дарахтидан оққан ширадай

(мўмиёдай)

Кўп шифобахш ёшлар оқар. Барисин айтинг.  
 Ва шуни ҳам қўшиб қўйинг; бир кун Ҳалабда  
 Битта ёвуз туркни кўрдим, салла ўраган.  
 Венециялик бир кишини калтаклар эди,  
 Ҳам тинмасдан сўкар эди Республикани,  
 Ҳалқумидан хиппа бўғдим мен чиноқ итни  
 Ҳам мана шундай ханжар урдим.

(Узига-ўзи ханжар уради.)

Л о д о в и к о

Қонли хотима!

Г р а ц и а н о

Бутун гаплар бекорга кетди.

О т е л л о

Ўпиб туриб қилган эдим мен сени ҳалок,  
 Энг охири, ўпиб туриб жон бераман пок.

(Дездемона каравотига йиқилиб, ўлади.)

## Кассио

Ана шундан қўрқар эдим. Лекин мен уни  
Қуролсиз деб ўйлагандим. Ўзи ҳам лекин  
Қатта қалбга эга эди.

## Лодовико

(Ягога)

Спарта ити;  
Очликлардан, оғирликлардан, денгиз мудҳиши,  
Шу ётоқнинг гусса тўла юкига қара,  
Бу барчаси сенинг ишинг — қарашга заҳар.  
Тездан устларини ёпинг. Грациано,  
Сиз ҳозирча бунда қолиб, уйни сақлангиз,  
Мол-ашёни тартиб билан қабул қилингиз,  
Арабга сиз, охир ворис.

(Кассиога қараб.)

Бу жаҳаннам гаддориға, жаноб ҳукмдор,  
Суд қилингиз, қийноқ учун вақт белгиланг,  
Ҳеч аяманг. Мен-чи энди, гамгин бир чопар,  
Қайтаман Венецияга, сузиб кетаман,  
Бу даҳшатнинг оқибатин хабар этаман.

Чиқиб кетадилар.





ЎН ИККИНЧИ КЕЧА  
ЁКИ  
ТУРФА ҲАНГОМАЛАР

---

ҲАМИД ҒУЛОМ  
таржимаси



## ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР

Орсино — Иллирия герцоги.

Себастьян — Виоланинг акаси.

Антонио — Кема капитани, Себастьяннинг дўсти.

Кема капитани — Виоланинг дўсти.

Валентин }  
Курио } Герцогнинг аъёнлари.

Сэр Тоби Белч — Оливиянинг амакиси.

Сэр Эндрю Эгьючик.

Мальволио — Оливиянинг эшик оғаси.

Фабиан }  
Қизиқчи Фесте } Оливиянинг хизматкорлари.

Оливия

Виола.

Мария — Оливиянинг жорияси.

Аъёнлар, кашиш, денгизчилар, миршаблар, созандалар,  
хизматкорлар.

Воқеа Иллириянинг шаҳарларидан бирида ва унга яқин  
денгиз соҳилида бўлиб ўтади.

# І ПАРДА

## БИРИНЧИ САҲНА

Герцог саройи.

Герцог, Курно ва бошқа аъёнлар кирадилар.  
Бир томонда созандалар.

Герцог

Музика севгининг озиғи эмиш,  
Чалинг, кўнгил гўзал оҳангга тўйсин.  
Муштоқлик ўтида ёнган, чанқаган  
Орзулар тинглашдан толиб, мудрасин.  
Руҳимни аллалаб, тамом маст қилган  
Боя чалганингиз куйни такрорланг!  
У куй, бинафшазор сокин бағрида  
Енгил эсиб ўтган насим сингари  
Дилимга сингдирди хушбўй атрини.  
Бас қилинг! Аввалги кайфи энди йўқ.  
Оҳ, ишқ маъбудаси, сен эркин ва сози!  
Уммонсан, ҳар нарса қаърингга кетар  
Ва лекин сен ютган нарса қимматда  
Гавҳар бўлса ҳамки маҳв бўлиб зумда,  
Вазини, қадрини йўқотар дарҳол!  
Севги орзуларга тўлиқдир мудом,  
Аслида севгининг ўзи орзудир.

Курно

Овга борасизми, тақсир?

Герцог

Қандай оғ?

Курио

Кийик ови.

Герцог

Балли! Кўпдандир дилим  
Энг гўзал оҳуни тутмоқ истайди.  
Илк бор кўрганимда Оливияни,  
Ҳатто ҳавонинг ҳам ғубори битиб,  
Ярқ этиб очилди олам кўзимга.  
Бир онда кийикка айланиб қолдим,  
Орзулар қопоғон итларга ўхшаб,  
Мени таъқиб этар ўшандан бери.

Валентин киради.

Ҳа, келдингми? Қандай жавоб келтирдини?

Валентин

Афв этинг, тақсирим. Киритмадилар.  
Мен графиняни кўра олмадим.  
Ҳузурига кириб чиққан жория  
Дедики, етти йил ўтмасдан аввал  
Ҳаттоки осмон ҳам у маликанинг  
Юзини пардасиз кўролмас эмиш.  
Узлатга чекилган эмиш тамоман.  
Қарори шу эмиш: ҳужрасини  
Қайноқ ёшлар билан ювармиш тун-кун.  
Шундай қилиш билан ўз акасининг  
Руҳини шод этиб, хотирасини  
Умрбод сақлармиш ғамгин қалбида.

## Герцог

О, агар у кўнгил ҳатто акага  
 Шундай муҳаббатли, вафодор бўлса,  
 Орзу гирдобида ҳақиқий ишқнинг  
 Олтин камон ўқи бориб тушган он,  
 Юз чандон, минг чандон ортиқ севади!  
 Унинг қалби, ақли, хуллас ундаги  
 Шу икки камолот — битта ҳокимнинг  
 Ҳукмига абадий тобе бўлажак!  
 Юринглар, чаманга, ўрмон ям-яшил,  
 Ишқдан нақл айтамин, ёзилади дил.

Кетадилар.

## ИККИНЧИ САҲНА

Денгиз соҳили. Виола, капитан ва денгизчилар  
 кирадилар.

Виола

Дўстларим, айтинг-чи, бу қандай диёр?

Капитан

Бу ер — Иллирия, гўзал синьора.

Виола

Мен Иллирияда нима қиламан?  
 Акам дарбадардир Элизияда?  
 Балки, фарқ бўлмаган, омон қолгандир?  
 Нима деб ўйлайсиз?

Капитан

Бўлиши мумкин,  
 Омон қолдингиз-ку, мана ўзингиз.

Виола

Бечора акам! О, кошкийди у ҳам  
 Фалокатдан мендек қутилган бўлса!

## Капитан

Қутилган, синьора, хотиржам бўлинг,  
Сизга кўрганимни сўзлаб берайин:  
Кемамиз қояга урилган дамда  
Сиз хавфу хатардан қочиб, қайиқда  
Мана бу йигитлар билан кетдингиз.  
Ушанда кўрганман мард акангизни.  
Даҳшатлар ичида шошиб қолмади,  
Ишга солиб ўткир ақлини, шоввоз,  
Ўзини мачтага дадил боғлади,  
Жасорат ва умид унга берди дарс.  
Наҳанг миниб олган Арион каби,  
Пўртаналар билан дўстлашиб мағрур  
Қулоч отганини ҳайратда кўрдим.

## Виола

Хушxabаринг учун буни ол. Чиндан  
Ўзим қутилганим учун қалбимда  
Акамга ҳам умид уйғонди. Сенинг  
Сўзларинг бу чўғни олов олдирди.  
Ҳа, у омон қолган бўлиши мумкин!  
Сен бу ерни яхши биласанми?

## Капитан

Ҳа,  
Худди беш қўлимдай. Мен шу яқинда  
Туғилиб, ўсганман.

## Виола

Ҳукмдори ким?

## Капитан

Асли насаби ҳам, қалби ҳам улуғ,  
Олижаноб герцог.

## Виола

Исми шарифи?

Капитан

Орсинно.

Виола

Орсинно? Ёдимда. Отам  
Тез-тез эслар эди шу номни. У вақт  
Герцог уйланмаган эди шекилли.

Капитан

У бўйдоқ, ёинки яқиндагина  
Бўйдоқ эди. Менинг Иллириядан  
Кетганимга бир ой бўлди: ўшанда  
Миш-миш тарқалмишди,— биласиз, авом  
Улуғ зот шахсларни қиладди ғийбат,—  
Агар ўша миш-миш рост бўлса, герцог  
Совчи қўйган эмиш Оливияга.

Виола

У қиз ким?

Капитан

Графнинг қизи, ҳуснда,  
Ақлда ягона. Бир йил муқаддам  
Граф вафот этди, ёлғиз қизини  
Ўғлининг қўлига топшириб кетди,  
Аммо тезда вафот этди ўғил ҳам.  
Севган графиня эркак зотидан  
Юзини бутунлай ўгириб олди.

Виола

Эҳ, режам пишгунча жинс, унвонимни  
Одамлардан пинҳон сақлаб қолсаму,  
Хизмат қилсам эди графиняга!



## Капитан

Бу жуда ҳам мушкул. У ҳеч кимсани,  
Ҳатто герцогнинг ҳам одамларини  
Яқин йўлатмайди.

## Виола

Капитан, сенинг  
Қиёфанг бамаъни, сўзларинг маъқул.  
Гарчанд табиатга ишониш қийин.  
Кўпинча сип-силлиқ қиёфанинг ҳам  
Тубида чиркин бир нарса ётади,  
Лекин мен астойдил сенга ишондим,  
Сенинг олижаноб қиёфанг билан  
Гўзал қалбинг уйғун экани аниқ,  
Сендан илтимосим шуки, ҳеч кимга  
Менинг кимлигимни айта кўрма ва  
Режамни амалга оширишга мос  
Дурустроқ либос топ. Мақсадим битта —  
Герцогга хизматкор бўлиб ёлланиш.  
Сен мени герцогга, бичилган бир қул,  
Ҳарам оғаси, деб таништир. Хуллас,  
Бўз бола деб ата. Мукофотинг нақд,  
Сендан аямайман саховатимни!  
Герцогга шуни ҳам айтгилки, хоҳ соз,  
Хоҳ ашула, хоҳ иш, хоҳ ширин суҳбат —  
Ҳаммаси қўлимдан келади. Мақта.  
Етмиш ҳунар бари менга чўт эмас, —  
Фақат мақсадимдан сўз очмасанг бас.

## Капитан

Демак, сиз — бўз бола, мен — соқов малай,  
Сирни сақлолмасам, майли, кўр бўлай!

## В и о л а

Жуда соз! Гап битта, олдинга бошла!

Кетадилар.

## УЧИНЧИ САҲНА

Оливиянинг уйи.

Сэр Т о б и . Акасининг вафоти орқасида ҳадеб бош оғритавериш жиянимнинг жонига тегмаганига доғман! Мен сенга айтсам, ташвиш — умрнинг эгови.

М а р и я . Худо ҳаққи, сэр Тоби, сиз мана шунақа бемаҳалда аллақабёқларда юришингизни ташласангиз бўларди. Сизнинг жиянингиз, менинг бекам кечалари йўқолиб кетишларингиздан қаттиқ озор тортяптилар.

Сэр Т о б и . Озор тортса тортар, ишқилиб, озор уни тортмасин.

М а р и я . Ҳар қалай, юриш-туришингизни янгилаб олсангиз чакки бўлмасди.

Сэр Т о б и . Янгилаб олсангиз? Хеч нарсамни янгиламайман! Уст-бошим шундай ҳам янги. Бу кўйлақда, мана бу этикда бемалол ичса бўлаверади. Агар бу этик юрмаса, қулоғидан осиб қўяман.

М а р и я . Ичкилик ичиш, саёқ юриш яхшиликка олиб келмайди. Куни кеча бекам шундай дедилар. Ундан кейин, тунов куни кечқурун бир тентакни, куёв қиламан, деб судраб келганингиздан ҳам жуда ранжидилар.

Сэр Т о б и . Кимни айтяпсан? Эндрю Эгьючикни эмасми?

М а р и я . Худди ўшани.

Сэр Т о б и . Иллирияда унга ўхшаган азаматлар кам топилади.

М а р и я . Хўш, нима бўпти?

Сэр Т о б и . У бир йилда нақд уч мишг дукат даромад олади-я!

Мария. Дукатлари бир йилга ҳам етмаса керак: кип-қизил аҳмоқ, ўлгудай исрофгар.

Сэр Тоби. Уял шундай дейишга! У виоль-дегамба чалади, бир неча тилни сувдек билади, шариллатиб гапиреди, табиатнинг нозик ерлари, унга тагин аллақанча фазилатлар ато қилган.

Мария. Сабил қолсин унинг фазилатлари! Фақат тентак бўлса ҳам бир гўр эди, ўлгудай уришқоқ ҳам. Агар у жазаваси тутган кезларда ўзини совутиш фазилатига эга бўлмаса, доноларнинг фикрича, унга аллақачон гўр вафо қиларди.

Сэр Тоби. Мана шу муштумим ҳаққи, онт ичаман, кимки уни шундай деса, унинг ўзи ёлғончи ва муттаҳам! Қим шундай деди?

Мария. Шундай деганлар шуни ҳам айтишдики, у ҳар куни кечқурун сиз билан ғирт маст бўлгунча ичармиш.

Сэр Тоби. Тўғри, ичамиз, жиянимнинг саломатлигига ичамиз. Токи Иллирияда май қуриб, томоғимнинг тешиги битиб қолмагунча, мен жиянимнинг саломатлигига ичганим-ичган. Қимнингки, мияси пирпиракдай чирпирак бўлиб кетмагунча жиянимнинг шарафига ичмас экан, мен уни қўрқоқ ва аблаҳ дейман. Жим, дўндиқча. *Castilliano vuldo!*<sup>1</sup> Сэр Эндрю Эгьючик қадам ранжида қилдилар.

Сэр Эндрю Эгьючик киради.

Сэр Эндрю. Сэр Тоби Белч! Соғмисан, сэр Тоби Белч?

Сэр Тоби. Дўстгинам, сэр Эндрю!

Сэр Эндрю. Худо ёр бўлсин, бағритош гўзал!

Мария Сизга ҳам, тақсир.

Сэр Тоби. Суйкал, сэр Эндрю, суйкал.

Сэр Эндрю. Қим бу?

Сэр Тоби. Жиянимнинг жорияси.

<sup>1</sup> Испанча: «жонли кастил тилида».

Сэр Эндрю. Марҳаматли Суйкал хоним, мен сен билан яқиндан танишишни истайман.

Мария. Менинг исмим Мария, тақсир.

Сэр Эндрю. Марҳаматли Мария Суйкал!

Сэр Тоби. Сен мени чалкаш тушундинг, оғайни. Суйкал, деганим — унга бўш келма, яқинроқ бор, гапга сол, ёпиш деганим. Дадил бўл, суйкал!

Сэр Эндрю. Виждоним ҳаққи, қасамёд қиламанки, бунақа шароитда мен бунга журъат этолмайман. Демак, «суйкал»нинг маъноси бу ёқда экан-да!

Мария. Яхши қолинглар, жаноблар.

Сэр Тоби. Агар уни шундай қўйиб юборсанг, қиличнингга иснод келтирган бўласан, сэр Эндрю!

Сэр Эндрю. Агар сен шундай кетаверсанг, мен қиличимга иснод келтирган бўламан! Хўш, нозанин, сен, аҳмоқ қўлимга тушди, деб ўйлаяпсанми?

Мария. Йўқ, тақсир, сиз менинг қўлимга тушганингиз йўқ.

Сэр Эндрю. Аммо тушаман, ма, қўлимни ол.

Мария. Албатта, тақсир, ҳар ким кўнглига келганини ўйлайверади. Сиз қўлингизни ертўлада ҳўллаб чиқсангиз ёмон бўлмасди.

Сэр Эндрю. Нега энди, жонгинам? Сен айтган ташбеҳнинг маъноси нима?

Мария. Маъноси шуки, тақсир, қўлингиз қуриб қолибди.

Сэр Эндрю. Ажаб бўпти! Мен лақма эмасманки, қўлимни ҳўллаб юрсам. Аммо ҳазилинг қалтис.

Мария. Қалтис бўлса ҳам, тақсир беозор.

Сэр Эндрю. Қани энди сендан бир озор кўрсам!

Мария. Йўқ, тақсир, дилингиз совуқ: буни мен бармоқларингизни санаб айта оламан.

Сэр Эндрю. Қани санаб кўр!

Мария. Санадим. Дилингиз бўм-бўш экан! (Кетади.)

Сэр Тоби. О, баҳодир, сен бир стакан канар ша-

робидан отиб олишинг керак! Ҳеч вақт сени шунақа ча-  
либ кетишганмиди?

Сэр Эн дрю. Ҳеч қачон! Мени канар шаробидан  
бошқа ҳеч нарса йиқитолмаган. Шунақа пайтларда: на-  
ҳотки, менинг ақлим оддий кишиларнинг ақлидан ўткир-  
роқ бўлмаса, деб ўйлаб кетаман. Ҳамма гап сўқим  
гўштида. Ақлимни ўтмаслаштираётган ўша.

Сэр Тоби. Мана бу сара гап.

Сэр Эн дрю. Агар шу гап тўғри бўлса, сўқим гўш-  
тидан воз кечардим. Эртага уйимга кетаман, сэр Тоби.

Сэр Тоби. «Pouguoi»,<sup>1</sup> илтифотли баҳодир?

Сэр Эн дрю. «Pouguoi» — нима деганингиз: кет  
деганингизми, қол деганингизми? Афсуски, қиличбозлик,  
рақсу айиқ овига кетган вақтимни тил ўрганишга сарф  
қилмаганман.

Сэр Тоби. О, агар шундай қилсанг, бошингни рос-  
мана соч қоплаган бўларди!

Сэр Эн дрю. Наҳотки, санъат сочимни ундира  
олса?

Сэр Тоби. Ҳеч шубҳасиз. Кўриб турибсан-ку, соч-  
инг сира жингалак бўлай демайди.

Сэр Эн дрю. Ҳар қалай, сочим ўзимга ярашиб ту-  
рибди, ё шундай эмасми?

Сэр Тоби. Ажойиб! Чархга ўралган зигир толадай  
осилиб турибди. Умид қиламанки, бир кунмас-бир кун  
биронта хотин бошингни бути орасига қисиб, йигириб  
қолади.

Сэр Эн дрю. Худо ҳаққи сэр Тоби, мен эртага  
уйимга жўнайман. Жиянинг ҳеч кўриниш берай демай-  
ди. Агар кўриниш берганда ҳам, унга ёқишим даргумон.  
Бунинг устига герцогнинг ўзи ишқибоз бўлиб юрибди.

Сэр Тоби. Герцогни кўрарга кўзи йўқ. Сабабки,  
жияним унвони, ёши, ақли ўзидан катта одамга тегиш-  
ни истамайди. Бу ҳақда онт ичганини ўз қулоғим

<sup>1</sup> Французча: «Нега?»

билан эшитганман. Бошингни кўтар, оғайни! Умидингни узма.

Сэр Эндрю. Ундай бўлса тагин бир ойга қоламан. Ғалати фелъим бор: маскарадлар билан байрамларга ниҳоятда ўчман.

Сэр Тоби. Наҳотки шунақа бачканаликлар қилсанг.

Сэр Эндрю. Мени нима деб ўйлаяпсан? Иллириядаги мартабаси ўзимдан баланд бўлмаган бирон кимсадан қолишадиган жойим йўқ, бироқ ўзимни чолларга тенглаштирмайман.

Сэр Тоби. Қойил, баҳодир. Хўш, гальярдга<sup>1</sup> қалайсан?

Сэр Эндрю. Эҳа, такадек шаталоқ отаман.

Сэр Тоби. Менга таканинг шаталогидан кўра эти маъқулроқ.

Сэр Эндрю. Орқага ташлашда бўлса, бу борада Иллирияда мендан ўзадигани бўлмаса керак.

Сэр Тоби. Шунча ҳунарни яшириб юрган экансанда? Шунча санъатга парда тортиб қўйибман дегин? Улар бирорта соҳибжамолнинг суратимидики, чанг босиб ётса? Нега энди черковга гальярдга муқом қилиб бориб, куранмага<sup>2</sup> муқом қилиб қайтмайсан? Мен сен бўлсам юрган йўлимда жигага<sup>3</sup> шох ташлаб, ҳожатхонага ҳам нуқул контрданс<sup>4</sup> қилиб борардим. Нега бундай қилдинг? Бу дунёда шунча ҳунарни яшириб юрганингни қара-я! Сенинг хушбичим оёқларингга қараб, гальярд юлдузи остида тугилгансан, деб айта оламан.

Сэр Эндрю. Рост, оёқларим бақувват, айниқса, олов ранг пайпоқда чакки кўринмайди. Хўш, базмни бошлаймизми?

Сэр Тоби. Бошқа нима ҳам ишимиз бор? Гов юлдузлари остида тугилмаганмизми ахир!

Сэр Эндрю. Гов? Биқину, жигар деган маънодами?

<sup>1 2 3 4</sup> Қадимги рақсларнинг номи.

Сэр Тоби. Йўқ, тақсир, сону оёқ деган маънода. Қани бир ирғишла-чи: бошла! Баландроқ! Э-ҳе, жойида қойил!

Кетадилар.

### ТҮРТИНЧИ САҲНА

Герцог саройи. Валентин билан йигит кийимида  
Виола кириб келадилар.

Валентин. Агар герцог сизга бундан буён ҳам шу тариқа илтифот кўрсатадиган бўлса, Цезарио, омадингиз келгани: таниганига уч кун бўлмай, сизни яқин кўриб қолди.

Виола. Герцог илтифотининг доимийлигига шубҳа қилмаганингизда, унинг беқарорлигидан, менинг ношудлигимдан хавотир олмаган бўлардингиз.

Валентин. Асло ундай эмас.

Герцог, Курио ва аъёнлар кирадилар.

Виола

Ташаккур. Герцог ҳам келиб қолдилар.

Герцог

Айтинглар, ким кўрди Цезариони?

Виола

Лаббай, мен бундаман, шонли ҳукмдор.

Герцог

Четроқда кутинглар.—

Цезарио, сен

Энди ҳамма гапдан хабардор бўлдинг,

Қалбим китобини варақлаб сенга

Сиру асроримни тамоман очдим.

Энди у бағри тош ҳузурига бор,

Рад этса, бўш келма, эшикка ёпиш.

Сенинг товонларинг остонасига

Томир отганини такрорла, хуллас,  
Қайтиб келма уни бир бор кўрмасдан...

В и о л а

Ҳукмдор, одамлар гапида жон бор,  
Унинг ғам-андуҳи чиндан беҳисоб.  
Қабул қилмаслиги мумкин.

Г е р ц о г

Қаттиқ бўл,

Одоб сақлайман, деб ағрайиб турма,  
Шовқин сол, дўқ ҳам ур — мақсадга эриш.

В и о л а

Ҳукмдор, чунончи, олдига кирдим,  
Нимадан гапирай?

Г е р ц о г

О, кошки эди!

Бағрим ишқ ўтида ёнганини айт.  
Вафонинг қули, деб ҳайратда қолдир.  
Сенга мушкул эмас дардим изҳори:  
Унинг тоқати йўқ қари элчига.  
Жон-жон деб тинглайди сенинг нақлингни.

В и о л а

Ишонгим келмайди.

Г е р ц о г

Ишон, азизим,

Сени эркак деган одам — ёшинга  
Тухмат қилган бўлиб чиқади. Чиндан  
Лабларинг Диана лабларидан ҳам  
Нозикроқ, нафисроқ, товушинг эса,  
Қизнинг товушидай ширин, мусиқий,  
Қизни эслатади бутун борлигинг.



Аминманки, сенинг элчилигингга  
 Юлдузинг ярашиб, кулиб турибди.—  
 Сизлардан тўрт киши ҳамроҳ бўлинглар.  
 Истасангиз, майли, ҳаммангиз боринг.  
 Атрофимда одам қанча оз бўлса,  
 Мен шунча эркинроқ нафас оламан.—  
 Агар адо этсанг бурчингни, худди  
 Ўз ҳукмдорингдай озод яйрайсан.  
 Бирга кайф сурамыз.

### В и о л а

Графиняни

Мафтун қилажакман, тақсир, ишонинг.

(Ўзича)

Оҳ, дардим ичимда, азоб чекаман!  
 Орзум битта: унга ўзим тегаман!

Кетадилар.

## БЕШИНЧИ САҲНА

Оливиянинг уйи. Мария билан қизиқчи кирадилар.

Мария. Хўш, қаёқларда санғиб юрибсан? Агар айтмасанг, сен учун қилча ҳам кечирим сўраб бермайман. Рухсатсиз кетиб қолганинг учун бекам сени ошишга фармон беради.

Қизиқчи. Майли, осдираверсинлар! Кимки бу дунёда яхши осилган бўлса, у дунёда қўрқмайди.

Мария. Нима сабабдан?

Қизиқчи. Шу сабабданки, ўлим — ҳақ.

Мария. Сийқа жавоб! «Ўлим — ҳақ» деган гапни ким айтганини биласанми?

Қизиқчи. Ким айтган, нозанин?

Мария. Дадил одамлар айтишган. Сен аҳмоқона гапларнигина дадил айтаверасан.

Қ и з и қ ч и . Ё раббий, доноликни доноларга бер, аҳмоқлар аҳмоқликларини ижарага қўйиб ҳам кун кўра-верадилар.

М а р и я . Билиб қўйки, шунча вақт рухсатсиз санғиб юрганинг учун сени ё дорга осадилар, ё ҳайдаб юборадилар. Ёки дорга осилишдан қўрқмайсанми?

Қ и з и қ ч и . Яхши дор, баъзан ёмон хотинга уйла-нишдан қутқариб қолади. Ҳайдашларига келсак, ёзнинг кунни, кунимни кўриб кетарман.

М а р и я . Демак, сенга камарбаста керак эмасми?

Қ и з и қ ч и . Камарим ҳали ҳам илиниб турибди.

М а р и я . Узилиб кетса, чолворинг тушиб кетади.

Қ и з и қ ч и . Қойил! Бопладинг! Олавер! Агар сэр Тоби ичишни ташласа сен бутун Иллирияда Момо Ҳавонинг энг зўр қитмир қизларидан бўласан.

М а р и я . Жим, муттаҳам! Тилингни тий! Бекам кел-яптилар, оёқларига йиқилиб, кечирим сўра. *(Кетади)*.

Қ и з и қ ч и . Эй, закки ақлим, мадад бер, қизиқчиликни бир боппай. Аскияга устаман дегувчи ақлли кишилар кўпинча аҳмоқ бўлиб қолаверадилар; мен ўзимни, аскияга нўноқман деб юраману баъзан доно ўрнига ўтиб қоламан, сабабики Квинапал: «Ақлли аҳмоқ ақлсиз донодан афзалроқ» деган.

О л и в и я б и л а н М а л ь в о л и о к и р а д и л а р .

Худо ёр бўлсин, бекам!

О л и в и я . Аҳмоқни чиқариб юборинг.

Қ и з и қ ч и . Эшитяпсизми? Графинияни чиқариб юборинг.

О л и в и я . Йўқол, аҳмоқ.

Қ и з и қ ч и . Маликам, яхши май ва яхши маслаҳат иккита камчиликни тузата олади. Қуруқ аҳмоққа май берсангиз, у ҳўл бўлиб қолади. Агар ёмон одамга яхши маслаҳат берсангиз, у яхши бўлиб қолади. Агар тузал-маса, тикувчи унга ямоқ солиши керак. Чунки эски нар-саларнинг давоси — ямоқ. Яхшилик айб қилса унга гу-

ноҳни ямоқ қиладилар. Тузалган гуноҳкорга яхшиликни ямоқ қиладилар. Агар шу қиёсим ёқса ёқди, ёқмаса — начора? Бахтсизлик ҳамиша иснод бўлганидек, гўзаллик — мисоли гул, Графиня, аҳмоқ чиқариб юборилсин, дедилар ва мен такрор айтаманки, графиня чиқариб юборилсин.

О л и в и я . Мен сени чиқариб юборилсин, дедим, афандим.

Қ и з и қ ч и . Бу зўр хато, хоним! *Sicullus non tacit monachus*<sup>1</sup> яъни, қалпоғим бачкана бўлгани билан ақлимга асар қилмайди. Марҳаматли малика, ижозат беринг, сизнинг аҳмоқлигингизни исбот этай.

О л и в и я . Бу иш қўлингдан келармикан?

Қ и з и қ ч и . Келганда қандоқ, маликам!

О л и в и я . Исбот қил.

Қ и з и қ ч и . Бунинг учун аввал сизни сўроққа тутишимга тўғри келади, маликам. Жавоб беринг, беозор сичқон бекам!

О л и в и я . Бўпти. Қўнгил очишга бошқа эрмак бўлмагани сабабли исботларингни эшитсам эштай.

Қ и з и қ ч и . Марҳаматли малика, қайғунг сабаби нима?

О л и в и я . Марҳаматли қизиқчи, акамнинг вафоти.

Қ и з и қ ч и . Малика, менинча, унинг жони дўзахда.

О л и в и я . Аҳмоқ, менинча унинг жони жаннатда.

Қ и з и қ ч и . Акамнинг жони жаннатда бўла туриб қайғурсанг, демак, аҳмоқ экансан. Ҳей, қани, аҳмоқни чиқариб юборинглар!

О л и в и я . Сен бу аҳмоққа нима дейсан, Мальволио? Ақл кияпти шекилли, а?

М а л ь в о л и о . Ҳақ гап. Жони чиққунча ақли кираверади. Кексалик донога — завол, аҳмоққа — камол.

Қ и з и қ ч и . Ё раббий, бунга тезроқ кексалик ато қил, токи қип-қизил аҳмоққа айлансин! Сэр Тоби менинг

<sup>1</sup> Лотинча: «кулоҳ кийган билан одам роҳиб бўла қолмайди».

тулки эмаслигимга онт ичишга тайёр, аммо сенинг аҳмоқ эмаслигингга қора чақа ҳам тикмайди.

**О л и в и я.** Сен бунга нима дейсан, Мальволио?

**М а л ь в о л и о.** Сиз олий мартабали маликамининг шундай бир хомкалла аблаҳнинг қизиқчиликларидан роҳатланишингизга ҳайрон қоламан! Тунов куни бир галварс масхарабоз буни бир чўқишда мот қилганини ўз кўзим билан кўрдим. Кўрдингизми, тили айланмай қолди. Агар сиз кулиб унга далда бермасангиз, икки оғиз гапни ҳам эплаб гапиролмайди. Онт ичаманки, бунақа қизиқчи аҳмоқларнинг гапларига куладиган одамларнинг ўзлари ҳам ўйинхонадаги масхарабозлардан қолишмасалар керак.

**О л и в и я.** О, иззат-нафсинг ниҳоятда нозик. Мальволио, тўғриси, ҳазил кўтармайдиган бўлиб қолибсан — олижаноб, соддадил, оқкўнгил одамларга гўладек кўринадиган бу ҳазиллар сенга замбарак ўқидек туюладиган бўлибди. Чинакам оқил одам бир гапни айтиб таҳқирлай олмаганидек, қизиқчи ҳамма нарсани таҳқирлагани билан ҳақоратлай олмайди.

**Қ и з и қ ч и.** Қизиқчиларни ёқлаб айтган сўзларинг учун Меркурий сенга ёлғонни қийиб юборишни ато қилсин.

**М а р и я киради.**

**М а р и я.** Бекам, дарвоза тагида ёш бир йигит турибди, сизни кўрмаса бўлмасмиш.

**О л и в и я.** Герцог Орсинонинг одами бўлса керак?

**М а р и я.** Билмадим, бекам, чиройли, ёш йигит, аъёнлари ҳам бир талай.

**О л и в и я.** Қим унинг йўлини тўсаяпти?

**М а р и я.** Амакингиз, бекам, сэр Тоби.

**О л и в и я.** Уни бошқа ёққа олиб кетинглар, биров билан гаплашганда талмовсираб, алжиб қолади. Номусларга ўлдиради.

**М а р и я кетади.**

Бор, Мальволио, агар у герцогнинг элчиси бўлса, мени бетоб, уйда йўқ, нима десанг декн, жўнат.

Мальволио кетади.

Ҳазилларинг сийқаланиб, жонга текканини кўрдингми?

Қизиқчи. Ҳозиргина, бекам, худди тўнрич ўғлинг қизиқчи бўлиб туғиладигандай ёқлаган эдинг. Илоҳи, Юпитер унинг миясини иликка тўлдирсин. Бўлмаса қариндошларингдан бирининг *ria materu*<sup>1</sup> ли қиллаб турибди. Ана ўзи ҳам келяпти.

Сэр Тоби киради.

Оливия. У чиндан ҳам ширакайф. Эшикдаги ким, амаки?

Сэр Тоби. Асилзода.

Оливия. Асилзода? Қанақа асилзода?

Сэр Тоби. Уша асилзода... (Ҳиқичоқ тутади.) Сиркаланган балиқнинг падарига лаънат! Нега тиржаясан, каллаварам?

Қизиқчи. Марҳаматли Сэр Тоби...

Оливия. Амаки, ҳой амаки, ҳалитдан маст бўлиб олганингизни қаранг-а!

Сэр Тоби. Яхлитдан маст? Йўғ-э, яхлит эмас, чала! Дарвозада аллаким юрибди.

Оливия. Аллаким... Қим, ахир?

Сэр Тоби. Менга деса иблиснинг ўзи бўлмайди-ми! Мең ёлғон гапирармидим. Боринглар-э. (Кетади.)

Оливия. Мастни нимага ўхшатса бўлади?

Қизиқчи. Аҳмоққа ҳам, жиннига ҳам, сувга чўкиб ўлган одамга ҳам ўхшатса бўлади. Меъёридан бир қултум ортиқ ичса — аҳмоқ бўлади, икки қултум ичса — жинни бўлади, уч қултум ичса — чўкади кетади.

Оливия. Миршабни чақириб кел, амакимни кў-

<sup>1</sup> Логинча: мияси.

риб қўйсин, чунки у учинчи даражага етиб, фарқ бўлибди. Бор, унга кўз-қулоқ бўл.

Қизиқчи. Йўқ, маликам, у ҳозирча эсини еган, холос, энди аҳмоқ жиннини парвариш қилади. (*Кетади.*)

Мальволио қайтиб келади.

Мальволио. У йигитча онт ичиб, маликани албатта кўришим керак, деяпти, бекам. Сизни, бетоблар десам, у: хабарим бор, шунинг учун мулоқотларини истайман, дейди. Сизни, ухляптилар, десам, бундан ҳам хабари бўлса керак, шу туфайли ҳам кўришим керак, дейди. Жавоб тополмай қолдим, бекам. Ҳар бир баҳонага жавоб тайёр.

Оливия. Бекамни барибир кўролмайсиз, де.

Мальволио. Шундай ҳам дедим, лекин у, миршабхона эшигининг чироқпоясидай дарвозаларингда қоқилиб туравераман, курсига поя қилиб юборсаларингиз ҳамки, кўрмасдан кетмайман, дейди.

Оливия. У қанақа жинсдан?

Мальволио. Эркак жинсидан.

Оливия. Эркакнинг қанақа туридан?

Мальволио. Жуда ҳам кўрс. Сиз истасангиз, истамасангиз олдингизга кириб келади чамамда.

Оливия. Турқи таровати қанақа, ёши нечаларда?

Мальволио. Балоғатга етган деб бўлмайди-ю, болаликдан ўтган, ундай ҳам эмас, бундай ҳам эмас, ўртаси. Истараси иссиққина, тили бийронгина. Ҳар қалай она сути оғзидан кетмаган.

Оливия. Қирса кира қолсин. Лекин аввал жориамни ҳам чақир.

Мальволио. Мария, бекам чақиряптилар. (*Кетади.*)

Мария киради.

Оливия. Ёпинчигимни бер, юзимга тутиб қўй. Орсинонинг элчисини яна бир марта эшитсак эшитайлик.

## Виола аъёнлар билан киради.

Виола. Бу уйнинг илтифотли бекаси қайси бирингиз?

Оливия. Менга мурожаат қилаверинг, сизга мен жавоб бераман. Хизмат?

Виола. Ой юзли, шакар сўзли, оламда танҳо гўзал, айтинг-чи, сиз чиндан шу уйнинг бекаси бўласизми? Мен у соҳибжамолни ҳеч қачон кўрмаганман ва нутқим беҳуда кетишини асло истамайман, зотан у нутқ моҳирона иншо этилганидан қатъи назар, уни ёдлаб олиш ҳам ҳазилакам заҳмат бўлмади. Жононгиналарим, мендан кўла кўрманглар, таъбим ниҳоятда нозик, заррача ҳурматсизликни ҳам кўтаролмайман.

Оливия. Сиз қаердан келдингиз, афандим?

Виола. Мен сизга ёдлаб олганимдан ортиқча сўз айтилмайман, сиз берган савол эса, менинг ёдлаган ролимда йўқ. Олижаноб хоним, шу уйнинг бекаси эканлигингизга ақалли бирон далил кўрсатинг, бўлмаса нутқимни ифода этолмай турибман.

Оливия. Сиз ўйинчимисиз?

Виола. Йўқ, кўнглим жавҳари, ундай эмас. Аммо макру найрангларнинг барча чигиллари ҳаққиға онт ичаманки, дарҳақиқат, кўриб турган одамингиз эмасман. Уй бекаси сиз бўласизми?

Оливия. Ўз ҳуқуқларимни ўз зиммамга оғдириб олмаётган бўлсам — мен бўламан.

Виола. Агар уй бекаси чиндан ҳам сиз бўлсангиз, зиммангизга жуда катта вазифа олган бўласиз, бунга сабаб шуки, ўз иродангиз билан инъом қилишингиз мумкин бўлган нарсани инъом қилмаслик қўлингиздан келмай қолади. Лекин мен ваколатим доирасидан чиқиб кетдим. Мен аввал сизнинг шаънингизга мадҳиямни ўқиб, кейин муддаога кўчаман.

Оливия. Мен сизни мадҳия ўқишдан озод қиламан, гапни муддаодан бошлайверинг.

Виола. Эҳ, афсус! Мен у шоирона нутқни ёд-

лаб олиш учун озмунча меҳнат сарф қилмаган эднм-ку.

О л и в и я. Сохта эканлиги шундан ҳам кўриниб турибди, ўзингизга сийлов. Дарвозам олдида кўрслик қилганингизни эшитдим. Сизни бу ерга киритишдан мақсадим — сўзингизни эшитиш эмас, ўзингизни бир кўриб қўйиш эди. Агар эсингиз бўлмаса кетаверинг, агар ақлингиз расо бўлса — гапни қисқа қилинг. Ги-жиллашиб ўтиргани ҳушим бўлмайроқ турибди.

М а р и я. Елкаларингизни кўтариб равона бўла-сизми? Тўрт томонингиз очиқ.

В и о л а. Йўқ, денгизчи биродар, кемам бу кўр-фаздан ҳали жилмайди. Бу зўравонингизни сал жилов-лаб қўйинг, гўзал маликам.

О л и в и я. Гапиринг, муддаонгиз нима?

В и о л а. Мен элчиман.

О л и в и я. Бирорта разил топшириқ билан келган-сиз шекилли, айтолмай қийналяпсиз. Қани, ишга кў-чинг.

В и о л а. Бу гап биргина сизнинг қулоқларингизга тааллуқли. Мен уруш очгани ҳам, бож-хирож талаб этгани ҳам келган эмасман. Қўлимда — зайтун новда-си. Сўзларим ва муддаом — омонлик, осойишталикдан иборат.

О л и в и я. Аммо гапни одоб билан бошламадингиз. Кимсиз? Муддаонгиз нима?

В и о л а. Агар мен одобсизлик қилган бўлсам, са-баби бу ердагиларнинг муомаласи. Менинг кимлигим ва муддаом қиз иффати каби сирли. Бу сирга сиз — маҳрам, бошқалар — номаҳрам.

О л и в и я. Бизни холи қолдиринглар. Қани, ўша сирга маҳрам бўлайлик.

М а р и я ва аъёнлар чиқиб кетадилар.

Хўш, афандим, қайси мавзуда сўзлашамиз?

В и о л а. Эй гўзаллар маликаси...



О л и в и я. Бошланиши зўр: бу хилдаги гап узун бўлади. Асли мавзу қаерда?

В и о л а. Орсинонинг кўксида.

О л и в и я. Кўксида? Кўксининг нечанчи бобида?

В и о л а. Аниқ жавоб берсам — қалбининг биринчи бобида.

О л и в и я. О, мен бу бобни ўқиганман. Қуруқ сафсата. Менга айтадиган бошқа гапингиз йўқми?

В и о л а. Гўзал маликам, жамолингизни бир кўрсам.

О л и в и я. Наҳотки, хўжангиз сизга менинг юзим билан музокара олиб боришни топширган бўлса? Сиз мавзудан четга чиқиб кетдингиз. Майли, пардани суриб, лавҳани кўрсата қолай. (*Епинчиқни олиб ташлайди.*) Қаранг: мен ҳозир чиндан ҳам мана шундайман. Қалай, рассомнинг иши чакки эмасми?

В и о л а. Агар шунинг ҳаммасини ҳақиқатан ҳам худо яратган бўлса, беқиёс.

О л и в и я. Бўёғи асил: уни на ёмғир ўчиरोлади, на шамол.

### В и о л а

Табиатнинг нозик, сеҳргар қўли,  
Атру нилуфардан бир гул ясабди.  
Ранги, товланиши тиниқ, мусаффо,  
Графиня, агар жамолингизни  
Қабрингизга олиб кетсангиз, агар  
Дунёмизга нусха қолдирмасангиз,  
Ягона бўласиз шафқатсизликда.

О л и в и я. О, мен унчалик шафқатсиз бўлмоқчи эмасман, афандим. Мен ҳусним жадвалини тузаман. Уни қоғозларга кўчиртираман ва унинг ҳар бир парчаси, ҳар бир заррасини васиятномага илова қиламан, мана, ўша қоғоздан тасвир: биринчидан, лола ранг лаблар, иккинчидан, иккита вилий кўз ва буларнинг кип-

риклари, учинчидан битта бўйин, битта бағбақа ва ҳоказо. Сизни шуларга нарх қўйишга юборишганми?

### В и о л а

О, сизни чинакам кўриб турибман,  
 Гурурингиз чексиз. Аммо рост гап шу,  
 Иблис бўлсангиз ҳам, соҳибжамолсиз,  
 Менинг ҳукмдорим, синьора, сизни  
 Бутун қалби билан яхши кўради.  
 Агар, Оливия, бошингиз узра  
 Ярқираб турса ҳам гўзаллик тожи  
 Бундай муҳаббатни сиз эътибордан  
 Четда қолдиришга ҳақли эмассиз.

### О л и в и я

У қандай севади?

### В и о л а

Кўз ёши дарё,  
 Қалби ўт ичида, оҳ урганида,  
 Оҳидан муҳаббат учқуни сачрар,  
 Ҳурмати, таъзими таърифдан баланд.

### О л и в и я

Мен уни севмайман, сева олмайман,  
 Буни герцог жуда яхши билади.  
 Зотан, мен герцогни олижаноб зот,  
 Оқкўнгил, бадавлат, мард киши дейман.  
 Унинг айни жўшқин, навқирон фасли,  
 Қайноқ ёшлигига доғ туширмаган.  
 Табиат гўзал бир шаклга гўзал —  
 Мазмун бағишлаган. Шундай бўлса ҳам,  
 Мен сева олмайман. У аллақачон  
 Буни пайқагандир.

## В и о л а

Агар мен сизни

Хукмдорим каби жоним қийналиб,  
Азобда ўртаниб, қизгин севсайдим,  
Кибр устидаги рад жавобингиз  
Ҳеч қандай маънога эга бўлмасди.  
Уни тушунмаган бўлардим.

## О л и в и я

Шунда

Нима қилардингиз?

## В и о л а

Мажнуун толлардан

Мен остонангизга кулба қулардим,  
Маликамга тун-кун хитоб қилардим.  
Қўшиқлар тўқирдим севгим ҳақида  
Ва тун сукутида баланд куйлардим.  
Номингиз адирлар устида янграб,  
Тик тоғдан қайтарди бир акси садо:  
«Оливия!..»  
Токи фарёдимга қалбингиз эриб,  
Шафқат енггунича на ер, на осмон  
Сизга бир лаҳза ҳам ором бермасди.

## О л и в и я

Балки, етардингиз мақсадингизга!  
Айтинг, қаерликсиз?

## В и о л а

Наслу насабим

Анча юқоридир кўринишимдан.  
Ва лекин тақдирдан шикоятим йўқ,  
Мен асилзодаман.

## О л и в и я

Қайтинг, изингизга,  
 Ҳукмдорингизнинг ҳузурига. Мен  
 Уни севолмайман. У бундан буён  
 Элчи юбормасин. Фақат... Фақат сиз  
 Менинг жавобимни Орсино қандай  
 Қабул қилганидан хабар беришга  
 Қелсангиз — бу тамом бошқа гап. Хайр!  
 Хизматингиз учун ташаккур. Мана,  
 Мендан эсдалик.

(Виолага ҳамён узатади.)

## В и о л а

Йўқ, бекитиб қўйинг,  
 Мен дастёр эмасман. Сиздан мукофот  
 Менга эмас, балки гердогга керак.  
 Синьора, сиз севган кишининг қалби  
 Утда ҳам эримас тошга айлансин!  
 Орсино ишқини тан олмадингиз,  
 У ҳам севгингизни рад этсин тамом!  
 Бағригош гўзаллар гўзали, хайр!

(Кетади.)

## О л и в и я

«Айтинг, қаерликсиз?»

«Наслу насабим

Анча юқоридир кўринишимдан  
 Ва лекин тақдирдан шикоятим йўқ;  
 Мен асилзодаман».

Онт ичаманки,

Бу гап рост. Қиёфанг, ҳар бир қадаминг,  
 Мардлинг, сўзларинг ва қадду бастинг —  
 Ҳаммаси насабинг муҳридай равшан.  
 Оливия, шошма, юрагингни бос,  
 Оҳ, агар шу дастёр ҳукмдор бўлса!

Наҳотки, шунча тез сеҳрга учдим?  
Навқирон элчи ўз жодуси билан  
Кўзларим тубига ўрнашиб олди.—  
Ким бор? Мальволио қайдасан?

М а л ь в о л и о к и р а д и .

М а л ь в о л и о

Лаббай, бекам, хизмат?

О л и в и я

Орқасидан чоп.

Орсинонинг ўжар элчисини топ.  
У зўрлаб бир узук қолдирди. Менга  
Тухфа керак эмас, унга шуни айт,  
Яна герцогига хушомад қилиб,  
Елгон умид билан лақиллатмасин.  
У Оливияга ёр бўлолмайди.  
Бунинг сабабини эртага тонгда  
Элчи келган чоғда айтаман.  
Мальволио, югур!

М а л ь в о л и о

Хўп, графиня.

(Кетади.)

О л и в и я

Нима қилиб қўйдим, эсим қаёқда?  
Кўзларим парвозда, ақлим тузоқда.  
Начора, инсонга қисмат ҳокимдир,  
Неки деса, қабул этиш лозимдир!

(Кетади.)

П а р д а .

## II ПАРДА

## БИРИНЧИ САҲНА

Денгиз соҳили. Себастьян билан Антонио кирадилар.

Антонио. Демак, ортиқ қолишни истамайсанми? Бўлмаса, сен билан бирга бора қолай?

Себастьян. Хафа бўлма, бирга боришингни истамайман. Тепамда юлдузим кулиб боқмаяпти. Тақдир менга шу қадар адоват билан қараяптики, сенга ҳам касри урмаса деб қўрқаман. Шу сабабдан илтимос қиламанки, кулфатимни ўзим тортай. Агар мен сени кулфатларимга шерик қилсам, меҳр-оқибатинг эвазига ёмонликни раво кўрган бўлардим.

Антонио. Ҳеч бўлмаса қаёққа боришингни айт.

Себастьян. Йўқ, йўқ, айтмайман. Менинг саёхатим — дарбадарликдан бошқа нарса эмас. Аммо сен шу қадар камтар экансанки, ҳануз яшириб келган сиримни суриштирмадинг, эҳтиромингга қойил қолиб, бунини сенга ўзим айтиб бераман. Сенга айтсам, Антонио, мен сенга ўзимни Родриго деб таништирган бўлсам ҳам, аслида номим Себастьян. Мессалинлик Себастьян менинг отам бўлганки, таърифини ўзинг ҳам эшитгандирсан. Ундан икки бола — ака-сингил эгизаклар қолганмиз. Эвоҳ, нечун тақдир иккимизнинг жонимизни бир йўла олиб қўя қолмадимиз? Бунга сен халал бердинг, сен мени қутурган пўртаналар қаъридан тортиб олганингдан бир соат аввал шўрлик синглим фарқ бўлган эди.

Антонио. Ё раббий!

Себастьян. Синглим менга айнан ўхшаса ҳам, кўплар уни ҳақиқий соҳибжамол дейишарди. Мен одамларнинг бундай мақтовларига қўшила олмасам-да, аммо шунини дадил айта оламанки, ҳатто ҳасаднинг ўзи ҳам синглимнинг қалбини гўзал дейишга мажбур эди. Синглим аччиқ сувга фарқ бўлди, мен эса ҳамон унинг ёдини аччиқ кўз ёшларим билан юваман.

Антонио. Мени афв эт, сенга дурустроқ хизмат қила олмадим.

Себастьян. О, меҳрибон Антонио, шунча ташвиш орттирганим учун сен мени афв эт.

Антонио. Агар дўстлигим эвазига мени қатл этишга қасд қилмаган бўлсанг, ижозат бер, хизматкоринг бўлай.

Себастьян. Агар сен бебаҳо илтифотингни кўкка созуришни, яъни ҳаётини сақлаб қолган кишининг қайтадан ўлдиришни истамасанг, бундан оғиз очма. Видолаша қоламиз. Юрагим тўлиб турибди. Мен бу жиҳатдан онамга ўхшаб кетаман, сал нарсага кўзларим сиримни билдириб қўяди. Мен герцог Орсино саройига бораман. Хайр!

(Кетади.)

Антонио

Юрган йўлларингда худо ёр бўлсин,  
Орсино саройи ёвим бўлмаса  
Сени кўрар эдим зум ўтмасданоқ,  
Аммо илож қанча? Учиб бораман,  
Хатарлар қўйнига дадил кираман.

(Кетади.)

## ИККИНЧИ САҲНА

Куча. Виола кўринади, унинг кетидан Мальволио пайдо бўлади.

Мальволио. Ҳозиргина графиня Оливия ҳузуридан чиққан одам сиз эмасмидингиз?

Виола. Ҳа, ҳозиргина ўша ердан чиқиб, битта-битта юрганча энди шу ерга етиб келдим.

Мальволио. Графиня шу узукни сизга қайтариб юборди. Сиз бунини ўзингиз ола чиқсангиз, мени бу ортиқча ташвишдан халос қилган бўлардингиз. Бундан ташқари, графиня, сиздан илтимос қиладики, герцогингизга бориб тушунтирармишсиз, бекамиз унинг таклифини узил-кесил рад этди, хуллас, умидини батамом узсин. Яна бир гап шуки, герцогингизнинг топшириқлари билан графиня остонасига қадам қўя кўрманг. Мабодо герцог бу хабарни қандай қабул қилганини айтиш учун ўзингиз келсангиз — унда бошқа гап. Вассалом!

Виола. Мен унга узук берган эмасман, қайтариб олмайман.

Мальволио. Менга қаранг, сиз узукни унга кўрслик билан улоқтирибсиз, у ҳам бунини сизга шу тариқа қайтарди. (*Узукни ерга ташлайди.*) Бу матоҳ эгилиб ердан олишга арзиса, оларсиз, бўлмаса буюрган одам олиб кетар. (*Кетади.*)

## Виола

Таажжуб, мен унга узук бермадим, Бунинг сиринима? Э, парвардигор!  
Наҳот шайдо бўлди у мени кўриб,  
Шундай тикилдими, кўзлари ёниб,  
Сўзидан адашди, тили гўлдираб,  
Мени севиб қолди — бунга шубҳа йўқ.  
Эзма чопарини юборгани ҳам  
Айёрликдан бошқа бир нарса эмас.



Герцог унга узук юбормаган-ку!  
 Унинг мақсади — мен. Агар бу тахмин  
 Рост чиқса менимас, тушни севсин у!  
 Э, чеҳра! Наҳотки макр тузоғисан,  
 Иблиснинг қўлида омонсиз қурол!  
 Агар шундай бўлса, мунофиқлар ҳам,  
 Ташқи гўзаллиги билан қизларнинг  
 Қалбини сеҳрлаб қўйиши мумкин!  
 Бунда айб биздамас, аксинча, бизнинг  
 Ожизлигимиз, соддалигимизда.  
 Табиат шу хилда яратган. Эвоҳ,  
 Бу ишнинг охири нима бўлади?  
 Орсино севади Оливияни,  
 Орсинога менинг хаёлим мафтун,  
 Оливия эса мени билмасдан,  
 Муҳаббат қўйибди. Энди не қилдим?  
 Агар йигит бўлсам, мен Орсинонинг  
 Севгисига умид боғлай олмайман.  
 Агар қиз бўлсам-чи? Эвоҳ, бечора,  
 Оливия чеккан азоблар бекор!  
 Бу жумбоқ мен учун жуда ҳам чигал,  
 Уни еча олур фақат вақт тугал!

(Кетади.)

### УЧИНЧИ САҲНА

Оливия уйи. Сэр Тоби ва сэр Эндрю кирадилар.

Сэр Тоби. Бери кел, сэр Эндрю! Ярим кечагача ётмаган одам каллаи саҳарлаб турган ҳисобланади. Биласанми *diluculo surgere...*<sup>1</sup>

Сэр Эндрю. Йўқ, худо ҳаққи, билмайман. Мен фақат кеч ётишнинг маъноси — кеч ётиш эканини билман.

Сэр Тоби. Бу хулосанг хато. Бунақа хулосалар

<sup>1</sup> Лотянча: Эрта туриш — фойдали, деган мақолининг боши.

бўш шишадай жонимга теккан. Ярим кечадан оққанда ётган киши эрта ётган бўлади, демак, каллаи саҳарлаб ётган бўлади. Зотан, ҳаётимиз тўрт унсурдан иборат дейишади-ку.

Сэр Эндрю. Эшитганман. Шундай дейишади. Лекин, менимча, ҳаётимиз икки унсурдан: ейишу ичишдан иборат.

Сэр Тоби. Ақлингга балли, донишманд! Қани бўлмаса, юр, ичайлик. Ҳей, Мария, май келтир!

#### Қизикчи киради.

Қизикчи. Ҳорманглар, дўмбоқлар! «Уч улфатмиз» деган лавҳани кўрдингларми?

Сэр Тоби. Хўш, кўрдик, оvsар! Бир ялла айтайлик.

Сэр Эндрю. Худо ҳаққи, бу аҳмоқнинг овози зўр. Агар шу довдирнинг кекирдагидек сернаъма кекирдагиму, унинг оёғига ўхшаган оёғим бўлса, қирқ шиллингга ҳам алмашмасдим. Биласанми, кеча кечаси Пигрогромитус билан Квебус минтақасини кесиб ўтган вапианларни<sup>1</sup> ҳикоя қилганинда роса лақиллатдинг. Улай агар жуда тузалдинг. Мен дўндиғингга берарсан деб олтигагина пенс юборган эдим, олдингми?

Қизикчи. Совгани қўлига топширдим, чунки Мальволионинг бурни ис билгани билан тополмайди, дўндигимнинг қўли узун, мирмидонларни<sup>2</sup> майхонага йўлатишмайди.

Сэр Эндрю. Қойил! Ҳазилни қотирдинг. Қани, ашулани ол!

Сэр Тоби. Ҳа, айтавер, мана сенга олти пенс. Бошла!

Сэр Эндрю. Ма. Мендан ҳам, жўмрад жўмардани кўриб...

<sup>1</sup> Уйдирма номлар.

<sup>2</sup> «Иллада» да Ахилл аскарлари.

Қизиқчи. Сизларга қанақа ашула ёқади — ишқий-  
сими ёки ахлоқийсими?

Сэр Тоби. Ишқий ашула! Ишқий ашула!

Сэр Эндрю. Ҳа! Ахлоқийсини бошимга ураман-  
ми?

Қизиқчи

(Куйлайди.)

Жоним, қайларда юрибсан?

Мени унутиб қўйибсан,

Кутаман танҳо.

Нега кўзлайсан йироқни?

Бас қил ҳижрону фироқни,

Қийнама асло!

Сэр Эндрю. Худо ҳаққи, қойил!

Сэр Тоби. Қойил! Жуда соз!

Қизиқчи

(куйлайди)

Ишқ қайда? У на осмонда,

На қирда, на узоқ ўрмонда,

Чақир, у келар,

Лалайсанг — етолмайсан,

Бўсани тополмайсан,

Интил, у келар!

Сэр Эндрю. Насли насабим ҳақиға онт ичаман-  
ки, овози ширали!

Сэр Тоби. Шу билан бирга муаттар.

Сэр Эндрю. Ҳа, ҳа, ширали, муаттар.

Сэр Тоби. Агар упи димоғинг билан эшитсанг,  
ўқчиб, ичақ-чавоғинг ағдарилиб чиқади. Хўш, яллани  
кўтармайликми, осмону заминни ларзага келтириб? Шу-  
нақа авжга чиқайликки, бойқушларни уйғотиб, гаранг-  
ларнинг ўтакасини ёрайлик. Бўптими?

Сэр Эндрю. Албатта. Агар мени яхши кўрсангизлар, яллани баравар оламиз. Ялла айтишда ҳеч ким менинг олдимга тушолмайди.

Қизиқчи. Тушолмайди, деб ўпанг тушмасин.

Сэр Эндрю. Ҳақ гап. «Жим муттаҳам!» деган яллани оламиз.

Қизиқчи. «Жим, муттаҳам!» У тақдирда мен жанобларини муттаҳам дейман-да?

Сэр Эндрю. Бебунни энди эшитаётганим йўқ. Бошла, довдир. Биринчи сўзи «Жим!»

Қизиқчи. Жим туришим керак бўлса, бошлаёлмайман!

Сэр Эндрю. Қойил! Худо ҳаққи, жуда соз! Бошласанг-чи!

Ялла айтишади. Мария киради.

Мария. Мов бўлган мушукларнинг миёвлашини қаранглар-а! Агар бекам эшик оғаси Мальволиони чақиртириб, сизларни ҳайдаб чиқаришни буюрмаган бўлса, отимни бошқа қўяверинглар.

Сэр Тоби. Беканг хабашнома аёл. Мальволио эски муручдон, биз бўлсак учта хушчақчақ улфат. *(Куйлайди.)*

«Биз хушчақчақ уч улфат!»

Хўш, нима, мен унинг амакисимасманми? Бека билан менинг қоним бир эмасми? *(Куйлайди.)*

«Бобилда бир одам бор экан,

Бекачаси унга ёр экан».

Қизиқчи. Қойил, жаноблари роса очияптилар.

Сэр Эндрю. Тўғри, сэр Тоби илҳом келганда бунақа ишларни дўндириб ташлайди. Меники табиийроқ чиқади.

Сэр Тоби

*(куйлайди)*

«Ун иккинчи декабрь, оқшом...»

М а р и я. Худо ҳаққи, бас қилинг.

М а л ь в о л и о киради.

М а л ь в о л и о. Эсларингни едиларингми, жаноблар? Бу нима шовқин? Ақл-ҳушларингиз, одобларингиз, виждонларингиз борми? Ярим кечадан оққан бўлса-ю, ямоқчиларга ўхшаб шанғилласанглар, худди майхонада давра қурган тикувчиларга ўхшаб бўкирганча беҳаё қўшиқларни айтасизлар. Наҳотки бекам билан унинг хонадонига ҳурмат сақламасангизлар, тартиб деган нарса ни биласизларми, ахир?

С э р Т о б и. Кечирасиз, афандим, аммо-лекин ашуланинг тартибини келтириб айтяпмиз. Умуман, овозингизни ўчиринг.

М а л ь в о л и о. Сэр Тоби, мен сиз билан очикчасига гаплашишга мажбурман. Графиня менга ваколат бериб айтдиларки, гарчанд сиз бекамизнинг хонадонига қариндош сифатида истиқомат қилиб турсангиз ҳам, бу тўполонларингизга тоқат қилолмайдилар. Агар ножўя ҳаракатларингиздан кечсангиз, бекамизнинг уйи сизга очик, борди-ю, бекамиздан воз кечадиган бўлсангиз у киши ҳам баҳрингиздан ўтиб қўя қоладилар.

С э р Т о б и

(куйлайди)

«Алвидо, жонгинам! Қетай, алвидо!»

М а р и я

Ҳурматли сэр Тоби, қўйинг!

Қ и з и қ ч и

(куйлайди)

«У толди, кўнгилда ором муддао.»

М а л ь в о л и о

Бу қандай кўргилик!

С э р Т о б и

(куйлайди)

«Яшайсан, ошна, ўлмайсан асло!»

Қ и з и қ ч и

(куйлайди)

«Ўўқ, оғайни, сўзларинг ёлғон!»

М а л ь в о л и о

Ана холос, шу ҳам одобданми?

С э р Т о б и

(куйлайди)

«Уни боплаб ҳайдамоқ лозим.»

Қ и з и қ ч и

(куйлайди)

«Нега? Бунда тураверсин жим.»

С э р Т о б и

(куйлайди)

«Муттаҳамни қувинглар, тамом!»

Қ и з и қ ч и

(куйлайди)

«Бу қўлингдан келмайди, ишон!»

Сэр Тоби. Тартибдан адашиб, янглишдинг афандим. Ҳой, сен кимсан ўзинг? Бор-йўғи эшик оғасимсан? Хўш, мақсадинг нима? Сен шунақа авлиё бўлсанг бошқалар ҳам ичмаслиги, оғзини тикиб қўйиши керакми?

Қизиқчи. Биби Анна ҳаққига онт ичаманки, занжабилли пиво ҳам оғизга хўп хуш ёқади-да.

Сэр Тоби. Гапинг рост. Қани, афандим, жўна. Хўрозлигингни бошқа хизматкорларга қил. Қани, Мария, бизга май келтир!

Мальволио. Агар сен, Мария, графинянинг марҳаматини қилча қадрласанг, бу саёқларнинг тегирмонига сув қуймаган бўлардинг. Онт ичаманки, бу гап графиняга бориб етади. *(Кетади.)*

Мария. Туёғингни шиқиллат, шалпанг қулоқ!

Сэр Эндрю. Уни дуэлга чақирсанг-да, тайинлаган ерга борма, аҳмоқ қилсанг, роса ҳангома бўларди-да. Шундай қилган одам, оч қоринга май ичганининг савобини топарди.

Сэр Тоби. Уша савоб сенга буюрсин, баҳодир. Мен сенинг талабингни қоғозга ёзиб бераман ёки ранжиганингни унга оғзаки айтаман.

Мария. Марҳаматли сэр Тоби, ақалли шу кеча сабр қилинг. Бугун герцогнинг элчи йигитчаси бекамиз билан суҳбат қилиб кетганидан бери у кишининг тоқатлари тоқ бўлиб қолди. Мальволио афандини менга қўйиб беринглар. Агар мен уни калака қилиб, ҳамманинг кулгисига қўймасам, мени қип-қизил аҳмоқ деяверинглар. Мен унинг туриш-турмушини биламан, хотиржам бўлинглар.

Сэр Тоби. Қани айт, айт! Сен уни ким деб ўйлайсан?

Мария. Баъзан юриш-туриши серғалва пўртанага ўхшаб кетади.

Сэр Эндрю. О, агар мен унинг шунақалигини билсам, бошига ит кунини солардим!

Сэр Тоби. Йўғ-э? Фақат пуритан бўлгани учун-а? Қандай асосли баҳоналаринг бор, марҳаматли баҳодир?

Сэр Эндрю. Баҳонам йўқдиру, аммо бошқа далилларим етарли.

Мария. Жин урсин, пуритан бўлса у! На у ёқли, на бу ёқли, ўрта йўлда қолган хушомадгўй. Сарой-боп сўзларни ёдлаб олиб, қироат билан ҳиринглайдиган олифта эшак. Узига шу қадар бино қўйганки, турган-битганим ақл, мени бир кўрган хотин — ошиқ-беқарор бўлиб қолади, деб ўйлайди. Мен унинг ана шу кибрини қасосимга нишон қилиб оламан.

Сэр Тоби. Қани, учини чиқаравер!

Мария. Мен унинг йўлига сирли бир муҳаббат хатини ташлаб қўяман. Хатда бўялган сочига, қийшиқ оёғига, қадам босиши, кўзлари, пешонаси, башарасига ишора қиламан. У ўзини дарҳол таниб олади. Мен жиянингиз, графинямизнинг дастхатига ўхшатиб шунақа ёза оламанки, гоҳо, хатларимиз аралашиб кетса, қайси биримизники эканини таний олмай ҳам қоламиз.

Сэр Тоби. Жуда соз. Фаҳмим етиб турибди.

Сэр Эндрю. Менинг ҳам димоғим сезяпти.

Сэр Тоби. Мальволио мактубни менинг жияним ёзган, демак, ошиқи беқарор бўлган, деб лақиллайди.

Мария. Ҳа, мен шу тариқа от ўйнатмоқчиман.

Сэр Эндрю. Отинг уни эшакка айлантириб қўяди.

Мария. У эшакни роса халалаймиз.

Сэр Эндрю. Қойилмақом ўйин бўлади.

Мария. Роса хумордан чиқамиз. Хотиржам бўлинглар, мен берадиган дори унинг анча ҳоврини босиб қўяди! Икковларингизни, қизиқчини ҳам қўшиб, яқин орага яшириб қўяман, доримнинг қандай амал қилишини ўз кўзларингиз билан кўрасизлар. Энди ётиб ухланглар, шу эрмаклар тушларингизга кирсин. Яхши қолинглар. *(Кетади.)*



Сэр Тоби. Хайрли тун, Пентезилея<sup>1</sup>.

Сэр Эндрю. Улиб кетай агар, бебаҳо қиз!

Сэр Тоби. Асил този. Менга «беш» кетган. Аммо гап унда эмас.

Сэр Эндрю. Менга ҳам биттаси «беш» кетган эди!

Сэр Тоби. Юр, баҳодир, кетайлик. Уйингдан яна пул олдириб келмасанг бўлмайди.

Сэр Эндрю. Агар мен сенинг жиянингга уйланмасам қайиғим лойга ботиши турган гап.

Сэр Тоби. Пулни олдириб келаверчи, у ёғи бир гап бўлар. Мабодо жияним сенга тегмаса, мени думсиз ахта деб сўка қоларсан.

Сэр Эндрю. Агар шундай деб сўкмасам, отимни бошқа қўяман. Гап тамом.

Сэр Тоби. Юр энди! Бўза қайнаб ётибди. Тонг отяпти, уйқу ҳаром. Юр, баҳодир, тортаминз.

Кетадилар.

## ТҲРТИНЧИ САҲНА

Герцог саройи. Герцог, Виола, Курио ва бошқа аъёнлар кирадилар.

Герцог

Ҳей, куйни бошланглар! —

Хайрли кун, дўстлар!

Меҳрибон Цезарио, кеча кечаси

Айтишган қадимий, тўпор қўшиқни

Яна бир айтишсин. Бизнинг бемаъни

Асримизга ёқиб қолган тумтароқ

Овозлар таъсирсиз, аммо у қўшиқ

Дардимни юмшатди, руҳим қувонди,

Фақат бир, биргина бандин айтсинлар!

<sup>1</sup> Афсонада чавандоз аёллар маликаси.

Курио. Авф этинг, саодати олийлари: у қўшиқни айтган киши ҳозир бу ерда йўқ.

Герцог. Уни ким айтган эди?

Курио. Графиня Оливиянинг отасига ҳамиша ҳамроҳ бўлиб юрадиган қизиқчи Фесте. Аммо уни топиш мумкин, шу яқинда ўралашиб юрган бўлса керак.

Герцог. Топинглар. То унга қадар ўша қўшиқнинг куйини чалинглар.

Курио кетади.

Музыка чалинади.

Цезарио, сен ҳам бир кун севарсан,  
Ширин дард чекканда мени эслаб қўй.  
Ҳамма ошиқлар ҳам мендай беқарор,  
Жўшқин кўнгиллари бетин, беором,  
Фақат маъшуқанинг нурли сиймоси  
Уларнинг дилига муқаррар йўлдош.  
Хўш, сенга ёқадими куй?

Виола

Жуда гўзал!

У куйнинг,

муҳаббат заррин тахтига

Бориб урилгандай акс садоси.

Герцог

Офарин! Сезгувчи кўнгил дардини  
Нозик тасвирладинг. Сен ёш бўлсанг ҳам  
Нозанин кўзига сирли тикилиб,  
Жавоб сўрагансан ишқ саволига.  
Ё, шундай эмасми?

Виола

Шундай, ҳукмдор.

Герцог

У гўзал ким?

Виола

Сизга жуда ўхшайди.

Герцог

Демак, арзимади сенга.

У ёшми?

Виола

Сизга тенг, чамаси.

Герцог

Э, қари экан!

Хотин эрдан ёшроқ бўлиши керак,

Шунда у эрини ўзига боғлаб,

Қалбига малика бўла олади.

Цезарио, сен — биз, эркаклар, қанча —

Мақтанмайлик, аммо хотин ишқидан

Ишқимиз ювошроқ, вафомиз бўшроқ,

Хархашамиз ҳам кўп.

Виола

Тўғри айтасиз.

Герцог

Узингдан ёшроқни танла, йигитча,

Шундай қилмасанг ишқ барбод бўлади,

Хотин худди бир гул,

очилмасданоқ,

Барги тўкилади, дарҳол сўлади.

Виола

Ҳақ гап. Хотинларнинг қисмати шундай,

Кўз ёшидан иборат бир онли умри,

Улар очилмасдан хазон бўлади.

Курио Қизиқчини бошлаб келади.

Герцог

Оғайни, тундаги қўшиғингни айт!  
 Цезарио, тингла, жуда оддий куй:  
 Қирда галла ўрган аёллар ёки  
 Жувонлар айвонда пайпоқ тўқиркан  
 Уни айтишади, жуда тўпори,  
 Соф ишқ ҳақидаги қадимги қўшиқ.

Қизиқчи

Бошлайми?

Герцог

Илтимос қиламан, куйла.

Қизиқчи

(куйлайди)

Э, ажал, кел тезроқ, кел тезроқ,  
 Тобутим эмандан, қаттиқдир!  
 Э, жоним, чиқ тезроқ, кет йироқ,  
 Гўзаллик жаллоддан ортиқдир.

Духоба ёпинглар тобутга,  
 У менга сўнгги тўй, сўнгги тож!  
 Муҳаббат офатдир йигитга,  
 Беролмай қолади у бардош.

Бас, рангсиз, ҳаётсиз танамни  
 Анвойи гулларга кўммангиз.  
 Бас қилинг, ёронлар, аламни,  
 Тобутга бошингиз эгмангиз!

Мурдамга босинглар тупроқни,  
 Қабримдан нарироқ қочинглар.  
 Тўхтатинг кўз ёши, фироқни,  
 Оҳ чекиб келмасин ошиқлар!

Герцог. Ма, хизматингга ол!

Қизиқчи. Бу хизмат эмас, тақсир, мен ашула айтсам ҳузур қиламан.

Герцог. Ундай бўлса, ҳузур қилганинг учун ол!

Қизиқчи. Бу бошқа гап, ҳузур қилганлар ахир бир кун шу ҳузурнинг ҳисоб-китобини қилиб қўйишлари керак бўлади.

Герцог. Ана энди сенга жавоб.

Қизиқчи. Хафақонлик тангриси сени ўз паноҳида асрасин ва ҳамда тикувчи сенга товлама шоҳидан камзул тикиб кийдирсин, чунки ғазаб тўла вужудингни фақат шу юмшатади. Сендай чўрткесар одамларни денгизга юбориш керак. У ерда одам ўз бошига не савдолар тушишини билмайди ва ҳар қандай тасодифга тайёр туришга мажбур. Ҳа-да, қаёққа бораётганини билмаган одам таваккал қилиб бораверади. Хайр, жаноблар! (*Кетади.*)

Герцог

Бизни қолдириңглар!

Курно ва аъёнлар чиқиб кетадилар.

Цезарно, бор,

Бағри тош гўзалга яна бир ёлбор,  
 Унга айтки, менинг соф муҳаббатим  
 Ер узра порлаган осмондай тиниқ.  
 Менга на мулк керак, на қўлнинг кири —  
 Олтин деб аталган ифлос бир маъдан.  
 Унга айт, саодат бўлиб кўринган —  
 Унинг бойликлари менинг наздимда  
 Арзимас бир нарса;

унга бахт бўлиб —

Кўринган хазина — менга бахтсизлик.  
 Мен унинг ҳуснига шайдо бўлганман,  
 Унинг хазинаси — гул жамолидир,  
 Руҳимни банд этган шу камолидир.

В и о л а

У сизни севмайди. На чора?

Г е р ц о г

Бундай

Жавобни мен қабул қила олмайман.

В и о л а

Қабул қилишингиз керак.

Деяйлик,

Сизни бошқа бир қиз юракдан севди  
 (Ахир шунақаси бўлиши мумкин!)  
 Оливияга сиз мафтун бўлгандек,  
 Тун-кун унинг фикри хаёли сизда,  
 Деяйлик, сиз уни сева олмайсиз  
 Ва сиз буни унга очиқ айтасиз,—  
 Хўш, у зор не қилсин,

рад жавобингиз

Қабул этмасликка иложи борми?

Г е р ц о г

Менинг қалбимдаги ишқ бўронининг  
 Зилзилаларига аёл кўкраги  
 Бардош беролмайди, бунча дард, фарёд  
 Сигмайди қизларнинг нозик дилига,  
 Улар бундай вафо қила олмайди.  
 Уларнинг ишқини, жуда борганда,  
 Шунчаки бир ҳавас деб аташ мумкин,  
 Севги жонидамас, фақат қонида.  
 Уларнинг тезликда тўйишига ҳам

Сабаб шу. Ва лекин менинг қалбим-чи?  
О, худди денгиздай муҳаббатга оч,  
Унинг эҳтироси сўнмайди асло!  
Менинг юрагимда Оливияга  
Жўш урган севгини бошқа бир қизнинг  
Менга севгисига тенг қила кўрма!

В и о л а

Лекин биламанки...

Г е р ц о г

Нимани? Сўзла!

В и о л а

Қизларнинг севгиси, дарди, вафоси  
Менга маълум. Қизнинг жажжи қалби ҳам  
Бизнинг қалбимиздай севишга қодир,  
Отамнинг бир қизи шундай севади.  
Агар мен йигитмас, қиз бўлганимда,  
Балки севар эдим сизни ўртаниб.

Г е р ц о г

Уша қиз нақлини сўзлаб бер.

В и о л а

Умри

Тахи бузилмаган оқ қоғоз ҳали,  
Унинг муҳаббати ҳамон сир. У қиз  
Ишқини ардоқлаб, оғиз очмаган,  
Лекин бу сир гулга яширинган қуртдай  
Сўриб, гул юзини буткул сўлдирди.  
Дарди ичида-ю, ранги заъфарон,  
Бардошнинг мислсиз тимсоли каби.  
У ўз алаmidан оғиз очмайди,  
Дардини пардалайди табассум билан.  
Хўш, бу ишқ эмасми?

Ҳа, биз эркаклар  
 Гапни дўндирамиз, бизга онг ичиш  
 Пиета чақиш каби оддий бир нарса:  
 Ваъдани ўлчамай сочаверамиз,  
 Онтимиз улогу севгимиз қуруқ.

Герцог

Синглинг ишқ дардида куйиб ўлдимми?

Виола

Ёлғиз мен — отамнинг барча қизлари,  
 Барча ўғиллари ёлғиз мен... Лекин  
 Аниқ айтолмайман....

Дарвоқе, энди

Малика қасрига борай.

Герцог

Тезроқ бор!

Бунн ол. Унга бер.

Севишимни айт.

Қутаман. Ҳа, деган жавоб билан қайт!

Кетадилар.

## БЕШИНЧИ САҲНА

Оливиянинг боғи.

Сэр Тоби, сэр Эндрю ва Фабиан кирадилар.

Сэр Тоби. Бу ёққа кел, синьор Фабиан.

Фабиан. Қеляпман. Бу эрмакнинг заррачасидан  
 бебаҳра қолгандан кўра хафақонлик қозонида тирик-  
 лайин қовурилганим афзал.

Сэр Тоби. У ҳаромзоданинг бошдан-оёқ шар-  
 манда бўлишидан лаззатланмайсанми?

Фабиан. Бир қоп семираман! Айниқ ови қилиб



юрибди, деб у мени бекага роса ёмонлагани эсингизда бўлса керак.

Сэр Тоби. Биз бугун унга айиқ ови қанақа бўлишини кўрсатиб қўямиз. Нима дединг, сэр Эндрю?

Сэр Эндрю. Агар шундай қилмасак, туриш-турмушимиз бир пул!

Мария киради.

Сэр Тоби. Ана шайтон қиз ҳам келди. Хўш, ҳинду хазинам, ишлар қалай?

Мария. Сизлар мана бу дарахт орқасига беркининглар. Мальволио келяпти. Анави ерда ярим соатча кунга тескари туриб, ўз соясини минг мақомга солди. Маза қилмоқчи бўлсанглар, уни кўздан қочирманглар! Уйлайманки, бу хат унинг бошини айлантириб, эс-ҳушини олиб қўяди. Тез беркининглар, бўлмаса, бутун эрмагимиз барбод бўлади. Сен бу ерда ёта тур. (*Хатни йўлга ташлайди.*) Ана, ширинликка ўч балиқ қармоққа сузиб келяпти! (*Кетади.*)

Мальволио киради.

Мальволио. Ҳаммаси тасодифга, фақат тасодифга боғлиқ. Кунлардан бир кун Мариянинг: сизга графинянинг кўнгли бор, дегани ёдимда. Графинянинг ўзи ҳам мен билан суҳбатда шама қилиб айтган эдики, у агар севадиган бўлса, фақат менинг тойифамдаги одамни севиши мумкин. Бошқа яқинларига нисбатан мени алоҳида ҳурмат қилади.

Сэр Тоби. Кеккаймай ўл!

Фабьян. Жим! Таманно билан хомхаёл суриши куркахўрознинг худди ўзи! Патларини ёйиб керилишини қаранг-а!

Сэр Эндрю. Ростини айтсам, у аблахни савалагим келяпти!

Сэр Тоби. Жим!

Мальволио. Граф Мальволио бўлсам!

Сэр Тоби. О, муттаҳам!

Сэр Эндрю. Шартта отиб ташласанг!

Сэр Тоби. Жим, жим!

Мальволио. Бунга мисоллар сероб: графиня Стрейчи ўз маҳрамига теккан.

Сэр Эндрю. О, дўзахи, Иезавель!<sup>1</sup>

Фабриан. Жим туринглар! У қулоғигача хаёлга айланди. Хурпайишини қаранглар!

Мальволио. Тўйимиздан кейин уч ой ўтган деб фараз қилайлик. Мен тахтиравонда ўтирибман...

Сэр Тоби. Эҳ, қўндоқли камоним бўлганда-ю, кўзини тешардим.

Мальволио. Оливияни пар тўшакда ухлатиб ётоқдан чиққанман, тахтиравон чодирда елкамга бахмал тўн ташлаб ўтирибман... Хизматкорларни чақиришга фармон берганман...

Сэр Тоби. О, жонинг чиққур!

Фабриан. Жим! Жим!

Мальволио. Ўзимни улуғвор тутиб, хизматкорларни синчиклаб кўздан кечираман. Улар бу қарашимдан: «Менинг жойим тўрда, сизларники — пойгакда» деган маънони уқиб оладилар ва мен сэр Тоби қаердалигини суриштираман...

Сэр Тоби. О, ёрилиб ўлгур!

Фабриан. Жим, жим! Бу ёғини эшитинглар!

Мальволио. Хизматкорларимдан еттитаси таъзим ато қилиб сэр Тобини қидириб кетишади. То у келгунча мен қошимни чимираман, соатимни бурайман ёки қимматбаҳо узугимни нурга солиб томоша қиламан... Тоби кириб, ергача эгилиб таъзим қилади...

Сэр Тоби. Қалласини шартта узиб ташлайми?

Фабриан. Жим. Ичингиздаги гапни омбур солиб тортсалар ҳам, жим туринг!

Мальволио. Унга мана бундай қўл чўзаман,

<sup>1</sup> Иезавель — Тавротдаги ривоятлардан бирида тилга олинган яҳудийларнинг ахлоқсиз маликаси.

юзим тиришиб, қовоқ соламан, токи у кимлигимни билиб қўйсин.

Сэр Тоби. Тоби башарангга шарақлатиб туширмай қараб тураркан-да?

Мальволио. «Хўш, Тоби амаки,— дейман мен унга,— жиянингизни менинг никоҳимга олиб берган тақдир, айни вақтда, сизга баъзи бир танбеҳлар қилиш ҳуқуқини ҳам беради...»

Сэр Тоби. Нима, нима?

Мальволио. «Аввало ичишни ташлашингиз керак...»

Сэр Тоби. Эшак!

Фабриан. Э, сабр қилсангиз-чи, ўйинни бузманг!

Мальволио. «Бундан ташқари, сиз қимматли вақтингизни миясиз тентак баҳодир...»

Сэр Эндрю. Худо ҳаққи, мени айтяпти.

Мальволио. «...сэр Эндрю билан беҳуда ўтказяпсиз...»

Сэр Эндрю. Кўплар мени миясиз деб аташгани учун у миясиз дейиши билан гап менинг тўғримда бо-раётганини фаҳмладим.

Мальволио. Қуш тузоққа илинди!

Сэр Тоби. Жим! Э, калака тангриси, овоз чиқариб ўқишни кўнглига солсин-да.

Мальволио. Ҳаётим ҳақиға онт ичаманки, бу графинянинг қўли! Бу унинг «л», «р», «т»лари, катта «п»ни ҳам шундай ёзади. Бу унинг дастхати...

Сэр Эндрю. Унинг «л», «р», «т»лари... Қани, давомини эшитайлик.

Мальволио (*ўқийди*). «Бу юрак саломи кўнглимни банд этган номаълум ёримга». Худди унинг услуби! Ижозатингиз билан сурғучни синдираман. Ваҳ! Муҳр ҳам уники: Лукреция калласи. Мактуб графинядан. Аммо кимга ёзилган?

Фабриан. Нақ жигаридан урди!

М а л ь в о л и о

(ўқийди.)

«Севаман, тангри гувоҳ!  
Хаёлимда фақат сен!  
Кимлигинг айтмайман мен,  
Бу сирдан ўзим огоҳ!»

«Кимлигинг айтмайман мен!» Бу ёғи ҳам шеърий...  
«Бу сирдан ўзим огоҳ!» Эҳ, бу сен бўлсанг эди, Маль-  
волио!

М а л ь в о л и о

(ўқийди)

«Кўнглимни олган ёрга  
Мен бўламан ҳукмдор,  
Маҳкумман оҳу зорга,  
Шундан чекаман озор.  
М. О. А. И.— ҳарфлари,  
Дилимнинг сеҳргари!»

Ф а б и а н. Чигал топишмоқ!

Сэр Тобн. Айтдим-ку. Мария шаддод қизалоқ!

М а л ь в о л и о. «М. О. А. И.— ҳарфлари, дилимнинг  
сеҳргари». Ижозат берасиз, бу борада бош қотириб  
кўрамиз!

Ф а б и а н. Роса тузоққа илинтирди-ку!

Сэр Тоби. Лочинимиз унга калхатдек човут  
солди.

М а л ь в о л и о

«Кўнглимни олган ёрга  
Мен бўламан ҳукмдор...»

Албатта у менга малика, мен унга хизматкор, демак,  
у менинг ҳукмдорим ҳисобланади — ҳар қандай эси

бутун одамга бу кундай равшан. Бу ерда чигал йўқ. Хўш, охири-чи? Мана бу тартибдан қандай маъно келиб чиқади? Булардан ўз исми шарифимни чиқара олсам эди! Тўхта! «М. О. А. И.»

Сэр Тоби. Ҳа, чиқар, чиқаравер, чиқариб бўлсан!  
Фабриан. Тулкининг исини сезган кўппакдек тирчиллаб қолди.

Мальволио. «М» — Мальволио. Ҳа-ҳа, менинг номим «М»дан бошланади.

Фабриан. Айтдим-ку, ис билади деб! Изга тушиб оляпти.

Мальволио. «М»... Аммо бу ёғи қовушмаяпти: «А» ўрнига «О» келди, бўлмади.

Фабриан. Охирига борганда «о» деб юборади шекилли.

Сэр Тоби. Хотиржам бўл, бўлмаса «О» деб бақиртириб ураман.

Мальволио. Ундан кейин «А» келяпти.

Фабриан. Калака бўлиш бобида ҳам роса омадинг келяпти.

Мальволио. «М. О. А. И.» — аввал жўн кўринган нарса энди чигаллашиб кетди. Зотан ҳарфлар ўрнини алмаштириб, ўзимга мосласам бўлади: менинг номимда шу ҳарфларнинг ҳаммаси бор. Жим, мана бу ёғи наср билан ёзилибди. (*Уқийди.*) «Мабодо шу мактуб сенга етиб боргудек бўлса — ўйлаб кўр. Толеим юлдузи сендан анча баландда чақнаб турган бўлса ҳам, сен бу мартабадан чўчима. Бировлар мартаба билан туғиладилар, бошқалар мартабага заҳмат чекиб эришадилар, яна бировларга мартаба осонлик билан насиб бўлади. Сенинг иқболнинг кулиб турибди. Сен унга тиш-тирноғинг билан ёпишиб ол. Сенга ўз бағрини очиб турган янги шаронгга ўрганмоқ учун эса, қиёфангни буткул янгилаб, тамоман бошқа одам бўлиб майдонга кир. Амакимга қўрс бўл, хизматкорларга баланддан кел, давлат арбобидек чуқур мулоҳазалар

юритиб, ғайриоддий ҳаракатлар қил. Сенга бу маслаҳатларни бергувчи, ҳасратингда ўртаниб юрган маъшуқангдир. Бир эслаб кўр-чи: сариқ пайпоғингни ким мақтаган эди? Болдирларингдаги боғичларингни кўндаланг боғлаб юришингни ҳамиша истагувчи ким эди? Такрор айтаман: эслаб кўр! Дадил бўл! Агар астойдил истасанг, олий мартабага эришасан. Агар истамасанг, умрбод бахт тангрисининг илтифотидан бебахра қоласан. Яхши қол. Имзо чекдим — сен билан ўз мавқеини алмаштириш иштиёқида:

*Бахтли бебахт».*

Ҳамма гап кундай равшан торгди. Мен ўзимда кибру ҳаво пайдо қиламан, сэр Тобини минг тубан қиламан, ўзимдан пастларни яқинимга йўлатмайман, тиштирноғимга қадар ўз мавқеим даражасида бўламан. Энди мени ҳеч ким лақиллатолмайди. Бу мактуб бекам мени севиб қолганига айнан далолат. Тунов куни менинг сариқ пайпоғимни мақтагани, болдирларимдаги боғичларга қойил қолгани эсимда. Бу мактубда эса муҳаббатига иқрор бўлибди, айнаи вақтда ўз дилига муносиб кийинишимга нозик шама қиляпти. Минг қатла шукурким, бахтим юлдузи чақнади! Ҳа, албатта, ғайритабий ҳаракатлар қиламан, мағрур бўламан, сариқ пайпоқ кийиб уни болдирларимда кўндаланг боғичлайман! Шон-шарафлар бўлсин сенга, Юпитер! Шон-шарафлар бўлсин сизга, бахтим юлдузлари!.. Э-ҳа, иловаси ҳам бор экан. (*Уқийди.*)

«Менинг кимлигимни пайқаган бўлсанг керак. Севишингни билдирмоқчи бўлсанг ҳар кўрганда жилмаявер. Жилмайишинг ҳуснингга ҳусн қўшади. Шу сабабдан, азизим, севгилим, мени кўрдинг дегунча жилмаявер!»

Тангрига минг қатла шукурлар бўлсин! Албатта жилмаяман, албатта, айтганларингни бажо қиламан! (Кетади.)

Ф а б и а н. Агар эронийлар шоҳи, менга, ўн минг

нафақа тўлайман, деса ҳамки ҳозирги томошанинг лаззатидан воз кечмасдим.

Сэр Тоби. Шуни ўйлаб топган қизга уйланишга тайёрман.

Сэр Эндрю. Мен ҳам тайёрман.

Сэр Тоби. Тагин битта шунақа эрмак ўйлаб чиқарса, мен ундан сеп ҳам сўрамайман.

Сэр Эндрю. Мен ҳам.

Фабиян. Ана, аҳмоқларни тузоққа илинтирадиган бебаҳо гўзалимиз келяпти!

Мария киради.

Сэр Тоби. Хоҳла, мени курси қилиб миниб ол...

Сэр Эндрю. Мени ҳам.

Сэр Тоби. Хоҳла, эркимни сенга бой бериб, қулинг бўлай...

Сэр Эндрю. Мен ҳам.

Сэр Тоби. Сен уни шунақа каловлатиб қўйдингки, кўзи очилганда жинни бўлиши турган гап.

Мария. Рост айтинглар: унга сал-пал таъсир қилдими?

Сэр Тоби. Ароқ ичган доядай маст бўлди-қолди.

Мария. Агар сочган уруғларимизнинг қандай униб чиқишини кўрмоқчи бўлсангизлар, унинг графинямиз билан биринчи учрашувидан кўз-қулоқ бўлиб туринглар. У сариқ пайпоқ кийиб киради, графинянинг сариқ рангни ёмон кўриши ҳаммага маълум, у боғичларни кўндаланг боғлаб олади, графинянинг эса бунга тоқати йўқ, у бўлар-бўлмасга тиржайяверади, бунинг оқибати нима бўлишини биласизлар. Қим шу томошадан қолмай деса, мен билан юрсин.

Сэр Тоби. Бунақа шайтон қиз билан жаҳаннамга ҳам кетавераман. Сен билан дўзах эшигигача бораман, эй фаросатнинг тенгсиз иблиси!

Сэр Эндрю. Мен ҳам!

Кетадилар.

Парда

## III ПАРДА

## БИРИНЧИ САХНА

Виола ва ногора кўтарган Қизиқчи кирадилар.

Виола. Сенга ва сенинг музикангга тангри ёр бўлсин, огайни! Ногоранг соясида қандай яшаб юрибсан?

Қизиқчи. Мен, афандим, черков соясида яшаб турибман.

Виола. Э, руҳониймисиз?

Қизиқчи. Йўқ, ундай эмас, черков соясида яшаб турибман деганимнинг маъноси шуки, ўз уйимда яшаб турибман, менинг уйим эса черковнинг биқингинасида.

Виола. Бунақада, довдир қизиқчиси бўлгани учун қирол қизишиб довдираб қолди, биқинида ногора чалганим учун черков ногорамга ўйнаяпти, десанг ҳам ажаб эмас.

Қизиқчи. Ҳақ гап, афандим. Заб замонлар келди-да! Ҳар қандай яхши сўзнинг бирпасда астар-пахтасини ағдариб ташлашади.

Виола. Ҳа, гапинг тўғри. Кимки сўзни ўйини қилса, кейин ўша сўз кўча-кўйга ўйин бўлиб кетади.

Қизиқчи. Шу сабабдан ҳам афандим, менга қолса, синглимга от қўймасдим.

Виола. Нега энди?

Қизиқчи. Чунки от ҳам — сўз: оти оғизга тушса, кўча-кўйга гап-сўз бўлиб кетади. Дарҳақиқат, сўзларнинг қўл-оёғига кишиан урилгандан бери улар разиллашиб кетди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Шекспир даврида қирол цензураси сўз эркинлигини таъқиқ этганига ишора.



В и о л а. Фикрингни исбот қил!

Қ и з и қ ч и. Ростимни айтсам, афандим, фикримни исбот қилиш учун сўз ишлатишим керак, аммо сўзнинг сийқаси чиққан бир пайтда фикримни унинг ёрдамида исботлагим келмайди.

В и о л а. Қувноқ табиатли боқибегам эканинг кўри-ниб турибди.

Қ и з и қ ч и. Йўқ, афандим, мен унчалик бегам эмасман, лекин виждон ҳаққи, сизнинг гамингизни ейман. Сиз, афандим, шуни бегамлик деб билсангиз, бу ердан бегамгина кўтарилишингизни истардим.

В и о л а. Сен графиня Оливиянинг тентаги эмасми-сан?

Қ и з и қ ч и. Йўғ-э, афандим, графиня Оливиянинг ҳали тентакка иши тушган эмас. То эрга тегмагунча ёнида тентак бўлмайди. Тентак билан эрнинг ўртасидаги фарқ эса, хўтик билан эшак ўртасидаги фарқча, эр хўтиқдан каттароғи. Мен графинянинг тентаги эмас, сўзамолиман.

В и о л а. Мен сени яқинда герцог Орсинонинг саройида кўрган эдим.

Қ и з и қ ч и. Тентаклик, афандим, худди офтобга ўхшайди. Дунё кезиб, нур сочгани сочган. У вақт менинг маликам атрофида айланиб, сизнинг герцогингиздан нурни аясам, адолатсизлик бўлур эди. Дарвоқе, мен жанобларини ўша ерда кўрганмидим?

В и о л а. Агар сен мени эрмак қилмоқчи бўлсанг, кетганим маъқул. Ма, ол! *(Пул беради.)*

Қ и з и қ ч и. Омин, Юпитер сенга навбатдагилар қаторида соқол-мўйлов ато қилсин.

В и о л а. Ростини айтсам, ўзим ҳам шунга орзуман-даман, *(четга)* лекни бир камим шу эди.— Бекажг уйдами?

Қ и з и қ ч и. Афандим, агар буни жуфт қилсак, ўзидан кўнаярмиди, дейман-да?

В и о л а. Ҳа, уларни қўшиб ишга солинса, кўпая-  
веради.

Қ и з и қ ч и. Чиндан ҳам, афандим, мана бу Тро-  
илга Крессидани қўшмоқ учун фригиялик Пандар роли-  
ни ўйнашга тайёрман.

В и о л а. Муддаонгни тушундим: сен тилаб олишга  
уста экансан.

Қ и з и қ ч и. Умид қиламанки, сиздан тиланчини  
тилаб оламан. Крессиди ҳам тиланчи бўлган-да. Гра-  
финя уйда, афандим. Мен унга сизнинг қаердан келга-  
нингизни айтаман. Қимлигингизу мақсадингиз нима  
эканлиги фақат самога аён, табиатга дердиму, бу сўз-  
нинг сийқаси чиқиб қолган. (*Кетади.*)

В и о л а. Оёқларим мени қанчалик тушунса, мен  
сизнинг сўзларингизни шунчалик тушуняпман.

С э р Т о б и. Мен, кираверинг, демоқчиман, афандим.

В и о л а. Сўзингизга иш билан жавоб бераман,  
яъни кираман. Аммо биз кеч қолдик.

О л и в и я билан М а р и я кирадилар.

Гўзаллар маликаси, мафтунлар паноҳи, марҳаматли  
графиня! Само бошингизга гуллар атрини нисор этсин!

С э р Э н д р ю. Бу йигитча саройнинг зийнати бўли-  
ши мумкин. «Гуллар атрини нисор этсин!» Ажойиб  
ибора!

В и о л а. Келишдан муродим шуки, бунинг изҳори-  
ни, бекамнинг малоҳатли, шафоатли қулоқларигина  
эшитишга нойилдир.

С э р Э н д р ю. «Гуллар атри», «Малоҳатли», «Ша-  
рофатли»— шу учаласи хотирамда ҳамиша шай туради.

О л и в и я. Боғ эшигини ёпинглар. Унинг арзини  
эшитишимга ҳеч ким халал бермасин.

С э р Т о б и, с э р Э н д р ю ва М а р и я кетадилар.

О л и в и я

Менга қўлингизни беринг, афандим?

В и о л а

Хизматингизга тайёрман.

О л и в и я

Исмингиз?

В и о л а

Цезарио, гўзал маликам,  
Хизматкорингизман.

О л и в и я

Сиз — хизматкорим?

Тилёгламаликка одамлар ҳурмат —  
Деб ном берган кундан буён дунёмиз  
Шодликни тарк этди. Сиз менинг эмас,  
Балки Орсинонинг хизматкорисиз!

В и о л а

У сизга хизматкор,  
мен эса унга,

Хизматкорингизнинг хизматкорлари  
Сизга ҳам хизматкор бўлишга мажбур.  
Бу чин, графиня.

О л и в и я

Мен уни асло

Уйламайман. Унинг ўйлари эса,  
Менга банд бўлгандан кўра, яхшиси —  
Тахти бузилмаган оқ қоғоз бўлсин.

## В и о л а

Графиня, сизнинг ҳузурингизга,  
Келишдан мақсадим — хаёлингизни  
Сизга мафтун бўлган юракка буриш...

## О л и в и я

Афв этинг ва шуни яхши билингки,  
Ундан сўз очишни тақиқ этганман.  
Агар бўлса бошқа илтимосингиз,  
Мен уни самовий мусиқадан ҳам  
Аълороқ тинглайман.

## В и о л а

О, графиня...

## О л и в и я

Бир лаҳза сабр қилинг! Утган гал, мени  
Тамом мафтун этиб кетган чоғингиз  
Орқангиздан узук юборган эдим,  
Бу билан ўзимни, хизматкоримни  
Албатта, сизни ҳам алдадим. Балки,  
Шундай бир уят иш қилиб, ўзимнинг  
Буюимни сизга берганим учун  
Мендан кулгандирсиз. Айтинг, ўшанда  
Бошингизга қандай хаёллар келди?  
Балки, ўйларингиз, таъналарингиз  
Ҳиссиз қалбдан чиққан найзалар каби  
Менинг номусимни нишонга олиб,  
Кетма-кет отилиб кетгандир. Ростми?  
Дилим устидаги кўкрак қалқонмас,  
Балки нозиккина ҳарир бир парда.  
Сизнинг ақлингиздек зийрак ақлга  
Мен ўзимни буткул кўрсатиб қўйдим.  
Айтинг: сиз нима деб ўйладингиз?

## В и о л а

Мен

Сизга ачинаман.

О л и в и я

Бу — муҳаббатга  
Бир қадам.

В и о л а

Ундогмас, маликам. Ахир,  
Ҳаттоки ёвларга ачинишимиз  
Ҳаммага аён-ку!

О л и в и я

Эвоҳ, мен яна  
Табассум қилишим лозим. Гадога  
Қувониши учун дунё керакмас!  
Қимки ўлжа бўлмоқ истаркан, бўри —  
Тишидан арслоннинг тирноғи афзал!

Соат занг уради.

Аммо соат занги вақтнинг беҳуда  
Ўтаётганидан огоҳ этади.  
Асло ташвишланманг, йигитча, менга  
Сиз керак эмассиз, лекин вақт келиб  
Ешлик ва ақлингиз камол топади,  
Ушанда сеvimли рафиқангизга  
Гўзал эр бўласиз. Энди, йигитча,  
Сиз ғарбга кетасиз, мен бошқа ёққа.

В и о л а

Ғарбга бўлса ғарбга! Тангридан сизга  
Соғлиқ, ишингизга ривож тилайман!  
Герцогимга нима жавоб бўлади?

О л и в и я

Тўхта... Айт-чи, мени ким деб ўйлайсан?

В и о л а

Сиз бир одамсизу, лекин ўзингиз  
Ўзингизни бошқа дейсиз.

О л и в и я

Ростданми?

Мен ҳам сизни худди шундай биламан!

В и о л а

Хато қилмадингиз, графиня, мен —  
Асли мен эмасман!

О л и в и я

Оҳ, кошкийди сен  
Мен истаган бўлиб чиқсанг!

В и о л а

Мабодо

Бундан ҳам яхшироқ бўлсам, розиман.  
Ҳозир эса сизга мен қизиқчиман.

О л и в и я

О, унинг ғазабга, нафратга тўла  
Лабларидан томган мазахларида  
Бир дунё нафосат ва назокат бор!  
Биз жиноятимиз ёпиб кетсак ҳам  
Дил ҳаяжонини яширолмаймиз.—  
Цезарно, гулгун баҳорим ҳақи,  
Ростлигим, софлигим ҳақи дилимдан  
Онт ичиб айтаман, мен сени севдим.  
Буни яширишга ожизман. Аммо  
Мени банд этганинг ғуруринг билан  
Қайсарлик қилмагил, бағри тош бўлма.  
Гарчанд жон чекмасдан жонона йўқдир,  
Лекин менга ишон: бир кўришдаёқ  
Жўшган ишқ саодат бағишлай олур.

## В и о л а

Онт ичаман, менинг юрагимнинг ҳам  
 Пок туйгу, мусаффо номуси кўркам.  
 Аммо унга хотин бўлмайди эга,  
 Гарчанд биттаси бор, ёқади менга.  
 Хайр, графиня! Бугундан бошлаб  
 Ишқ элчиси бўлиб келмайман бошқа.

## О л и в н я

Орсино номидан бўлса ҳам бир бор  
 Яна кел, севгидан сўзлагил такрор!

Кетадилар.

## ИККИНЧИ САҲНА

Оливиянинг уйи.

Сэр Тоби, сэр Эндрю ва Фабиан кирадилар.

Сэр Эндрю. Худо ҳаққи, энди бу ерда бир дақиқа ҳам қолмайман.

Сэр Тоби. Нега энди, марҳаматли тажанг дўстим? Нега энди?

Фабиан. Бизга сабабини албатта айтишингиз керак, сэр Эндрю.

Сэр Эндрю. Сабаби шуки, мен жиянчангнинг боғдаги шакаргуфторлигини кўрдим. У герцогнинг хизматкорига қилган муомаласини менга ҳеч қачон қилган эмас. Ўз кўзим билан кўрдим.

Сэр Тоби. Ўша пайтда у сени кўриб турганмиди, дўстгинам?

Сэр Эндрю. Ҳозир мен сизларни кўриб тургандай аниқ кўрди.

Фабиан. Шунинг ўзи сизни қанчалик севишини исботлаб турибди.

Сэр Эндрю. Хўш, сизлар мени мияси йўқ эшак, деб ўйлаяпсизларми?

**Ф а б и а н .** Мен бутун ақлиму фаросатимни жамлаб, сўзим тўғрилигини исбот қиламан.

**С э р Т о б и .** Сенинг ақлингу фаросатинг Нух тўфонда қолишдан илгариеқ шунақа ўткир бўлган.

**Ф а б и а н .** Графинянинг у йигитча билан сизнинг кўз олдингизда шунақа нозик муомала қилишдан мақсади — қалбингизда мудраб ётган мардликни уйғотиш, кўкрагингизга ўт ёқиш, жигарингизни жаҳаннам алангасида сўхта қилишдан бошқа нарса бўлмаган. Сиз уларга яқин бориб, ҳали қолипдан кўчмаган ўткир сўзларингиз билан ўша йигитчанинг забоници қулфлаб ташлашингиз мумкин эди! Сиздан улар ана шуни кутишган. Сизни роса латта дейишибди-да, э аттанг, тасодиф сизни дуч қилган экаву қўлдан чиқариб юборибсиз-да. Энди графиня сизни назаридан шимолга қочириб юборади. Токи, ҳақиқий ботирлик кўрсатиб ёки ўткир сиёсатчи эканлигингизни исбот қилиб, йўл қўйган хатонингизни тузатмагунингизча ўша шимолда голландияликнинг соқолига ёпишган сумалакдай осилиб тураверасиз.

**С э р Э н д р ю .** Агар иш шу даражага борган бўлса, ботирлик кўрсатаман, чунки сиёсатга тоқатим йўқ. Менимча, сиёсат билан шуғуллангандан кўра пурптан бўлган яхшироқ.

**С э р Т о б и .** Ундай бўлса, бахтингни мардлар майдонида синаб кўрамиз. Герцогнинг элчисини дуэлга чақириб, ўн бир еригача қилич суқасан. Бу хабарнинг менинг жиянчамга етиб бориши турган гап. Мен сени, ишонтириб айтаманки, сени хотин кишига мақташда дунёдаги ҳеч бир қўшмачи ботирлик бобидаги шон-шўратчалик хизмат қила олмайди.

**Ф а б и а н .** Бошқа чора йўқ, сэр Эндрю.

**С э р Э н д р ю .** Сизлардан қайси бирингиз менинг даъватномамни унга олиб борасиз?

**С э р Т о б и .** Бор, даъватномамни қўпол ҳарфлар билан қисқа, лекин ўткир тилда ёз. Чиройли ёзаман деб уринма, маъноси ич-ичини тешиб юборадиган



бўлсин. Уни сиёҳ етган қадар ҳақоратла. Кўп эмас, учтагина ҳалигидақа сўздан ишлатсанг ҳам майли. Ҳар биттаси Уэр сўрисидай келадиган ёлғон-яшиқни қоғозга сиққанича тўқийвер. Кўпроқ қалампир қўшавер. Ғоз пати билан ёзсанг тагин яхшироқ. Бошла!

Сэр Тоби. Биз *cubiculo*<sup>1</sup> томон кетдик. Қани, шошил.

Сэр Эндрю кетади.

Фабиан. Бу одам сиз учун қимматлими, сэр Тоби?

Сэр Тоби. Аксинча, мен унга қимматга тушдим, камида икки минг сарфлади.

Фабиан. У ҳозир зўр хат ёзади. Аммо сиз уни олиб бориб бермасангиз керак-а?

Сэр Тоби. Олиб бориб бераман. Сен герцогнинг йигитчасини гапга сол, тезла. Менимча, уларни ҳўкизнинг шохига арқон боғлаб судрагандек судраганда ҳам бир-бирига рўпара қилиб бўлмайди. Сэр Эндрю ҳақида шуни айта оламанки, агар унинг қорнини ёриб, жигаридан бурганинг нонуштасига етарли қон топсалар, қолганини ўзим ейишга тайёрман.

Фабиан. Аммо герцогнинг йигитчаси ҳам, ташқи қиёфасига қараганда ювошгина бир нарса бўлса керак.

Мария киради.

Сэр Тоби. Ана, булбулчамиз ҳам учиб келди.

Мария. Агар, кула-кула ичагим узилсин десанглар, мен билан бирга юринглар. Тентак Мальволио бинойидаккина мажусий бўлди қолди. Жонидан умиди бўлган ҳеч бир христианнинг кўзи бунчалик кўр бўлиб, мияси бунчалик айнимайди. У ҳалитдан сариқ пайпоқда юрибди.

Сэр Тоби. Боғичини ҳам кўндаланг бойлагандир?

<sup>1</sup> Лотинча — ётоқ.

Мария. Бутхона мактабининг муаллимидай жинни бўлди қолди. Мен унинг кетидан худди қотил каби изма-из юриб кузатдим. Хатда ёзган нарсаларимнинг ҳаммасини бекам-кўст бажо келтирибди. Тиржайишидан юзида пайдо бўлган тиришлар иккала Ҳиндистон харитасидаги чизиқлардан ҳам кўп. Сиз бунақа масхарани умрингизда кўрмагансиз. Қўлим қичиб, тош отиб бошини ёришдан ўзимни базўр тутиб қолдим. Графинядан тарсаки ейиши турган гап. Аммо у тентак бу тарсакини ҳам алоҳида илтифот деб қабул қилади.

С э р Т о б и. Кетдик! Қани, ўша ерга бошла!

Кетадилар.

## УЧИНЧИ САҲНА

Кўча.

Себастьян билан Антонио кирадилар.

Себастьян

Ташвишга қўймоқчи эмасдим сени,  
Модомики, ўзинг шуни истабсан,  
Майли, ёнимда қол, таъна қилмайман.

Антонио

Сени ёлғиз ташлаб кета олмадим,  
Пўлат тигидан ҳам ўткир истагим  
Сен кетган томонга мени ундади.  
Гарчанд шу кифоя бўлса ҳам бироқ,  
Бошқа бир андиша сени ахтариб,  
Албатта топишга мажбур этди. Бу —  
Бегона бир юртда сарсон кезишинг,  
Балки андишанинг ташвиши эди.  
Бу юртда на дўстинг, на йўлдошинг бор  
Демак, сенга бу юрт саҳродек бир гап.

Сенга муҳаббатим бунга қўшилиб,  
Жадал етиб келдим.

С е б а с т ь я н

Ташаккур сенга,  
Азиз Антонио, меҳрибон дўстим.  
Дилдан айтадиган жавобим битта:  
Ташаккур, ташаккур, яна ташаккур.  
Бундай яхшиликка тангалар бериш  
Одат бўлиб қолган, бу арзимайди.  
Ҳамёним олтинга тўла бўлса ҳам,  
Урнига жонимни берардим шу он.  
Хўш, нима қиламиз? Шаҳарга бориб,  
Едгорликларини кўрайликми?

А н т о н и о

Йўқ,  
Буни эртагача қолдириб, аввал,  
Тузукроқ бошпана топиш маъқулроқ.

С е б а с т ь я н

Мен ҳеч толганим йўқ, тун ҳали узоқ,  
Илтимос, кўзларни қувонтирайлик:  
Шаҳарнинг муҳташам биноларини  
Едгорликларини кўрамиз.

А н т о н и о

Кечир,  
Қўчада юришим жуда хатарли.  
Герцог кемалари билан денгизда  
Қаттиқ жанг қизиган чоғда мен унга  
Қалтисроқ бир хизмат қилиб қўйгандим.  
Қўлга тушсам, омон қолишим гумон.

Себастьян

Қанча одамни қиргансан?

Антонио

Гарчанд

Жанг ўрни ва ўша қаттол тўқнашув,  
 Ҳар қанча қиронга қулай бўлса ҳам,  
 Мен қон тўкмаганман. Албатта, бизлар  
 Тортиб олган буюм пулни тўлаб,  
 Жанжални бартараф қилса бўларди.  
 Чиндан ҳам, кўпчилик ҳамшаҳарларим  
 Тижоратни ўйлаб, шундай қилишди.  
 Фақат мен кўнмадим. Хуллас, мабодо.  
 Қўлга туширсалар мени бу ерда,  
 Қасос олишлари турган гап.

Себастьян

Унда,

Кўчаларда очиқ юрма.

Антонио

Қоламан.

Ма, менинг ҳамёним, дўстим. Уйни ҳам  
 Шаҳарнинг жанубий чеккасидан ол.  
 «Фил» деб аталувчи меҳмонхонада  
 Овқатга кутаман. Кетдим. Сен эса,  
 Шаҳарни айланиб, лаззатлан, зотан  
 Вақтни ўтказишнинг яхши йўли шу.  
 «Фил»да учрашамиз.

Себастьян

Нега пул бердинг?

А н т о н и о

Агар бирор нарса кўриниб қолса,  
Оларсан, қийналиб юрма. Ёнингда  
Пулинг йўқлигини биламан.

С е б а с т ь я н

Бўпти,

Шу ондан мен сенинг хазиначингман.  
Хайр!

А н т о н и о

Демак, «Фил»да.

С е б а с т ь я н

Етиб бораман.

К е т а д и л а р .

### ТУРТИНЧИ САҲНА

Оливиянинг боғи.

О л и в и я билан М а р и я кирадилар.

О л и в и я

Уни чақирिशга одам юбордим,  
Келса, қандай кутай, нималар берай?  
Ешлик ўч бўлади совға-саломга!—  
Гапимни бошқалар эшитсалар-а!—  
Мальволио қани? Ҳар қадамида  
Улуғлик, тантана. Менга бу ишда  
У мадад беради. Аммо у қани?

М а р и я. У келяпти, графиня. Лекин афт-ангорини  
кўрган киши кўрқади: у эсидан озганга ўхшайди, бекам.

О л и в и я. Унга нима бўлди? Жазаваси тутаяптими?

М а р и я. Билмадим, графиня, у нуқул илжайди. У  
кирганда ёнингизда бирор одам бўлгани маъқул.

О л и в и я. Уни чақириб кел.

М а р и я кетади.

Мабодо одамни тарк этса ақли,  
Шодлигу қайғунинг бўлмайди фарқи.

М а р и я М а л ь в о л и о н и бошлаб киради.

Аҳволинг қалай, Мальволио?

М а л ь в о л и о (илжайиб). Гўзал графиня! Э-ҳе-ҳе!

О л и в и я. Нега илжаясан? Мен сени жиддий бир иш билан чақирдим.

М а л ь в о л и о. Жиддий иш билан дейсизми, графиня? Менинг жиддий бўлишим мумкин албатта, сабабки, болдирларимдаги бу кўндаланг боғичлар томирларимдаги қонни тўхтатиб, қуюқлаштиради. Мабодо менинг салобатим баъзи бировларга ёқса, мен ажойиб бир қўшиқни такрор этаман:

«Атрофингда, жонона,  
Бўлай доим парвона».

О л и в и я. Сенга нима бўлди, Мальволио? Эсинг жойидами?

М а л ь в о л и о. Менинг пайпоғим сариқ бўлса ҳам кўнглим қора эмас. Хат қўлимда. Унда берилган маслаҳатларни бекам-қўст бажо келтираман. Мана бу нозик румий ҳуснихат менга кўпдан буён таниш.

О л и в и я. Бор, кириб ёта қол, Мальволио!

М а л ь в о л и о. Ёта қол?! Хўп, жонгинам, ётоғингга кираман.

О л и в и я. Тангри сени асрасин! Нега яккаш илжаясан? Нега ҳадеб қўлингни ўпасан?

М а р и я. Соғлигингиз қалай, Мальволио?

М а л ь в о л и о. Э, сиз ҳам савол бердингизми? Билингки, булбуллар зорлар билан сўзлашмайдилар.

М а р и я. Нега сиз графиня ҳузурда бунақа бачкана қилиқлар қиляпсиз?

М а л ь в о л и о. «Сен бу мартабадан чўчима»— хатда худди шундай ёзилган.

Оливия. Бу нима деганинг, Мальволио?

Мальволио. «Бировлар мартаба билан туғилдилар...»

Оливия. Эвоҳ!

Мальволио. «Бошқалар мартабага заҳмат чекиб эришадилар...»

Оливия. Нималар деяпсан, ўзинг?

Мальволио. «Яна бировларга мартаба осонлик билан насиб бўлади»...

Оливия. Ё тангри, ўзинг шифо бер!

Мальволио. «Бир эслаб кўр-чи сариқ пайпофингни ким мақтаган эди...»

Оливия. Менинг сариқ пайпоғимни?

Мальволио. «Болдирларингдан боғичларингни кўндаланг боғлаб юришингни ҳамиша истагувчи ким эди?»

Оливия. Кўндаланг боғичларимни?

Мальволио. «Дадил бўл! Агар астойдил истасанг, олий мартабага эга бўласан».

Оливия. Олий мартабага эга бўламан?

Мальволио. «Агар истамасанг, умрбод аянчли малай бўлиб қолаверасан».

Оливия. Ростакан жинни бўпти!

Хизматкор киради.

Хизматкор. Маликам, герцог Орсионинг йигитчаси яна келди. Эшикда кутиб туришга базўр кўндирдим. У фармонингизга мунтазир.

Оливия. Узим олдига чиқаман.

Хизматкор кетади.

Азизим, Мария, мана бу одамга кўмаклаш. Амаким қаёқда? Одамларимдан бири Мальволионинг хизматида бўлсин. Унинг бирор фалокатга йўлиқишини сира ҳам истамайман.

Оливия билан Мария кетадилар.

М а л ь в о л и о. Ана! Энди билдингизларми, менинг кимлигимни? Бошқаларни қўяверинг, ҳатто сэр Тоби энди менинг хизматимда. Худди мактубда айтилгандек, мен сэр Тобига қўрс муомала қилишим учун маликам уни менинг хизматимга беряпти. «Тамом бошқа одам бўлиб майдонга кир,— дейилган мактубда.— Амакимга қўрс бўл, хизматкорга баланддан кел, давлат арбобидек чуқур мулоҳазалар юритиб, ғайриоддий ҳаракатлар қил». Бинобарин, илова қилиб ёзадикки, мен давлат арбобига хос салобатли бўлишим, виқор билан юришим, босиқ гапиришим лозим ва ҳоказо. Ҳа, қўлга тушдингми, жонгинам! Албатта бу — тангри инояти, шу сабабдан оллоҳга минг қатла шукур! Кета туриб айтган сўзларини қаранг: «Бу одамга кўмаклаш». Ҳа, одамга! Мальволиога эмас, эшик оғасига эмас, одамга! Ҳа, булар жами омаддан далолат бериб турибдики, бунга заррача ҳам шубҳа бўлиши ёки бу йўлда зиғирча ҳам гов бўлиши мутлақо мумкин эмас. Қандай шубҳа бўлиши мумкин? Мен билан мўлжалга олган нишоним ўртасида ҳеч қанча масофа йўқ. Бу борада мен бир ожиз бандаман, бу иқбол — фақат ва фақат тангрининг илтифоти. Ҳазор ва ҳазор шукурлар бўлсин сенга, ё парвардигор!

М а р и я сэр Тоби билан Ф а б и а н н и бошлаб киради.

С э р Т о б и. Худо ҳақи, айтинглар, у қаёқда? Жаҳаннамнинг барча алвастилари, иблисларининг жами лашкарлари унинг ичига қамалиб олган бўлса ҳам, гаплашиб кўраман!

Ф а б и а н. Ана у! Ана у! Сизга нима бўлди, тақсир? Эс-хушингиз жойидами, муҳтарам зот?

М а л ь в о л и о. Кетаверинглар, сизларга жавоб. Менинг хилватда кайф суришимга халал берманглар жўнанглар!

М а р и я. Қулоқ солинглар-а: ичида шайтон ғўнғил-ляпти! Сизларга айтиб эдим-а! Сэр Тоби, графиня сиздан унга кўмаклашишни илтимос қилди.



М а л ь в о л и о. Ҳа-ҳа! Ростдан-а? Унга нозик муомала зарур. Қани, четга чиқинглар.

С э р Т о б и. Жим, жим туринглар. Хўш, Мальволио сенга нима бўлди? Қайфиятинг қалай? Шуни яхши билки, дўстим, иблис — инсоннинг душмани, уни даф этмоқ даркор.

М а л ь в о л и о. Қалима келтиринглар-э!

М а р и я. Ана, кўрдингизми, шайтоғни ёмонлаганингизда, бунинг жини қўзияпти. Э худо, тагин буни жинлар чалиб кетган бўлмасин.

Ф а б и а н. Уни фолбинга ўқитиш керак.

М а р и я. Эртага эрталабоқ кўчириқ қилинлар. Графиня бундан жудо бўлишни асло истамайдилар.

М а л ь в о л и о. Бу нима деганингиз, қизча?

М а р и я. Ё тангрим!

С э р Т о б и. Бас, бас-э! Бошқа бир чора топиш зарур. Гапларингиз унинг жаҳлини чиқараётганини сезмайсизларми? У билан мени холи қолдиринглар.

Ф а б и а н. Юмшоқ гапир, шайтоғнинг жаҳли тез, сал нарсага хуруж қилади.

С э р Т о б и. Хўш, жўжагинам, ишлар қалай? Тиркичилик қалай, хўрозчам?

М а л ь в о л и о. Афандим!

С э р Т о б и. «Бригитта, кел, кел!» Йўқ, тақсир, иблис билан ўйнашиш ҳар кимга ҳам ярашавермайди. Куф-куф, алвасти!

М а р и я. Марҳаматли сэр Тоби, сиз уни дуо ўқишга мажбур қилинг, чўқинтиринг.

М а л ь в о л и о. Мен чўқинаманми, маймунча!

М а р и я. Ана, гапим тўғри чиқди: у худодан юз ўгирган.

М а л ь в о л и о. Ҳа, дорга осилгурлар! Муттаҳамлар! Паст маҳлуқлар. Мен тенгингиз эмасман! Ҳали кимлигимни кўриб қўясизлар! (Кетади.)

С э р Т о б и. Хўш, қалай?

Ф а б и а н. Агар бу ҳангомани саҳнада кўрсатилса, аввало мен ўзим, уйдирма, деб ишонмасдим.

С э р Т о б и. Ҳазилимиз юрагини заҳарлабди.

М а р и я. Ҳазилимизнинг заҳри кетгунча унинг кетидан қолманглар.

Ф а б и а н. Биз уни жинни қилиб қўймасак дейман.

М а р и я. Уни жиннихонага олиб кетишса, уй тинчийди.

С э р Т о б и. Юринглар, уни омборга қамаймиз. Унинг телбалигига жияним аллақачон ишонган. Биз ҳазилимизни ўзимизча давом эттириб, жонимизга теккунча маза қилаверамиз. Кейин унга шафқат қилиб қўйиб юборсак ҳам бўлади: аммо бу ишни қонуний бажарамиз. Сенга, Мария, жиннини тутиб берганинг учун мукофот берамиз. Э, ана у ёққа қаранглар!

С э р Э н д р ю киради.

Ф а б и а н. Тагин битта наврўз ҳангомаси!

С э р Э н д р ю. Мана, даъватнома тайёр, ўқинглар! Чамамда сирка билан қалампирдан етарли қўшдим.

Ф а б и а н. Жуда ўткир бўпти-да!

С э р Э н д р ю. Онт ичаман, заҳар, ўқинглар-а!

С э р Т о б и. Бу ёққа чўз! (Ўқийди) «Йигитча! Сен ким бўлсанг ҳам, барибир итваччасан!»

Ф а б и а н. Ҳам нозик, ҳам дадил!

С э р Т о б и. «Буни ўқиб, сенга нега шундай лақаб берганимга ич-ичингдан ҳайрон бўлма, сабабини барибир айтмайман.»

Ф а б и а н. Илмоғи зўр! Йўқ нарсани бор деб бўлмайди-да!

С э р Т о б и (ўқийди). «Сен графиня Оливия ҳузурига келиб менинг кўз олдимда уни аврадинг. Ҳамма гапинг қип-қизил ёлгон. Аммо сени чақираётганимнинг сабаби бу эмас».

Ф а б и а н. Жуда лўнда, лекин ўлгудек маъносиз!

С э р Т о б и (ўқийди). «Сен уйингга қайтаётганингда

мен йўлингни тўсаман ва агар сен мени ўлдириш бахтига сазовор бўлсанг...»

Ф а б и а н. Зўр!

С э р Т о б и (*ўқийди*). «...демак, сен муттаҳам, аблаҳ, қотил экансан».

Ф а б и а н. Ўзингни четга олиб қочибсан.

С э р Т о б и (*ўқийди*). «Кўришгунча хайр, тангри иккаламиздан биримизнинг арвоҳимизни қўлласин. У менинг арвоҳимни қўллаши ҳам мумкин, аммо менинг умидим сенинг арвоҳингдан. Хулласи калом, кўзингни оч! Мени қандай кутиб олишингга қараб—ё сенинг дўстинг, ёки ашаддий душманинг — Эндрию Эгъючик». Уни ничига ўқ-дори тўлдириб ҳам портлатиб бўлмайди. Бўпти, хатни топшираман.

С э р Т о б и. Бор, сэр Эндрию, уни боғнинг бурчагида худди жосусдай пойла. Кўринди дегунча қиличнингни яланғочла-ю, етти пуштини боплаб сўкавер. Кўпинча ботир ботир бўлмай, пайтида бақириб сўкишни болаганлар ботир бўлади. Жўна!

С э р Э н д р ю. Сўкишни боплайман-а!! (*Кетади.*)

С э р Т о б и. Хатни бериб бўпман. Итвачча қадам олишига қараганда анча эсли, одобли бўлса керак. Герцог Орсино билан менинг жияним ўртасида элчи бўлиб юргани ҳам шуни тасдиқлайди. Шу сабабдан хатни фаросатсиз бир эшак ёзганини дарров пайқаб, қилча ҳам қўрқмайди. Яхшиси, мен унга масалани оғзаки тушунтираман. Эндриунинг ботирлигини кўкларга кўтариб мақтайман, уни абжир, ўт, қаттол, деб йигитчанинг миясига роса қуяман. У ёш бўлгани учун бу сафсатага лаққа тушади. Бу муболағалар икковини шунақа даҳшатга соладики, улар бир-бирига аждардай ўт сочиб, ташланади.

О л и в и я билан В и о л а кирадилар.

Ф а б и а н. Ана у, жиянингиз билан келяпти. Бу ердан кетайлик. Улар хайрлашди дегунча йигитчанинг изига тушамиз.

Сэр Тоби. Вақтдан фойдаланиб, мен ҳам болихонадор сўзлар ўйлаб топаман.

Сэр Тоби, Фабиан ва Мария кетадилар.

### Оливия

Битта тошюракка ҳасратларимни  
 Ҳаддан зиёд айтдим. Хавфу хатарга  
 Шаъним, номусимни дучор қилдим. Мен  
 Бу ожизлигимдан минг пушаймонман.  
 Аммо бу ожизлик менга бўйсунмай,  
 Маломат устидан аччиқ кулади.

### Виола

Сизни ўтга солган бу аламли дард  
 Куйдирадн менинг герцогимни ҳам.

### Оливия

Илтимос мана бу олтин туморни  
 Тақиб юринг севгим нишонасидай.  
 Унда суратим бор, қўрқманг, тили йўқ,  
 Сизни қийнамайди, эзмалик қилиб.  
 Елвориб сўрайман, эртага яна  
 Эрталаб бир келинг. Сиз истасангиз,  
 Ҳатто жонимни ҳам фидо қилардим.  
 Фақат пок сақлайман номус-оримни.

### Виола

Орсинони севинг — шудир истагим.

### Оливия

Сизга бағишланган қалбим, ишқимни  
 Наҳот Орсиного бера оламан?

### Виола

Мен руҳсат этаман.

## О л и в и я

Хайр сен фақат  
Эртага албатта кел. О шум иблис,  
Изингдан дўзахга бораман сўзсиз!

Кетади.

Сэр Тоби ва Фабиан кирадилар.

Сэр Тоби. Саломлар бўлсин, йигитга!

Виола. Салом, тақсир.

Сэр Тоби. Енингда қанақа қуролинг бўлса ҳам, тайёрлаб тур. Сен уни қай йўсинда ҳақорат қилганингни билмайман, бироқ сени овчидай кўзига қон тўлган қаттол душманинг боғ этагида пойлаб турибди. Қиличигни яланғочла! Бўш келма! Душманинг ўта абжир, оғзидан ажал ўти сочилиб турибди.

Виола. Янглишасиз, тақсир, мен ҳеч кимга озор берганим йўқ. Ҳатто қўй оғзидан чўп олганимни ҳам эслай олмайман.

Сэр Тоби. Сизни ишонтириб айтаманки, вазият сиз ўйлаганинг аксича, агар жон керак бўлса, кўзингизни очинг. Устунлик ҳар жиҳатдан душманингиз томонда — у ёш, зўр, эпчил, дарғазаб.

Виола. Ким ўзи у, тақсир?

Сэр Тоби. У ўзи ҳукмдорнинг саройида, гилам устида дудама тишлик қилич ўпиб баҳодир унвонини олган бўлса ҳам, қиличбозликда тенгсиз иблис, шу кунгача рақибларидан уч кишини жонидан жудо қилган. Шу дақиқада ҳам қаҳрининг зўрлигидан шердай ҳайқириб турибди, жони чиқиб, мурдаси гўрга кирмагунча шахтидан қайтадиган эмас. Унинг шиори битта: «Ё жонингни бер, ё жонимни ол!»

Виола. Мен саройга қайтиб, графинядан ҳамроҳлар беришини илтимос қиламан. Ўзим дуэль ишқибозларидан эмасман. Одамларнинг ботирлигини сынаб кў-

риш учун атайлаб жанжал чиқарувчилар бўлади, деб эшитганман. Балки у ҳам ана шуларнинг биридир?

Сэр Т о б и. Йўқ, афандим, унинг сиздан аччиқланишига далили бор. Шу сабабдан — тайёрланинг! Сиз унинг даъватини қабул қилишигиз зарур. Токи мен билан олишмагунингизча бу уйга киритмайман. Яхши-си, сиз у билан олишинг. Хулласи калом, ё унинг олдига боринг ёки ҳозир қиличингизни яланғочланг. Олишишга мажбурсиз, бу масала равшан. Ё олишасиз ёки қилич тақиш ҳуқуқидан умрбод маҳрум бўласиз.

В и о л а. Бу ишингиз ҳурматсизлик бўлиши устига, ақлга ҳам сиғмайди. Илтимос: ўша баҳодирдан сўраб беринг-чи, мен уни нима билан хафа қилиб қўйган эканман? Мабодо хафа қилган бўлсам ҳам, эҳтиётсизлик билан, билмай хафа қилгандирман.

Сэр Т о б и. Марҳамат! Синьор Фабиан, сиз бу жанобни қимирлатмай туринг, мен дарҳол келаман. (Кетади.)

В и о л а. Тақсир, бу жанжалдан сал-пал хабарингиз борми?

Ф а б и а н. Мен фақат шуни биламанки, у баҳодирнинг сизни кўрарга кўзи йўқ ва ҳаёт-мамот учун олишади. Билганим шу.

В и о л а. Мумкин бўлса айтсангиз, у ўзи қанақа одам?

Ф а б и а н. Важоҳати унча ваҳимали эмас, аммо нечоғлик ботирлигини олишганда биласиз. Чиндан ҳам, бутун Иллирияда энг эпчил, энг хавфли, энг қаттол қиличбоз. Истасангиз олдига борамиз. Мен сизни у билан яраштиришга уриниб кўраман.

В и о л а. Агар шундай қилсангиз, сиздан ниҳоятда миннатдор бўламан. Мен ботирнинг қиличидан кашишнинг тасбеҳини афзал кўрадиганлар тоифасиданман. Баҳодир деб ном қозонишга унча ҳавасим йўқ.

Кетадилар.

## БЕШИНЧИ САҲНА

Оливиянинг боғи олдида кўча.

Сэр Тоби ва сэр Эндрю кирадилар.

Сэр Тоби. Э, оғайни, у иблиснинг ўзгинаси чиқиб қолди. Шу ёшга кириб, бунақа қиличбозни кўрмаганман. Мен у билан шунчаки кучини синаб кўриш учун яқинига бораманми?— Ҳужумда елдан ҳам тез, чекиниб ташланишда ундан ҳам баттар, оёғи ерга тегмайди, бир сўз билан айтганда— иблис. Уни Эрон шоҳига қиличбозликдан дарс берган дейишади.

Сэр Эндрю. Вой шайтон-эй! Йўқ, мен у билан олишмайман!

Сэр Тоби. Аммо уни шахтидан қайтариш қийин. Фабиан уни базўр ушлаб турибди.

Сэр Эндрю. О зангар-эй! Мен унинг бунақа қиличбоз, ботирлигини билганимда гашига тегмай, орқасидан сўкиб қўя қолган бўлардим. Уни бир амаллаб кўндир: агар бу ишдан воз кечса, саман тойимни совға қиламан.

Сэр Тоби. Майли, мен унга бу таклифни айтиб кўраман. Сен шу ерда кутиб тур. Бўшашма, қаддингни ростла. Бу ишни қон тўкмай, жон чиқармай тугатамиз. (Чегга.) Саман тойингни бўлса, сен эшакни минганимдай маза қилиб минаман.

Фабиан билан Виола кирадилар.

(Фабианга.) Мен буларни яраштирсам, у отини берадиган бўлди. Йигитчанинг таърифини иблисдан ҳам ошириб юбордим.

Фабиан (Сэр Тобига). Йигитча ҳам баҳодиримиз ҳақида шунақа фикрга бориб қолди. Айиқ қувгандай ранги оқариб, тиззаси қалтираяпти.

Сэр Тоби (Виолага). Ҳеч иш чиқмади, афандим. У, онт ичганман, албатта олишаман, дейди. Жанжалнинг сабабига келганда, буни арзимаган бир нарса деб, фикридан қайтди. Хуллас, уни қасам урмаслиги учун қили-

чингизни яланғочланг, шиқаст етказмасликка сўз берди.

**В и о л а** (*четга*). Э худойим, қанақа эркаклигимни айтиб юборишимга сал қолди.

**Ф а б и а н**. Агар у қизишиб кетса, орқага чекининг.

**С э р Т о б и**. Ҳеч иш чиқмади, оғайним Эндрю. Фақат ваъда бериб айтадики, ўртага номус аралашгани учун, дуэль қонунига амал қилади-ю, аммо сенга шиқаст етказмайди. Баҳодирлиги номига онт ичиб, шунга сўз берди. Қани бошла!

**С э р Э н д р ю**. Ё, тангрим, ишқилиб сўзида турсинда! (*Қиличини яланғочлайди.*)

**В и о л а** (*қиличини тутуб*). Сизни ишонтириб айтаманки, мен бу ишни ўз ихтиёрим билан қилаётганим йўқ.

А н т о н и о киради.

А н т о н и о

(*Сэр Эндрюга*)

Шошманг, қинга тиқинг қиличингизни!

Сизга озор берган бўлса бу йигит,

Унинг учун мана, мен олишаман.

Агар сиздан озор етган бўлса, мен

Сизни чақираман, қани, бошладик.

С э р Т о б и

Афандим, қасқдан келдингиз, кимсиз?

А н т о н и о

Менми? Дўстлар учун оғизда эмас

Амалда жонини бергувчиман. Хўш?

**С э р Т о б и** (*қиличини яланғочлайди*). Агар шунақа уришқоқ бўлсангиз, мана, хизматингизга тайёрман.

**Ф а б и а н**. Ўзингизни босинг, сэр Тоби! Миршаблар келяпти.



Икки миршаб кириб келади.

Внола. (Сэр Эндрюга.) Илтимос, тақсир, қиличнингизни қинига солинг.

Сэр Эндрю. Жуда соз, афандим! Аммо ваъдам — ваъда. Отим совутилган, ювош.

Биринчи миршаб

Ана у: ўз вазифангни бажар.

Иккинчи маршаб

Герцог фармони шу: сиз қамалдингиз.

Антонио

Афандим, бу янглиш.

Биринчи миршаб

Йўқ, янглиш эмас!

Гарчанд бошингизда матрос қалпоғи —

Бўлмаса ҳам, сизни дарҳол ташидим.

Ўзи жуда яхши билади.

Антонио

Бўйсунмаан.

(Виолага)

Агар мен сизни излаб,

Кўчага чиқмасам қамалмас эдим.

Дўстим, иложим йўқ, жавоб бераман!

Сиз нима қиласиз?

Мен ҳамёнимни

Қайтариб олишга мажбурман энди.

Бироқ сизга ёрдам беролмаганим

Менга қамоқдан ҳам минг марта оғир!

Сизни хижолатга қўйдим. Начора?

Хафа бўлманг!

## И к к и н ч и м а р ш а б

Қани кетдик, афандим.

## А н т о н и о

Уша ҳамёндаги пулниг ақалли  
Бир қисмини беринг. Мажбурман.

## В и о л а

Ҳамён?

Сиз менинг ёнимни олмоқчи бўлиб  
Узингизга чиндан зиён қилдингиз,  
Ҳатто қамалдингиз, шу сабабдан ҳам,  
Чўнтагимда бўлган озгина пулниг  
Ярмини беришга тайёрман.

## А н т о н и о

Тангрим,

Наҳотки, сиз мендан, аввал кўрсатган  
Барча хизматимдан воз кечмоқчисиз?  
Уз дардим етарли, Мени қийнаманг.  
Наҳот, хизматимни сизга пеш қилиб,  
Узимни юзтубан хўрлашим керак?

## В и о л а

Мен сизни биринчи кўриб турибман,  
Хизматингиздан ҳеч хабарим йўқ.  
Гарчанд нонкўрликдан ёмон нарса йўқ.  
Нонкўрлик ёлғондан, кибру гурурдан,  
Мастликдан ва қонда қаттол заҳардай  
Яшагувчи жами иллатдан ёмон.

## А н т о н и о

О, одил худойим!

## И к к и н ч и м а р ш а б

Кетдик, афандим.

## Антонио

Шошмай туринг.

Икки оғиз сўзим бор!

Мен шу даврангизда турган йигитни  
 Ажалнинг оғзидан тортиб олганман.  
 Уни илоҳий бир муҳаббат билан  
 Не-не балолардан сақлаб қолганман.  
 Гўзал сиймосини ардоқлаганда,  
 Қалби ҳам гўзал, деб сиғинган эдим.

## Биринчи миршаб

Бу гапнинг бизга ҳеч алоқаси йўқ,  
 Вақтни ўтказмайлик. Бўлди, кетайлик.

## Антонио

Фаришта иблисга айлангани шу!  
 Себастьян, ўзинг нурли шаънингга  
 Учмас доғ туширдинг. Қора юрагинг  
 Табиатга иснод келтирди. Афсус,  
 Бундай нонкўрликни кўрмаган эдим,  
 Яхшилик — гўзаллик тимсоли, аммо  
 Ёмонлик дунёда энг хунук нарса.  
 Гўзал либосдаги қора дил эса,  
 Барча ёмонликнинг энг ёмонидир!

## Биринчи миршаб

Ақлидан озди! Бас! кетдик!

## Антонио

Бошланглар.

(*Миршаблар қуршовида кетади.*)

## Виола

У ёниб гапирди. Демак, сўзи рост.  
 Бу нима, ўнгимми ёки туш холос?

Оҳ, кошки, армоним ушалган бўлса,  
Акам ҳалокатдан қутулган бўлса!

Сэр Тоби. Бери кел, баҳодир, сен ҳам, Фабиан,  
бери кел. Узимизнинг ҳикматли гаплардан гаплашамиз.

### В и о л а

Себастьян деди у мени! Акам  
Менга ўхшаб кетар эди жуда ҳам,  
Кийимларимиз ҳам ўхшарди. Тангрим,  
Марҳаматларингни сезмоқда кўнглим,  
Оҳ, кошки, кўрсайдим азиз акамни,  
Қалбим тарк этарди аччиқ аламни!

### (Кетади.)

Сэр Тоби. Беномус, пасткаш гўдак! Қуённинг бо-  
ласидан ҳам кўрқоқ экан-а! Номуссиз бўлмаса, дўсти-  
нинг бошига кулфат тушганда тониб кетармиди! Қўр-  
қоқлигини сен айтиб бер, Фабиан!

Фабиан. Қўрқоқларнинг қўрқоғи экан, у аблаҳ!  
Сэр Эндрю. Ҳозир етиб олиб қулогининг таги-  
га тушираман!

Сэр Тоби. Қойил! Бор, тушир, аммо қилич ишлат-  
ма!

Сэр Эндрю. Шунақа туширайки!..

Фабиан. Юр, уларнинг жангини томоша қиламиз.

Сэр Тоби. Бе, ҳеч қанақа жанг бўлмайди.

### Кетадилар.

### П а р д а

## IV ПАРДА

### БИРИНЧИ САХНА

Оливия уйининг олдида.

Себастьян билан Қизиқчи келадилар.

Қизиқчи. Хуллас, мени сизга юборишганини бўлмаган гап демоқчимисиз?

Себастьян

Бас, тентак! Қимлигинг кўриб турибман.

Бўлди, мени тинч қўй, ишингдан қолма.

Қизиқчи. Мана буниси қойил! Демак, мен сизни танитайман, графиня ширин суҳбатга қақриб келишга мени юборгани йўқ, сизнинг исмингиз синьор Цезарио эмас ва бу бурун ҳам менинг бурним эмас? Хуллас, кўриб турган нарсаларимиз аслида йўқ, шундайми?

Себастьян

Бошқаларга кўрсат кароматингни!

Биз бир-биримизни танитаймиз, бас.

Қизиқчи. «Бошқаларга кўрсат кароматингни!» Бу иборани бирорта олий мартабали зотдан эшитиб олиб, энди мен тентакка ишлатяпти. «Бошқаларга кўрсат кароматингни!» Э, иш шундай кетаверса, қўпол дунёмиз нозиклашиб олифтага айланади. Менга қара, қўй, олиф-талиқни йиғиштириб, менга айт: графиняга нима деб каромат қилай, келади дебми?

## Себастьян

Илтимос, кет энди, бедаво махлуқ!  
 Мана пул, олу кет, агар кетмасанг,  
 Чой пулига бошқа чақа оласан!

Қизиқчи. Онт ичаманки, саховатингга қойилман.  
 Аҳмоқларга пул бергувчи донолар қанчалик сахий бўлсалар,  
 шунчалик обрӯ топадилар.

Сэр Тоби, сэр Эндрю ва Фабиан кирадилар.

Сэр Эндрю. Э, афандим, қўлга тушдингиз! Мана сизга! *(Себастьянни уради.)*

Себастьян *(сэр Эндрюни уради)*. Мана, жавобини ол! Бу ердагиларга бир бало бўлганми, эсларингиз жойндами?

Сэр Тоби. Қўлингни торт, акс ҳолда, бир зарбда қиличинг асфаласофилингга кетади!

Қизиқчи. Ҳозир графиняга хабар бераман. Тилла берсаларинг ҳам сенларнинг ўрнингда бўлишни истамайман. *(Кетади.)*

Сэр Тоби *(Себастьяннинг ёқасидан олади)*. Бас қилинг!

Сэр Эндрю. Уни қўй! Ўзим адабини бераман: ургани учун ишини судга ошираман. Агар Иллирияда адолат бўлса, уни жазога тортади. Биринчи мен урган бўлсам ҳам, бунинг аҳамияти йўқ.

Себастьян. Торт қўлингни!

Сэр Тоби. Йўқ, афандим, осон қутулиб бўпсиз. Қиличингизни қинига солинг, йигитча! Зўр бўлсангиз ҳам, ҳаддингиздан ошманг!

## Себастьян

*(Сэр Тобининг қўлидан чиқиб.)*

Овора бўласан. Хўш, қалайсан, айт!  
 Ё, жўна, ё қиндан қиличингни ол!

(Қиличини яланғочлайди.)

Сэр Тоби. Нима, нима? Баттол, қонингдан бир мисқол тўкмагунимча совумайсан шекилли? (Қиличини яланғочлайди.)

Оливия киради.

Оливия. Тоби, тўхта, агар жон керак бўлса!  
Сэр Тоби. Графиня!..

Оливия

Қўними йўқ саёқ! Сен қачонгача  
Одамларга озор бериб юрасан?  
Сени тоққа ҳайдаш керак, кимсасиз  
Яланғоч чўққилар оралиғига.  
Ёввойилар билан яшайсан, йўқол!  
Азизим Цезарио, беандишанинг  
Қўрслигидан хафа бўлма!

(Сэр Тобига.)

Бор, йўқол!

Сэр Тоби, сэр Эндрю ва Фабнан кетадилар.

Марҳаматли дўстим, газабингни бос,  
У пасткашлар сенга арзимайди: Сен  
Эҳтиросинг билан эмас, баркамол  
Ақлинг билан ҳукм чиқар. Юр. Сенга  
Унинг кимлигини сўзлаб берман,  
Аҳмоқликларидан роса куласан.  
Илтимос қиламан, кетма, бир нафас  
Ёнимда қол. Сенга озор бериб у,  
Аслида, дилимни парчалади, юр!

Себастьян

Тушумми, ўнгимми? Бу қандай хаёл?  
Ё раббий, бу қандай соҳиби жамол?

Агар ўнгим бўлса — улуғ саодат!  
Агар тушим бўлса — уйғонмай абад!

О л и в и я

Сўрайман, қўлимдан ушла, марҳамат!

С е б а с т ь я н

Жоним билан. Бошла.

О л и в и я

Шу менга қисмат.

Кетадилар.

## ИККИНЧИ САҲНА

Оливиянинг уйи.

М а р и я билан Қ и з и қ ч и кирадилар.

М а р и я. Илтимос, мана шу абони кий, иягинга соқол ёпиштир-да, унга ўзингни ҳазрат Маврикий деб таништир. Тезроқ бўл. Мен ҳозир сэр Тобини айтиб келаман. (Кетади.)

Қ и з и қ ч и. Бўпти, абони кийиб, попнинг худди ўзи бўламан. Бунақа або ёпиниб кашиш қиёфасида юрган чала мулалар биргина мен эмас. Рўҳонийнинг айни нусхаси бўлиш учун унчалик семиз эмасман, аммо мулаликка унчалик озгин ҳам эмасман. Бинобарин, бедор кечалардан қуруқ суяги қолган улуғ олим бўлишдан ҳалол одам ва оилапарвар бўлиш афзалроқ. Ана, улфатлар ҳам келишди.

С э р Т о б и ва М а р и я келадилар.

С э р Т о б и. Юпитер паноҳида асрасин, ҳазрат Маврикий!

Қ и з и қ ч и. Ҳей, ким у? Тангри бу зиндони зоҳидни ўз паноҳида асрасин!

С э р Т о б и. Иблис боплаяпти: худди ўзи-я!



Қ и з и қ ч и. Шайтон васвасасига учган Мальволио-нинг зиёфатига келган ҳазрат Маврикий бўламан.

М а л ь в о л и о. Ҳазрат Маврикий, ҳой, ҳазрат Маврикий, марҳаматли ҳазрат Маврикий, маликамга хабар етказинг!

Қ и з и қ ч и. Куф-суф, иблис! На сабабки, шундай бир бандани сеҳрингга олдинг ва нуқул забонида аёлни зикр этурсан?

С э р Т о б и. Пухта айтдингиз, тақсир!

М а л ь в о л и о. Ҳазрат Маврикий, ҳали ҳеч ким бирор кимсага бундай озор берган эмас! Улар мени зиндондан ҳам баттарин омборга қамадилар.

Қ и з и қ ч и. Бечора иблис! Мен шундай бир бандадурманки, ҳатто инс-жинсга ҳам эҳтиромим беҳаддир. Сенга раҳм-шафқатимнинг бонси ҳам шудир. Қоронғида қолдингми, э банда?

М а л ь в о л и о. Бу ер бамисоли жаҳаннам, ҳазрат Маврикий.

Қ и з и қ ч и. Э, бечора, кўрмайсанмики, томи тагида дарчалари бордир ва шимоли-жанубдаги туйнуқлардан зулмат қуйиладир, сен эрсанг, ношукур банда, қоронғиликдан шикоят қиладурсан?

М а л ь в о л и о. Эсим жойида, ҳазрат Маврикий, бу ер қоронғи бўлгани сабабли қоронғи деяпман.

Қ и з и қ ч и. Э телба, саҳв қилдинг. Сабабки, зулмат — сенинг нодонлигингдир, зеро нодонлик бошингги мисрликлар заминидаги тумандай қопламишдир.

М а л ь в о л и о. Ҳақ гап, ҳазрат Маврикий, бу омбор зулмати мисоли нодонлик, яъни жаҳаннам зулматидан ҳам баттарин. Такрор айтаманки, ҳали-ҳануз инсон боласи бундоғ кулфатга гирифтор бўлмаган. Менинг телбалигим сизнинг телбалигингизчалик ҳам эмас. Ҳар қанча савол бериб синаб кўрсангиз, мен розиман.

Қ и з и қ ч и. Пифагор таълимотини ёввойи ўрдакларга татбиқан таърифлаб беринг-чи?

М а л ь в о л и о. Таърифи шуки, бибимиз жонини ўрдак танасида деб фараз қилиш мумкин.

Қ и з и қ ч и. Сен ўзинг бунга нима дейсан?

М а л ь в о л и о. Жон борасида менинг эътиқодим ғоятда баланд, яъни мен Пифагор таълимотини инкор этаман.

Қ и з и қ ч и. Алвидо! Зулматда қолурсан. Токи мен ақлинг мавжудлигига қаноат ҳосил қилмас эрканман, яъни сен бибининг жони туфайли ўрдакка шафқат қилмас, бунинг учун эса Пифагор таълимотини тан олмас экансан, ёруғликка чиқмагайсан.

М а л ь в о л и о. Ҳазрат Маврикий! Ҳо, ҳазрат Маврикий!

С э р Т о б и. Қойил, ҳазрат Маврикий домла!

Қ и з и қ ч и. Қалай, або роса ярашибдими?

М а р и я. Або киймай, соқол қўймай ҳам боппласанг бўлади: у барибир қоронғида сени кўрмайди.

С э р Т о б и. Бор энди, уни ўз товушинг билан гапга сол, кейин келиб айтиб берасан. Хуллас, бу ҳазилнинг охири бахайр бўлсин! Графинянинг менга муомаласи шу қадар музлаб кетдики, бу ўйиндан ўт чиқишидан қўрқаман. Агар уни секин чиқариб юборишнинг иложи бўлса, қўйиб юбор, кетаверсин. Хонамда кутаман, тез кел.

С э р Т о б и билан М а р и я кетадилар.

Қ и з и қ ч и

(куйлайди)

«Эй Робин, менга айт

Севгилинг омонми,

Е, ранги сомонми?»

М а л ь в о л и о. Қизиқчи!

Қ и з и қ ч и

(куйлайди)

«У ортиқ севмайди,  
Енингга келмайди».

Мальволио. Қизиқчи!

Қизиқчи

(куйлайди)

«Ўзганинг шайдоси...»

Ким у, мени чақираётган?

Мальволио. Марҳаматли қизиқчи, менга бир хизмат қил: шам, қалам, қоғоз олиб келиб бер. Худо ҳаққи, умрбод миннатдор бўламан.

Қизиқчи. Жаноб Мальволио!

Мальволио. Ҳа, марҳаматли қизиқчи, бу менман.

Қизиқчи. Э, афандим, наҳотки ақлдан озган бўлсангиз?

Мальволио. Ҳой, қизиқчи, ҳали ҳеч кимнинг бошига бунақа савдо тушмаган. Менинг ақлим худди сенинг ақлингдай жойида.

Қизиқчи. Менинг ақлимдай? Агар сизнинг ақлингиз менинг ақлимча бўлса, унда туппа-тузук аҳмоқ экансиз-да?

Мальволио. Улар мени бу ерга «қамаб, қоронғида сақлашяпти, у эшаклар мени ақлдан оздириш учун олдимга нуқул руҳонийларни юборишади.

Қизиқчи. Ҳой, оғзингизга қараб гапиринг: тақсирим шу ердалар! (Овозини ўзгартириб.) «Мальволио! Мальволио! Парвардигор шифо берсин! Вайсама, эс-ҳушингни йиғиб, уйқуга чекил!»

Мальволио. Ҳазрат Маврикий!..

Қизиқчи. «Э банда, ножинс суханига қулоқ тутма».—Ким, менми? Ҳазрат Маврикий? Яқинига бормайман! Худо сақласин! «Омин!» Имоним саломат, ҳазрат Маврикий!

Мальволио. Қизиқчи, ҳо қизиқчи, қулоқ бер.

Қизиқчи. Сабр қилинг, тақсир, сабр қилинг!

(Четга.) Ҳой, сизлар нима деяпсизлар?— Тақсир, сиз билан сўзлашганим учун мени сўкишяпти.

М а л ь в о л и о. Меҳрибон қизиқчи, менга шам билан қалам, қоғоз олиб келиб бер. Сени онт ичиб ишонтираманки, Иллириядаги бошқа одамлар қанчалик соғ бўлса мен ҳам шунчалик соғман.

Қ и з и қ ч и. Эҳ, кошки эди шундай бўлса, тақсир!

М а л ь в о л и о. Виждоним ҳаққи, гапим рост! Жон қизиқчи, менга шам, қалам, қоғоз топиб кел. Графиняга мактуб ёзаман, элтиб берасан: бунинг бадалига бошингдан зар сочаман.

### Қ и з и қ ч и

(куйлайди)

«Ўқдай кетаман,  
Елдай келаман,  
Қойил қоласиз,  
Шам келтираман,  
Мадад бераман,  
Халос бўласиз.  
Қуф-суф қиламиз,  
Жинни қувамиз,  
Шайтон қочади.  
Озодлик бешак  
Қулоч очади!»

Кетади.

### УЧИНЧИ САҲНА

Оливиянинг бори.  
Себастьян киради.

### Себастьян

Мана ҳаво, мана нурли қуёш, ер,  
Мана, унинг менга берган узуги —

Қўлимда, мен уни сезиб турибман,  
 Мана, мен, вужудим сеҳрига мафтун.  
 Аммо бу телбалик эмас, ҳақиқат.  
 Антонио қани? Меҳмонхонадан  
 Уни тополмадим. Соҳиб айтдики,  
 Борди-ю, мени ахтариб яна  
 Шаҳарга кетибди. Агар у бўлса,  
 Ҳар бир маслаҳати ҳозир мен учун  
 Олтинга баробар бўларди, ҳайҳот,  
 Ақлим билан қалбим бир-бирига зид.  
 Балки хатодир, аммо имоним  
 Комилки, сира ҳам телбалик эмас.  
 Иқбол тангрисининг иноятлари  
 Шу қадар беҳисоб, шу қадар мушкул,  
 Унга ақл асло бовар қилмайди,  
 Ўз кўзимга ўзим ишоналмайман.  
 Ақлим ўгити шу: ё у малика  
 Ё мен телбаланиб қолганман. Бироқ,  
 Мен телба эмасман! Лекин унинг ҳам  
 Эс-ҳуши жойида: аксинча бўлса,  
 У шундай донолик билан саройи,  
 Ишлари ва жами хизмат аҳлига  
 Фармонбардор бўлиб юрармиди? Йўқ!  
 Бунда бир хато бор.

Ана, ўзи ҳам!

О л и в и я к а ш и ш и н и б о ш л а б к и р а д и .

### О л и в и я

Шошқалоқлигимни афв эт!  
 Чиндан ҳам  
 Мени никоҳингга олмоқчи бўлсанг,  
 Юра қол. Бутхона шу ерга яқин.  
 Руҳоний ҳазратим олдида менга  
 Мангу сўз берасан: Оливияга  
 Умрбод вафоли эр бўламан деб.

Қўрқувдан ларзага келган юрагим  
Шундан кейин тинчиб, таскин топади.  
Руҳоний ҳазратим никоҳимизни  
Доим сир тутишга тайёр, қачонки  
Сен буни очишни ихтиёр этсанг,  
Биз менинг мартабам баробарида  
Тўй қиламиз. Сенга маъқулми, жоним?

### Себастьян

Бошласин. Тайёрман мен онт ичишга,  
Сен учун ҳаттоки жондан кечишга!

### Оливия

#### (Кашшга)

Қани, юринг. Тангри ўзи мададкор,  
Никоҳимиз бўлсин мангу шуъладор.

Кетадилар.

Парда

## V ПАРДА

## БИРИНЧИ САҲНА

Оливия уйининг олди.

Қизиқчи билан Фабиан кирадилар.

Фабиан. Агар сен мени севсанг, унинг хатини кўрсат.

Қизиқчи. Илтифотли Фабиан, бунинг бадалига сен ҳам бир яхшилик қил.

Фабиан. Сўра сўраганингни.

Қизиқчи. Уша хатни талаб қилма.

Фабиан. Бу ит совға қилиб, эвазига итимни қайтариб бер, дейиш билан баробар.

Герцог, Виола, Курно ва аъёнлар кирадилар.

Герцог. Дўстларим, сизлар—графиня Оливияга қарашлимисиз.

Қизиқчи. Худди шундай, тақсир, биз унинг ясантусанларимиз.

Герцог. Э, мен сени яхши биламан. Турмуш қалай, оғайни?

Қизиқчи. Ростини айтсам, турмушим душманлар билан яхши, дўстлар билан ёмон.

Герцог. Аксинча, дўстлар билан яхши бўлиши керак.

Қизиқчи. Йўқ, тақсир, ёмон.

Герцог. Нима сабабдан?

Қизиқчи. Сабаби шуки, дўстлар мени мақтаб, эшак қилиб миннишади, душманлар эса эшаклигимни,

тўппа-тўғри юзимга айтиб қўя қолишади. Демак, дўстлар аҳмоқ қилиб юришади, душманлардан ақл ўрганаман. Хулласи калом, агар хулосани бўсага ўхшатиш мумкин бўлса ва тўрт инкор икки тасдиққа тенг бўлса, турмуш дўстлар билан ёмон, душманлар билан яхши бўлиб чиқади.

Герцог. Чуқур гап.

Қизиқчи. Шундай, тақсир. Сиз мени дўст тутсангиз ҳам, виждоним ҳақи, рост гапни айтдим.

Герцог. Сен менинг дўстлигимдан зарар кўрмайсан: ма, мана бу олтинни ол.

Қизиқчи. Тақсир, агар буниникини қилинг десам, икки юзлама деб ўйламанг.

Герцог. О, сен менга ёмон маслаҳат беряпсан!

Қизиқчи. Бу галча, тақсир, виждонингизни чўнтагингизга яшириб қўйинг-да, менинг маслаҳатимга юринг!

Герцог. Кел, икки юзлама бўлсам бўлай, ма яна битта олтин.

Қизиқчи. *Primo, secundo, tertio*<sup>1</sup>— ана шунда иш қойил бўлади. Қаерда уч бўлса — у ерда куч, деган мақол бор. Ибодатга чорловчи қўнғироқ ҳам уч марта: даранг-дурунг-даранг деганда қимирлаб қоламиз.

Герцог. Бу аскиянг билан мenden энди қора чақа ҳам ололмайсан. Аммо менинг келганимни, графиня билан сўзлашиш истагимни унга хабар қилсанг, уни бу ерга бошлаб чиқсанг, бу ишинг сахийлигимни яна уйғотиши мумкин.

Қизиқчи. Илоҳи, мен келгунимча сахийлигингиз бошқага уйғонмасин. Кетдим, тақсир. Лекин сиз менинг олтинга муҳаббатимни пулпарастлик деб ўйламанг. Хулласи калом, тақсир, сахийлигингиз бир оз мудраб турсин: мен уни ҳозир уйғотаман. (*Кетади.*)

Антонно ва миршаблар кирадилар.

<sup>1</sup> Бир, икки, уч.



## В и о л а

Ҳукмдорим, менинг халоскорим шу.

## Г е р ц о г

Юзи менга таниш, гарчанд мен уни  
Сўнгги марта кўрган чоғимда худди  
Бурқиб ётган вулқон сингари буткул  
Қора, илма-тешик ясси кеманинг  
Капитани эди, флотимдаги.

Энг кучли, энг яхши кемага қарши  
Арслондай олишди. Ҳасадда ёниб,  
Талафотларимиз буткул унутиб,  
Шарафга сазовор жанговарликка  
Таҳсинлар ўқидик. Қани, нима гап?

## Б и р и н ч и м и р ш а б

Ҳукмдор! Кандиядан катта мол билан  
Бизга келаётган «Семурғ» кемасин  
Йўлда босиб олган қароқчи шудир,  
«Қоплон» кемамизга қарши жанг бошлаб  
Уни асир олган қароқчи ҳам шу.  
Сўнгги олишувда жиянингизнинг  
Оёғи кесилган. Биз бугун уни  
Кўчада ушладик. Тартибни бузиб,  
Қиличбозлик қилиб турарди.

## В и о л а

## М е н и

Ёқлаб қиличини яланғочлади.  
Аммо унинг айтган сўзларидан мен  
Довдирамоқда, деб шубҳага тушдим.

## Г е р ц о г

Шухратли қароқчи, денгиз ўғриси,  
Менга айт-чи, қандай телбалик сени

Узингдан қонли ўч олишга тайёр —  
Одамлар ҳукмига топшира қолди?

### Антонио

Ҳукмдор Орсино, менга тақилган  
Унвоиларни буткул инкор этаман:  
Антонио ўғри, қароқчи эмас,  
Сизга ашаддий ёв бўлса ҳам, сеҳр  
Бу ерга келтирди кўзимни боғлаб,  
Тасодиф менинг шу қўлларим билан  
Пўртана қаъридан жонсиз йигитни  
Омон олиб чиқди. Ана у!

Ажал —

Уни ўлжа қилиб ютмоқда эди:  
Унинг ҳаётини мен туҳфа этдим,  
Кейин қизғин севиб, ниҳояси йўқ —  
Ҳурмат билан қаттиқ боғланиб қолдим,  
Шу жонимга азиз йигит туфайли  
Менга душман бўлган шаҳарга дадил  
Қадам қўйишга ҳам жасорат қилдим.  
Қилич ушлашимнинг сабаби ҳам шу,  
Қўлга тушганимда эса, бу пасткаш  
Шерик бўлолмади қора кунимга,  
Номусини ютиб мендан воз кечди,  
Шундан кейин менга аллақачонлар  
Эсдан чиқиб кетган буюм сингари  
Қадрини йўқотди. Уни ардоқлаб,  
Бундан фақатгина бир соат бурун  
Берган ҳамёнимдан тонди, бу орсиз.

### Виола

Сен бизга афсона сўзлаяпсан!

### Герцог

Хўш,

Бу шаҳарга қачон келдинг?

А н т о н и о

Шу бугун

Эрталаб келганман, шонли ҳукмдор,  
Биз бу билан уч ой бирга яшадик,  
На кундуз, на тунда бирор дақиқа  
Ажралмаганмиз.

О л и в и я аъёнлари билан киради.

Г е р ц о г

Қандай бахт: осмон ҳам ерга тушаркан!—  
Сен телба бўлибсан. Бу йигит менда,  
Мана, уч ойдирки, хизмат қилади.  
Бу гапларни кейин гаплашармиз. Бас,  
Илтимос қиламан. Четга ўтинглар.

О л и в и я

Келинг, марҳаматли ҳукмдор, хизмат?  
Оливия тайёр хизматингизга,  
Биргина нарсдан мустасно фақат.—  
Цезарио, шуми ваъдага вафо!

В и о л а

Графиня!

Г е р ц о г

Гўзаллар шоҳи, маликам!..

О л и в и я

(Виолага)

Цезарио, нега индамайсан? Айт!

В и о л а

Менинг ҳукмдорим гапирган жойда  
Мен сукут сақлайман.

О л и в и я

Шуни билингки,

Яна эскича гап қилсангиз, унда  
У важу корсонлар жонимга тегди.  
Эски оҳангларга қулоғим ҳам кар.

Г е р ц о г

Демак, аввалгича, бағрингиз тошми?

О л и в и я

Йўқ, ҳар қачонгидай қарорим қатъий.

Г е р ц о г

Бағри тошликками?

Эвоҳ, шафқатсиз —

Малика, муқаддас орзуларимни  
Сенинг бемурувват меҳробингга мен  
Олиб келган эдим. Демак, нажот йўқи!  
Энди нима қилсам экан?

О л и в и я

Ҳукмдор,

Нима истасангиз, ихтиёрингиз.

Г е р ц о г

Жон берар чоғида маъшуқасини  
Ўлдирган мисрлик қароқчи каби,  
Дунёда энг азиз билган кишимни  
Мен ҳам бўғибгина ўлдирсаммикан?  
Ахир, гоҳ-гоҳида омонсиз рашк ҳам  
Олижаноблик деб ҳисобланади!  
Қулоқ солинг: менинг садоқатимни  
Қадрламадингиз сиз заррача ҳам,  
Майли, сиз, раҳмсиз малика, яшанг,  
Майли, даврон суринг. Ва лекин мени  
Сизнинг қалбингиздан суриб чиқарган

Мана шу севгили ошиғингизни  
 Гарчанд юрагимга яқин бўлса ҳам,  
 Нима қилишимни ўзим биламан,  
 Токи ҳукмдорин ҳаққини ютиб,  
 Айш суриб юрмасин! Цезарно, юр.  
 Сенга ғазабимни кўрсатиб қўяй.  
 Ювош қўзичоғим, юра қол, етар!  
 Сен каптар шумликда қарғадан баттар.

### В и о л а

Кўнглингизга ором бериш туфайли  
 Минг марта ўлимга тайёрман, майли.

### О л и в и я

Цезарно, тўхта! Қаёққа!

### В и о л а

Севгим,  
 Ҳукмдорим мени бошлаган ёққа,  
 У кўзларим нури, жонимдай азиз,  
 У ҳаётимдан ҳам минг қатла лазиз,  
 Унга муҳаббатим кундай ёруғдир.  
 Хотинлар ишқидан зўрдир, улуғдир.  
 Танграм, олганингда менинг жонимни,  
 Севгимни оқлагил, тўкиб қонимни!

### О л и в и я

О, шўрим, у мени алдади!

### В и о л а

Сизни —

Ким алдади ва ким ҳақорат қилди?

### О л и в и я

Ё раббий! Эсингни едингми, ахир?  
 Кашишни чақириб келинглари!

Хизматқорлардан бири кетади.

Герцог

Сен, юр!

Оливия

Қаёққа? Цезарио, эрим, тўхта!

Герцог

Эрим?

Оливия

Эрим! Унинг ўзи тасдиқласин!

Герцог

Сен?

Маликанинг эри?

Виола

Йўқ, ундай эмас,

Онт ичаман!

Оливия

Ниҳоят, тубан бир қўрқув  
Сени ўз бахтингдан тондира олса?  
Цезарио, қўрқма, ўз омадингни  
Рад қилма. Пинҳоний никоҳ туфайли  
Улуғ мартабага ноил бўлгансан,—  
Ҳозир қўрқиб турган одаминг билан  
Сен ҳар бир жиҳатдан тенг бўлажаксан!

К а ш и ш к и р а д и .

Оливия

Сен вақтида етиб келдинг! Сўрайман,  
Руҳоний ҳазратим, тангри ҳаққи, айт,  
Сенинг ҳузурингда мана шу йнгит  
Мени никоҳига олганми, йўқми?

Гарчанд биз бу сирни пинҳон сақлашга  
Аҳду паймон қилган эдик. Начора:  
Тасодиф аҳдимиз фош этиб қўйди.

### К а ш и ш

Сизнинг муҳаббатли никоҳингизни  
Уқидим, умрбод бошларингизни  
Ўзим қовуштирдим, бармоқларингиз  
Олтин узуклардан порлади, яна  
Онт ичиб, ўпдингиз бир-бирингизни.  
Хуллас, никоҳ учун зарур маросим,  
Менинг қўлим билан адо этилди.  
Шундан бери мен ҳам қабримга томон  
Фақат икки соат яқинроқ бордим.

### Г е р ц о г

Ҳозир шундай бўлсанг, эй иблисбачча,  
Сочларинг қор каби оқарганида,  
Яна қандай ҳунар кўрсатаркансан?  
Ёки, ёлғончилик — шу мудҳиш аждар  
То унгача ютиб юборадими?  
У сеники: майли, суравер роҳат,  
Ва лекин йўлимда учрама фақат!

### В и о л а

Онт ичаман...

### Г е р ц о г

Ичма, на даркор!

Қўрқоқ ҳам бўлмасин юзтубан, беор.

Боши ёрилган сэр Эндрю киради.

Сэр Эндрю. Худо ҳаққи, табибга одам юборинг-  
лар! Сэр Тобига дарҳол табиб керак!

Оливия. Нима бўлди?

Сэр Эндрю. У менинг бошимни ёрди, ammo сэр

Тобининг мия суягини чил-чил қилди. Худо ҳаққи, ёрдам беринглар! Ҳозир уйимга етиб олиш учун бор-будимни беришга тайёрман!

О л и в и я. Ким у, сэр Эндрю?

Сэр Эндрю. Герцогнинг мулозими, оти Цезарио. Биз уни қўрқоқ деб ўйлаган эдик, ашаддий иблис чиқиб қолди.

Г е р ц о г. Менинг хизматкорим? Цезарио?

Сэр Эндрю. Ё алҳазар, ана у! Сиз арзимаган нарсага бошимни ёрдингиз, аслида мени сэр Тоби гиж-гижлади.

В и о л а. Нималар деяпсиз? Мен сизга, тақсир, текканим йўқ. Бошлаб қиличингизни сиз қиндан тортдингиз. Мен эса, сизга дағал гапирмадим, юмшоқ сўзладим.

Сэр Эндрю. Агар бошим ёрилгани чин бўлса, у ҳолда бу сизнинг ишингиз. Сиз бош ёришни юмшоқ сўзлаш, десангиз керак?

**Қизикчи маст сэр Тобини судраб киради.**

Ана, сэр Тоби ҳам базўр сургалиб келяпти. У ҳозир батафсил сўзлаб беради. Қайфи ошиб қолмаганда адабингизни берарди-я!

Г е р ц о г. Хўш, баҳодир, сизга нима бўлди?

Сэр Тоби. Қип-қизил иблис экан. Бошни еди! Хой, теңтак, табибни топдингми?

Қизикчи. Ана тақсир, бир соатдирки, фирт маст, эрталаб соат саккиздан бери кўзини очишга мажоли йўқ.

Сэр Тоби. Э, ҳайвон, аблаҳ! Ҳайвоннинг мастига тоқатим йўқ.

О л и в и я. Уни олиб кетинглар. Буларни урган ким бўлди экан-а?

Сэр Эндрю. Менга суял, сэр Тоби, кетдик, иккаламизнинг бошимизни бирга куйдириб боғлайдилар.

Сэр Тоби. Сенга суялайми? Эҳ, сен мақтанчоқ эшак, нодон!



Оливия. Уни ўрнига ётқизиб, ярасини боғланглар.

Қизиқчи, Фабиян, сэр Эндрю ва сэр Тоби  
кетадилар.

Себастьян киради.

Себастьян

(Оливияга)

Афсуслар бўлсинки, амакингизни  
Мен ярадор қилдим, Иттифоқо у,  
Ўз акам бўлса ҳам, шундай қилардим.  
Шунга мажбур бўлдим, ўз ҳаётимни  
Олиб қочмоқ учун хавф-хатардан.  
Мендан қаттиқ хафа бўлганингизни  
Кўз қарашингиздан сезиб турибман,  
Гўзал графиня, бир-биримизга  
Ичган онтларимиз ҳаққи, кечиринг.

Герцог

Бир чеҳра, бир кийим, овозлар ҳам бир,  
Аммо икки одам! Иккаласи ҳам,  
Жаҳонномадаги суратнинг ўзи!

Себастьян

Азиз Антонио, меҳрибон дўстим!  
Сени кўрмагандан бери ҳар соат  
Худди узун йилдай мени қийнайди!

Антонио

Сен — Себастьянми?

Себастьян

Ё, шубҳанг борми?

## Антонио

Иккига бўлиниб қолганинг қизиқ!  
Икковингиз — икки томчи сув каби —  
Жуда ҳам ўхшайсиз, Себастьян ким?

## Оливия

Ақлга сиғмайди!

## Себастьян

Ё мен у, ё у — мен!

Ака-укаларим бўлмаган. Менда  
Илоҳий куч йўқки, айни бир вақтда  
Ҳамма ерда бўлсам. Синглимни эса,  
Денгиз тўлқинлари қаърига ютган.

## (Виолага)

Худо ҳаққи, балки қариндошдирмиз?  
Айтинг: қаерликсиз, исмингиз нима?

## Виола

Мессалин ороли — менинг ватаним,  
Себастьян бўлган отамнинг оти.  
Лекин отам оти билан аталган  
Себастьян деган акам бор эди.  
Менинг кийимимдай кийимда уни  
Денгиз ўз қаърига омонсиз ютган,  
Агар ер юзида арвоҳ ўзганинг —  
Юзи, либосида кўрина олса,  
Демак, сен ўшандай бир хаёл бўлиб,  
Бизни қўрқитишга келган арвоҳсан.

## Себастьян

Майли, арвоҳ бўлай, лекин туғилган —  
Кунимдан заррача ўзгармаганман,  
Агар қиз бўлсангиз бағримга босиб

Юзингизни кўзим ёшлари билан  
Ювиб дердим: «Марҳум Виола, тирил,  
Яна синглим бўлиб дунёда яша!»

Виола

Ҳали ҳам эсимда: марҳум отамнинг  
Унг қоши устида холи бор эди.

Себастьян

Менинг ҳам отамда бор эди у хол.

Виола

Виола ўн учга тўлганда унинг  
Туғилган кунда отам жон берган.

Себастьян

О, ҳамон ёдимда ўша мудҳиш он!  
Ҳа, синглим ўн учга тўлган кунда  
Дунё ишларини тугатиб кетган.

Виола

Агар бахтимизга устимдаги бу  
Эркаклар либоси халақит берса,  
Мени қучоқлама. Сабр қилайлик.  
Виола олдингда турганини вақт,  
Вазият ва муҳит тасдиқлаб берсин.  
Шу яқин ўртада, мени қутқарган  
Капитан яшайди. Борамиз. Менинг  
Қизлик кийимларим унинг уйида.  
У мени қутқаргач, мен марҳаматли —  
Орсинога учраб, хизматга кирдим.  
Уша кундан бошлаб менинг тақдирим  
Орсино ва гўзал графинянинг  
Тақдирига ажаб улашиб кетди.

## Себастьян

Демак, графиня, сиз янглишгансиз,  
Аммо табиатнинг сизга кўрсатган  
Йўли ҳақиқатдир. Сиз қиз болага  
Турмушга чиқишни орзу қилгансиз,  
Онт ичаман, пухта нишон олгансиз,  
Сиз ҳам сингил билан, ҳам ака билан  
Бир вақтда никоҳга киргансиз.

## Герцог

Нега

Қизариб кетдингиз? Себастьяннинг  
Сизга муносибдир наслу насаби.  
Агар бу ҳаммаси туш бўлмаса-ю,  
Чин ҳақиқат бўлса, у ҳолда мен ҳам  
Денгизнинг қаърига кетган кемадан  
Бахтим-насибамни узиб оламан.

## (Виолага)

Сизни хотинлардан афзал кўраман,  
Жонимни беришга тайёрман, дея  
Менга минг-минг марта айтган сўзларинг  
Эсингдами?

## Виола

Уни қайта онт ичиб  
Такрорлашга ҳамон тайёрман. Само  
Ўз ойи, қуёши, юлдузларини  
Доим паноҳида асраганидай,  
Мен ҳам пок ишқимни қалбимда асраб,  
Ичган онтларимга содиқ қоламан.

## Герцог

Менга қўлингни бер, энди ўзингни  
Қизлик кийимингда кўрсат.

## В и о л а

## Қийимим

Соҳилга чиқариб қўйган капитан  
Уйда ва лекин Мальволионинг  
Шикоят билан у капитанни  
Қамоққа олганлар.

## О л и в и я

## У капитанни

Шу соатда озод қилинлар!  
Дарҳол  
Мальволио етиб келсин. Шўрликни  
Энди эслабман. У телба бўлгандир.

**Хат кўтарган Қизикчи ва Фабиан кирадилар.**

Одам ўзи телба бўлган кезлари  
Бошқа телбаларни унутар экан.  
Қим билади, унинг аҳволи қандай?

Қизикчи. Қандай бўларди, графиня, у шайтон билан бир одамчалик олишиб ётибди. Мана, сизга мактуб бериб юборди. Мен бунинг сизга эрталабоқ берсам бўларди, бироқ жиннининг мактуби инжил эмас, қачон ўқиса ҳам бўлаверади.

Оливия. Мактубни очиб, ўқи.

Қизикчи. Мана бу жазони қаранг, тентак жиннининг хатини ўқирмиш! «Худо ҳофиз, графиня...»

Оливия. Нима, жинни бўлдингми?

Қизикчи. Йўқ, графиня, мен жиннининг сўзларини ўқияпман, холос. Агар қироат билан ўқишимни истасангиз, бўлманг.

Оливия. Маъноли қилиб ўқи!

Қизикчи. Хўп бўлади, маликам. Аммо бундан бир маъно чиқсин, дейилса, мендақа қироат билан ўқиш керак. Қулоқ солинг, маликам...

Оливия. Фабиан, сен ўқи!

Ф а б и а н (*ўқийди*). «Худо ҳофиз графиня, сиз мени хафа қилдингиз ва бу мажаро оламга машҳур бўлди. Гарчанд сиз мени зиндонга ташлаган ва маст амакингиизнинг қўлига топшириб қўйган бўлсангиз ҳам, менинг ақлим, худди сизнинг ақлингиздек жойида. Мени бу қўйга солган сизнинг мактубингиздирки, мен уни кўрсатиб ўзимни оқлашимга ва сизни қизартиришимга ишонаман. Менинг ҳақимда нима ўйласангиз ўйлайверинг. Мен сизга ҳурмат-эҳтиромимни вақтинча фаро-муш қилдим ва таҳқириланган одамдай аччиқландим.

Телба аҳволидаги ҳақир Мальволио».

О л и в и я. Буни у ёздими?

Қ и з и қ ч и. Ҳа, графиня.

### Герцог

Хатдан жиннига ўхшамайди у.

### О л и в и я

Фабиан, бор, уни озод қил, дарҳол

Бу ерга олиб кел.

Ф а б и а н кетади.

Агар ҳукмдор,

Мени рафиқангиз ўрнида эмас,  
Синглингиз ўрнида кўриб севсангиз,  
Ижозат берсангиз, менинг қасримда  
Бир кунда икки тўй тантана қилсин.

### Герцог

Таклифларингизга жондан розиман.

(*Виолага*)

Ҳукмдоринг сени озод этади.  
Меҳрибонликларга ўрганган нозик —  
Қиз табиатингга кўп машаққатли  
Оғир хизматларинг бадалига мен

Сенга ҳаётимни тақдим этаман.  
Шу соатдан бошлаб — сен маликамсан.

О л и в и я

Менга сингил бўлинг!

Фабьян Мальволио ни бошлаб келадн.

Г е р ц о г

Телба шуми?

О л и в и я

Ҳа.

Уша. Мальволио, сенга не бўлди?

М а л ь в о л и о

Графиня, мени ҳаддан зиёда  
Хафа қилдингиз.

О л и в и я

Мен? Йўқ, бўлмаган гап!

М а л ь в о л и о

Жуда қаттиқ хафа қилдингиз. Мана,  
Хатингиз. Уқингиз. Ишонаманки,  
Сиз ўз сўзларингиз инкор этмассиз.  
Буни сиз бошқача ёзиб кўрингиз,  
Бошқа услуб билан баён қилингиз,  
Ҳарфларидан тониб, муҳрингизни ҳам  
Тан олмай кўрингиз. Барибир, буни  
Эътироф этишга мажбур бўласиз,  
Чунки инкор этиш ғоятда мушкул.  
Хуллас, иқроқ бўлинг: нима сабабдан  
Сиз менга муҳаббат изҳор этдингиз.  
Нега жилмайишга фармон бердингиз,  
Нега сариқ пайпоқ кийиб, болдирга

Сариқ боғичларни кўндаланг боғлаб  
 Юришни ёздингиз? Хизматкорларга,  
 Ҳатто сэр Тобига баланддан келиб  
 Қўпол муомала қилгин, дедингиз?  
 Тобе қулингиздай, фармонингизни  
 Умид билан буткул бажо келтирдим.  
 Сиз бўлсангиз, мени ноҳақ, телбага  
 Чиқариб, омборга қамаб қўйдингиз.  
 Бу ҳам етмагандай, поп юбордингиз,  
 Жинни ҳам, аҳмоқ ҳам мен бўлдим, ҳамма  
 Мазах қилиб кулди менинг устимдан;  
 Айтинг, нега шундай қилдингиз?

### О л и в н я

Шўрликлар!

Бу менинг хатимга ўхшаб кетса ҳам,  
 Лекин менинг қўлим эмас. Шубҳасиз,  
 Бу хатни Мария ёзган. Ҳа, энди  
 Эсладим. Мария биринчи бўлиб  
 Телба бўлганингни айтгани тўғри.  
 Кейин сен кўриндинг чучмал жилмайиб  
 Хатда таърифлаган сариқ пайпоқда.  
 Бўлди, ўзингни бос, сени роса ҳам  
 Майна қилишибди. Аммо бу ишнинг  
 Сабабчиларини төпамиз. Ишон,  
 Чора кўрилганда ўйинбозларга  
 Ҳакам ҳам, даъвогар ҳам ўзинг бўласан.

### Ф а б и а н

Графиня, шундай қувончга тўла,  
 Чиндан саодатли, нузли соатга  
 Шякоят, жанжаллар соя солмасин.,  
 Шундай умид менга жасорат бериб,  
 Эътироф этаман: Мальволионинг  
 Қўрслиги, ҳавойи ғурури учун,  
 Эсини киргизиш нияти билан,



Буни ўйлаб топган мен билан Тоби.  
 Хатни сэр Тобининг талаби билан  
 Мария ёзгани рост. Тоби унга  
 Уйланишни ваъда қилди. Алқисса,  
 Бу ҳазилда ёмон ниятдан кўра  
 Шўхлик кўпроқ. Хуллас, қасосни эмас,  
 Шодликни тақозо этади бу иш.  
 Энди ҳақоратга келсак, ҳар икки —  
 Томонга баробар келади — бўлсак.

О л и в и я. Бечора, улар сени роса кулги қилишибди-да!

Қ и з и қ ч и. Ҳа, «бировлар мартаба билан туғилдилар, бошқалар мартабага машаққат билан эришадилар, аммо ўзгаларга мартаба осонликча насиб қилади». Мен ҳам, жаноблар, бу комедияда ҳазрат Маврикий деган бир зотнинг ролини ўйнадим. Ҳа, энди бўлар иш бўлди. «Худо ҳаққи, қизиқчи, мен жинни эмасман!» Тағин мана бу ери эсингиздами? «Сиз, олий мартабали маликамининг бундай бефаросат аблахнинг қизиқчиликларидан роҳатланишингизга ҳайрон қоламан!» Давр чархи айланиб-айланиб, ана шундай ўч оларкан.

М а л ь в о л и о. Сен муттаҳамлардан қасос оламан!

(Кетади.)

О л и в и я

Эҳ, шўрлик, чиндан ҳам мазах бўлибсан!

Г е р ц о г

Дарҳол орқасидан қувиб етинглар!  
 Уни муросага келтириш керак!  
 Бизга капитанни сўзлаб беради.  
 Шундан кейин, майли, тўй бўлса-бўлсин.  
 Муҳаббатли никоҳ ҳукмига ўтиб,  
 Роҳатда яшаймиз. То унга қадар,

Синглим, сизникида меҳмон бўламиз.  
 Цезарио, кетдик! Сен бу кийимни  
 Ечганингга қадар, шундай атайман,  
 Ва лекин либосинг ўзгарган онда,  
 Севимли хотиним, дейман, жаҳонда!

Кетадилар.

Қ и з и қ ч и

(Куйлайди)

Мен ёш эдим, бебош эдим —  
 Худди ёмғир, шамол, дўл.  
 Улфатларга кўз-қош эдим,  
 Ҳаммани шод этиб мўл.  
 Энди ёшим улғайса ҳам,  
 Ҳамон мен дўл, ел, ёмғир.  
 Қўшниларим дод деса ҳам  
 Менга қилмайди таъсир.  
 Хотин олдим — уйим обод,  
 Лекин мен ел, суронман.  
 Ур-йиқитдан ҳамма дер дод,  
 Мен эса сел, бўронман.  
 Ахир, бўлдим ожиз бир чол,  
 Ёмғир ҳамон қуяди.  
 Оғзимда нон, қўлда сопол,  
 На ел, на сел тияди.  
 Дунё ўзи кўп бевафо, —  
 Худди ёмғир, сел, шамол.  
 Эй жаноблар, суринг сафо,  
 Кулишайлик бемалол.

(Кетади).

П а р д а

---

# МУНДАРИЖА

5

*Воҳид Зоҳидов*

**БАДИИЙ ДАҲО МУЖАССАМИ**

21

**РОМЕО ВА ЖУЛЬЕТТА**

*Мақсуҷ Шайхзода таржимаси<sup>1</sup>*

179

**ОТЕЛЛО**

*Ғафур Ғулом таржимаси*

373

**УН ИККИНЧИ КЕЧА ЕКИ**

**ТУРФА ҲАНГОМАЛАР**

*Ҳамид Ғулом таржимаси*

---

<sup>1</sup> Асар Санкт-Петербургдаги «Бракгауз-Эфрон» нашриётининг 1903 йил нашрдан (П. Вейнберг таржимаси) таржима қилинган.

На узбекском языке

ВИЛЬЯМ ШЕКСПИР

Избранные произведения в 5-ти томах

Том I

ТРАГЕДИИ

КОМЕДИЯ

Редактор *Р. Абдурашидов*

Рассом *И. Кириакиди*

Расмлар редактори *А. Бобров*

Техн. редактор *Т. Смирнова*

Корректор *М. Абдусаломова*

ИБ №1567

Босмахонага берилди 23.03.81. Босишга рухсат этилди 20.11.81  
Формати 70x90<sup>1/32</sup>. Босмахона қоғози №1 Адабий гарнитура.  
Юқори босма, Шартли босма л 17.84. Нашр л 19.94. Тиражи 10000.  
Заказ № 1395. Баҳоси 2 с. 20 т., мелований қоғозда 3 с. 90 т.  
Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти 700129, Тошкент,  
Навоний кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси иш-  
лари Давлат Комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб  
чиқариш бирлашмаси. Тошкент, Навоний кўчаси, 30.

### Шекспир, Вильям

Танланган асарлар: 5 жилдлик [Таҳрир ҳайъати  
С. Азимов ва бошқ.]. Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти,  
1981.—

I-жилд. Ромео ва Жульетта. Отелло. Ун иккин-  
чи кеча. 1981. 488 б.

Жаҳон адабиётининг буюк намояндаси Вильям Шекспир-  
нинг беш жилдлик «Танланган асарлар»и нашр этилмоқда.  
Ушбу биринчи жилдга «Ромео ва Жульетта», «Отелло» каби  
машҳур фожиалар, «Ун иккинчи кеча» комедияси киритилди.

«Ромео ва Жульетта» — мангу сўнмас ишқнома, «Отелло» —  
разолат ва бадбинлик устидан ўқилган буюк айбнома, «Ун  
иккинчи кеча» оптимистик руҳ билан сугорилган, хушчақчақ  
комедиядир.

Шекспир, Вильям. Избранные произведения. В 5-ти  
т. Т. I. Трагедии. Комедия.

И (Англ)